

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ  
ИНСТИТУТИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НОСИРЖОН УЛУҚОВ

ЎЗБЕК ТИЛИ ГИДРОНИМЛАРИНИНГ  
ТАРИХИЙ-ЛИСОНИЙ ТАДҚИҚИ

Тошкент  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
«Фан» нашриёти  
2008

Монография Наманган давлат университети Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Монография филолог олимлар, аспирантлар, магистр ва бакалаврлар, шунингдек, ўзбек гидронимикаси билан қизиқувчи мутахассисларга мўлжалланган, унда ўзбек тили гидронимлари тарихий-лисоний жиҳатдан тадқиқ этилган. Гидронимика соҳаси ўрганадиган масалалар мундарижаси, гидронимлар доираси белгиланган ва ўзбек тили гидронимларининг лексик-семантик, ясалиш, морфемик ва морфологик хусусиятлари ёритилган.

Масъул муҳаррир:

ф.ф.д., проф. Э.Бегматов

Тақризчилар:

ф.ф.д., проф. А.Нурмонов,

ф.ф.н., доц. Т.Нуъмонов

Улуқов, Носиржон

Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи: // Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти; Наманган давлат университети. – Тошкент: Фан, 2008. – 192 б.

© ЎзРФА «Фан»  
нашриёти, 2008 йил

ISBN 978-9943-09-601-1

## К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикаси Ўрта Осиёнинг марказий қисмида, асосан Амударё ва Сирдарё оралиғида кенг майдонни эгаллаган. Республиканинг тоғ олди зонаси ва тоғли жойлари жуда кўп сой ҳамда кичик дарё ўзанлари билан парчаланган.<sup>1</sup>

Дарёлардаги сув оқимини мавсумий тартибга солиб турувчи сунъий қўл - сув омборлари ҳам кўп. Ўлчами ва йиғилган сув ҳажми жиҳатидан сув омборлари Ўзбекистондаги табиий сув ҳавзаларидан бир неча баробар ортиқ.

Ўзбекистон ҳудудида *дарё, сой, ариқ, канал, жилға ва ирмоқ* каби сув объектлари кўп. Жумладан, Фарғона водийсида 6500 га яқин дарё, сой, жилғалар, Зарафшон дарёсининг ўрта оқимида 120 яқин сойлар, Қашқадарёда 3120, Сурхондарёда эса 2200 дан ортиқ дарё, сой, жилғалар мавжуд.<sup>2</sup> Шунингдек, Ўзбекистонда 53 сув омбори, 41 ГЭС, 1456 насос станцияси, 134 минг км зовурлар, 30 минг км ички тармоқ каналлари қурилган бўлиб, 4,3 млн. гектар ер майдонини суғоради.<sup>3</sup> Албатта, мазкур сув объектларининг барчаси ўзининг атоқли номига эга.

Ҳ.Ҳасанов топонимларнинг бир тури - сув объектларининг номлари ҳақида фикр юритиб, Марказий Осиёдаги «...гидронимия - дарё ва кўлларнинг номи мутлақо қўл тегмаган масаладир», - деб гидронимларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлаган эди.<sup>4</sup> Бу фикрлар бундан 50 йил мукаддам айтилган бўлса-да, ҳозир ҳам ўз кучида қолмоқда.

Топонимларнинг бир тури бўлган гидронимлар халқ тарихи билан боғлиқ бўлиб, миллий тилнинг, халқ ижтимоий ҳаёти, маданияти ва маънавиятининг ўзига хос қирраларини ифода этувчи лисоний қатлам ҳамда хазинадир. Жой номлари сингари гидронимлар ҳам аجدодларимиздан ҳозирга қадар етиб келган

<sup>1</sup> Каранг Тўхтеш Н., Кременцова А. Ўзбекистон Республикаси: Энциклопедик маълумотнома -Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002 -Б.9-17

<sup>2</sup> Сяклов А. Тоғ сойлари-суғорми манбаи -Тошкент: Фан, 1974 -Б.14.

<sup>3</sup> Баксева М., Раҳимов Ш. Гидротехника // Ўзбекистон миллий энциклопедияси, -Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. - 2-ж - Б.698.

<sup>4</sup> Каранг Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. - Тошкент: Фан, 1965. - Б.18

улкан маданий-маънавий мерос, миллий қадриятларнинг бебаҳо намунасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов тўғри таъкидлаганидек, «Эрамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, шу кунгача кўрку файзини, маҳобатини йўқотмаган осориатиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда деҳқончилик, ҳунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради».<sup>1</sup>

Топонимик тизимда ўзининг табиийлиги, қадимийлиги ва турғунлиги билан характерланувчи гидронимлар айрим илмий ишларни ва топонимияга оид тадқиқотлар доирасидаги изланишларни<sup>2</sup> эътиборга олмаганда, ўзбек топонимикасида монографик планда ўрганилмаган. Фарғона водийси, жумладан, Наманган вилояти гидронимлари ҳам ҳозирга қадар тўла тўпланмаган ва монографик аспектда тадқиқ этилмаган. Натижада ўзбек номшунослигида гидронимика соҳасининг илмий-назарий масалалари, гидронимларнинг топонимия тизимидаги ўрни, лисоний табиати, номланиш тамойиллари, луғавий-маъновий, лаҳжавий, морфологик, ясалиш хусусиятлари ҳам ўрганилмаган.

Гидронимларни тўплаш ва уларни лисоний жиҳатдан тадқиқ этиш, улар мансуб бўлган ҳудуд тарихи, географияси, табиати, гидрологияси ва аҳолисининг этник таркиби, этнографияси, диалектини ўрганишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Монографиянинг асосий мақсади ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний жиҳатдан тадқиқ этиш, шу асосда гидронимлар ва гидронимикага доир илмий-назарий масалаларни ёритишдан иборат.

<sup>1</sup> Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Адолатли жамият сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.31-32

<sup>2</sup> Карим. Бегаллиев И. Самарқанд вилояти гидронимлари (лисоний таҳлил). – Филол. фанлари номтод. дис. муҳофизат. – Самарқанд, 1994. – 25 б.; Ифосов Ш.Т. Даре номлари Республика ёш тилшуносларининг аъёнвий илмий конференцияси тезислари тўплами. – Тошкент, 1995. – Б.77-78; Худойберганов Х. Қорақалпоғистон гидронимларининг ўрганилишига доир // Ўзбек тилшунослигига оид тадқиқотлар. – Тошкент, 1999. VI чқиш. – Б.71-72.; Турдубеков М. «Шажарайи турк» тилидаги баъзи гидронимларга доир мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1996. – №5. – Б.50-52.; Аслонов А. Шофиркон тумани гидронимлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2000. – №4. – Б. 33-37 ва бошқалар

# **1-БОБ. ГИДРОНИМЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАДҚИҚИ**

## **1.1. ГИДРОНИМ ВА ГИДРОНИМИКА ТУШУНЧАЛАРИ ҲАҚИДА**

Жой номлари қадимий ва узоқ даврларнинг маҳсули бўлиб, ҳудуд тарихи, географияси, табиати ва бошқа жиҳатлари ҳақида бой маълумот берувчи лисоний дарақчилардир. Шу боис топонимларни тарих, этнография, география, археология, геология каби ўнлаб фанлар ўз предмети нуқтаи назаридан ўрганadi. Топонимика шу боис тилшуносликни юқорида келтирилган фанлар билан туташтирувчи, боғловчи ришта, ўз навбатида, улар учун муҳим далиллар, маълумотлар берувчи назарий ва амалий соҳа ҳамдир.

Э.А.Бегматов тўғри таъкидлаганидек, жой номлари (топонимлар) юзасидан тилшунослар, тарихчилар, географлар, этнографлар, фольклоршунослар ҳозиргача бир неча тадқиқотлар олиб боришган бўлса-да, мазкур тушунча доирасига кирадиган тил бирликлари - номлар доираси, чегараси аниқ ва изчил белгиланган эмас. Кўп ҳолларда жой номлари - топонимлар дейилганда вилоят, туман, шаҳар, қишлоқ, маҳалла, кўча, майдон номларигина тушунилади. Аслида топонимлар мундарижаси анча кенг ва серқиррадир. Унинг жой номларига оид илмий-оммабоп рисоласида биринчи марта топонимия доирасига кирувчи атоқли отларнинг асосий гуруҳ ва турлари тўларoқ ҳамда мукамалроқ қайд этилди.<sup>1</sup>

Жой номлари - топонимия доирасига сув объекти ва иншоотларининг номлари ҳам киради. Сув объекти ва иншоотларининг номларини илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўрганувчи соҳа гидронимика деб аталади. Гидронимика термини таркибан грекча *hydro* -сув, *онома*-ном

<sup>1</sup> Бегматов Э.А. Жой номлари - маънавий кўзгуси - Тошкент: Маънавийт, 1998. - Б.22-24

ва *-ика* - оид каби маъноли қисмларидан иборат бўлиб, «*сув объектларининг номларига оид*» деган луғавий маънога эга.

Гидронимика топонимиканинг бир бўлими сифатида ўзининг ўрганиш объекти ва предметига эга. Гидронимика тилшуносликнинг назарий ва амалий характерга эга бўлган соҳаларидан бири ҳисобланади.

Сув объектларининг номлари гидронимлар, уларнинг мажмуи гидронимия деб юритилади. Топонимикага оид илмий манбаларда гидронимлар сираси турлича қайд этилади. С.Қораев гидронимия доирасига *дарёлар, кўллар, денгизлар, сойлар, жилғалар, каналлар, қўлтиқлар, бўғозлар, шаршараларнинг* атоқли номларини киритган.<sup>1</sup>

Н.Охунов эса гидронимларни «Сув объектларининг, яъни денгиз, дарё, кўл, сой, ариқ, булок, қудуқ сингариларнинг атоқли отларидир» деб изоҳлайди.<sup>2</sup> Баъзи манбаларда гидронимлар мажмуи тўла қайд этилмаган, балки гидронимларга «Дарё, сув ҳавзалари кабиларнинг номи»<sup>3</sup> деган изоҳ бериш билан кифояланилган. Гидронимлар терминини Н.Бегалиевгина бир мунча мукамалроқ изоҳлаган: «Гидронимлар - ўзида сув мавжудлиги билан яқин бўлган, яъни акваторияга тегишли объектлар, океан, денгиз, қўлтиқ, бўғоз, кўл, ботқоқ, дарё, ирмоқ, ариқ, шаршара, қудуқ ва бошқаларнинг номлари».<sup>4</sup>

Гидронимлар тушунчаси тилшунослик нуқтаи назаридан кенг қамровга эга. Қуйидаги сув объекти ва сув иншооти номлари ўзбек тилининг топонимик сатҳида алоҳида семантик гуруҳни - гидронимларни, яъни гидронимияни ташкил этади:

1) ариқ номлари: *Боғиш* (Нам. в. Чортоқ т.), *Баландариқ* (Нам. в. Уйчи т.), *Ёнариқ* (Нам. в. Чортоқ т. Гулдиров қ.), *Дамариқ* (Нам. в. Уйчи, Учқўрғон, Чортоқ т.), *Уйшун ариғи* (Анд.

<sup>1</sup> Қораев С. Топонимика - жой номлари ҳақидаги фан - Тошкент: Фан, 1980 - Б.3.

<sup>2</sup> Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланish хусусатлари. - Тошкент: Фан, 1989 - Б.5.

<sup>3</sup> Хожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. - Тошкент: Уқуғувчи, 1985. - Б.10.

<sup>4</sup> Бегалиев Н. Самарқанд вилояти гидронимлари (диссоний тақлил): Филал фанлари номзад ... дис. автореф. - Самарқанд, 1994 - Б.3.

в. Олтинкўл т.), *Дамарик* (Анд. в. Хўжаобод т.), *Бувайдарик* (Фар. в. Бувайда т.) каби;

2) банд, тўғон, дамба номлари: *Учкўрғон тўғони* (Нам. в. Учкўрғон т.), *Латтабанд* (Жиз. в.), *Фиштбанд*, *Абдуллахон банди* (Нав. в. Нурота т.)<sup>1</sup>, каби;

3) ботқоқ номлари: *Дамкўл* (Нам. в. Мингбулоқ т.) каби;

4) булоқ, чашма номлари: *Жилжирбулоқ*, *Кандабулоқ*, *Сарбулоқ*, *Оқбулоқ*, *Тошбулоқ* (Нам. в. Нам. т.), *Учбулоқ* (Анд. в. Балиқчи т.), *Ширмойбулоқ* (Анд. в. Марҳамат ш.), *Совуқбулоқ* (Анд. в. Анд. т.), *Ширинбулоқ* (Фар. в. Аввал қ.) каби;

5) гидроузел номлари: *Учкўрғон гидроузели* (Нам. в.), *Куйганёр гидроузели* (Фар. в.), *Тахиятош гидроузели* (Хор. в.), *Жаркўрғон гидроузели* (Сурхон. в. Жаркўрғон т.) каби;

6) ГЭС номлари: *Фарҳод ГЭС* (Сирдарё в.), *Бўзсув ГЭС* (Тош. в.), *Солар ГЭС* (Тош. в.), *Товоқсой ГЭС* (Тош. в.) каби;

7) дарё номлари: *Сирдарё*, *Норин*, *Амударё*, *Қорадарё*, *Зарафшон* каби;

8) денгиз номлари: *Орол денгизи*;

9) ёп номлари: *Қумёп*, *Борёп*, *Эшонёп*, *Шўрёп*, *Тошёп* (Қорақал. Рес. Амударё т.) *Полвонёп*, *Асёп*, (Хоразм в. Гурлан т.) каби;

10) жилға номлари: *Тутак*, *Илонкўз*, *Лочинжилға*, *Калпи жилғаси* (Нам. в. Чуст т., Поп т.) каби;

11) закон, зовур, захкаш номлари: *Бомбазакан*, *Каттазакан*, *Камар* (Нам. в. Мингбулоқ т.), *Қашқар*, *Қайирма*, *Кўрғон* (Нам. в. Чуст т.) каби;

12) ирмоқ / ўзак номлари: *Катта Норин*, *Кичик Норин* (Норин дарёси ирмоқлари), *Тикўзак*, *Қораўзак*, *Кўкўзак* (Амударё ирмоқлари)<sup>2</sup> каби;

13) канал, арна номлари: *Шимолий Фарғона канали*, *Катта Наманган канали* (Нам. в.), *Катта Фарғона канали* (Нам. в., Фар. в.), *Катта Андижон канали* (Анд. в.), *Ингичка* (Нам. в. Учкўрғон

<sup>1</sup> Бандлар ҳақида қarang: Муҳаммаджонов А. Ўзбекистоннинг қадимги гидротехника имшоотлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. Б.19-35.

<sup>2</sup> Охунев Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1989. – Б.43.

т.), *Чуст канали* (Нам. в. Чуст т.), *Нарпай* (Самарқанд в. Нарпай т.), *Пахтачи т.*, *Ойбарак* (Сурхон. в. Денов т.), *Қипчоқарна*, *Пахтварна* (Қорақал. Республикаси), *Питнакарна* (Хор. в. Амударё т., Ҳазорасп т.) каби;

14) кечув // кечик номлари: *Тошкечув* (Нам. в. Учқўрғон т. Бахт қ.), *Тошкечик* (Анд. в. Избоскан т.), *Қўшкечик* (Фар. в. Қува т.) каби;

15) коллектор номлари: *Гулшан марказий коллектори* (Нам. в. Чортоқ т. Гулшан қ.), *Кўл-1*, *Кўл-2*, *Кўл-3* (Нам. в. Уйчи т.), *Қорақаллоқ коллектори* (Нам. в. Мингбулоқ т.), *Марказий Мирзачўл коллектори* (Сир. в. Мирзачўл т.) каби;

16) кориз номлари: *Қайнар*, *Бошкориз*, *Қувондиқ*, *Сотилган*, *Тойлоқ*, *Зулфиқор*, *Султонкориз*, *Мирзакориз*, *Халфакориз* (Нав. в. Нурота т.) каби<sup>1</sup>;

17) кўл номлари: *Ойдинкўл* (Нам. ш.), *Кичиккўл* (Нам. в. Чортоқ т.), *Қорасувкўл*, *Қурбонкўл* (Фар. в.), *Қўғаликкўл* (Фар. в. Бувайда т.), *Айдаркўл* (Жиззах в.), *Денгизкўл* (Бух.в.), *Илонликкўл* (Тошкент в. Бекобод т.), *Оқкўл*, *Боғотликкўл*, *Газкўл* (Хоразм в. Янгиариқ т.) каби;

18) кўприк номлари: *Тахтакўприк*, *Фишткўприк* (Нам. ш.), *Тошкўприк* // *Искандаркўприк* (Сам. в. Қўмқўрғон т.), *Меҳтар Қосим кўприги* (Бухоро в.), *Бойбўтакўприк* (Фар. в. Қўқон қ.) каби;

19) музлик номлари: *Учсаид* (Фар. водийси) каби;

20) насос станцияси номлари: *Олмамайдон насос станцияси* (Анд. в. Пахтабод т.), *"Орзу"*, *"Умид"*, (Нам. в. Янгиқўрғон т.), *Астрабод*, *Тайпанг* (Нам. в. Чортоқ т.), *Куйганёр насос станцияси*, *Кўтарма насос станцияси* (Анд. в.) каби;

21) ойдин номлари: *Қамишлиойдин*, *Қаранғиойдин* (Хор.в.) каби<sup>2</sup>;

22) олиш номлари: *Усмонолиш* (Нам. в. Чуст т.), *Учолиш* (Нам. в. Поп т.), *Бешолиш* (Фар. в.) каби;

<sup>1</sup> Кориз номлари куйидаги манабадан олинди: Орипов Ў.А. Нурота тумани макро ва микротопонимиясининг лисоний таҳлили: Филол. фанлари номзад. дис. автореф. – Тошкент, 2003. – Б.10.

<sup>2</sup> Дўстиев З. Хоразм топонимлари. – Тошкент: Фан, 1985. – Б.73-74.



23) орол номлари: *Келачи ороли, Гурумсарой ороли, Тўда ороли* (Нам. в. Поп т.), *Шамсиқул* (Нам. в. Нам. т.), *Кўкорол ярим ороли, Яшилорол* ва бошқалар;

24) паром номлари: *Санг пароми, Тўда пароми* (Нам. в. Поп т.) каби;

25) сардоба номлари: *Мирзасардоба, Ёрочлисардоба* (Сир.в. Оқ олтин т.) каби<sup>1</sup>;

26) селхона номлари: *Фирвон селхонаси* (Нам. ш.), *Оғзи катта селхонаси* (Нам. в. Чуст т.) *Илонкўз селхонаси* (Наманган в. Чуст т.) каби;

27) сой номлари: *Фовасой* (Нам. в. Чуст т.), *Чодаксой* (Нам. в. Поп т. Чодак қ.), *Чустсой* (Нам. в. Чуст т.), *Тўдасой* (Нам. в. Поп т. Тўда қ.), *Намангансой* (Нам. в. Нам. ш.), *Чинободсой* (Анд. в. Балиқчи т.), *Тентаксой* (Анд. в. Избоскан т.) каби;

28) солма, ёрмиш номлари: *Бўзсолма, Оёқсолма, Узунсолма* (Хор. в.), *Улуғёрмиш, Кичикёрмиш, Бўзёрмиш* (Хор. в.) каби;

29) соқа номлари: *Тошсоқа, Арнасоқа* (Хор. в.) каби<sup>2</sup>;

30) сув омборлари: *Ўрта тўқай сув омбори* (Наманган в. Косонсой т.), *Чорвоқ сув омбори* (Тошкент в.) *Туябўғиз сув омбори* (Тошкент в.), *Тўполон сув омбори* (Сур. в. Узун қ.), *Тўдақул сув омбори* (Нав. в.) каби;

31) ташлама, қанда номлари: *Аҳмадқанда, Бўкақанда* (Фар. в. Риштон т.), *Қорақанда* (Фар. в. Избоскан т.) каби;

32) чунгул номлари: *Саричунгул, Темирличунгул* (Хор. в.) каби<sup>3</sup>;

33) шаршара номлари: *Шаршара* (Нам. в.), *Сангардак* (Сурхон. в.) каби;

34) қоқ номлари: *Қоқ* (Фар. в. Фар. т.), *Шодибой қоқи* (Сурхон. в. Бойсун т.), *Тошқоқ* (Сам. в. Нарпай т.) каби<sup>4</sup>;

<sup>1</sup> Қудратли С. Сардобалар ўлкаси. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 22-24

<sup>2</sup> Дусимов З. Ўша асар. 72-б.


<sup>3</sup> Дусимов З. Ўша асар. 72-б.

<sup>4</sup> Очуннов И. Ўша асар. 43-б.

35) қудуқ // қуйи номлари: *Кичикмайдон қудуғи* (Сурхон. в. Бойсун т.), *Ўрозбойқудуқ* (Қорақал. Республикаси Беруний т.), *Мачитқуйи*, *Қирққуйи* (Хор. в.) каби;

36) ҳовуз номлари: *Маллаҳовуз* (Нам. в. Тўрақўрғон т.), *Кечит ҳовузи* (Нам. в. Уйчи т.), *Болоҳовуз*, *Лабиховуз* (Бух. ш.) каби.

Демак, гидронимика кенг маънодаги табиий сув объектлари ва сув иншооти номларини тадқиқ этади. Сунъий ва табиий, йирик ва кичик сув объектлари ҳамда сув иншоотларининг атоқли отлари гидронимлар ҳисобланади (1.1.-расм).



1.1-расм. Гидронимлар

Гидронимлар тилшуносликда қандай сув объекти номини англатишига кўра қуйидаги турларга булинади:

1. Океаноним (юнонча *okeanos* + *опота*) - океан ва унинг қисмларининг атоқли номлари. Масалан, *Тинч (ёки Улуғ) океан*, *Дунё океани*, *Атлантика океани*, *Мариана нови*. *Океан* юнонча *okeanos* сўзидан олинган бўлиб, «чексиз денгиз», «буюк, катта дарё» деган маъноларни англатади.<sup>1</sup>

2. Пелагоним (грек пелагос - денгиз + опота-ном) - денгиз ва унинг қисмлари номи. Денгиз ва унинг қисмларининг атоқли номлари мажмуи пелагонимия дейилади.<sup>2</sup> Масалан, *Орол*, *Қора*, *Азов денгизлари*.

3. Лимноним - кўл номлари. Масалан, *Чуқуркўл*, *Мохонкўл*, *Ойдинкўл* каби. Кўл номлари мажмуи лимнонимия деб юритилади. -

Лимноним термини А.С.Стрижак, А.В.Суперанская, Э.М.Мурзаевларнинг тадқиқотларида фаол қўлланган.<sup>3</sup>

МДХ да 330 мингдан кўпроқ, Ўзбекистон Республикасида эса 250 га яқин кўл бор.

4. Потамоним - дарёларнинг номлари. Масалан, *Норин*, *Қорадарё*, *Сирдарё* каби. Дарёлар номи мажмуи *потамонимия* дейилади. Шунингдек, географиянинг дарёлар ҳақидаги бўлими *потамология* деб аталди.

5. Гелоним - ботқоқ ва ботқоқликларнинг атоқли номлари. *Пин ботқоғи*, *Козье ботқоғи* каби.<sup>4</sup>

Ўзбекистонда ботқоқликлар қисман Амударё, Сирдарё дарёлари водийсида учрайди<sup>5</sup>. Уларга махсус ном қўйилмаган. Шу боис Ўзбекистон гидронимиясида, жумладан, Фарғона водийсида гелонимлар кам учрайди.

<sup>1</sup> Усмонов О., Доннеров Р. Русча - интернационал сўзлар изохли лугати - Тошкент: Фан, 1965.-Б. 314


<sup>2</sup> Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. - Москва: Наука, 1978. - С. 69.

<sup>3</sup> Стрижак А.С. Гидронимия Среднепроевского левобережья: Автореф. дис. ... канд. фило. наук - Киев, 1965. - С.2; Суперанская А.В. Общая теория имени собственного. - Москва: Наука, 1973. - С.186; Мурзаев Э.М. Очерки топонимики. - Москва. Мысл, 1974 - С.21.

<sup>4</sup> Подольская Н.В. Уш.а лугт. 43-, 113 - бетлар.

<sup>5</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси - Тошкент, 2001. - 2-ж. - Б.177.

Қолган гидроним турларига нисбатан махсус илмий терминлар қўлланиши кузатилмайди. Демак, гидроним ва унинг турларини белгилашда йирик сув объектлари эътиборга олингани ҳолда, кичик сув объекти номлари ҳисобга олинмаган, уларга махсус илмий ном қўйилмаган (1.2-расм).



1.2-расм. Гидроним ва унинг турлари

Топонимшунослар гидронимларни энг қадимий номлар деб баҳолайдилар. Ҳақиқатан, С.Қораев тўғри таъкидлаганидек, Амударё, Сирдарёнинг қадимий номлари ҳар қандай осориатикалар ёши билан беллаша олади.<sup>1</sup> Ҳамма юртлардаги каби Ўзбекистонда ҳам қадимдан сув ва сув объектлари муқаддас билинган ҳамда қадрланган.

Тарихий маълумотларга кўра, қадимги давлатларнинг номларига одатда дарё, қабила, халқ ва марказий шаҳарлар номлари асос қилиб олинган. Марказий Осиё халқларининг тарихида дарёлар ҳаётнинг муҳим манбаи вазифасини бажарган.<sup>2</sup> Ҳозир ҳам Ўзбекистоннинг вилоятлари, туманлари, шаҳарлари асосан дарё номлари билан аталади: *Сирдарё вилояти, Сурхондарё вилояти, Қашқадарё вилояти, Норин тумани (Нам. в.), Оқдарё тумани (Сам. в.), Сирдарё тумани, Сайхун шаҳарчаси, Сирдарё шаҳри (Сир. в.), Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ туманлари (Тош. в.), Қашқадарё*

<sup>1</sup> Қораев С. Топонимика. – Тошкент: Ўзбекистон филологияси миллий жамияти нашриоти, 2006. – Б. 58

<sup>2</sup> Сағдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларидан. – Тошкент: Уқитувчи, 1996. – Б. 43.

шаҳри (Қашқа. в.) қабилар. Шунингдек, қадимги тарихчилар халқларнинг жойлашув чегараларини дарёлар бўйича ажратганлар.<sup>1</sup> Туркий халқлар адабиётида машҳур бўлган «Ўғузнома» достонида келтирилишича, Ўғуз олти фарзанд кўради ва уларни космогоник ҳамда табиатдаги улур нарсаларнинг номлари билан атайди: *Кун, Ой, Юлдуз, Кўк, Тоғ, Денгиз.*<sup>2</sup>

Далиллардан кўринадики, гидронимлар, айниқса, йирик сув объекти номлари халқларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, «Номлардан номлар туғилади» деган халқона нақлнинг амалий исботи ўлароқ, топонимларнинг бошқа турларининг туғилишига, яратилишига асос бўлган. Биз бу ҳақида қуйида батафсил фикр юритамиз.

Ўзбек тилшунослигидаги топонимикага оид илмий манбаларда гидронимика соҳаси ўрғанадиган масалалар кўлами ҳам аниқ белгиланмаган ва кўрсатилмаган. С.Қораев бу масалада фикр юритиб, «Топонимиканинг бўлими гидронимика сув объектларининг номларини, уларнинг келиб чиқишини, аталиш қонуниятларини ўрғанади» деб кўрсатади.<sup>2</sup> Бу умуман тўғри. Шу билан бирга, бизнингча, гидронимика ўрғанадиган илмий - назарий ва амалий масалалар доираси кенгроқ. Гидронимика тилнинг ономастик сатҳига мансуб гидронимлар билан боғлиқ қуйидаги масалаларни:

1) сув объекти ва иншоотлари номлари - гидронимлар пайдо бўлиши ва шаклланишининг лисоний, нолисоний омилларини;

2) сув объекти ва иншоотларининг номланишига оид тарихий, халқона анъаналарни;

3) гидронимик аниқлагичларнинг лисоний хусусиятларини, ва гидронимлар таркибидаги вазифасини;

4) сув объекти ва иншоотлари номланишининг лисоний асослари ҳамда илмий тамойил (принцип)ларини;

<sup>1</sup> Сағдуллаев А. Ўша аср, 74-бет.

<sup>2</sup> Қаранг. Содақов Қ. Уйғур ёзуви тарихи (Манбашунослик ва китобат тарққи масалалари) - Тошкент: Маънавият, 1997. - Б. 29-30.

5) гидронимларнинг тарихий ва замонавий шакллари ҳамда тилнинг гидронимик сатҳидаги лисоний ўзгаришлари;

6) гидронимларнинг луғавий – маъновий хусусиятлари;

7) гидронимларнинг морфемик, морфологик ва ясалиш жиҳатларини;

8) тилнинг апеллятив лексик сатҳи билан гидронимик лексик сатҳи муносабатларини;

9) гидронимларнинг бошқа топоним турлари: ойқонимлар, оронимлар, урбонимлар, дримонимлар, спелеонимлар, хоронимлар, агроонимлар, силенимлар билан муносабатини ва бундаги вазифавий ўтишларни;

10) фольклор, тарих, география ва қадимий қўлёзмалардаги гидронимларнинг яратилиши билан боғлиқ маълумотларни;

11) гидронимиянинг маҳаллий лаҳжа ва шеваларга оид хусусиятларини;


12) гидронимларнинг имлоси ва транскрипцияси билан боғлиқ илмий-амалий муаммоларни;

13) гидронимларнинг этимологиясини;

14) гидронимик номларни таснифлашнинг илмий масалаларини;

15) гидронимларни тўплаш, гидронимик хариталар, гидронимик луғатлар тузиш масалаларини ўрганиши лозим.

Гидронимика топонимиканинг таркибий қисми, ономастиканинг илмий йўналиши сифатида тилшуносликнинг диалектология, этимология, терминология, морфемика, сўз ясалиши, морфология, тил тарихи соҳалари билан зич алоқадор (1.3-расм).



1.3-расм. Гидронимика ва тилшунослик



Гидронимларнинг яшовчанлиги, ахборот ташиш хусусияти ва уларнинг лисоний таҳлили география, тарих, этнография, археология, зоология, биология, табиатшунослик, ўлкашунослик, геология, гидрология фанлари ҳамда мазкур соҳалар бўйича яратиладиган тадқиқотлар учун бой материаллар, далиллар, хулосалар беради (1.4-расм).




1.4-расм. Гидронимиканинг бошқа фанлар билан алоқаси

Гидронимика айниқса, ернинг географик қобийини, унинг тузилиши ва тараққиёти, алоҳида қисмларини, ҳудудлар бўйича ўзаро таъсири ҳамда тақсимланишини ўрганадиган фанлар мажмуи бўлган география учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Гидронимлар сув объектларининг аниқ адреси, биридан фарқловчи атоқли отидир. Улар ўзининг жойлашиш

Ўрни, маъно-моҳияти билан географик хариталарнинг жони ҳисобланади. Шу боис гидронимика географиянинг табиатдаги барча сув, яъни океан ва денгизлар, дарё ва кўллар, қор ва музликлар, сув омборлари, ботқоқликлар ва ер ости сувларини, уларнинг жойлашиши, хусусиятлари, ўзаро ва атроф, табиий муҳит (атмосфера, литосфера, биосфера) билан таъсири натижасида руй берадиган ҳодисалар ҳамда жараёнлар қонуниятларини ўрганадиган гидрология, географик хариталар тузиш билан шуғуланувчи *харитография (хариташунослик)* соҳалари билан ҳам узвий боғлиқ бўлиб, улар учун лисоний манба ҳамда асосдир.<sup>1</sup> Шунингдек, гидронимиканинг назарий ва амалий хулосалари *амалий география, география таълими соҳалари* учун ҳам муҳим аҳамиятга эга (1.5-расм). Демак, гидронимика тилшунослик ва география фанларини туташтирувчи, боғловчи, ўз навбатида география материалларига таяниб иш кўрувчи илдир.



1.5-расм. Гидронимика ва география

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. – 2-ж. – Б 626-630, 691

## 1.2. РУС ТИЛШУНОСЛИГИ ВА ТУРКОЛОГИЯДА ГИДРОНИМИЯ ТАДҚИҚИ

Марказий Осиё, шунингдек, туркий топонимия қадимдан чет эл олимларининг ҳам диққат - эътиборида бўлиб келди. Марказий Осиё топонимларини туллаш ва уларни изоҳлаш масалалари билан шуғулланган биринчи олим сифатида венгер шарқшуноси Арминний Вамберини (1832-1913) кўрсатиш мумкин. Унинг «Марказий Осиёнинг географик номлари» асари қисқача кириш сўзи билан бошланган. Мазкур луғатда алифбо тартибида 6000 га яқин жой номлари ва терминлар изоҳи берилган.<sup>1</sup>

Парижда Осиё жамиятининг аъзоси Жюль Тоннелье 1869 йилда «Қўқон хонлигининг тасвири» асарини яратган. Бу асар аслида Фарғона водийси ва унинг чекка вилоятларининг географик луғати бўлиб, муаллифнинг кўрсатишича, луғат «Хитойча ва мусулмон динига оид китоблардан алифбо тартибида тўпланган ҳамда маълум изоҳлар берилган». Француз тилида ёзилган мазкур луғат Г.Чабров томонидан рус тилига таржима қилинган, бироқ нашр этилмаган.<sup>2</sup> Бундан ташқари, европалик ориенталистлардан И.Маркварт, В.Томашек, П.Пельо ва бошқаларнинг асарларида Марказий Осиё топонимияси, жумладан, гидронимиясига оид қимматли маълумотлар кузатилади. Юқоридаги илмий асарлар, тарихий манбалар топонимия соҳасининг шаклланишига замин ясади ва туртки бўлди.

XIX асрда А.Х.Востоков, А.И.Шегрен, М.А.Кастрен, Д.П.Европеус, Н.И.Надеждин, И.А.Износков каби олимларнинг чинакам топонимияга оид тадқиқотлари юзага келди. XX асрда эса В.В.Бартольд, Л.С.Берг, В.А.Казакевич, Ф.Е.Корш, Н.Я.Марр, П.Л.Маштаков, А.Ф.Орлов, Ф.П.Саваренский, Г.Ф. Саттаров, А.М.Селищев, В.В.Семенов-Тян-Шанский, А.И.Соболевский,

<sup>1</sup> Каранг. G'ulomov P., Mirkamalov M.T. Toponimika va geografik terminshunoslik -Toshkent. 2005 - B. 10

В.Б.Шостаковичларнинг замонавий топонимик тадқиқотлари топонимия соҳасининг тараққиётига замин яратди.<sup>1</sup> Кейинчалик топонимияга оид номзодлик диссертациялари ёқланди, монографиялар, лугатлар, илмий тадқиқотлар ва ўқув кўланмалари нашр этилди. Бу борада А.П.Дульзон, А.К.Матвеев, Э.М.Мурзаев, В.А.Никонов, А.И.Попов, Е.М.Поспелов, А.В.Суперанская, В.Н.Топоровларнинг тадқиқотлари фикримизнинг далилидир.<sup>2</sup> Бу даврда топонимиянинг тадқиқи унинг назарий асосларини яратиш билан ёнма-ён олиб борилди. Натижада тарих, география ва бошқа фанлари билан алоқадор бўлган тилшуносликнинг топонимия соҳаси шаклланди. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам 60-йилларда шакллана бошлаган ўзбек топонимикаси фани ҳозирда анчайин ривож топди.

Топонимия негизида гидронимия соҳаси ҳам алоҳида бир тармоқ сифатида шакллана борди. Рус тилшунослигида гидронимия масалалари Р.А.Агаев, А.П.Афанасьев, В.Ф.Барашков, Н.П.Бутенко, И.А.Воробьева, Э.Д.Головина, Е.Ф.Донилина, И.Г.Долгачев, Л.И.Калилина, М.В.Лабзина, Б.А.Махотин каби олимлар томонидан ўрганилди.<sup>3</sup>

<sup>2</sup> Чабров Г. Из истории изучения Средней Азии. // Известия Узб филиала географ об-ва -Ташкент. 1962-Т IV.-С.144-145.

<sup>1</sup> Каранг. Ономастика. Указатель литературы 1970-1975 гг. с приложением за 1918-1962 гг. - Москва. 1978. - 301 с.

<sup>2</sup> Каранг. Дульзон А.П. Этнолингвистическая дифференциация тюрков Сибири // Структура и ист. тюркских языков - Москва, 1971. - С.198-208.; Матвеев А.К. Арсальные исследования и этимологизация субстратных топонимов // Пробл. картограф. в языкозн. и этнографии - Ленинград, 1971. - С.289-295.; Взаимодействие языков и методы топонимических исследований // Вопросы языкознания, 1972. - №3. -С.76-83.; - Из истории изучения субстратной топонимии русского Севера // Вопросы топонимистики №5.-Свердловск. 1971-С 7-34.; - Тезисы о топонимистике // Вопросы ономастики. - Свердловск. 1974. - №7 -С.5-18. ва бошқа, Мурзаев Э.М. Изучение топонимии Центра и ее тюркского горизонта // Топонимии Центральной России - Москва, 1974 - С.5-19.; К познанию топонимической терминологии Поволжья // Ономастика Поволжья - 3. - Уфа, 1973.-№8 - С.189-197.; Очерки топонимии - Москва: Мысль, 1974. - 382 с. ва бошқа; Никонов В.А. Нечувашские элементы в топонимии ЧАССР // Диалекты и топонимии Поволжья В 1.-Чебоксары, 1972. - С.3-8.; Пласты русской топонимии Горьковской области // Поволжья 2. - Горький. 1971. - С.168-173. ва бошқа, Суперанская А.В. Теоретические проблемы ономастики: Автореф. доктор дис. филол наук - Ленинград, 1974. - 48 с.; Поспелов Е.М. Популярные топонимические работы // Теория и практика топонимических исследований. - Центральной России - Москва: Мысль, 1974. - С.71-75.; Топонимика и картография - Москва: Мысль, 1971 - 256 с. ва бошқа; Топаров В.Н. К восточной граница гидронимии балтийского типа // Топонимии Центра. - Москва, 1972. - С.6-7.

<sup>3</sup> Каранг. Агаева Г.А. Географические апеллятивы в гидронимии западной части Калининской области и прилегающих районов Севера-Запада РСФСР // Топонимии Центральной России. - Москва: Мысль, 1974. - С.193-204.; Уша муаллиф Гидронимии Псковских и Новгородских земель // Восточнославянская ономастика - Москва: Наука, 1972. - С.5-7.; Афанасьев А.П. Карта речных названий бассейна Мезени. - Сыктывкар. 1972 - т.2 - В 4 - С 94-103.; Уша муаллиф Карта речных названий бассейна Мезени - Топонимика, 1971. - В. 5 - С.14-16.; Уша муаллиф. Субстратные названия бассейна Мезени // Исследования по топонимии. - Москва.

1970 йилларда гидронимияга оид бир неча номзодлик ва докторлик диссертациялари яратилди. Р.А.Агеева Псков ва Новгород гидронимларини,<sup>1</sup> Э.Д.Головина Молома дарёси ҳавзасига хос топонимларнинг ясалиш хусусиятларини<sup>2</sup> ўргандилар ҳамда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилдилар. Р.А.Агеева Калинин вилоятининг ғарбий қисмига хос субстрат гидронимларни, аниқроғи, ҳудуддаги болтиқча ва фин-угорча номларни ўрганди. У *Весеча, Залвинское, Озарон, Пено, Стергут, Ильмаж, Кезенка, Маглино, Оеч, Шерегородо* каби гидронимларнинг янги этимологик талқинини тақдим этди. Тадқиқот натижасида ҳудуд топонимиясида болтиқча номларнинг кўплиги аниқланди.<sup>3</sup> Е.С.Отин томонидан Украина гидронимлари бўйича докторлик диссертацияси ҳимоя қилинди.<sup>4</sup>

Туркологияда гидронимика соҳасининг шаклланиши, гидронимлар лисоний тадқиқига оид илмий ишларнинг юзага келиши 1970-1975 йилларга тўғри келди. Дастлаб айрим туркий гидронимлар, ҳудудий гидронимларнинг у ёки бу лисоний хусусиятларига оид илмий мақолалар нашр этилди. Ҳатто бир туркий гидроним, жумладан, Байкал, Иссиқкўл гидронимларига оид ўнлаб илмий изланишлар юзага келди.

1974. – С.11-18; Барашков В.Ф. Названия водных источников Ульяновской области // Ономастика Поволжья. 2. – Горький, 1971. – С.199-203; Бутенко Н.П. Русские гидронимы на территории Киргизии // Питания гидронимики. – Киев, 1971. – С.171-176.; Воробьева И.А. О некоторых типологических чертах русской гидронимики бассейна Средней Оби // Вопросы ономастики. – Свердловск, 1974. – № 8-9. – С.15-24.; Данилина Е.Ф. Из наблюдений над гидронимией Пензенской области – Топонимия Центральной России. – Москва Мысль, 1974. – С.112-116.; Делгачев И.Г. Названия рек Волгоградской области // Диалектная и лит. разговорная речь – Волгоград, 1974. – С.191-195.; Калинин Л.И. Гидронимия как источник изучения древних передвижений ургов // Питания гидронимики – Киев, 1971. – С.152-155.; Лабзина М.В. О русских названных озер Челябинской области // Вопр ист и диалектологи рус. яз. – Челябинск, 1974. – Вып 6 – С. 62-71.; Уша муаллиф О. Тюркских названий озер Челябинской области // Актуал. пробл лексикол и лексикография – Пермь, 1972. – С.264-268.; Уша муаллиф О. Тюркских гидронимов Челябинской области // Ономастика Поволжья, 2. – Горький, 1971. – С. 241-243.; Мавотин Б.А. Местные географические термины и их отражение в гидронимии Смоленщины // Топонимия Центра (Тезисы докладов). – Москва, 1972. – С. 30-31.

<sup>1</sup> Агеева Р.А. Антропонимические основы в восточнославянской гидронимии Псковских и Новгородских земель // Историческая ономастика. – Москва, 1977. – С. 209-216.; Гидронимия Псковских и Новгородских (Шелонская и Деревская пятин) земель в свете истории заселения края: Автореф дис. канд. филол. наук – Москва, 1973. – 22 с.

<sup>2</sup> Головина Э.Д. Топонимия бассейна р. Молома (Словообразовательный анализ): Автореф дис. канд. филол. наук – Ленинград, 1971. – 15 с. (ЛГУ).

<sup>3</sup> Агеева Р.А. Субстратная гидронимия западной части Калининской области (В границах исторической Деревской пятин) // Топонимия Центральной России. – Москва, 1974. – С. 104-111.

<sup>4</sup> Отин Е.С. Гидронимия Юга-Восточной Украины: Автореф дис. ... док. наук. – Киев, 1974. – 44 с.

Туркий тилларга хос гидронимларнинг номланиш асоси ва тарихи, лексик-семантик, морфологик, ясалиш ҳамда бошқа лисоний хусусиятлари Г.И.Донидзе, Э.М.Мурзаев, А.А. Камолов, С.Атаниязов, М.В.Лабзина, Ф.Г.Гарипова, Л.Г.Гулиева, М.А.Жевлов, К.Ф.Гриценко, Б.И.Батаринцев каби олимлар томонидан тадқиқ этилди.

Биргина Байкал гидронимининг этимологияси, номланиши хусусида Э.Р.Ригдилон, Э.М.Мурзаев, С.У.Умурзаков, Б.Р.Буянтуев, Г.Э.Базарова, С.А.Гурулев ва М.Мамировлар илмий мақолалар ёздилар.<sup>1</sup> Э.М.Мурзаев, С.У.Умурзаковлар томонидан 1960-1970 йилларда гидронимияга оид турли луғатлар ҳам яратилди. 1962 йилда О.Н.Трубачев Юқори Днепр гидронимларининг этимологик луғатини тузди.<sup>2</sup> К.Х.Меретуков Адыгей топонимиясига оид тадқиқотида ҳудуд гидронимларининг луғатини берди.<sup>3</sup> 1973-1980 йилларда Буков, Шимолий Азов, Посемья ҳудудлари, Ока ҳавзаси гидронимларининг луғатлари нашр этилди.<sup>4</sup> Ҳатто Сибирдаги аборген халқлари тилларига оид гидронимларнинг терс луғати ҳам тузилган.<sup>5</sup> Таъкидлаш жоизки, Украина гидронимияси анчайин мукаммал ўрганилган. 1979 йилда Украина олимлари ўз республикаларининг йирик гидронимлари луғатини нашр этдилар. Мазкур луғатда 20000 асосий дарё ва сув объектлари номи ҳамда уларнинг 24000 турли

<sup>1</sup> Қаранг. Рыгдылон Э.Р. О названиях Байкал и Ангара.-Изд.АН СССР Сер.Географическая, 1953-№5.-С.76-78; Буянтуев Б.Р. К вопросу о происхождении названия Байкал.-Изд.АН СССР. Сер.географич., 1951.-№5-С.51-52.; Мурзаев Э.М., Умурзаков С.У. Гидронимы Иссык-Куль и Байкал.-Изд.АН СССР. Сер.географ. 1974.-№6.-С.92-94.; Базарова Г.Э., Гурулев С.А.К истории названия озера Байкал. - Ономастика Бурятии.-Улан-Удэ, 1976.-С.202-213.; Мамыров М. Ысык-кол, Байкал деган аттардын теги жонундо. - Ала-Тоо, Фрунзе, 1980.-№9.-С.150-153.

<sup>2</sup> Қаранг. Трубачев О.Н. Этимологический словарь гидронимов Верхнего Поднепровья.-Москва, 1962.-С.174-214.

<sup>3</sup> Меретуков К.Х. Из топонимики и гидронимики Адыгей. // Уз Адыг. НИИ яз., лят. и ист.-Майкоп, 1972, т.14.-С.301-332.

<sup>4</sup> Топонимия Буковини. - Киев: Наук. думка, 1973. - С. 219 - 231., Каталог рек Северного Приазовья - ПУОК, 1974. - В. 10.-С.56-86.; В. 11. - С.16-73; Вып. 12 - С.10-54, с карт.; Ященко А.И. Гидронимический словарь Посемья. - Проблемы ономастики. - Вологда, 1974. - С.3-118.; Смольщикова Г.П. Гидронимия бассейна Оки (Список рек и озер). - Москва: Наука, 1976. - 403 с.

<sup>5</sup> Обратный гидронимический словарь. Алтая и его значение для изучения истории аборигенных народов Сибири. Происхождение аборигенов Сибири и их языков. Материалы Всесоюз. конф. - Томск, 1976. - С. 122-125.

вариантлари берилган.<sup>1</sup> Ҳозирга қадар тилшунослиқда бундай луғат яратилмаган.

Йирик сувликлар номини ифодаловчи гидронимларни лисоний тадқиқ этиш кейинчалик ҳам давом этди. Д.Исаевнинг Иссиқкўл,<sup>2</sup> К.Ф.Гриценконинг Лена ва Алдана,<sup>3</sup> М.Р.Федотовнинг Волга,<sup>4</sup> М.А.Хабичевнинг Кубань, Терек, Черек<sup>5</sup> гидронимлари ҳақидаги илмий мақолалари фикримизнинг далилидир. Э.М.Мурзаевнинг ишларида эса *Волга, Дон, Днепр, Амур* каби йирик дарё номларининг маъноси, номланиш асоси, мотиви, вариантлари ва улар билан боғлиқ тарзда шаклланган топонимлар таҳлил қилинган.<sup>6</sup>

Туркологияда 1970 йилларда гидронимияга оид йирик тадқиқотлар: номзодлик диссертациялари ҳам ёзилди. Айниқса, татар, хакас, туркман, қирғиз, бошқирд тилларига хос гидронимлар анчайин чуқур ўрганилди. *Татаристон* гидронимлари ва уларнинг луғавий-маъновий, морфологик хусусиятлари Ф.Г.Гарипова томонидан ўрганилди. У Татаристоннинг *Ашит, Казанки, Меш, Шошми* каби дарё ҳавзаларига оид гидронимларнинг, кичик ва йирик кўлларнинг номланиш хусусиятларини, гидронимларнинг грамматик жиҳатларини, тузилишига кўра турларини, жумладан, изофали сўз бирикмалари асосида шаклланган гидронимларни тадқиқ этди.<sup>7</sup> Қисқаси, Ф.Г.Гарипованинг тадқиқотида Татаристоннинг 4000 атрофидаги гидронимлари замонавий планда ўрганилади ва илова тарзида уларнинг луғати берилди. У татар тили гидронимларини лексик-семантик тасниф қилди ва уларни

<sup>1</sup> Каранг: Словник гидронимів України. – Киев: Наук. думка, 1979. – 281 с.

<sup>2</sup> Каранг: Исаев Д. «Иссык-көл» деген ат кандайча иелип чыккан. – Изв. АН Кирг ССР, 1969. – № 6. – С. 19-23

<sup>3</sup> Каранг: Гриценко К.Ф. Якутские названия озер междуречья Лены и Алдана – Питание гидронимии. Материали 3-республиканской ономастичной (гидронимичной) нарады. – Киев: Наукова думка, 1971. – С. 166-171.

<sup>4</sup> Федотов М.Р. Этимизм и итализм в свете тюркских названий реки Волги // Советская тюркология – Бюк. 1978. – № 6. – С. 44-47

<sup>5</sup> Каранг: Хабичев М.А. Кубань, Терек, Черек // Вопр. сопостов. изуч. яз. народов Кавказа-Черкессии. – Ставрополь, 1978. – С. 98-103.

<sup>6</sup> Каранг: Мурзаев Э.М. География в названиях. – Москва: Наука, 1982. – С. 52-59.

<sup>7</sup> Гарипова Ф.Г. Лексико – семантический анализ гидронимии Закавказья (татарской АС Р Тезисы докл. 3-й науч. конф. молодых уч. Ин-та яз., лит и истории -Казань, 1973 -С. 9-11. Гидронимии Закавказья Татарской АССР (бассейны рек Ашит, Казанки, Меш, Шошмы): Автореф. дис. канд филол. наук Казань: 1973. 36 с.

этнолингвистик жиҳатдан славян (рус), татар, булғор, эрон, фин-угор тилларига мансуб қатламларга ажратди.

Бошқирдистон гидронимларининг этногенезиси, тарихий шаклланиш асослари, лексик-семантик гуруҳлари топонимист А.А.Камолов томонидан ўрганилган.<sup>1</sup> Шунингдек, Қозоғистон, Туркменистон гидронимияси алоҳида монографик планда тадқиқ этилмаган бўлса-да, С.Атаниязов ва З.Б.Муҳамедовалар<sup>2</sup> айрим Туркменистон гидронимларини, А.Абдурахмонов эса баъзи Қозоғистон топоним, агрооним ва гидронимларининг имло хусусиятларини ўргандилар.<sup>3</sup>

Марказий Осиё гидронимияси, жумладан, Ўзбекистон гидронимияси қадимий манбаларга эга. «Авесто», Маҳмуд Кошварийнинг «Девону луғотит-турк», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома», Абу Тоҳирхўжа ибн Абу Саъидхожанинг «Самария», Абу Райҳон Беруний, Ёқут ал-Ҳамавий, Шарофуддин Али Яздий, Ҳофизи Аbru, Ҳофиз Таниш ал-Бухорий, Маҳмуд ибн Вали, Исҳоқхон Ибратнинг тарихий асарлари ватанимиз топонимиясини, жумладан, гидронимиясини ўрганишда муҳим тарихий манба бўла олади.

Эрамиздан аввалги VIII-VII асрларда яратилган диний ва афсонавий матнларни ташкил қилувчи асар «Авесто» Марказий Осиё ва унга ёндош вилоятларнинг кўҳна топографияси ва топонимияси ҳақида маълумот берувчи дастлабки манбадир. Топонимларнинг асосий қисми «Яшт» ва «Видевдот»да тўпланган. Булар вилоятлар, тоғлар, тоғ чўққилари, дарё ва кўлларнинг номларидир. «Авесто» тилидаги атоқли отлар, уларнинг Хоразм ҳудуди ономастикаси билан ўхшашликлари, муносабати М.Б.Тиллаева томонидан махсус тадқиқ этилган.

<sup>1</sup> Камолов А.А. Данные гидронимии к проблеме этногенеза башкир // Археология и этнография Башкирии Т.4.-Уфа, 1971 – С 187-290.;-Источники возникновения и лексико – семантические группы башкирских гидронимов // Башкир языковедческий сб.-Уфа, 1975,с.106-108.; - Гидронимика Башкирии Автореф дис канд. филол наук.-Уфа,1969.

<sup>2</sup> Атаниязов С. О гидронимии Юго-Восточного Туркменистана // Питание гидронимии - Киев, 1971.-С 189-194; Муҳамедова З.Б. О некоторых гидронимах западной Туркмении // Структура и ист. туркских языков - Москва, 1971.-С 179-186.

<sup>3</sup> Каранг Абдирахмонов А. Жер-су второны жызылум // Казак тили мен адабияти - Алма-Ата, 1959 - №1.- С 36-37. Уша муралиф Казахстанин жер-су аттары - Алма-Ата Илим, 1963.-129 6



Тадқиқотчи «Авесто» тилида учрайдиган атоқли отларнинг луғат кўрсаткичини ҳам тузган<sup>1</sup>.

«Авесто»да учрайдиган Хоразм шеваларига хос *ёл, арна* гидронимик аниқлагичлари билан боғлиқ ономастика масалалари ва айрим мифологик номлар, культлар З.Дўсимов<sup>2</sup>, М.Жўраевлар<sup>3</sup> томонидан ўрганилган. Уларнинг тадқиқотлари «Авесто» тилига хос гидронимларни ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, айрим антик муаллифларнинг, чунончи, Страбоннинг «География»си (эрамиздан олдинги I аср), Квинт Эпий Флавий Аррианнинг «Анабасис Александр» - «Александр юришлари» (II аср), Квинт Курций Руфнинг «Александр Македонский тарихи» (I аср) асарлари топонимик манба сифатида хизмат қилади.

Антик муаллифлар китобларида учрайдиган топонимик материаллар вилоятлар, дарё ва шаҳарларнинг номларидир. Бир қисм топонимлар грек тили базасида ясалган бўлиб, айримлари маҳаллий номларнинг калькаси, бошқалари маҳаллий номларнинг грекча талаффуздаги шакли ҳисобланади.

«Бундахишн» (IX аср) китобининг географияга оид XII–XIII, XX–XXII боблари топонимикада катта аҳамиятга эга. Бизгача етиб келмаган «Авесто» матнига асосланган «Бундахишн»да дарё, шаҳар ва вилоятларнинг номлари қайд қилинган.

Топонимик манба сифатида қадимги форс миҳхат ёзувларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Айниқса, Бехустин ёзуви (эрамизгача бўлган VI аср) ва Шопур (III аср) ҳамда Нақши Рустамдаги ёзувлар муҳимдир. Аммо бу ёзувларда Марказий Осиё топонимияси жуда кам. Эрамизгача бўлган II асрдан тортиб то эрамизнинг VIII асригача бўлган қадимий Хитой манбалари топонимик манба сифатида алоҳида ўрин тутади.

<sup>1</sup> Тиллаева М.Б. Хоразм ономастикяси тизимининг тарихий – лисоний тадқиқи («Авесто» ономастикясига киёслаш асосида): Фил фан номзад дис.автореф. – Тошкент, 2006. – 26-б.

<sup>2</sup> Дўсимов З. Хоразм ономастик тизимидә авестовий элементлар // Филологик тадқиқотлар / Илмий ишлар туплами – Тошкент, 2002. – Б.39-42.

<sup>3</sup> Жўраев М. Аранжибобо култирининг қадимий илдизларига доир // Филологик тадқиқотлар / Илмий ишлар туплами. – Тошкент, 2002. – Б.20.

Тарихчи ва географ Ҳофиз Аbru - Шаҳобуддин Абдуллоҳ ибн Лутфиллоҳ ибн Абдурашид ал-Ҳавофийнинг «Тарихи Ҳофиз Аbru» номли машҳур тарихий-географик асарида ер юзидagi сувлар, тоғ-тошлар, мамлакатлар ва улардаги аҳоли манзиллари, шунингдек, Форс, Кермон, Хуросоннинг батафсил географияси ва тарихи, Мовароуннаҳр географияси баён этилган. Хусусан, Самарқанд, Бухоро, Кеш, Нахшаб, Термиз каби шаҳарлар ҳамда Жайхун, Сайхун, Мурғоб ва бошқа дарёлар, мамлакатлар, вилоятларнинг кенглик ва узунликлари кўрсатиб ўтилган.<sup>1</sup>

Муаллифи номаълум «Китоб ҳудуд ул-олам мин ал-машриқ ила-л-мағриб» («Олам (Ер)нинг машриқдан мағрибгача бўлган чегаралари ҳақида китоб») номли фанда қисқача «Ҳудуд ул-олам» шаклида танилган тарихий-географик асарда ҳам Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонга доир географик, этнографик маълумотлар берилган. Хусусан, Бухоро, Байқанд (Пойкенд), Суғд, Тавовис, Кармина (ҳозирги Кармана), Кушоний (Кушания), Самарқанд, Кеш, Тирмиз (Термиз), Фарғона, Шом ва бошқа шаҳар ҳамда вилоятлар таърифи келтирилган. Асарда ҳозирги Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон, Ўзбекистон ва Фарбий Хитой ҳудуди анча мукамал тасвирланган. Унда денгиз, дарё ва бошқа жой номлари батафсил келтирилган.<sup>2</sup> Жумладан, асарнинг «Денгизлар ва қўлтиқлар ҳақида сўз» номли бобида *Хазар денгизи* (ҳозирги Каспий денгизи), *Хоразм денгизи* (Орол денгизи), «Дарёлар ҳақида сўз» бобида *Жайхун* (Амударё), *Харноб* (Панж дарёси ирмоғи бўлиши мумкин), *Чагонруд* (Сурхондарё), *Ўзганд* (Қорадарё), *Хирсоб* (Куршоб), *Ўш дарёси* (Оқбура), *Қубо дарёси* (Қувасой), *Хатлом* (Норин), *Парак* (Чирчиқ), *Бухоро дарёси* (Зарафшон) каби тарихий гидронимларнинг оқим йўналиши, ҳудудлари, куйилиш манбаи, ирмоқлари, айримларининг номланиши ҳақида батафсил маълумот берилган.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. - 11-ж. - Б. 381.

<sup>2</sup> Хасанов Х. Сайёҳ олимлар. - Тошкент: Ўзбекистон, 1981 - 26 б.

<sup>3</sup> Ҳудуд ул-олам / Маъсул муҳаррир Мирсоидиқ Исоқов. - Тошкент: O'zbekiston, 2007 - Б.6-10.

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари XV аср охири - XVI аср бошларидаги Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг тарихи, географияси, этнографияси, ўсимлик ва ҳайвонот олами, халқи, одамларининг касб-кори, тили ва бошқа хусусиятлари ҳақида бебаҳо маълумотларни ўзида мужассам этган манбадир. Шунингдек, «Бобурнома» Фарғона водийси топонимиясини, жумладан, гидронимиясини ўрганишда муҳим тарихий манба ҳисобланади. Асарда Фарғона водийси ҳудудига хос *Марғинон, Аҳси // Аҳсикат // Аҳсикент, Архиён, Карнон, Косон, Навқанд, Поп қўрғони, Сайрам, Фаво, Пишхорон, Фазнайи Наманган* каби топонимлар келтирилган. Жумладан, *Айламиш дарёси, Андижон суви, Хоқон ариғи, Хўжан суйи, Сайхун // Сирдарё // Арс суйи, Санг суйи, Косон суйи, Хоқон ариғи* сингари гидронимлар ҳақида ҳам маълумотлар кузатилади.<sup>1</sup>

1960 - йилларнинг охири ва 1970 йилларда ўзбек топонимикасида айрим йирик ҳамда кичик гидронимлар хусусида тадқиқотлар юзага келди. А.Ишаевнинг *Қашқа*,<sup>2</sup> Т.Нафасовнинг *Норин*,<sup>3</sup> Ҳ.Шариповнинг *Итоқар*,<sup>4</sup> Н.Бегалиевнинг *Сирдарё*<sup>5</sup> гидронимлари, А.Набиевнинг *Тошкент* ариқлари<sup>6</sup> ҳақидаги тадқиқотлари шулар жумласидандир. Маълум ҳудудлар гидронимияси ва айрим йирик сув объектларининг лисоний тадқиқи 1980 йилларда ҳам давом этди. И.Каримов Хоразм, Н.Я.Мингбоев Мирзачўл гидронимларини, Т.Нафасов жили таркибли гидронимларни, Ё.Хўжамбердиев Амударё гидронимини ўрганди<sup>7</sup>.

Н.Мингбоев ўз мақоласида *Аччиққўл, Шўрқўл, Ойимқўл, Оққўл, Эшонқўл, Чибинтойқўл, Мойликўл, Қиётқўл, Уяққўл* каби

<sup>1</sup> Бобур. Захириддин Муҳаммад Бобурнома. - Тошкент: Шарқ, 2002 -336 б.+32 б. Заррарак

<sup>2</sup> Ишаев А. «Қашқа» гидроними // *Ўзбек тили ва адабиёти*, 1967. -№3 -Б.42.

<sup>3</sup> Нафасов Т. Норин гидроними // *Ўзбек тили ва адабиёти*, 1969. -№1 -Б.43.

<sup>4</sup> Шарипов Ҳ. Итоқар гидроними // *Ўзбек тили ва адабиёти*, 1972. -№1. -Б.18.

<sup>5</sup> Бегалиев Н. Сирдарё гидроними // *Ўзбек тили грамматик курилиши ва лексикологияси масалалари*. Самарқанд. 1979. -Б.81-84.

<sup>6</sup> Набиев А. Тошкент ариқлари // *Фан ва турмуш*, 1970. -№11 -Б.27.

<sup>7</sup> Каримов И. Гидроними Южного Хорезма // *Вестник Каракалп фил АН УзССР*. -Нукус. 1983. -№3 -С.58-61; Мингбоев Н.Я. Мирзачўл гидронимлари // *Ўзбек тили ва адабиёти*, 1987. -№2 -Б.50-54. Нафасов Т. Жили компонентли гидронимлар // *Ўзбек тили ва адабиёти*, 1988. -№3. -Б.43-45; Хўжамбердиев Ё. Гоҳида шўх, гоҳида сокин (Амударё) // *Фан ва турмуш*, 1985. -№12. -Б.13

гидронимларнинг, яъни кўл номларининг лексик-семантик хусусиятларини ёритган. У Сирдарё вилояти топонимлари доирасида Мирзачўл гидронимлари салмоқли ўрин тутишини таъкидлайди ва буни қуйидаги омилар билан изоҳлайди:

1. Қадим-қадимдан одамлар кўриқ ва бўз ерларга сув чиқариб, у ерларни ўзлаштирган. Тадқиқотчи далил сифатида IX асрда қазилган *Уринбой ариқ*, қадимий *Ойим ариқ*, *Бўз ариқ*, *Туятортар ариқ* каби гидронимларни келтиради.

2. Сирдарёнинг чап қирғоғи йўналишида дарёнинг тез-тез ўзанидан тошиб чиқиши туфайли кўплаб катта-кичик кўллар пайдо бўлган: *Қиёткўл*, *Оқкўл*, *Ойимкўл*, *Уяскўл*, *Хўрозкўл* каби.

3. Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши Мирзачўлда бир қатор ўзгаришларга, жумладан, чор Россияси маъмурлари номлари билан аталган *Кауфман канали*, *Николай канали*, *Павел Биринчи канали*, *Романов канали* (*Князь ариқ*) гидронимларининг шаклланишига асос бўлди.

4. Мирзачўлдаги гидронимларнинг сон ва салмоқ жиҳатидан кўпайиши асосан шўролар даврига тўғри келади.

5. Мирзачўл воҳасида гидронимларнинг кўплиги яна бир омил билан, яъни топонимиядаги негатив мансубият қонунияти билан боғлиқдир.

Кўринадики, Н.Мингбоев Мирзачўл гидронимларининг миқдоран кўплиги сабабларини, нолисоний ва лисоний омиларини ёритишга ҳаракат қилади, бироқ бундай омилар аниқ ва лўнда кўрсатилмаган, келтирилган омилар гидронимларнинг юзага келиш сабабларидан кўра кўпроқ улар юзага келган даврни изоҳлайди. Шунингдек, Н.Мингбоев топоформант ва топонимик аниқлагич (гидронимик аниқлагич-Н.У.) терминларини фарқламайди. Шу боис *Маликская ветка* - *Малик шохобчаси*, *Баяутский коллектор* - *Боёвут коллектори*, *Сардобинский водосброс* - *Сардоба сув ташлагичи* каби гидронимлар таркибидаги шохобча (ветка), коллектор, сув ташлагич сингари гидронимик аниқлагичларни топоформант

сифатида талқин этади<sup>1</sup>, бошқа бир ўринда шундай сўзлар гуруҳига мансуб *Султонҳовуз* гидроними таркибидаги ҳовуз сўзини гидронимик термин деб кўрсатади.<sup>2</sup>

С.Қораев илмий тадқиқотларида гидронимиканинг илмий-назарий масалалари, Маҳмуд Кошғарий, Бобур, Ҳофизи Аbru, Ҳофиз Таниш ал-Бухорий асарлари, «Авесто», «Худуд ул-олам» материаллари асосида *Нарпай, Амударё // Жайхун, Сирдарё, Вахш, Зарафшон* каби ўнлаб тарихий ва қадимий гидронимларнинг вариантлари, шакллари, этимологияси, сув объекти номлари таркибида учрайдиган сўзларнинг тарихий-этимологик манбаси, маъноси, лаҳжа ва шеваларга хос вариантлари, айрим гидронимларнинг имлоси ўрганилган.<sup>3</sup>

1970-1980 йилларда ўзбек тилшунослигида топонимик луғатшунослик ҳам шаклланди ва ҳозирги кунга қадар С.Қораев, Э.Дўсимов, Х.Эгамов, Ҳ.Ҳасанов, Т.Нафасов, Н.Охунов, Б.Ўринбоев, Б.Турдалиев, Т.Нуъмонов, А.Ҳайдаровларнинг изоҳли луғат, луғат-маълумотнома характеридаги топонимик луғатлари нашр этилди,<sup>4</sup> бироқ соф гидронимик луғат яратилмаган. Мазкур луғатларда топонимлар сирасида айрим гидронимларнинг, кўпроқ йирик сув объектларининг тарихий шакллари, вариантлари, ономастик маъно қирралари, қисман этимологияси изоҳланган.

С.Қораев яратган луғатларда *Чақар (Тошариқ), Қувурариқ, Туятортар, Захариқ* каби Тошкент гидронимлари, *Шаҳруд, Гулисой, Қалқонруд, Қарағанжйда, Кўҳак // Зарафшон,*

<sup>1</sup> Мингбоев Н. Ўша мақола. 51-бет

<sup>2</sup> Мингбоев Н. Ўша мақола. 54-бет

<sup>3</sup> Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари -Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. 2005-240 б.; Қоғлаев С. Топонимика -Тошкент: Ozbekiston faylasufaromilliy jamiyat nashriyoti, 2006 -В 57-66.

<sup>4</sup> Қораев С. Географик номлар маъносини билмасизми? (Топонимик луғат) -Тошкент: Ўзбекистон, 1970; Географик номлар маъноси -Тошкент: Ўзбекистон, 1978 -203 б.; Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. Ўша муаллиф. -Тошкент: Ozbekiston milliy ensiklopediyasi, 2005.-240.; Ўша муаллиф. Самарқанд вилояти топонимларининг изоҳли луғати. - Самарқанд, 1997.; Дўсимов Э., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. -Тошкент: Ўқитувчи, 1977.-174 б.; Ҳасанов Х. Географик номлар сирси -Тошкент: Ўзбекистон, 1985.-120 б.; Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати -Тошкент: Ўқитувчи, 1988.-290 б.; -қишлоқингиз неге шундай аталган? -Тошкент: Фан, 1989 -100 б.; Охунов Н. Жой номлари тазбири. -Тошкент: Ўзбекистон, 1994 -86 б.; Ўринбоев Б. Жиззах вилояти топонимлари - Жиззах, 1992. -53 б. . - Самарқанд. 1997 -202 б.; Турдалиев Б., Нуъмонов Т., Ҳайдаров А. Наманган вилояти топонимларидан материаллар. - Наманган, 1995 -1-китоб.-122 б.

*Сирдарё* каби гидронимлар. Т.Нафасов ишларида *Норин*, *Жилисув*, *Жиликўл*, *Қизбулоқ*, *Қизариқ* сингари гидронимлар изоҳи берилган.<sup>1</sup> С.Найимовнинг Бухоро ойконимлари тадқиқиқа бағишланган номзодлик диссертациясида В.В.Бартольд, В.А.Шишкина, А.Ф.Фуломов, А.Мухаммаджоновларнинг тадқиқотлари асосида ҳудуднинг суворилиш тарихи махсус таҳлил қилинган. Унда *Варахша*, *Зарафшон*, *Шопурком*, *Ҳарамком* каби тарихий гидронимларнинг шаклланиши, *афдоқ*, *жўй*, *зағоркаш*, *сиқоя*, *жон*, *жайхун*, *дўлоб* каби лаҳжавий гидронимик аниқлагичларнинг луғавий-маъновий хусусиятлари ҳамда уларнинг Бухоро ойконимларининг шаклланишидаги вазифаси, ўрни масалалари алоҳида ёритилган<sup>2</sup>. Н.Охунов луғатида эса *Гумсой*, *Жийдам*, *Жўйитик*, *Жўйкўл* каби гидронимлар таҳлили берилган.

Таъкидлаш жоизки, сўнги йилларда Ўзбекистон топонимларининг этимологик талқинига оид этимологик луғат характеридаги тадқиқотлар ҳам яратилди. Толиб Эназаровнинг ана шу характердаги ишида алифбо тартибида 100 га яқин топонимларнинг этимологик таҳлили берилган. Муаллиф Ўзбекистон Республикаси топонимлари сирасида *Арнасой* (*Жиззах в.*), *Еттикечув* (*Сурхон в.*), *Итбулоқ* (*Қашқ. в.*), *Кўксув* (*Фар. в.*), *Олтинқудуқ* (*Бух. в.*), *Сарикўл* (*Сам. в.*), *Туятортар* (*Сам. в.*), *Қайнар* (*Сам. в.; Сурхон. в.*), *Қайирма* (*Нам. в.*), *Қизариқ* (*Нам. в.*) каби гидронимларни этимологик таҳлил қилган<sup>3</sup>. Шунингдек, кўп жилдли «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да ҳам *Сирдарё*, *Амударё*, *Чирчиқ*, *Норин*, *Зарафшон*, *Косонсой*, *Шимолий Фарғона канали*, *Катта Фарғона канали*, *Катта Андижон канали* каби макрогидронимларнинг тарихий, географик, гидрологик, гидрографик ва қисман лисоний изоҳи берилган.<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Каранг Қореев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. –240 б.; Нафасов Т. Кишлоғингиз нега шундай аталган? –Тошкент: Фан, 1989. –100 б.; Озунов Н. Жой номлари таъбири –Тошкент? Ўзбекистон, 1994. –86 б.

<sup>2</sup> Найимов С.И. Ойконимы Бухарской области: Дис. . канд филол. наук. –Ташкент: ИЯЛ АН, 1984. –С.25-43.

<sup>3</sup> Эназаров Т. Ўзбекистондаги баъзи топонимларнинг этимологик талқини. – Тошкент, 2004. –120 б.

<sup>4</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002-2006. –1-12 жилдлар.

Топонимик ва энциклопедик лугатларни кузатиш шуни кўрсатадики, уларда Ўзбекистон Республикаси вилоятлари, туманларига оид барча гидронимлар қамраб олинмаган, айниқса, кичик сув объекти номлари берилмаган. Ҳатто маълум вилоят топонимияси бўйича яратилган топонимик лугатларда ҳам шу ҳудуд гидронимияси тўла ифодаланмаган. Буни Ўзбекистон Республикасининг ҳудудлар бўйича гидронимлари тўпланмаганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Шунинг маҳсули, натижаси бўлса керак, мавжуд энг сўнгги сиёсий-маъмурий хариталарда ҳам гидронимлар тўла берилмаган ва қайд этилмаган.

Н.Бегалиевнинг Самарқанд вилояти гидронимлари тадқиқига оид номзодлик диссертацияси ўзбек тилшунослигидаги гидронимия соҳаси бўйича ягона монографик тадқиқотдир.<sup>1</sup> Диссертациянинг «Гидронимик атамалар» номли биринчи бобида вилоят диалект ва шеваларида учровчи *ариқ, ботқоқ, бош, булоқ, оғиз, одоқ (оёқ), сой, сув, қулоқ, қуауқ, қўл, ўзан* каби туркий, *арна, жўй, кориз, нова, чашма, дарё* каби форс-тожикча, *наҳр, ҳовуз, сел* каби арабча гидронимик аниқлагичларнинг лексик-семантик, этимологик хусусиятлари В.В.Радлов, Л.З.Будагов, Л.В.Димитрова, Г.И.Донидзе, Э.М.Мурзаев, Ҳ.Ҳасановларнинг тадқиқотларига назарий таянилган ҳолда ўрганилган.

Диссертациянинг «Самарқанд вилояти гидронимларининг морфологик таркиби ва сўз ясалиш жиҳатидан таҳлили» номли иккинчи бобида аффиксация ва семантик-лексик усуллар билан гидронимлар ясалиши, вилоят гидронимларининг тузилишига кўра турлари содда (*Булоқ, Чешме, Найман, Мусо, Узун, Сассиқ* каби), қўшма (*Аққўл, Айдинкўл, Найманариқ, Булоқбоши* каби), составли (таркибли) *Умсунтушган, Бейтелўлди*) каби гидронимлар таҳлил қилинган,<sup>2</sup> бироқ мазкур бобда нотўғри, ўринсиз қўлланган лисоний терминлар ҳам кузатилади.

<sup>1</sup> Бегалиев Н. Самарқанд вилояти гидронимлари (лисоний таҳлил): Филлол фанлари номзодлик Самарқанд, 1994 -144 б.

<sup>2</sup> Бегалиев Н. Ушбу диссертация, 52-75-бетлар.

Тадқиқотчи вилоят гидронимларини морфемик тузилишига кўра турларга ажратар экан, «Гидронимлар сўз ясалиши усулига кўра уч турга: содда, қўшма ва составли (таркибли) гидронимларга бўлинади» деб кўрсатади. Жумлада кўриниб турганидек, у «морфемик тузилиш», «морфологик тузилиш» терминлари қўлланиши лозим бўлган ўринда «сўз ясалиши усули» терминини ноўрин қўлаб, услубий ғалатликка йўл қўйган.<sup>1</sup>

Тадқиқотнинг «Гидронимларнинг лексик-семантик хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида гидронимларнинг лексик-семантик таснифига доир О.Т.Молчанов, А.А.Камолов, С.Атаниязов, З.Дўсимов, Н.Охуновларнинг тадқиқотлари ҳақида фикр юритилган ва вилоят гидронимларининг лексик-семантик таснифи берилган. Мазкур бобда вилоят гидронимлари «Сув объектининг табиий-географик ҳолати, хусусияти билан боғлиқ гидронимлар» ва «Ҳудуднинг тарихи, иқтисодий ва маданий ҳаёти билан боғлиқ гидронимлар» каби икки турга ва уларни ўз ичида яна маълум мавзуй гуруҳларга бўлиш асосида таҳлил қилинган. Мазкур бобнинг «Вилоят гидронимларининг тарихий-этимологик таҳлили» номи қисмида вилоят гидронимлари этимологик манбаси жиҳатдан қуйидаги 5 гуруҳга ажратиб ўрганилган:

1) ўзбек тилига мансуб гидронимлар (*Узунбулоқсай, Қозонарық, Тоққўзарық, Нишбарық* каби);

2) форс-тожик тилига мансуб гидронимлар (*Арна, Гэрдан, Дарғам, Абирәҳмат, Сийаб, Шавдарарық, Хэзарарық* каби);

3) араб тилига мансуб гидронимлар (*Әнҳор, Нэртэй, Әләмлисай, Фоссай, Хэвзэк* каби);

4) мўғул тилига мансуб гидронимлар (*Булуңғурарығы, Наринарығы, Пэсткиймоғал* каби);

5) рус тили таъсирида ҳосил бўлган гидронимлар (*Кирав намли тэшләма, Биринчи мэй тоғани* каби).<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Қаринг. Бегалиев Н. Ўша диссертация. 13-б

<sup>2</sup> Бегалиев Н. Ўша автореферат. 17-22-бетлар



Бизнингча, Н.Бегалиевнинг бу таснифига қўшилиб бўлмайди. У форс-тожик, араб, мўғул, рус тилига мансуб гидронимлар деб кўрсатган сув объекти номлари ўзбек тилига мансубдир, чунки улар ўзбек тилида пайдо бўлган, ўзбек гидронимик номинацияси маҳсули, фақат сув объектларини номлашда юқоридаги тиллардан ўзлашган апеллятив лексик сатҳ бирикларидан фойдаланилган. Бу, албатта, гидроним бошқа тилники деган хулоса яшашга имкон бермайди. Зеро, ҳар қандай ном, жумладан, гидроним қайси тилда пайдо бўлса, ўша тилга мансуб бўлади.

Ўзбек тилшунослигида гидронимик аниқлагичлар, гидронимлар тадқиқида Н.Охуновнинг хизматлари ҳам катта. Унинг «Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари» номли рисоласининг бир қисми «Гидронимлар» деб аталган. У шу қисмда гидронимларни қандай сув объекти номи эканлигига кўра қуйидагича гуруҳлаган: дарё номлари: *Амударё, Сирдарё*; сув омборлари номлари: *Чорвоқ сув омбори, Каркидон сув омбори*; канал номлари: *Катта Фарғона канали, Аму-Занг канали*; сой номлари: *Оқтепасой, Кўксаройсой, Оҳаклисой, Оқсой*; кўл номлари: *Тўдакўл, Чуқуркўл, Каттакўл*; булоқ номлари: *Қўтирбулоқ, Арашонбулоқ, Қайнарбулоқ*; ариқ номлари: *Жийдаарик, Шўрарик, Даштарик*; қудуқ номлари: *Эшонқудуқ, Қудуқинав, Оёққудуқ*; ҳовуз номлари: *Цементли ҳовуз, Бўрҳовуз, Тошҳовуз*; зовур номлари: *Кўкзовур, Қораёғзовур, Ҳаромзовур*; тўғон ва қувур номлари: *Қумтўғон, Бешқувур, Тошқувур* каби.<sup>1</sup> Бизнингча, бу ўринда селхона, кориз, сардоба, банд, тўғон, жилға, кўприк номлари каби айрим гидронимлар қолиб кетган.

Н.Охунов гидронимларнинг номланиш тамойилларига кўра, уларнинг шаклланишига асос бўлган омиларга кўра «Уруғ-қабила, халқ номлари билан аталган гидронимлар», «Киши исмлари асосида вужудга келган гидронимлар», «Ўсимлик номлари билан юритилувчи гидронимлар» каби 12 гуруҳга

<sup>1</sup> Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари -Тошкент: Фан, 1989 -Б.36

ажратган ғ Тентаксой, Шайтонёп, Жиннидарё каби ўнлаб гидронимларнинг лексик-семантик жиҳатдан таҳлил қилган. Гидронимлар таснифидан сўнг уларнинг таркибида қўлланувчи қанда, олиш, ўзак, жўта, руд, қоқ, арна, ёп, солма, ёрмиш, соқа каби диалектал гидронимик аниқлагичлар хусусида далиллар билан фикр юритган.<sup>1</sup> Шунингдек, Н.Охуновнинг топонимлар изоҳига бағишланган рисоласида Жўйдам, Жўйкўл, Жўйичукур, Музбулоқ, Сардоба, Тўдаариқ, Шилдир, Қипчоқариқ, Қирғизариқ, Козоқариқ, Қорасув, Ғалчасой каби 20 дан зиёд гидронимлар ва гидроойконимларнинг маъно хусусиятлари, номланиш мотиви ҳамда тарихи изоҳланган.

А.Муҳаммадҷонов илмий фаолиятида ҳам гидронимлар тадқиқига доир ишлар кузатилади. Унинг Ўзбекистондаги қадимги гидротехник иншоотлар тарихига бағишланган илмий рисоласида қадимги сув омборлари, жумладан, X асрда қурилган Хонбанди, XII асрда қад кўтарган Фиштбанд, XVI асрда бунёд этилган Абдуллахон банди, сув тақсимловчи кўприклар, сув кўтаргич чирир ва чархпалаклар, сув жамғарувчи қулфакли ховуз ва сардобалар, фиштин новалар, Нурота коризлари ҳақида фикр юритилган.<sup>2</sup> Мазкур рисола гидротехника ва қадимги гидротехника иншоотлари тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

А.Муҳаммадҷоновнинг яна бир илмий мақоласи айрим гидронимларнинг тарихий-этимологик тадқиқига бағишланган бўлиб, унда «кал», «кол», «колот» таркибли Калобод, Калковуз, Калос, Миёнкол гидронимлари тарих, тилшунослик ва география фанлари нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.<sup>3</sup>

А. Отажонова томонидан Хоразм этнопонимлари тизимидаги этногидронимлар тадқиқ этилди.<sup>4</sup> Тадқиқотчи Хоразм этногидронимларининг пайдо бўлиши бир қатор омиллар билан боғлиқлигини таъкидлаб, уларни қуйидаги гуруҳларга

<sup>1</sup> Охунов Н. Ўша рисола, 37-44-бетлар

<sup>2</sup> Муҳаммадҷонов А. Ўзбекистоннинг қадимги гидротехника иншоотлари. -Тошкент: Ўзбекистон, 1997. -87 б

<sup>3</sup> Муҳаммадҷонов А. «Калобод», «Калковуз», «Калос», «Миёнкол» гидронимлари ва «кал», «кол», «колот» субстратлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 2004. -Б.43-47

<sup>4</sup> Кариев. Отажонова А. Хоразм этнопонимлари. -Тошкент: Фан, 1997. -Б.56-60

ажратиш асосида уларнинг лексик-семантик хусусиятларини изоҳлаган:

1. Гидроним ўша объект атрофида яшаган халқ ёки қабила номи асосида вужудга келади. Масалан, *Каритйап, Қыргызйап, Маңғытарна, Йомытйап, Хызырели коли* каби гидронимларни шу аснода юзага келганлигини кўрсатади. Тадқиқотчининг фикрларини тасдиқлаган ҳолда, шуни таъкидлаш жоизки, ҳар қандай илмий фикрда яқдилликка эришиш, турли мулоҳазали фикрларни ойдинлаштириб, қиёслаб, энг тўғриси ва ишончлисини илмий жамоатчиликка тақдим этиш лозим, бироқ А.Отажонова *Манғытарна* этногидронимини юқоридаги гуруҳга киритади-да, қуйироқда эса «Масалан, манбаларда келтирилишича, *Манғытарна* шу канал атрофида яшовчи қабила номига қўйилган эмас, у манғытларга тегишли ҳудуддан оқиб ўтади, холос» деб ёзади. Демак, шу фикр асосли бўлса, мазкур гидронимни юқоридаги гуруҳга киритишни ўйлаб кўриш лозим эди. Шунингдек, А.Отажонова *Хызырели коли* гидронимини объект атрофида яшаган халқ ёки қабила номи асосида вужудга келган этногидронимлар сирасига нотўғри киритган.<sup>1</sup>

Хизр – ислом ривоятларидаги шахс, тақводор инсон. Хизр Қуръонда тилга олинмаган, лекин уламолар Қуръонда «Аллоҳнинг қули» номи билан тилга олинган шахсни Хизр деб талқин қиладилар.<sup>2</sup> У ҳаёт булоғида «оби ҳаёт ичган» ва умрибоқий бўлган; оғир аҳволда қолган кишининг мушкулени осон қилар эмиш; у билан учрашган, кўришган одам, бахтли бўлар эмиш.<sup>3</sup> Бизнингча қўл ана шу Хизрга ёки Хизрали исми кишига нисбат бериб номланган, антропогидроним, тадқиқотчи кўрсатганидек этногидроним эмас, чунки бундай этноним манбаларда кузатилмайди.

<sup>1</sup> Қаранг. Отажонова А. *Ўша* монография, 57-бет.

<sup>2</sup> *Ўзбекистон миллий энциклопедияси* – Тошкент, 2005 – 9-ж. – Б 421

<sup>3</sup> *Ўзбек тилининг изоҳли луғати* – М.: Рус тили, 1981. – II т. – Б 323

2. Миллатлар номи асосида вужудга келган гидронимлар: *Аралкол, Ка, Чийсайп, Немискол, Қазақйап, Чаркаскол, Орисйап* ва бошқалар Муаллиф фикрича, бундай этногидронимларнинг шаклланишида негативлик мезони амал қилади, яъни шу жойда ва унинг атрофида яшовчи энг кам сонли халқнинг номи гидронимга айланади. Бу фикр асосли ва тўғри. Одатда ҳар қандай жой номларини, жумладан, сувликларни номлашда шу жойга, ҳудудга хос характерли жиҳат, бошқа жойлардан фарқловчи белги-хусусиятлар, жиҳатлар эътиборга олинади. Чунончи, сувликларни номлашда шу ҳудудда яшовчи кам сонли этник гуруҳ эътиборга олиниши ҳам мумкин. Юқорида келтирилган этногидронимлар шу тарзда шаклланган.

3. Бирон этник гуруҳга мансуб кишилар ҳаётида юз берган тарихий воқеа ва ҳодиса билан боғлиқ ҳолда юзага келган гидронимлар: *Сурьскеткинкөл, Чавдырйарғанөзин, Ўғизолганкөл, Қорақалпақйарғанқанал* ва ҳоказо. Муаллиф *кўрсатишича*, этногидронимлар таркибидаги *йармиш, йарған* сўзлари диалектизм бўлиб, ҳозирги ўзбек адабий тилида «қазмоқ» маъносини англатади.<sup>1</sup>

М.Турдибеков Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк» асари ономастикаси доирасида асарда қўлланган тарихий гидронимларни ўрганган.<sup>2</sup> М.Турдибеков «Шажарайи турк» ономастик лексикасидаги гидронимларнинг улар таркибида иштирок этган индикаторлар (гидронимик аниқлагичлар-Н.У.)нинг турига кўра гуруҳларга ажратиш асосида таҳлил қилган. Шунингдек, тадқиқотда «Шажарайи турк» гидронимлари морфемик тузилишига, ясалишига хос хусусиятлар ҳақида ҳам фикр юритилган. Бунингча, муаллиф асардаги гидронимлар таснифида лексик-семантик ва морфемик хусусиятларни аралаштириб юборган.<sup>3</sup> Аввал гидронимларнинг таркибига эътибор қаратмасдан лексик-семантик жиҳатдан дарё номлари,

<sup>1</sup> Карим Оттимонова А. Ушун асар, 60-бет

<sup>2</sup> Турдибеков М. «Шажарайи турк» тилидаги бунги гидронимларга доир мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1996 - №5 - Ё. 50-52

<sup>3</sup> Турдибеков М. Юқоридати мақоли. 51-52-бетлар

денгиз номлари, булоқ номлари, қудуқ номлари каби гуруҳлаш, сўнг уларнинг таркибидаги топонимик аниқлагичларга кўра морфемик таснифлаш мақсадга мувофиқ эди.

Ш.Ёқубов томонидан Алишер Навоий асарлари ономастикаси доирасида гидронимлар ҳам тадқиқ этилган.<sup>1</sup> Тадқиқотчи Алишер Навоий асарлари тилида учрайдиган гидронимларни қуйидаги гуруҳларга ажратган ва лисоний жиҳатдан таҳлил қилган:

- 1) океан, денгиз ва кўлларнинг номи;
- 2) дарёлар, булоқлар номи;
- 3) ариқлар, анҳорлар номи;
- 4) бошқа хил сув иншоотларининг номлари (бандлар, кўприклар).<sup>1</sup>

Мазкур гуруҳлар доирасида *Руму Фаранг денгизи, Баҳри Ҳинд, Арас, Аму, Дажла, Нил, Фрот, Чашман Сабз, Параган коризи, Инжил ариғи, Жуйи Наврўзии* каби денгиз, дарё, булоқ, кориз, ариқ номлари изоҳланган. Тадқиқотда гидронимларнинг таснифи умумийроқ характерда, аниқ ва изчил эмас, шоир асарларига хос парафразавий гидронимлар таҳлили чуқур берилмаган. Буни, албатта, тадқиқотнинг қамрови кенглиги, айнан гидронимлар тадқиқига бағишланмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

А.Аслонов томонидан Шофиркон тумани топонимияси доирасида ҳудуд гидронимлари ҳам ўрганилган.<sup>2</sup> У Шофиркон туманида республиканинг бошқа ҳудудларида мавжуд бўлган *қоқ, изма, жила, томчи, сардоба* каби сув объектлари йўқлигини, туман ҳудуди паст-текислик ва ўнқир-чўнқирлардан иборат бўлгани учун туман гидронимларининг асосини кўл, ариқ, ҳовуз, қудуқлар номи ташкил этишини алоҳида таъкидлаган ҳамда Шофиркон гидронимларини *ариқлар, захкаш (заҳарик) номлари, кўл номлари (лимнонимлар), кўприк номлари*

<sup>1</sup> Карим Ёқубов Ш. Навоий асарлари ономастикаси. Филол. фан номлари дис. автореф. Тошкент 1994. - й 13.

<sup>2</sup> Аслонов А. Шофиркон тумани микротопонимиясининг лингвистик таҳлили. Филол. фанлари номлари дис. автореф. - Тошкент, 2005. - 22-б. - Шофиркон тумани гидронимлари. Ўзбек тили ва адабиёти, 2000. - №4 й 35-37.

каби гуруҳларга ажратган. Туман гидронимларини номланиш асосига кўра *гидроантропонимлар* (*Амин бобо кўли, Абдал бобонинг захкаши*), *гидроойконимлар* (*Айрончи ариғи, Андақи ариғи* каби) ва *объектнинг хусусияти, ҳолати билан боғлиқ номлар* (*Беш ариқ, Чуқур кўл, Кўҳна рўд, Шўр кўл* каби) сингари гуруҳларга ажратилган, бироқ номзодлик диссертацияси авторефератида ва масалага оид мақолада ҳам туман гидронимларининг лексик-семантик, этимологик хусусиятлари тўла таҳлил қилинмаган. Шунингдек, А.Аслоновнинг Шофиркон тумани гидронимларига оид таснифида умумийлик устунлик қилади, гидронимларни уларнинг номланиш асосига кўра ўз ичига яна бир неча гуруҳга ажратиш мумкин эди. Мақолада ўзбек тилига рус ва Европа тилларидан ўзлашган айрим сўз ва терминларнинг ҳозирда муқобиллари бўлгани ҳолда асл шакли қўлланиши кузатилади: *регион, атрибут, номинация* каби. Мазкур сўзлар ўрнига *минтақа, сифатий номлар, номланиш* сўзлари қўлланса мақсадга мувофиқ бўларди. Ш.Нафасов ҳозирда Қашқадарё вилояти гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи бўйича илмий изланишлар олиб борапти. Унинг бир қатор мақолаларида вилоят гидронимларининг лисоний хусусиятлари тадқиқ этилган<sup>1</sup>. Унинг «Дарё номлари» мақоласида дарё гидронимик термини, унинг маънолари ва дарёларнинг номланишига хос лисоний, нолисоний омилар, дарё номларининг морфемик хусусиятлари ҳақида фикр юритилган. Муаллиф кўрсатишича, дарёнинг номланишида уларнинг тўйиниш манбаси (Оқдарё-Қорадарё, Оқсув-Қорасув),

<sup>1</sup> Нафасов Ш. Қашқадарё вилояти гидронимлари // Республика ёш тилшуносларининг анъанавий илмий конференцияси тезислари тўплами - Тошкент, 1995. - Б 28-30. - Узбекистон оқар сувлуклари номлари // Насаф филологияси. - Қарши, 1996. - Б 22-24; - Қашқадарё вилояти гидронимлари Республика ёш тилшуносларининг анъанавий илмий конференцияси тезислари тўплами - Тошкент, 1996. Б.28-29; - Узбек гидронимикаси // Насаф тилшунослиги масалалари. - Тошкент, 1997. - Б.27-30. Ушл муаллиф *Ўзбекча суя номларида қушимча қушиб ясаш борми?* / Жой номлари - чалқ тили ва маданиятининг нодир мероси Республика илмий-амалий конференцияси материаллари - Навоий, 1998. Б 51-52; - Гидронимларнинг тил ва нутқдаги макеи // Насаф тилшунослиги масалалари. - Тошкент, 1999. - 2-тўплам, -Б.39-40. - Гидронимлар мантиқ номлари // Улуғ А.Навоийнинг узбек адабиети, тили маданияти тараққиётидаги буюк қизматлари ва ҳозирги адабий, лисоний ва маданий жараён - Қарши, 2000. - Б 78-79; - Гидронимлар микросистемаси // Лингвостика, структур филология ва когнитив таллим масалалари. - Самарқанд, 2006. -Б 140-142. Гидронимлар микросистемаси ҳақида // Услубшунослик ва фразеологикнинг долзарб масалалари. - Самарқанд, 2007. - Б.130-132; - Гидронимик номинация // Истиклол ва тил 3-қисми - Тошкент, 2007. - Б 177-182

ўзанининг тузилиши ва кўриниши (Жиннидарё, Телтақдарё), тупроқ хусусияти (Қизилдарё, Қизилсув), оқиш суръати ва ҳолати (Тезоб), сувнинг таркиби (Шўроб), бошланиш нуқтаси (Қашқадарё, Шержон), оқим йўналиши (Ўрадарё) каби нолисоний омиллар мотив қилиб олинishi далиллар асосида ёритилган. Мақола тезис характерида бўлганлигидан дарё номларига хос барча лисоний хусусиятлар, жумладан, тарихий ва замонавий дарё номлари, дарё номларининг диалектал вариантлари, имлоси, географик хариталарда берилиши каби масалалар ёритилмаган.<sup>1</sup>

Х.Худойберганов Қорақалпоғистонда гидронимларнинг кўплигини таъкидлаб, уларни илмий тадқиқ қилиш ҳозирги тилшунослик фани олдида турган муҳим, ўз ечимини кутаётган масалалардан бири эканлигини кўрсатган. У фикрларининг далили сифатида П.П.Тумнинг «Аральское море» номли рисоласида Орол денгизида 400 га яқин ороллар, ярим ороллар, бурунлар, қўлтиқлар борлиги кўрсатилганлигини келтиради. Тезис охирида эса у Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги гидронимларни тарихий-лингвистик жиҳатдан ўрганиш асосий мақсад қилиб олинганлигини айтади. Тезис мағзини ана шу фикрлар ташкил этади.<sup>2</sup> Афсуски, тезисда бирорта гидроним келтирилмаган ва таҳлил қилинмаган.

Фарғона водийси гидронимияси юзасидан ҳозирга қадар йирик лингвистик илмий тадқиқотлар яратилмаган бўлса-да, мазкур ҳудуд гидронимлари тарих, география фанлари нуқтаи назаридан ўрганилган. Фарғона водийси, жумладан, Наманган вилоятининг суғорилиш тарихи тарихшунос олимлар А.Жувонмардиев, С.Жалилов ва Й.Қосимовлар томонидан тадқиқ этилган.

А.Жувонмардиевнинг XVI-XIX асрларда Фарғона водийсидаги ер-сув муносабатларига доир асари ҳам ҳудуд,

<sup>1</sup> Қаранг: Нафасов Ш.Т. Дарё номлари // Республика ёш тилшуносларининг амьанавий илмий конференцияси тезислари туплави. -Тошкент, 1995. -Б.77-78.

<sup>2</sup> Худойберганов Х. Қорақалпоғистон гидронимларининг ўрганишига доир // Ўзбек тилшунослигига оид тадқиқотлар. -Тошкент, 1994, VI чикиш -Б.71-72.

айниқса, Наманган вилояти Чортоқ тумани тарихий гидронимларини ўрганишда муҳим манбадир. Асар Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланаётган 1644-рақамли 146 та ёрлиқлар тўплами асосида ёзилган. Унда топонимлар қаторида *Адак ариғи* (Нам. в. Уйчи т.), *Кашанак* (Нам. в. Чортоқ т.) каби тарихий гидронимлар тилга олинган<sup>1</sup>.

С.Жалилов ўз монографиясида республика давлат архивларидаги ҳужжатлар, қўлёзма асарлар ва экспедициялар даврида тўпланган этнографик материаллар асосида XIX асрдан то 1920 йилларгача бўлган даврдаги Фарғона водийси туманларининг суғорилиш тарихини ёритган. Монографияда асосий эътибор Фарғона водийсининг жануби-шарқий қисмига қаратилган. Ишда *Норин, Сирдарё, Оқбура* каби йирик сув объектларининг тарихи, *Хокан, Бурҳон Шайх, Хўтан, Жуйибозор, Бўғра, Далварзин, Қўшариқ, Андижонсой, Мусулмонариқ, Шаҳрихонсой* сингари кичик сув объектлари таҳлили асосида Фарғона водийсига гидрографик характеристика берилган. С.Жалиловнинг ишида Наманган вилояти Чуст, Поп туманларидаги айрим кичик сув объектлари ҳақида ҳам фикр юритилган.

Наманган вилоятининг суғорилиш тарихи Й.Қосимовнинг монографиясида кенг ёритилган. Олим воҳа суғорилиш тарихини ёритиш жараёнида археологик кузатишлар, архив ҳужжатлари асосида ҳудудга хос *Қалмиқариқ, Боғиш, Қурама, Мамай, Бешатмон, Кўкжар* каби тарихий қабила, уруғ номи билан аталган ариқларни, *Бойариқ* (ҳозирги Намангансой), *Эшонбобо канали* (ҳозирги Охунбобоев номидаги канал), *Янгиариқ, Мутаган, Хонариқ* каби бошқа ўнлаб сув объектларининг бунёд этилиш тарихи ҳақида фикр юритган. Мазкур монография Наманган вилояти гидронимларининг тарихини, тарихий шаклларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Жўномардиев А. XVI-XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир - Тошкент: Фан, 1965. - 184-б  
<sup>2</sup> Қосимов Й. Наманган воҳасининг суғорилиш тарихидан - Тошкент: Фан, 1988 - 121-б



Тарихчи олим Й.Қосимовнинг «Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон халқларининг сув учун кураши тарихидан» китобининг «Фарғона водийсида ирригация қурилишлари» номли қисмида Наманган вилоятидаги *Чуст канали, Юқори Учқўрғон канали, Косонсой (Ўрта тўқай) сув омборининг* қурилиши ва барпо этилиш тарихи далиллар асосида таҳлил қилинган.<sup>1</sup>

Ўзбекистон гидронимлари география фани нуқтаи назаридан П.Баратов томонидан тадқиқ этилган. У яратган географияга оид дарсликнинг «Дарёлар» номли қисмида бутун Ўзбекистон гидронимияси учун характерли бўлган Сирдарё, Амударё, Зарафшон гидронимларининг географик хусусиятлари, номланиш тарихи, Сирдарёнинг *Яксарт, Сайхун, Силис, Сир* каби қадимий номлари, ирмоқлари, «Фарғона округи» номли бўлимида эса Норин дарёси ҳамда Косонсой, Ғовасой, Подшоотасойнинг гидрологик ва географик хусусиятлари ёритилган.<sup>2</sup>

Юқоридаги келтирилган, Фарғона водийси тарихи, географиясига оид тадқиқотлар ҳудуд гидронимларининг лисоний жиҳатдан ўрганишда тарихий, илмий манба вазифасини бажаради.

Фарғона водийсига хос айрим гидронимларнинг баъзи лисоний жиҳатлари ҳудуд топонимлари доирасида С.Қораев, Ё.Узоқов, А.Ю.Алиев, Х.Ақромов каби олимлар томонидан қисман ўрганилган.

Фарғона водийси гидронимларининг лисоний жиҳатдан тадқиқи борасида Н.Охуновнинг хизматлари ҳам катта. Н.Охуновнинг «Жой номлари таъбири» рисоласида республикамиздаги қишлоқ, маҳалла, гузар номлари қаторида Фарғона водийси гидронимиясига мансуб *Жўйитик, Жўйкўл, Тошкечув, Обиснё* каби гидронимлар ҳамда *Мингбулоқ, Қўғаликўл, Бордимкўл, Шўркўл, Полвонкўл, Чапкўл, Кўл ёқа,*

<sup>1</sup> Қарағ. Қосимов Й. Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон халқларининг сув учун кураши тарихидан - Тошкент: Фан, 1983.-Б.18-41.

<sup>2</sup> Қарағ. Баратов П. Ўзбекистон табиий географияси - Тошкент: Уқитувчи, 1996 - Б.85-86, 192-194

*Дуоб, Сардоба, Созсой* каби гидротопонимларнинг этимологияси, лексик-семантик хусусиятлари, морфемик таркиби, ясалиши ёритилган.<sup>1</sup>

Айнан гидронимлар тадқиқига бағишланмаган бўлса-да, Б.Турдалиев, Т.Нуъмонов, А.Ҳайдаровларнинг Наманган вилояти топонимиясига оид изоҳли луғат характеридаги китобида *Алияк жилғаси, Бешиктепа, Бойўғлисой, Бойариқ, Варзигон ариқ, Варзик, Дачаариқ, Дамариқ, Жилдирбулоқ, Исковотсой* каби 50 га яқин гидронимларнинг изоҳи берилган, бироқ изоҳлар лисоний жиҳатдан мукамал эмас.<sup>2</sup>

Ҳудуддаги туманлар ҳақида яратилган айрим нашрларда ҳам баъзи маҳаллий гидронимлар изоҳи кузатилади. Жумладан, «Учқўрғон тумани» номли маълумотномада туманга оид *Тошканал, Ингичка, Норин, Шийпон, Чорвоқ, Остинга, Нишоб, Бирлаштирувчи, Бегматарик, Дам, Катта Фарғона канали, Тегирмонарик, Учқўрғон канали, Хўжаобод канали, Чорбоғариқ, Шаҳрихончек канали, Бўрибош, Янгитўда канали, Қайирма ариқ, Қўғайариқ, Ҳаққулобод ариғи* каби 20 дан зиёд гидронимлар ҳақида тарихий, географик маълумотлар берилган.<sup>3</sup>

Ўзбек тили гидронимлари юзасидан тарих, география, тилшунослик фанлари йўналишида бажарилган ишлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳудуд гидронимларининг барчаси тўпланмаган, айримларининг бунёд этилиш тарихи, географик жиҳатлари ўрганилган бўлса-да, лисоний жиҳатлари: номланиш тамойили, этимологияси, луғавий-маъновий, ясалиш, морфемик, морфологик, диалектологик хусусиятлари, номлардаги фонетик-фонологик ўзгаришлар тўла ўрганилмаган. Мазкур ҳолат тарихчи, географ, тилшунос олимлар олдига ҳудуд гидронимларини тўплаш бўйича қўшма экспедициялар ўтказиш, уларнинг тарихини ёзиш, гидронимик тавсифини яратиш, географик жиҳатларини ифода этувчи «Ўзбекистон гидронимик

<sup>1</sup> Окунов Н. Жой номлари таъбири - Тошкент: Ўзбекистон, 1994 - 86 б.

<sup>2</sup> Турдалиев Б., Нуъмонов Т., Ҳайдаров А. Наманган вилояти топонимларидан материаллар. - Наманган, 1995 - 1-китоб - 122 б.

<sup>3</sup> Карвиг. Учқўрғон тумани (маълумотнома) - Наманган, 1995. - б. 163.

харитаси», «Фарғона водийси гидронимик харитаси», «Наманган вилояти гидронимик харитаси» каби хариталар, «Ўзбек тили гидронимлари» номли маълумотнома ва изоҳли лугатлар тузиш каби долзарб вазифаларни қўяди. Албатта, бу ҳудуд тарихини, географиясини, топонимиясини, диалектларини ўрганишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

## **2-БОБ. ЎЗБЕК ТИЛИ ГИДРОНИМЛАРИНИНГ ЛУҒАВИЙ-МАЪНОВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

---

### **2.1. ГИДРОНИМЛАРНИНГ НОМЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ЛУҒАВИЙ-МАЪНОВИЙ ТАСНИФИГА ДОИР ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲЛИЛИ**

#### **2.1.1. ГИДРОНИМЛАРНИНГ НОМЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА УЛАРДА ОППОЗИЦИЯ**

Инсон борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни онгли равишда кузатар экан, уларга хос бўлган умумий ҳамда хусусий белги-хусусиятларни сезади, шу тариқа чексиз олам, ундаги мавжуд нарсалар, юз берадиган ҳодисалар ҳақида турли тушунча ва тасаввурларга эга бўлади. Бу тилда, уларга берилган номларда яққол ифодаланади.

Тилшунослиқдаги номланиш (номинация)га оид илмий тадқиқотларда нарса-ҳодисаларни номловчи шахс субъект, номланувчи нарсалар объект деб аталган<sup>1</sup>. Биз субъект ўрнида номловчи, объект ўрнида номланувчи терминларини қўллашни лозим топдик. Юқорида таъкидлаганимиздек, номлар узок тарихий такомил маҳсулидир. Номларда инсоннинг, яъни номловчининг кўп йиллик ҳаётий кузатишлари, кўникма ва малакалари, тажрибаси, предметга, воқеа-ҳодисага - номланувчига бўлган турли муносабатлари акс этади. Зеро, А.В.Суперанская айтганидек, «...бирор предмет ёки ҳодиса номининг пайдо бўлишини инсон тажрибасисиз тасаввур қилиш мумкин эмас...»<sup>2</sup>.

Номловчи нарса ва ҳодисаларни номлар экан, аввало, умумлаштириш доирасида иш кўради, бунда номланувчиларга

---

<sup>1</sup> Гак В.Г. Номинатия, семантика, семиология. Языковая номинация (общие вопросы). Москва, 1977. С. 279.  
<sup>2</sup> Суперанская А.В. Общая теория имени собственного. Москва: Наука, 1973. С. 236.

хос умумий бўлган белги-хусусиятларга асосланади. Шунингдек, номларда умумлаштириш, яъни абстракция (турдош отларда) қанчалик зарур бўлса, нарса ва ҳодисаларни алоҳидалаб, аниқлаб, шунга кўра яққалаб кўрсатиш ва аташ ҳам шунчалик муҳимдир. Демак, якка ва аниқ предмет, ҳодисаларнинг номлари - атоқли отлар мажмуи ҳам тилда муҳим ҳаётий зарурият ва эҳтиёж туфайли туғилган<sup>1</sup>. Атоқли отларнинг асосий кўринишларидан бири бўлган топонимларнинг бир тури - гидронимларнинг лисоний шаклланишида ҳам буни яққол кузатиш мумкин. Жумладан, ўзбек тили гидронимлари ҳам номловчи-номланувчи томонларнинг мураккаб муносабати ва узоқ тарихий такомил маҳсулидир.


Кузатишларимизнинг далолат беришича, гидронимларнинг шаклланиши, аввало, халқнинг деҳқончилик маданияти билан боғлиқ. Сув объектлари дастлаб содда тарзда номланган, яъни сув объекти турини билдирувчи сўз, айни вақтда, унинг махсус номи ҳам саналган: Ариқ, Кўл, Тўғон, Анҳор, Соё каби. Ҳозирда ҳам *Арна* (Бух. в. Шофиркор т.), *Анҳор* (Тош. ш.), *Булоқ* (Нам. в. Поп т.) каби гидронимларнинг мавжудлиги буни тасдиқлайди.

Деҳқончилик маданиятининг ўсиши билан сув объекти ва иншоотларининг тури, миқдори ҳам ортиб борган. Сув объектлари турли белги-хусусиятлари билан фарқланиб, ҳар бири ўзига хос тарзда номланган: *Хонариқ* (Нам. в. Чуст т. Олмос к.), *Ўрисариқ* (Нам. в. Учқўрғон т. Қайқи қ.), *Қалмоқариқ* (Нам. в. Чортоқ т.) каби.

Номловчи (номинатор) сув объектлари ва иншоотларига ном (атоқли от) беришда уларга хос бирор хусусиятни, жиҳатни мотив қилиб олади. Бу жараёнда сув объектлари ва иншоотларининг жойлашиш ўрни, тузилиши, шакли, уларни бунёд этган шахсларнинг номлари, мазкур ҳудуд атрофида ўсадиган ўсимликлар, дарахтлар, яшайдиган ҳайвон ва жонзотлар ёки сувнинг белги-хусусиятлари мотив вазифасини бажаради. Демак, сув объектлари ва иншоотларининг

<sup>1</sup> Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик катламлари - Тошкент: Фан, 1985 - Ы 16

номланиши жараёнида номловчи (субъект) фаолияти алоҳида ўрин тутади. Гидроним номловчи сув объектига хос ва у билан боғлиқ маълум белги-хусусиятларни бирор тамойилга асослаган ҳолда танлаши билан мураккаб жараён маҳсули сифатида юзага келади (2.1.1-расм).



2.1.1-расм. Сув объектлари ва иншоотларининг номланиш жараёни

Сув объектларини номлашда нисбийлик, позитивлик, негативлик тамойил (принцип)ларига асосланилади. Топонимлар номинациясининг тамойиллари В.А.Никонов, Л.М.Майдонова, Э.Дўсимов, Т.Нафасовлар томонидан ўрганилган.<sup>1</sup>

Топонимияга оид айрим тадқиқотларда номлаш тамойили (принципи), яъни номлаш усули билан номлаш мотивини аралаштириб, айнан бир нарса сифатида талқин этиш ҳам кузатилади. Чунончи, Ш.Қодирова Тошкент микротопонимиясига бағишланган мақоласида ҳудуд микротопонимларини *геоморфологик хусусиятига, географик ўрнига қараб ўсимлик номи билан, атоқли отлар: киши номлари, йирик ва кичик географик жойларнинг номлари билан, касб-ҳунар номлари*

<sup>1</sup> Никонов В.А. Пути топонимического исследования // Принципы топонимики - Москва, 1964 - С.77-79; Майдонова Л.М. Процесс номинация и номинативные варианты // Вопросы топонимастики - Свердловск, 1971 - №6 - С.23-34; Дўсимов Э. Топонимлар номинациясида нисбийлик принциплари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1984 - №4 - Б.12-15; Ўша муаллиф. Топонимлар номинациясида позитивлик ва негативлик принциплари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1985 - №5 - Б.33-37; Нафасов Т. Объектларнинг номланишига доир / Ўзбек тилишунослиги масаллари - Қарши, 1976. - Б 56-59

билан ҳамда тарихий ва бошқа воқеалар билан аталган жой номларига гуруҳлайди. Мазкур гуруҳларни принцип ҳисоблайди. Масалан, айнан келтирамиз: «Ер қатламининг устки тузилиши, қатламига қараб ном қўйиш эски ва ҳозирги микротопонимия учун характерли принциплардан биридир».<sup>1</sup>

Ёки бошқа ўринда: «Ҳозирги Тошкент микротопонимияси учун характерли бўлган номлаш принципларидан бири тарихий ва бошқа воқеаларга бағишлаб ном беришдир...»

Ш.Қодирова номлаш принципи, яъни номлаш тамойили деб талқин этган гуруҳлар аслида номланиш омили ва асосидир. У келтирган *Жаркўча, Чуқуркўча, Шўртепа, Нишабарик* каби топонимлар ер қатламининг устки тузилишига қараб номлаш принципи асосида вужудга келган эмас, балки позитивлик тамойили бўйича ер (объект)нинг рельеф тузилишини мотивга олиш билан номланган топонимлардир. Шунингдек, топонимикага оид илмий манбаларда Ш.Қодирова тилга олган тамойиллар кузатилмайди. Асосан, юқорида келтирилган, учта: нисбийлик, позитивлик ва негативлик тамойиллари мавжуд. Олима тамойил сифатида талқин этган хусусиятлар ана шу тамойиллар доирасида объектни номлашда мотив бўлиб хизмат қиладиган белги-хусусиятлардир.


Нисбийлик тамойили бир сув объектига хос белги-хусусиятни бошқа сув объектига қиёслаш, таққослаш ва солиштиришга асосланади. Нисбатлаш кўпинча сув объектининг жойлашув ўрнига, ҳажмига, ундаги сувнинг белги-хусусиятларига, яъни маза-таъмига, рангига асосланади. Масалан, *Шўрбулоқ - Чуқурбулоқ* (Нам. в. Поп т.), *Каттаарик - Кичикарик* (Нам. в. Чортоқ т. Короскон қ.), *Пастки қозоқарик - Юқори қозоқарик* (Нам. в. Норин т.) каби. Натижада маълум бир ҳудуд гидронимиясида мана шундай гидронимик жуфтликлар юзага келади.

Нисбийлик тамойили асосида сув объектларини номлаш жараёни топонимларнинг бошқа туридаги каби, З.Дўсимов

<sup>1</sup> Қодирова Ш. Тошкент микротопонимиясининг номланиш принципларига доир // *Ўзбек тили ва адабиёти*, 1966 -№6. -Б.38.

кўрсатганидек, ориентирловчи объект, номланаётган сув объектлари, номловчи муносабатига асосланади.

Нисбийлик тамойилини Хоразм топонимлари асосида ўрганган Э.Дўсимов бу тамойил кўпроқ томон ўрин маъносига асосланишини кўрсатади. Демак, нисбийлик тамойили асосида сув объекти номланишини қуйидагича ифодалаш мумкин (3.1.2-расм):



2.1.2-расм. Сув объектларининг нисбийлик тамойида номланиш жараёни

Бундай муносабат, албатта, гидронимияга ҳам хос.

Нисбатлаш тамойилига асосланган номлаш жараёнида гидронимлар оппозицияси юзага келади. Ўзбек тили гидронимларида оппозициянинг бинар, тринар ва бошқа турлари кузатилади.

Н.В.Подольская фикрича, асли бир лексемадан иборат номнинг икки антоним сўз воситасида фарқланиши бинар оппозиция ҳисобланади.<sup>1</sup> Топонимларга, жумладан, гидронимларга хос бинар оппозиция ҳодисаси ҳақидаги назарий қарашлар А.С.Стрижак, Н.Охунов тадқиқотларида кузатилади.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. – Москва: Наука, 1978. – С.40.

<sup>2</sup> Стрижак А.С. Гидронимия Среднеднепровского левобережья. Автореф. дис. канд. филол. наук. Киев, 1965. – С.4; Охунов Н. Топонимлардаги бинар оппозиция ҳодисаси. Ўзбек тили ва адабиёти, 1986 – №2. – Б.57-60.



Биз ана шу тадқиқотларга назарий таянган ҳолда гидронимияга хос оппозиция ҳодисасини таҳлил қиламиз. Сув объектларининг ҳажми, ер юзасида жойлашиш ўрни, масофаси - узун-қисқалиги, пайдо бўлиш, бунёд этилиш вақти, миқдори, у билан боғлиқ аҳолининг этник таркиби ва сувининг маза-таъми, ранги каби белги-хусусиятлар гидронимиядаги оппозицияни юзага келтирувчи омиллардир. Юқорида таъкидлаганимиздек, гидронимиядаги оппозиция ана шу хусусиятларни ифодаловчи луғавий бирликлар - лексик антонимлар воситасида ифодаланади.

Гидронимлардаги оппозициянинг юзага келиш омилларига кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Сув объектининг ҳажм хусусиятига кўра юзага келган оппозиция. Бунда сув объектининг ҳажми - катта-кичиклиги, узун-қисқалиги эътиборга олинади. Гидронимларнинг бу гуруҳи, асосан, ҳажм тушунчасини ифодаловчи *катта*, *кичик* каби антоним сифатлар асосида шаклланади. *Катта* сўзи «*ҳажми, ўлчами нисбатан ортик, улкан*», *кичик* «*ҳажми, ўлчами нисбатан катта бўлмаган*» маъноларини англатади.<sup>1</sup> Масалан, *Катта Норин*, *Кичик Норин* (Норин дарёсининг юқори оқимлари); *Катта тоғлик жилғаси*, *Кичкина тоғлик жилғаси* (Нам. в. Чуст т. Гова қ.), *Катта ташлама*, *Кичик ташлама* (Нам. в. Мингбулоқ т.), *Катта Ҳрадарё*, *Кичик Ҳрадарё* (Қашқ. в. Деҳқонобод т.), *Катта Жилвон*, *Кичик Жилвон* (ариқ - Бух. в. Шофиркон т.) каби.

Сув объектининг ҳажм хусусияти асосида юзага келган оппозицияли гидронимлар таркибида эллипсис ҳодисаси, яъни гидронимик аниқлагичларнинг тушиб қолиши ҳам кузатилади: *Катта Қайнар - Кичик Қайнар* (Фар. в.), *Катта шўр - Кичик шўр* (Фар. в. Бағдод т.) каби. Мазкур гидронимлар аввал *Катта Қайнар булоқ - Кичик Қайнар булоқ*, *Катта шўркўл - Кичик шўркўл* бўлган, тил тараққиёти давомида соддаликка, қулайликка, ихчамликка интилиш натижасида гидронимлар

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг исхоти луғати, 1 т., 372-389-бетлар.

таркибидаг *булоқ*, *кўл* гидронимик аниқлагичлари эллипсислаи ан.

2. Сув бъектининг жойлашиш ўрнига кўра юзага келган оппозиция. Оппозициянинг бу тури сув объектининг ўрнини ифодаловчи бир қанча сўзлар асосида ҳосил бўлади. Шу боис бу типдаги оппозицияни қандай антоним сўзлар асосида юзага келишига кўра қуйидаги турлари кузатилади:

а) ғарбий-шарқий сўзлари асосида: *Ғарбий коллектор*, *Шарқий коллектор* (Нам. в. Уйчи т.).

Гидронимларнинг бу типи дунё томонларини англатувчи *ғарб*, *шарқ* сўзларининг антонимлигига асосланган бинар оппозиция асосида шаклланган. Мазкур гидронимлар ҳудуднинг ғарбий, шарқий томонларида жойлашганлигига кўра шундай номланган:

б) шимолий-жанубий сўзлари асосида: *Шимолий Фарғона канали* - *Жанубий Фарғона канали* (Фар. водийси), *Шимолий коллектор* - *Жанубий коллектор* (Нам. в. Уйчи т.).

*Шимолий Фарғона канали* - Фарғона водийсидаги канал. Учқўрғон шаҳри яқинида Норин дарёсидаги Учқўрғон тўғонидан бошланиб, Тожикистон Республикасининг Суғд вилояти Ашт туманида тугайди.<sup>1</sup>

*Жанубий Фарғона канали* - Фарғона водийсидаги йирик ирригация канали. Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳудудидан ўтади. Олой тоғларидан оқиб тушадиган сойлар сувини тартибга солиш, Фарғона водийсининг шарқий ва жанубий қисмида сув таъминотини яхшилаш мақсадида хашар йўли билан қазилган (1940).

Бир вақтда, яъни 1940 йилда Фарғона водийсида бунёд этилган мазкур каналлар жойлашиш ўрни - оқим йўналишига нисбат бериш, бир-биридан фарқлаш мақсадида - оппозиция асосида шундай номланган. Бу икки Фарғона водийси топонимиясига мансуб гидронимлардан бири - *Шимолий Фарғона канали* гидроними Шимолий Фарғона водийси

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 10-ж. 72-б

гидронимик тизимига, *Жанубий Фарғона канали* гидроними Жанубий Фарғона гидронимиясига мансуб.

*Шимолий коллектор, Жанубий коллектор* гидронимлари Наманган вилояти Уйчи туманининг Жийдакапа қишлоғининг шимол, жануб томонида жойлашганлигига кўра шундай аталган.<sup>1</sup>

Оппозициянинг турлари: ойконим, ороним, агрооним ва гидронимларда кузатилади: *Балаңд ер - Кўл ер* (Бух. в. Шофиркон т.), *Каттаянги - Кичикянги* (Фар. в. Фурқат т.), *Катта Минг - Кичик Минг* (Фар. в. Данвара т. қишлоқлари), *Юқори Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ* (Тош. в. туманлари) каби. Чунончи, юқорида келтирилган *Каттатоғлик жилғаси - Кичиктоғлик жилғаси* гидронимлари бинар оппозицияси *Каттатоғлик, Кичиктоғлик* оронимлари оппозицияси асосида юзага келган. Бундан кўринадики, кўп ҳолларда гидронимлардаги оппозиция унинг номланишига асос бўлган бошқа топоним турлари асосида шаклланади. Бу қуйидаги гидронимларда ҳам кузатилади:

в) чап-ўнг сўзлари асосида: *Чапқирғоқ канали* (Нам. в. Чуст т.), *Ўнгқирғоқ* (Нам. в. Чуст т.), *Чаптармоқ ариғи, Ўнгтармоқ ариғи* (Сир. в. Гулистон т.), *Чапқирғоқ канали, Ўнгқирғоқ канали* (Сам. в.) каби. Мазкур гидронимлар ўзи сув оладиган асосий сув объектига нисбатан жойлашиш ўрнига кўра номланган.

3. Сув объектининг пайдо бўлиш вақтини эътиборга олиш асосида юзага келган оппозиция. Оппозициянинг бу кўриниши маълум бир ҳудуддаги сув объектларининг бунёд этилиш, юзага келиш вақтига нисбатан қиёсланиши, таққосланиши асосида юзага келади. Кўпинча бошқа топоним турларидаги каби бунда аввалги асосий сув объектининг ифодаловчи гидронимга *эски*, кейин пайдо бўлган гидронимга *янги* антоним сифатларини қўшиш асосида гидронимлар оппозицияси юзага келади: *Дарғом канали, Янги Дарғом канали* (Сам. в., Қашқа. в.) каби.

4. Оппозициянинг рақамлар воситасида ҳосил қилиниши.

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 3-ж., 363-б.

Оппозициянинг бу турида бир ном билан аталган икки ёки ундан ортиқ сув объекти ва иншооти номлари сонлар воситасида фарқланади: *Биринчи тегирмон ариқ, Иккинчи тегирмон ариқ* (Нам. в. Янгиқўрғон т. Нанай қ.), *Ингичка-1, Ингичка-2* (Нам. в. Мингбулоқ т. Ингичка қ.), *Зарбдор-1, Зарбдор-2, Зарбдор-3, Зарбдор-4* (Нам. в. Янгиқўрғон т. Зарбдор қ.) каби.

Оппозициянинг бу тури асосан ариқ, коллектор, насос станцияси номларида кузатилади:

а) ариқ номлари: *Зиябой-1, Зиябой-2* (Нам. в. Мингбулоқ т.), *Ижодкор-1, Ижодкор-2* (Нам. в. Нам. т.), *Исоқжон-1, Исоқжон-2* (Нам. в. Нам. т.), *Муллакудинг-1, Муллакудинг-2* (Нам. в. Нам. т. Муллакудинг қ.), *Соҳибкор-1, Соҳибкор-2* (Нам. в. Нам. т.), *Сиддиқполвон-1, Сиддиқполвон-2* (Нам. в. Нам. т.), *Шишаки-1, Шишаки-2* (Нам. в. Нам. т.) каби;

б) насос станцияси номлари: *Бўстон-1, Бўстон-2* (Нам. в. Уйчи т. Янгиҳаёт қ.), *Майдон-1, Майдон-2* (Нам. в. Уйчи т.) каби;

в) коллектор номлари: *Кўл-1, Кўл-2* коллекторлари (Нам. в. Уйчи т.) каби.

5. Сувнинг белги-хусусиятини эътиборга олиш асосида юзага келган оппозиция. Бундай оппозиция сувнинг белги-хусусиятларини ифодаловчи *оқ, қора, аччиқ, чучук, шўр, ширин* сўзлари асосида юзага келади: *Оқсув булоғи - Қорасув булоғи* (Нам. в. Косонсой т.), *Шўрбулоқ - Ширинбулоқ* (Нам. в. Тўрақўрғон т.) каби.

Узбек тили гидронимиясига оид далилий материаллар гидронимларда оппозиция доимо икки ном доирасида эмас, бир унсурли бўлишини ҳам кўрсатади. Бунда, Н.Охунов тўғри таъкидлаганидек, оппозиция ҳосил қилувчи антоним лексемалардан бири қатнашади, иккинчиси иштирок этмайди, «туширилган» бўлади.<sup>1</sup> Гидронимларнинг бу шакли ўзбек тили гидронимиясида салмоқли ўрин тутади: *Пастариқ* (Нам. в. Чуст т. Ахча қ.), *Каттаариқ* (Нам. в. Учқўрғон т. Янгиобод қ., Қўғай

<sup>1</sup> Охунов Н. Ўша мақола. 60-бет

қ.), *Каттабулоқ* (Нам. в. Поп т. Гулистон қ.), *Ширинбулоқ* (Нам. в. Учқўрғон т., Тўрақўрғон т.), *Янгиариқ* (Нам. в. Янгиқўрғон, Уйчи, Норин туманлари Наманган ш.), *Чал қирғоқ канали* (Нам. в. Учқўрғон т.) гидронимлари каби.

Сув объекти ва иншоотларини номлашда позитивлик, негативлик тамойилларига ҳам асосланилади.

Сув объекти ва иншоотларини номлашда объектнинг табиий-географик хусусиятини ёки номланиш учун асос бераётган бирор воқеа-ҳодисани аңглата олишга асосланганлик қонуни позитивлик (*лотинча positivus - мусбатли, ижобий*) тамойили дейилади. Э.М.Мурзаев фикрича, позитивлик бу топонимларда географик реалликнинг акс этишидир. Бу топонимларнинг бир тури бўлган гидронимларга ҳам хосдир. Чунончи, позитивлик тамойили асосида юзага келган *Жийдаариқ* (Нам. в. Чортоқ т.; Уйчи т.), *Жийдасой* (Нам. в. Поп т.), *Жийдали ариқ* (Нам. в. Уйчи т.), *Жийдабулоқ* (Нам. в. Поп т.), *Жийдали булоқ* (Нам. в. Чуст т.) каби гидронимлар сув объектлари: ариқ, булоқларнинг атрофида ориентирловчи белги - жийда дарахти ўсишини ифодалайди. Кўринадики, номда сув объектига хос маълум табиий реаллик акс этган. Позитивлик тамойили асосида номланган сув объектларининг барчасида бундай хусусият ёрқин сезилади.

Позитивлик тамойилида сув объектини ориентирловчи, бошқа худди шундай сув объектларидан уни фарқловчи, унга хос табиий-географик реалликни ифодаловчи хусусиятлар номлашда асос қилиб олинади. Сув объектларини номлашда позитивлик тамойилига асос қилиб олинadиган табиий-географик белги-хусусиятлар доираси ва кўлами анча кенг.

Сув объектларини позитивлик тамойили асосида номлашда объектга хос қуйидаги табиий-географик хусусиятлар асос қилиб олинади:

- 1) сув объектининг шакли;
- 2) сув объектининг ҳажми, кўлами;
- 3) сув объекти ва ундаги сувнинг миқдори;

- 4) сув объектидаги сувнинг белги-хусусиятлари;
- 5) сув объекти атрофидаги ўсимлик ва дарахтлар;
- 6) сув объекти билан боғлиқ ҳайвонлар;
- 7) сув объектидаги сувнинг оқим хусусиятлари;
- 8) сув объектининг жойлашув ўрни ва оқим йўналиши;
- 9) сув объекти жойлашган ернинг рельеф хусусиятлари;
- 10) сув объекти билан боғлиқ аҳолининг касб-ҳунари, машғулотли;
- 11) сув объекти билан боғлиқ турли воқеа-ҳодисалар;
- 12) сув объекти билан боғлиқ шахс номлари ва бошқалар.

Шундай хусусиятлар асосида шакланган номлар хусусида ишимизнинг кейинги қисмида батафсил фикр юритамиз.

Позитивлик тамойили сув объекталарини номлашда энг кўп ва кенг қўлланадиган асосий тамойилдир. Ўзбек тили гидронимларининг салмоқли қисмини позитивлик тамойили асосида юзага келган номлар ташкил этади. Масалан, биргина сувнинг белги-хусусиятлари асосида номланган *Сўталбулоқ*, *Йўталбулоқ* (Нам. в. Чортоқ т. Гулдиров қ.), *Оқбулоқ* (Нам. в. Нам. т. Оқбулоқ қ.), *Совуқбулоқ* (Нам. в. Поп т. Курнос қ.), *Сассиқбулоқ* (Нам. в. Поп т. Маданият қ.), *Иссиқзакан* (Нам. в. Мингбулоқ т. Гуртепа қ.) каби юзлаб гидронимларнинг мавжудлиги ҳам фикримизнинг ёрқин исботидир.

Позитивлик тамойили асосида шакланган гидронимлар ўзи номлаётган сув объекти ва иншооти ҳақидаги табиий-географик маълумотни ифодалайди. Бу белги-хусусият сув объекти ва иншоотининг энг характерли жиҳати ҳисобланади ҳамда уларнинг номланишига асос бўлади, ном юзага келгандан сўнг сув объектини бошқа шундай объектдан фарқлаш учун хизмат қилади. Демак, позитивлик тамойилида сув объекти кўпроқ объектнинг геморфологик характерини ва сувнинг белги-хусусиятларини ифодалаш орқали номланади.

Объектнинг, жумладан, сув объекти ва иншоотининг у учун типик (характерли) бўлмаган белги асосида номланиш омили негативлик (лотинча *negativus* - салбий, манфий) тамойили

дейлади. Негативлик тамойилининг назарий томонлари В.А.Никонов, З.Дўсимовлар томонидан мукамал тадқиқ этилган.<sup>1</sup>

Негативлик тамойида негативликни, яъни сув объектининг характерлай олмайдиган ва типик бўлмаган белги-хусусиятни ажратиш муҳим. Негативлик тамойилига кўра гидроним сув объекти ва иншоотини фарқловчи белги асосида вужудга келади. З.Дўсимов фикрича, номнинг семантик хусусияти давр билан, тарихий, социал, иқтисодий шароит билан ва мазкур ҳудуддаги доимий анъана билан белгиланади. Сув объектини номлаш учун асосланилган белги, топонимларнинг бошқа турларидаги каби турлича бўлиши мумкин. Бироқ ном учун асосга олинган белги фарқловчи характерга эга бўлиши, сув объектини бошқа худди шундай объектдан фарқлаши лозим. Масалан, Ўзбекистон гидронимиясига мансуб *Ўрисариқ* (Нам. в. Учқўрғон т. Қайқи қ.), *Жўйитуркон* (Нам. в. Чуст т. Варзик қ.), каби этногидронимлар негативлик тамойили асосида юзага келган. Ўзбеклар яшайдиган Наманган вилоятининг Учқўрғон туманидаги сув объектини *Ўрисариқ* (ўрис рус сўзининг диалектал варианты) деб номланиши негатив ҳолат, чунки бу ҳудудда асосан ўзбеклар яшайди. Бу ерда рус миллатига мансуб кишиларнинг кўчиб келиб, ўзлари учун ариқ қазилари қишлоқ учун характерли хусусият. Шунингдек, Наманган вилоятининг тожиклар яшайдиган Варзик қишлоғида ўзбекларга қарашли ариқнинг мавжудлиги ва уни *Жўйитуркон* деб аталиши ҳам негатив ҳолат.

З.Дўсимов негативлик тамойида ҳудуд кўлами асосий ўрин тутишини таъкидлайди. Ҳудуд кўлами қанчалик кичик бўлса, негативлик хиралашади ёки умуман йўқолади. Катта ҳудудларда позитивлик тамойили асосида иш кўрилади. Масалан, *Қалмоқариқ* (Нам. в. Косонсой т.; Чортоқ т.), *Жўйинарабҳо* (Нам. в. Чуст т.), *Қалмоқ коллектори* (Нам. в.

<sup>1</sup> Никонов В.А. Пути топонимического исследования // Принципы топонимики -Москва Наука, 1964 -С 77-79; Дўсимов З. Ушба мавқоли. 36-37-бетлар

Косонсой т.) каби гидронимларнинг ўзбеклар яшайдиган ҳудудда юзага келганлиги ҳам негатив ҳолат.

Сув объектларини негативлик тамойилига кўра номлашда бир сув объектини бошқа худди шундай объектдан фарқловчи белгилар мотив қилиб олинади.

## 2.1.2. ГИДРОНИМЛАРНИНГ ЛУҒАВИЙ-МАЪНОВИЙ ТАСНИФИГА ДОИР

Нарсалар, воқеа-ҳодисалар ёки тушунчаларни уларнинг ўзига хос белги-хусусиятларига кўра турли категорияларга, синфларга, гуруҳ ва туркумларга ажратиш тасниф (классификация) деб аталади.<sup>1</sup> Тасниф-билиш ва ўрганишнинг асоси. Тил бирликлари ва ҳодисаларининг лексик-семантик, этимологик, грамматик, услубий ҳамда бошқа лисоний белги-хусусиятларига кўра тур ва гуруҳларга ажратиш эса лисоний тасниф ҳисобланади.

А.В.Суперанская: «Географик номларни таснифсиз таҳлил қилиш ва шарҳлаш қийин. Топонимист ўз тадқиқотида маълум бир таснифдан фойдаланибгина илмий хулосалар чиқариши мумкин. Тасниф турлича бўлиши табиий», – деб ёзган эди.<sup>2</sup> Демак, тил бирликлари, жумладан, тилдаги топонимлар тизими ва унинг бир тури – гидронимларнинг лисоний таснифи муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбек ономастикасида топонимлар таснифи масаласига бағишланган бир қатор мақодалар ёзилган.<sup>3</sup> Топонимияга доир барча диссертацияларда топоним ва унинг турлари тасниф

<sup>1</sup> Усманов О., Домиёров Р. Русча-интернационал сўзлар изоҳли лугати. – Тошкент. Фан, 1963. – Б.210; Ўзбек тилининг изоҳли лугати. – Москва: Рус тили, 1981. – II т. – Б.30.

<sup>2</sup> Суперанская А.В. Общая теория имени собственного. – Москва, 1970. – С.55.

<sup>3</sup> Бегматов Э., Навилов С. О классификации топонимов / Тюркское языкознание, 1985. – С.375-379; Абдурахманов Д. Бешкент район топонимикаси // Ўзбек шевалари лексикаси. – Тошкент, 1964. – Б.382-401; Юсупов К. Абрис топонимлар масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти, 1966. – №1. – Б.16; Қозирова Ш. Тошкент микротопонимиясининг номлаш принципларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1966. – №6. – Б.38-40; Дўсанов И. Топонимлар таснифи масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1978. – №1. – Б.17-20.



қилинган. Натижада топонимларнинг лисоний таснифига доир турли назарий қарашлар ва амалий талқинлар юзага келди.

Ўзбек топонимикасида топонимлар таснифининг қуйидаги турлари кузатилади:

1. Луғавий-маъновий тасниф.
2. Грамматик (структурал-типологик) тасниф.
3. Хронологик тасниф.

Топонимлар таснифига биринчилардан бўлиб қўл урган К.Юсупов топонимларни лексик-семантик жиҳатдан қуйидаги саккиз гуруҳга ажратади: 1) қабила номини билдирувчи топонимлар; 2) миллат номини билдирувчи топонимлар; 3) кишилар исмига қўйилган топонимлар; 4) касб-ҳунарга нисбат берилган топонимлар; 5) предмет белгисини ифодаловчи топонимлар; 6) ўсимлик (дарахт)лар номи билан юритиладиган топонимлар; 7) эл-юрт, ватан номи билан боғланган топонимлар; 8) географик рельефни ифодаловчи топонимлар.<sup>1</sup>

К.Юсупов таснифида, З.Дўсимов тўғри таъкидлаганидек, топонимларни гуруҳлашда аниқ чегара йўқ. Аниқроғи, айрим номлар ҳеч қайси гуруҳга кирмай қолган. Шунингдек, тадқиқотчи *Катта тожик, Ўрта тожик, Шўр тожик* каби топонимларни «*Миллат номини ифодаловчи топонимлар*» гуруҳига киритади-ю, нимагадир *Тожик қишлоқ, Яҳудий маҳалла* каби этнонимлар билан аталувчи топонимларни эл-юрт, ватан маъносини ифодаловчи номлар гуруҳига бирлаштиради. Бу таснифда биринчи, иккинчи ва еттинчи гуруҳларга киритилган топонимлар орасида лексик-семантик жиҳатдан фарқ йўқ.<sup>2</sup>

Бизнингча, топонимларнинг гуруҳлари номини белгилашда ҳам услубий ҳам, мантиқий хатолик мавжуд. Таснифда К.Юсупов 1-гуруҳни «Қабила номини билдирувчи топонимлар», 2-гуруҳни «Миллат номини билдирувчи топонимлар» деб атаган. Ваҳоланки, топоним қабила ва миллат номини билдирмайди, балки бу гуруҳларга мансуб топонимлар жой номини англатади.

<sup>1</sup> Юсупов К. Ҷамаиёт . 17-бет.

<sup>2</sup> Қаринг. Дўсимов З. Топонимлар таснифи масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1978. - №1. - Б 17-20.

Шундай экан, мазкур гуруҳлар номининг «Қабила'номи билан аталган топонимлар», «Миллат номи билан аталган топонимлар» тарзида берилиши тўғри бўларди.

Туркий гидронимлар таснифига оид илк изланишлар О.Т.Молчанова тадқиқотида кузатилади. Т.Нафасов, Л.Каримова, Н.Охуновларнинг тадқиқотларида ҳам узбек тили топонимларининг анчайин мукамал лексик-семантик таснифи берилган.<sup>1</sup>

А.А.Камолов гидронимларни луғавий-маъновий жиҳатдан сув объектининг характерли белгилари, сувнинг хусусиятлари, сув объекти билан боғлиқ табиий, биологик жараёнлар асосида номланишини эътиборга олиб, ўн саккиз мавзуий гуруҳга бўлиб ўрганади.<sup>2</sup>

Туркман топонимисти С.Атаниязов эса гидронимларни сувнинг ранги, таъми, ҳиди, оқиш тезлиги, йўналиши ва шовқин даражаси, сувнинг ҳарорати, сувнинг оз ёки кўплиги, объектнинг шакли каби хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда лексик-семантик гуруҳларга ажратади.<sup>3</sup>

З.Дўсимов Хоразм топонимияси доирасида хууддаги гидронимларнинг вужудга келиши хусусиятларини қуйидагича гуруҳлайди;

а) сув объекти атрофида яшовчи кишилар исмига, уруғ, қабила ёки халқ номига қол, арна, йап, салма ва бошқа сўзлар қўшилади;

б) гидронимлар объектнинг шакли, ҳажми ва чуқурлигини изохлайди.

в) айрим ҳайвонлар ёки ўсимликларнинг номини олиб келиши мумкин;

г) гидронимлар объектда содир бўлган бирон бир ҳодиса ҳақида хабар ташиши мумкин.<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Каринг. Нафасов Т. Топонимы Кашкардынской области: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Ташкент, 1968. – С.19-21.; Каримова Л. Топонимы северо-узбекских говоров: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Ташкент, 1971. – С.13.; Озунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари – Ташкент: Фян, 1989. – 56-б.

<sup>2</sup> Камолов А.А. Гидронимия Башкирии: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Уфа, 1969. – С.9-10.

<sup>3</sup> Атаниязов С. Туркменистанын топонимияси – Ашгабат, 1981. – С.76-86

<sup>4</sup> Дўсимов З. Топонимы Северного Хорезма: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Ташкент, 1970. – С.8-9.

Ўзбек тилшунослигида гидронимларнинг лексик-семантик таснифи борасида Н.Охунов, Н.Бегалиев тадқиқотлари анча мукамаллиги билан характерланади, бироқ мазкур таснифлар ҳам гидронимларнинг барча турларини қамраб олмаган. Шунингдек, соҳага оид илмий терминларни қўллашда ўзгачаликлар, ўзича ёндашувлар кузатилади. Чунончи, Н.Охунов таснифида тасодифий воқеа-ҳодисалар, мансаб, унвон, ижтимоий гуруҳлар номи билан аталган гидронимлар эътибордан четда қолган ва семантик гуруҳларни номлашда илмий терминлар бўлгани ҳолда улар қўлланмаган.

Н.Бегалиев таснифи рус ономастикаси ва туркологиядаги гидронимлар таснифига доир тадқиқотларга назарий ҳамда амалий асосланган. Юқорида таъкидлаганимиздек, бошқа таснифларга нисбатан анчайин мукамал, бироқ лексик-семантик ва хронологик тасниф аралаштириб юборилган. Тадқиқотчи *«Худуднинг тарихи, иқтисодий ва маданий ҳаёти билан боғлиқ гидронимлар»* сирасини гуруҳлар экан, улар доирасида тарихий гидронимлар, неогидронимлар каби гуруҳларни қайд этади.<sup>1</sup>

У дастлаб *«тарихий гидронимлар»* терминини, диссертациянинг мазкур гуруҳ таҳлилига доир қисмида эса *«тарихий ёки мемориал гидронимлар»* терминини қўллайди. Демак, гидронимларнинг мазкур гуруҳи икки ўринда турлича номланган.<sup>2</sup>

Н.Бегалиев: «Тарихий гидронимларга турли сиёсий воқеалар билан алоқадор номлар киради», -деб кўрсатади ва бу мавзуй гуруҳга Зарафшон дарёсининг *Нами, Политимет, Води ус-суғд, Варақсар* гидронимларини киритади.

Тадқиқотчи тарихий гидронимларни қуйидаги типларга ажратади:

а) қадимий манбаларда қайд қилиниб, ўзида тарихий воқеалар ҳақида хабар ташувчи, санаси тахминий бўлган

<sup>1</sup> Бегалиев Н. Самарқанд вилояти гидронимлари (лисоний таҳлили) Фил.фан номзоди дисс. - Самарқанд, 1998. - Б.81-103

<sup>2</sup> Бегалиев Н. Ўша диссертация. 81-97-бетлар

гидронимлар: *Нами, Политимет, Варақсар, Рас-ат-Ток, Булуңғур* сингари;

б) тарихи аниқ бўлган, қурилган йили, номланиш мотивацияси маълум номлар коммеморатив (грекча-«эслатиш» сўзидан) номлар: «*Биринчи Май тоғани*».<sup>1</sup>

Кўринадики, тадқиқотчи тарихий гидронимларнинг иккинчи гуруҳига мисол сифатида биргина «*Биринчи Май тўғони*» гидронимини келтиради. Яна бир мулоҳаза: тарихий гидронимларга «*санаси тахминий гидронимлар*» деган изоҳ ҳам берилади. Бизнингча, Самарқанд вилояти гидронимларининг катта қисмининг қурилиш санаси аниқ эмас. Шунингдек, *антропогидронимлар, этногидронимлар* гуруҳига киритилган сув объекти номларининг бир қанчаси тарихий манбаларда қайд этилган, тарихий руҳга эга. Бу каби ҳолатлар тарихий гидронимлар сирасига жуда кўп сув объекти номлари киришини кўрсатади.

Н.Бегалиев неогидронимларни, яъни янги сув объекти номларини ҳам гидронимларнинг лексик-семантик таснифи доирасида тадқиқ этади. Натижада лексик-семантик тасниф изчиллиги ва мантиқийлигига путур етган.<sup>2</sup> Қисқаси, Н.Бегалиев Самарқанд гидронимлари тадқиқида лексик-семантик, хронологик таснифларни қориштириб юборган. У гидронимларнинг лексик-семантик гуруҳлари доирасига киритган *тарихий гидронимлар*, неогидронимлар гидронимларнинг хронологик таснифи доирасида ўрганилиши лозим эди.

Биз диссертациянинг кейинги боб ва қисмларида туркий, жумладан, ўзбек тили топонимларининг лексик-семантик, хронологик, грамматик таснифига доир тадқиқотларга илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатдан ижодий ёндашган ҳолда ўзбек тили гидронимларининг лисоний таснифини бердик.

<sup>1</sup> Бегалиев Н. Ўша диссертация, 97-бет

<sup>2</sup> Бегалиев Н. Ўша диссертация, 101-103-бетлар

## 2.2. ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ГИДРОНИМЛАРИНИНГ ЛУҒАВИЙ-МАЪНОВИЙ ТАСНИФИ

Рус, туркий тиллар, жумладан, ўзбек топонимикасидаги гидронимларнинг лисоний таснифига доир тадқиқотларга ижодий ёндашган ҳолда Фарғона водийси гидронимларининг номланиш мотиви ва луғавий-маъновий хусусиятларига кўра дастлаб қуйидаги икки турга бўлиш мумкин:

I. Сувга хос табиий ва объектга хос табиий-географик белги-хусусиятлар асосида номланган сув объекти номлари.

II. Тарихий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа омиллар асосида номланган сув объекти номлари.

Сувга хос табиий ва объектга хос табиий-географик белги-хусусиятлар асосида номланган сув объекти номлари.

Ўзбек тили гидронимларининг бу турига сувнинг табиий, сув объектининг кенг маънодаги табиий-географик хусусиятлари асосида номланган сув объекти номлари мансуб бўлиб, уларни ўз ичида қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

I. Сувнинг табиий белги-хусусиятлари асосида яратилган гидронимлар:

- 1) ранг билан боғлиқ гидронимлар;
- 2) сувнинг маза-таъми билан боғлиқ гидронимлар;
- 3) сувнинг ҳиди ва ҳарорати билан боғлиқ гидронимлар;
- 4) сувнинг шифобахшлигига нисбат берилган гидронимлар.

II. Сув объектга хос табиий-географик белги-хусусиятлар асосида яратилган гидронимлар:

1) сув объектидаги сувнинг оқиш ҳолати ва миқдори билан боғлиқ гидронимлар;

2) объектнинг миқдори, сони билан боғлиқ гидронимлар;

3) сув объектининг ҳажм хусусияти билан боғлиқ гидронимлар;

4) ташқи кўриниши ва шаклий тузилишига нисбат бериш асосида номланган сув объекти номлари;

- 5) объектни характерловчи нарса-буюмлар ва ҳодисаларга нисбат берилган гидронимлар;
- 6) фитогидронимлар;
- 7) сув объектидаги ер қатламининг устки тузилиши, тупроқнинг таркибига боғлиқ гидронимлар;
- 8) фойдали қазилмалар билан боғлиқ гидронимлар;
- 9) ўзанида сув доимий оқиш-оқмаслигига нисбат бериш асосида номланган сув объектлари;
- 10) геоморфологик гидронимлар;
- 11) зоогидронимлар ва бошқалар.

### Сувнинг табиий белги-хусусиятлари асосида яратилган гидронимлар

Рус тилшуноси В.В.Виноградов ёзганидек, «Сўз маъноси у орқали ифодаланаётган предметдан ва аташ вазифасининг предметга мутаносиблигидан узоққа кетмайди»<sup>1</sup>. Бу сув сўзи учун ҳам хос. Сув сўзининг асосий маъноси - «водород билан кислороднинг кимёвий бирикмасидан иборат тузсиз, рангсиз, шаффоф суюқлик»<sup>2</sup>.

Сўзнинг мазмун плани, яъни маъно англатиши унинг ифода планига қараганда бирмунча мураккаброқ. Сув лексемаси ҳозирги ўзбек адабий тилида *кўз ёши, ичимлик суви, сел, сой, жилға, канал, шарбат, минерал сув, тер кўлмак, жонланиш, уйғониш, сўлак, захм, йиринг, спиртли ичимлик* каби маъноларни ҳам ифодалаши мумкин.<sup>3</sup>

Сув сўзи гидронимик жиҳатдан ўзининг юқоридаги асосий маъносида қўллангани ҳолда ўзига хос белги-хусусиятларга эга. Аниқроғи, сув маза-таъм, ҳид, ҳарорат каби белги-хусусиятларга эга. Кўпинча сув объектларини номлашда сувга

<sup>1</sup> Виноградов В.В. Русский язык. - Москва: Наука, 1972 - С 16

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати - Москва: Рус тили, 1981. - II т. -Б.79.

<sup>3</sup> Собирова А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тавойили асосида тадқиқ этиш. -Тошкент: Маънавият, 2004 - Б 34-35.

хос ана шу белги-хусусиятлар ҳам мотив қилиб олинади. Бу ўзбек тили гидронимиясида ҳам кузатилади.

Сувнинг белги - хусусиятлари асосида яратилган ўзбек тили гидронимларини қандай белги - хусусиятларга мотивланганлигига кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Ранг билан боғлиқ гидронимлар. Ўзбек тилида сув сўзига ранг билдирувчи луғавий бирликларнинг қўшилуvidан бир қатор терминлар ясалганки, улар сувга хос турли белги-хусусиятларни ифодалайди ва шу асосда ранг билан боғлиқ гидронимлар шаклланишига лисоний мотив бўлади. Сув лексемаси билан боғлиқ бу масала ўзбек тилининг суғориш лексикаси негизда Х.Жабборов томонидан ўрганилган.<sup>1</sup>

Ранг билан боғлиқ гидронимлар таркибида *оқ, қора, сарик, кўк, қизил, яшил* каби ранг тушунчасини ифодаловчи сўзлар қатнашади. Бу гуруҳга мансуб гидронимларни ўз ичида яна қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Оқ сўзи асосида шаклланган гидронимлар: *Оқбулоқ* (Нам. в. Нам. т.), *Оқсув* (Нам. в. Янгикўрғон т.), *Оқжилға* (Анд. в. Учкўрғон қ.) каби. Шунингдек, республикамизда бу гуруҳга мансуб *Оқбулоқсой* (Жиз. в. Фориш т.), *Оқсой* (Сам. в. Нуробод т.), *Оқчопсой* (Сам. в. Нуробод т.), *Оқбулоқ* (Тош. в.-сой), *Оқдарё* (Сам. в. Пойарик, Ижтихон т.), *Оқкўл* (Хор. в. Янгиарик т.), *Оқсув* (Қашқа. в.-сой.), *Оқсой* (Сам. в. Зарафшон т.) каби гидронимлар мавжуд.

Оқ сўзи луғавий жиҳатдан *«қор, сут, пахта рангидаги»* деган маънога эга.<sup>2</sup> Н.Г.Маллицкий, фикрича, музлик тагидан оқиб чиқадиган сув *оқсув* дейилади. Таркибидаги муз зарралари туфайли музлик суви оқиш кўринади. В.Л.Вяткин ҳам тоғ дарёлари *оқсув* ва *оқдарё* деб аталади, деб кўрсатади.<sup>3</sup> В.В.Бартольд кўрсатишича, табиий ўзанда оқадиган сув *оқсув*, деб аталади.<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Жаббаров Х. Ўзбек тилининг суғориш лексикаси - Қурши: Насоф, 2004 - Б.38-40

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 1.-т., 557-бет.

<sup>3</sup> Каранг Вяткин В.Л. Материалы к исторической географии Самаркандского вилаета. -Справочная книжка Самаркандской области, 1902 г. В VII -Самарканд, 1902.

<sup>4</sup> Бартольд В.В. Сочинения - Москва, 1963. -Т. III. -С.316

Р.Равшанов Самарқанд воҳасининг суғорилиш тарихи ҳақида фикр юритар экан, «Воҳадаги сув манбаи иккига - оқсув ва қорасув манбаларига бўлинган. Баланд тоғлардаги қорнинг эришидан ҳосил бўлган сув оқсув дейилиб, у деҳқончилик учун қулай ва фойдали бўлган», -деб ёзади.<sup>1</sup>

Бу фикрни оқсув сўзининг географик термин сифатида «тоза, чучук сув; кўлрок турғун, зах сувдан фарқ қилиб, оқар сув маъносида ишлатилади» деб изоҳланиши ҳам тасдиқлайди.<sup>2</sup> С.Қораев таъкидлаб кўрсатишича, оқсув Ўрта Осиёда кенг тарқалган термин, кўп ҳолларда гидронимларга айланган.<sup>3</sup>

Оқ сўзининг таҳлилидан кўринадикки, биз юқорида келтирган Оқбулоқ сув объекти суви тиниқлигига кўра шундай номланган бўлиб, «суви оқ-тиниқ булоқ» деган маънога эга. Подшоотасойдан сув олувчи Оқсув ариғи эса суви табиий ўзанда оққанлигига, оқар сувлигига нисбатан шундай номланган.

2. Қора сўзи асосида шакланган гидронимлар. Топонимияга оид илмий манбаларда ер остидан чиқадиған булоқ ва сизот сувлари билан тўйинадиған сой-жилвалар қорасув дейилиши, чунки уларнинг суви қорамтир тусда бўлиши кўрсатилади. Қорасув гидронимининг семантик асоси ана шу қорасув терминига боғланади.<sup>4</sup>

Қорасув ўзбек тилида географик термин сифатида қуйидаги маъноларда қўлланади:

1) қорасув-тоғ этакларида, водийларда ер ости сувларидан тўйинадиған сой ва даралар;

2) ташлама ва зовур сувлари.

Шунингдек, Туркияда булоқ сувлари шу термин билан юритилиши айтилади. «Қорасув» термини ранг маъносидаги қора сўзидан эмас, ер маъносидаги қора сўзидан олинган, яъни ер суви деган маънони англатади, деб кўрсатилади.<sup>5</sup> Р.Равшанов

<sup>1</sup> Равшанов Р. Қорасув ва оқсув // Фан ва турмуш, 1974. -№8. -Б.35

<sup>2</sup> Гулломов П. Жўроғиё атамалари ва тушунчалари изоҳли луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1994. -Б.84.

<sup>3</sup> Қарағи Қораев С. Географик номилар маъноси. -Тошкент: Ўзбекистон, 1978. -Б.94

<sup>4</sup> Қарағи Қораев С. Ушш асар, 177-178-бетлар; Охунов Н. Жой номилари тавбири. -Тошкент: Ўзбекистон, 1994. -Б.77.

<sup>5</sup> Гулломов П. Ушш луғат, 133-б.



сув манбалари ҳақида фикр юритиб, «қорасув» булоқ сувидир, - деб кўрсатади.<sup>1</sup>

Фарғона водийси гидронимиясида қорасув термини ана шу маънолари билан гидронимлар шаклланишига асос бўлганлиги кузатилади: *Қорасой* (Нам. в. Чуст т. Ахча, Олмос қ.), *Қорабулоқ* (Нам. в. Янгиқўрғон т. Булоқбоши қ.), *Қорасув булоғи* (Нам. в. Косонсой т. Қорасув қ.), *Қораканал* (Нам. в. Чуст т.), *Қорадарё* (Анд. в.) каби. *Қорабулоқ*, *Қорасув булоғи* гидронимлари суви ер остидан чиққанлигига, сувининг қорамтир тусда эканлигига кўра шундай номланган. *Қорасой* эса асосан ер ости сувларидан тўйинганлигига кўра шундай аталган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Т.Эназаров Қорасув топоними ва гидронимларининг этимологик талқини ҳақида фикр юритиб, Фарғона водийсидаги Қорасув гидроними ердан сизиб чиққан сув маъносини ифодаламайди, балки «*катта ва кўп сув оқадиган гидроним*» маъносини англатади, деган хулосага келган.<sup>2</sup> Бу фикрга тўла қўшилиб бўлмайди. Қорасув деб аталувчи гидронимларнинг бир қисми Т.Эназаров инкор этган маънога эга. Н.Бегалиев гидронимларнинг бу маъновий турини, яъни оқсув ва қорасув сўзлари билан номланган сув объектларини таҳлил қилар экан, бундай номлар сув объектларининг тўйиниши ҳақида маълумот берувчи гидронимик ҳодисадир, деган хулосага келади. Албатта, бу фикр асосли ва мантиқан тўғри.

3. Сарик сўзи асосида шаклланган гидронимлар. *Сариксув* (Нам. в. Мингбулоқ т.-коллектор), *Сариксув* (Анд. в. Улуғнор т.; Фар. в. Рапқон қ.-ариқ) каби гидронимлар сарик сўзи асосида шаклланган. Шунингдек, Самарқанд гидронимиясида бу гуруҳга мансуб *Сарисув* (Сам. в. Жомбой т.-канал) гидроними учрайди. *Сарисув сариксув* сўзининг фонетик варианты бўлиб, географик термин ҳисобланади. Тоғолди лёсс ва гилдан иборат қия текисликлардан оқувчи лойқа сувлар *сарисув* деб юритилади. *Сарисув* гидроними ана шу географик терминнинг сув объекти

<sup>1</sup> Ривзилов Р. Ушш мақола. 35-бет.

<sup>2</sup> Жаъзаъи Т. Ўзбекистондаги баъзи топонимларнинг этимологик талқини. Тошкент. Университет, 2004 - Ё 91-92

номна утинги асосида юзла келган. Шунингдек Фарғона водийси шеваларида экинлардан оқиб чиққан тоиқа оқова сув сариқсув деб юритилади. Водин гидронимиясида мансуо арик ва коллекторда доимо шундай лойқа сувлар оқиниша нисбат бериле. **Сариқсув** деб номланган.

4. **Кўк сўзи асосида шакланган гидронимлар.** Кўк сўзи «*тиник осмон рангидаги, мовий, зангори*» деган алуғани маъноларни аниқлатади.<sup>1</sup> Ўзбек тилида кўксув термини ҳам бор. **Кўксув** географик термин сифатида қуйидагича изоҳланади: «Кўксув-тоза, тиник сув. Қаттиқ тоғ жинсларидан оқиб ўтадиган, кўллардан, тоғдаги муздан оқиб тушадиган, булоқлардан оқиб чиқадиган сувлар ана шундай тиник, кўкимтир рангда бўлади. Дарёлар номи сифатида ҳам учрайди. Масалан, Кўккўлдан оқиб чиқадиган Кўксув дарёси (Тош. в.)».<sup>2</sup>

Фарғона водийси маҳаллий шеваларида ҳам тиник, тоза, зилол сув кўксув дейилади.

Фарғона водийси гидронимиясида биргина **Кўксув** (Нам. в. Поп т. Санг қ.) гидроними кузатилади. Мазкур булоқ сувининг тозалиги, тиниклиги боис шундай номланган. Шунингдек, худудга хос *Кўксараксой* (Нам. в. Чуст т.) гидронимининг шаклланиши ҳам кўк сўзи билан боғлиқ.

II. **Сувнинг маза-таъми билан боғлиқ гидронимлар.** Табиатдаги сув таркибида турли тузлар, газлар, органик моддалар эриган ҳолда учрайди. Агар 1 кг сувда 1 г гача эриган туз бўлса, **чучук сув**, 25 г гача туз бўлса, **шўр сув**, 25 г дан ортиқ туз бўлса, намакоб дейилади.<sup>3</sup>

Ширин, чучук, тотан, шўр, аччиқ каби сўзлар сувнинг маза-таъминини билдиради. Фарғона водийси гидронимиясида бир қанча сув объектлари сувнинг маза-таъмига кўра номланган бўлиб, уларнинг таркибида ана шу сўзлар учрайди: *Шўрбулоқсой* (Нам. в. Чортоқ т.), *Шўрбулоқ* (Нам. в. Уйчи т.

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг грамматикаси 1-т. 412-б.

<sup>2</sup> Гудимов И. Ушбу сувга 61-бет.

<sup>3</sup> Қирин Гудимов И. Ушбу сувга 98-бет.

Дўстлик ҚФЙ], *Чучукбулоқ* (Нам. в. Поп тумани), *Аччиқсув* (Фар. в. Ўзбекистон т.) каби.

Ўзбек тилида шўр сўзи асосида шакланган гидронимлар асосан шўр сўзининг «таркибида туз моддаси кўп бўлган» маъноси асосида юзага келган.

*Чучукбулоқ* ширин сўзининг синоними, «*таъми яхши*», маъносини англатувчи чучук сўзи асосида номланган бўлиб, «*суви ширин, яхши таъмли, ичимлик суви сифатида фойдаланса бўладиган булоқ*» маъносига эга. Шунингдек, *Чойкўл* (Қорақал. Рес. Амударё т.) гидроними чой сўзи асосида юзага келган бўлса-да, «*суви ширин, ичимлик суви сифатида фойдаланса бўладиган*» деган гидронимик маънога эга.

III. Сувнинг ҳиди ва ҳарорати билан боғлиқ гидронимлар: *Сассиқсой* (Нам. в. Чортоқ т. ва Уйчи т. Қизилровот қ.), *Сассиқбулоқ* (Нам. в. Поп т.), *Қайнарбулоқ* (Нам. в. Янгиқўрғон т. Булоқбоши қ.), *Иссиқбулоқ* (Нам. в. Поп т.) каби.

Иссиқбулоқ гидроними «иссиқ булоқ» географик термини асосида юзага келган. Сувининг ҳарорати юқори бўлган булоқлар иссиқ булоқ дейилади. Иссиқ булоқлар икки хил бўлади: нисбий иссиқ булоқлар, уларда сув ҳарорати шу жойдаги ҳавонинг ўртача йиллик ҳароратидан юқори бўлади; мутлоқ иссиқ булоқлар, уларда сув ҳарорати 37° дан юқори, яъни ер юзидаги энг юқори ўртача ҳароратдан юқори бўлади.<sup>1</sup> Поп туманидаги булоқ нисбий иссиқ булоқлар сирасига мансуб бўлиб, сувининг илиқлигига кўра шундай ном олган.

Қайнар ҳам географик термин сифатида қуйидаги маъноларда қўлланади:

1) Сувни пастдан юқорига кўтарилиб чиқадиган (сув объектига нисбатан-Н.Улуков) булоқ. Шу ўринда шундай булоқ қайнар булоқ дейилиши ҳам қайд этилган.

2) Йўл, катта ариқ, пастлик жой тагидан қувурлар орқали чиқарилган иншоот.

<sup>1</sup> Гуломов Н. Уша дугат, 32-бет

Каранг Гуломов Н. Уша дугат, 130-бет

Қайнарбулоқ гидроними қайнар географик терминининг биринчи маъноси асосида шаклланган. Булоқ суви тубидан отилиб чиқишига кўра Қайнарбулоқ деб номланган.

IV. Сувнинг шифобахшиликка нисбат берилган гидронимлар. Айрим сув объектларининг, кўпроқ булоқларнинг суви минераллиги, шифобахшилик билан характерланади ва қандай касалликка шифоликка нисбат бериш асосида номланади: *Кўтирбулоқ* (Нам. в. Поп т. Чоркесар қ.), *Йўталбулоқ*, *Қулоқбулоқ*, *Сўғалбулоқ* (Нам. в. Чортоқ т. Гулдиоров қ.) каби.

#### Сув объектининг табиий-географик белги-хусусиятлари асосида яратилган гидронимлар

1. Сув объектидаги сувнинг оқиш ҳолати ва миқдори билан боғлиқ гидронимлар. Гидронимларнинг бу турига сувнинг оқиш ҳолати: тезлиги, секинлиги ёки димланиб оқиши; объектдаги сувнинг кўп ёки озлиги каби белги-хусусиятлар асосида номланган сув объекти номлари киради. Мазкур гуруҳга мансуб гидронимларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

а) сувнинг оқиш ҳолати асосида номланган сув объекти номлари: *Дам* (ариқ-Нам. в. Учқўрғон т. Қайқи қ.), *Дамариқ* (Нам. в. Чуст т.; Уйчи т.), *Жўйдаам* (Нам. в. Косонсой т.) каби.

Ўзбек тили, жумладан, Фарғона водийси гидронимиясида бу гуруҳга мансуб дам таркибли сув объектлари номи кўп учрайди. Бундай номлар таркибидаги дам лексемаси кўчма маъноли бўлиб сувнинг «*димланиб, секин оқиш*» ҳолатини англатади<sup>1</sup>. Демак, *Дам*, *Дамариқ*, *Жўйдаам* /! *Жўйдаам* гидронимлари «суви димланиб, секин оқадиган ариқ» деган гидронимик маънога эга.

б) объектдаги сувнинг миқдорига кўра номланган сув объекти номлари: *Камариқ* (Нам. в. Чуст т. Ахча қ.), *Жилдирбулоқ* (Нам. в. Янгиқўрғон т.), *Жилжирбулоқ* (Нам. в. Чуст т. Ғова қ.), *Сувозариқ* (Нам. в. Чуст т. Ахча қ.) каби.

<sup>1</sup> Озунов Н. Жой номлари тилбири. Тошкент: Ўзбекистон, 1994. Б. 23.

2. Объектнинг миқдори, сони билан боғлиқ гидронимлар. Бундай гидронимлар сув объектнинг миқдорини, сон-саногини эътиборга олиш асосида номланган сув объекти номларидир: *Учжилға* (Нам. в. Поп т. Гулистон қ.), *Қўшқўприк* (Нам. в. Учқўрғон т. Бахт қ.), *Учқовуз* (Нам. в. Норин т. Тошлоқ қ.), *Учбулоқ* (Анд. в. Балиқчи т. Улуғбек қ.) каби. Ўзбекистон гидронимиясида ҳам бундай номлар кузатилади: *Бешбулоқ*, *Бешбулоқсой* (Сам. в. Ургут т.), *Дуобасой* (Сурхон. в. Сариосиё ва Узун т.), *Бешариқ* (Сам. в. Сам. т.) каби.

3. Сув объектнинг ҳажм хусусияти билан боғлиқ гидронимлар. Бундай гидронимлар сув объектнинг кенг маънодаги ҳажм хусусиятини: катта-кичиклигини, узун-қисқалигини ифодалайди, уларнинг таркибида ана шу тушунчаларни ифодаловчи сўзлар қўлланади: *Каттабулоқ* (Нам. в. Поп т. Гулистон қ.), *Каттаариқ* (Нам. в. Учқўрғон т. Қўғай қ.), *Узунжилға* (Нам. в. Косонсой т. Исфархон қ.), *Каттасой* (Нам. в. Чуст т. Балиқчи қ.), *Ингичка* (ариқ-Нам. в. Учқўрғон т. Бахт қ.), *Ингичкаариқ* (Нам. в. Норин т. Пахтақишлоқ қ.), 1-Ингичка, 2-Ингичка (Нам. в. Мингбулоқ т.) каби. Шунингдек, Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари гидронимиясида бу гуруҳга мансуб бир қанча сув объекти номлари учрайди: *Ингичкасой* (Сам. в. Нуробод т.), *Улуғшўркўл // Улишўркўл* (Хоразм в. Хива ш.), *Узункўл* (Хоразм в. Ҳазарасп т.), *Каттабулоқсой* (Сам. в. Жомбой т.) каби.

4. Ташқи кўриниши ва шаклий тузилишига нисбат берилган асосида номланган сув объекти номлари: *Кўтармаариқ* (Нам. в. Чуст т. Ахча қ.), *Жўйитик* (Нам. в. Косонсой т.), *Қайирма* (Нам. в. Учқўрғон т. Янгиер қ.), *Эгриариқ* (Нам. в. Норин т.) каби.

5. Объектни характерловчи нарса-буюмлар ва ҳодисаларга нисбат берилган гидронимлар: *Жўйиосиё* (Нам. в. Чуст т. Варзик қ.), *Насосариқ*, *Обжувоз* (ариқлар-Нам. в. Учқўрғон т. Янгиер қ.), *Тегирмонариқ* (Нам. в. Учқўрғон т. Яшиқ қ.), *Шатакариқ* (Нам. в. Чуст т. Ахча қ., Олмос қ.), *Чўянариқ* (Нам. в. Тўрақўрғон т. Бураматут қ.) каби.

6. Геоморфологик гидронимлар. Ернинг юза тузилиши (рельеф) хусусиятлари билан боғлиқ тушунчалар асосида номланган сув объекти номлари геоморфологик гидронимлар ҳисобланди. Ер юзаси текислик, тоғлик, адирлик, тепалик, жарлик, чуқурликлардан иборат бўлиши мумкин. Мана шундай хусусиятлар геоморфологик гидронимларнинг юзага келишига асос бўлади. Геоморфологик гидронимлар таркибида рельефни ифодаловчи *тепа, жар, чуқур, дўнг* каби сўзлар қатнашади: *Балангир* (Нам. в. Янгиқўрғон т. Нанай қ.), *Кўкжар ариғи* (Нам. в. Янгиқўрғон т. Нанай қ.), *Тепарик* (Нам. в. Чортоқ т. Гулдинов қ.), *Белқудуқ* (Нам. в. Чуст т.), *Чуқурбулоқ* (Нам. в. Чортоқ т. Гулдинов қ.), *Каттаатоғлик* (жилға-Нам. в. Чуст т. Фова қ.), *Кичкинатоғлик* (Нам. в. Чуст т. Фова қ.), *Каттатепажилға* (Нам. в. Чуст т. Оғасарой қ.), *Дўмса* (закан-Нам. в. Мингбулоқ т. Гуртепа қ.), *Қоратоғселхонаси* (Нам. в. Косонсой т.), *Чуқурсой* (Нам. в. Поп т.) каби. Шунингдек, республиканинг бошқа ҳудудларида қуйидаги геоморфологик гидронимлар учрайди: *Қоратепасой* (Сам. в. Ургут т.), *Қоратоғдарё* (Сурхон. в.), *Жарсой* (Қашқ. в. Китоб ва Чироқчи т.), *Жарқудуқсой* (сой-Сам. в. Нуробод т.) каби.

Бундай гидронимлар сирасига сув объектининг ўзи мансуб ҳудудда: шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва бошқа жойлардаги жойлашув ўрнини, оким йўналишини асосга олиш натижасида аталган сув объекти номлари ҳам киради. Уларнинг таркибида ўрин-жой тушунчасини ифодаловчи *тепа, паст, пастки, юқори, қуйи, ўрта, ора* каби сўзлар қўлланади: *Кўндаланг* (Нам. в. Чортоқ т. Алихон қ.), *Ораарик* (Нам. в. Чортоқ т. Ораарик қ.), *Пастарик* (Нам. в. Уйчи т., Чуст т. Ахча қ.), *Пасткиарик* (Нам. в. Чортоқ т. Гулдинов қ.), *Тепарик* (Нам. в. Чортоқ т. Гулдинов қ.), *Ўртаарик* (Нам. в. Учқўрғон т.), *Пасткибулоқ* (Нам. в. Чортоқ т. Гулдинов қ.), *Ёнарлик* (Нам. в. Чортоқ т. Гулдинов қ.) каби.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, сув объектларининг жойлашув ўрнига кўра номланиши кўпроқ арик, булоқ номлари доирасида кузатилади.

7. Сув объектидаги ер қатламнинг устки тuzилиши, туuproқнинг таркибига боғлиқ гидронимлар. И.Охупов кураатишича, бундан гидронимлар таркибида кунинча *тош*, *қум* сузлари иштирок этади. Фарғона водийси гидронимиясида бундан гидронимлар анчагина бўлиб, улар сув объекти худудидаги ернинг тuzилишини, туuproқнинг таркибини ифодалайди. Масалан, *Қумбулоқ* (Фар. в. Бувайда т.), *Қумарик* (Фар. в. Қува т.), *Тошбулоқ* (Нам. в. Нам. т.), *Қизилтошсой* (Нам. в. Поп т.), *Қумарик* (Нам. в. Норин т. Норинкана к.), *Қумлоқарик* (Нам. в. Чортоқ т. Динхон к.), *Қоратуuproқарик* (Нам. в. Норин т.), *Тошбулоқарик* (Нам. в. Учкўрғон т., Норин т.), *Тошарик* (Нам. в. Поп т., Чуст т.) каби.

8. Фойдали қазилмалар билан боғлиқ гидронимлар. Гидронимлар ўзи номлаётган объектининг табиий-географик белги-хусусиятлари ҳақида маълумот берувчи лисоний унсурлардир. Бу айниқса, фойдали қазилмаларни ифодаловчи сўзлар билан номланган сув объекти номларида ёрқинроқ кўринади. Шу боис номшунослар бу гуруҳга мансуб гидронимларни аниқлаш, маъно хусусиятини ўрганиш муҳимлигини таъкидлайдилар<sup>1</sup>.

Ўзбек тили гидронимиконида фойдали қазилмалар билан боғлиқ гидронимлар камроқ. Фарғона водийси гидронимиясида бу гуруҳга мансуб қуйидаги гидронимлар учрайди: *Тузлиқсой* (Нам. в. Поп т. Марғизор қ.), *Шўрбулоқ* (Нам. в. Чортоқ т.), *Мойлиқсой* (Анд. в. Избоскан т.) каби. *Тузлиқсой* гидроними туз кони билан, *Шўрбулоқ* гидроними Чортоқ шаҳридаги шифобахш минерал сув билан боғлиқ тарзда шакланган.

9. Ўзанида сув доимий оқиш-оқмаслигига нисбат бериш асосида номланган сув объектлари. Сув объектларида доимо сув бир меъёрда оқавермайди. Айрим сув объектларида баҳорда, ёнғингарчилик кўп бўлган пайтларда сув кўп оққани ҳолда, бошқа пайтларда сув деярли бўлмайди. Бу гуруҳга мансуб гидронимлар ана шу хусусиятларни эътиборга олиш асосида номланган сув

Охупов И. Гидронимлар ва уларнинг номлаш хусусиятлари. Тошкент: Фан, 1989. - б. 78

объекти номларидир: *Тақирариқ* (Нам. в. Мингбулоқ т.), *Қуруқсой, 1-Қуруқсой* (Нам. в. Чуст т.), *Қуруқсой селхонаси* (Нам. в. Чуст т. Машҳад қ.) каби.

10. **Фитогидронимлар.** Дарахт ва ўсимликлар дунёси сув билан боғлиқ. Табиатда бир-биридан айро нарсанинг ўзи йўқ. Сув бор жойда гиёҳ, ўсимлик унади, дарахт кўкаради. Чунончи, Ўзбекистон флораси турли-туман, ранго-ранг бўлиб, унинг таркибида 4000 турдан ортиқроқ ўсимликлар мавжуд. Уларнинг кўпчилигидан халқ хўжалигининг турли тармоқларида юқори сифатли хом ашё ўрнида, кийим-кечак, дори-дармон, озиқ-овқат, пардоз-андоз буюмлари ишлаб чиқаришда кенг кўламда фойдаланилади.<sup>1</sup> Демак, ўсимликлар инсониятнинг моддий тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, кишиларнинг ҳаёти ва хўжалик фаолиятида муҳим роль ўйнаган ва ўйнамоқда.<sup>2</sup>

Улар инсон учун хом ашё, чорва учун озуқа ҳисобланган. Шунингдек, инсонлар ободонлаштириш мақсадида ва табиий эҳтиёж туфайли ҳам сув объектлари атрофига манзарали, мевали дарахтлар ўтказганлар, парвариш қилганлар. Кейинчалик, сув объектларини бир-биридан ажратиш, фарқлаш учун уларни атрофида ўсаётган ўсимлик ва дарахтлар номи билан атаганлар. Бунинг натижасида ўзбек тили гидронимлари тизимида фитогидронимлар туркуми шаклланган. Ўсимлик ва дарахт номлари асосида яратилган сувликлар номи фитогидроним (фито < рус. < юнон. Phytон-ўсимлик+гидро рус. <юнон. hidro-сув + опота-исм, ном)<sup>3</sup>лар дейилади. Фитогидронимлар фитотопонимларнинг бир туридир. Айрим фитотопонимларнинг лисоний хусусиятлари Н.Охунов томонидан тадқиқ этилган.<sup>4</sup> Ўсимлик ва дарахт номи билан

Дожимитов К. Ўзбекистоннинг ҳубуби ва ҳубубат ўсимликлари - Тошкент: Фан, 1996. - Б.6  
Юртин К.П. Очерки по фито и зоогеографии в тивенкийских географических названиях. Языки и топонимия Сибири. Вып. II. Томск 1970. С.30

<sup>1</sup> Усманов О., Дониёров Р. Русча интернационал сузлар илоҳиди дугали. - Тошкент: Фан, 1965. - Б.122, 483, 457.

<sup>2</sup> Охунов Н. Фарғана области фитотопонимларини ўрганишга доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1982 - №4. - Б.32-35.



аталган Хоразм вилоятига хос номларини Э.Дўсимов фитонимик тип (фитотопонимлар) термини остида таҳдил қилган.<sup>1</sup>

Фарғона водийси гидронимлари тизимида юзлаб фитогидронимлар мавжуд: *Оқтерак ариғи* (Нам. в. Чортоқ т. Балиққўл қ.), *Олматикан* (Нам. в. Чортоқ т. Сарой қ.), *Садариқ* (Нам. в. Наманган т.), *Қамишбулоқ* (Нам. в. Поп т. Гулистон қ.) каби.

Республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам бир қанча фитогидронимлар учрайди: *Зирабулоқ* (Жиз. в. Зомин т.), *Жинғилсой* (Нав. в. Нурота т.), *Қораарчасой* (Тош. в.), *Уриқлисой* (Жиз. в.), *Шотутсой* (Сурхон. в.), *Юлғунсой* (Сам. в.), *Теракли* (Тош. в. Нишобсой қ.), *Толариқ* (Тош. в. Зангиота т.), *Чинорбулоқ* (Сам. в. Омонқўтон қ.) каби.

Мазкур фитогидронимларнинг ҳар бири ўзига хос лисоний белги-хусусиятларга ва номланиш тарихига эга. Чунончи, *Чақатикан* - Наманган вилояти Поп туманининг Гулистон қишлоғидаги булоқ номи. Ҳозирги ўзбек адабий тилида «чақа» сўзи омоним сўз бўлиб қўйидаги маъноларни англатади:

а) мисдан тайёрланган майда пул;

б) гўдак, жуда ёш бола;

в) ишқаланиш, урилиш натижасида ҳосил бўладиган кичик яра.<sup>2</sup> Шунингдек, «*нарсаларнинг бетиде ҳосил бўлган майда материк ўйиқ*» ҳам чақа деб аталади.<sup>3</sup> Тикан эса ўсимликларнинг ингичка учли, нинасимон органи, Демак, чақатикан-чақасимон тиканли ўсимлик. Бизнингча, мазкур сўз «чақир тиканак» сўзининг Наманган шеваларига хос варианты. Чақир тиканак - пояси ётиб ўсадиган ёввойи ўт ва унинг юлдузча шаклли тикани.<sup>4</sup> Бизнинг аниқлашимизча, булоқ атрофида худди шундай ўсимлик ўсади, шунга кўра булоқ Чақатикан (Чақир тикан) деб аталган.

<sup>1</sup> Дўсимов Э. Ўша асар 99-100-б

<sup>2</sup> Раҳматуллоев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1984. Ё 152

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Москва: Рус тили, 1981. Т. II. Ё 359

<sup>4</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2-том. 172-бет

Фарғона водийси фитогидронимларини қандай дарахт ёки ўсимлик номи билан аталишига кўра қуйидагича тўрхулаш мумкин:

1) манзарали дарахт номлари билан аталган сув объектлари: *Қайрағочариқ* (Нам. в. Учқўрғон т. Қайқи қ.), *Калтачинор булоғи* (Нам. в. Поп т. Гулистон қ.), *Теракли ариқ* (Нам. в. Учқўрғон т. Яшиқ қ.), *Яккатот бува булоғи* (Нам. в. Чуст т. Олмос қ.), *Бештол булоғи* (Нам. в. Чортоқ т.), *Қўшталариқ* (Нам. в. Чуст т. Ахча қ.) каби. Республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам гол, терак, чинор каби дарахт номлари асосида шаклланган фитогидронимлар мавжуд: *Толариқ* (Тош. в. Зангиота т.), *Тераксой* (Сам. в. Ургут т.), *Теракисой* (Тош. в. Оҳангарон т.), *Бешарчасой* (Жиз. в. Зомин т.), *Чинорбулоқ* (Сам. в. Омонқўтон қ.), *Обизаранг* (Сурхон. в. Сарисий т.) каби;

2) мевали дарахт номлари билан аталган сув объектлари: *Олчасой* (Нам. в. Чуст т. Гова қ.), *Анорзорсой* (Нам. в. Уйчи т. Қизилравот қ.), *Ўрикисой* (Нам. в. Поп т. Гулистон қ.), *Дўланаариқ* (Нам. в. Чуст т. Варзик қ.), *Қуюқтут* (Нам. в. Уйчи т. Ғайрат қ.), *Олматикан ариғи* (Нам. в. Чортоқ т. Сарой қ.), *Яккатут жилғаси* (Нам. в. Чуст т. Машҳад қ.) каби. Чунончи, жийда-барги узун, гули хушбўй мевали дарахт. Республиканинг барча вилоятларида жийда дарахти кўп ўсади. Шу боис Ўзбекистон, жумладан, Фарғона водийси фитогидронимлари доирасида жийда номи билан аталган гидронимлар кўп: *Жийдалисой сув омбори* (Нам. в. Поп, Уйчи туманлари), *Жийдали булоқ* / *Жийдалибува булоғи* (Нам. в. Чуст т. Балиқчи қ.) каби;

3) донли ўсимликлар, полиз экинлари ва сабзавот номлари билан аталган сув объектлари: *Буғдойпоясой* (Нам. в. Уйчи т. Қизилравот қ.), *Шолғомариқ* (Нам. в. Янгиқўрғон т. Навкент қ.) каби. Чунончи, Шолғомариқ - Янгиқўрғон туманининг Навкент қишлоқ кенгашига қарашли собиқ Тельман маҳалласидан оқиб ўтувчи ариқ. Маҳаллий аҳоли вакиллариининг айтишларича, бу ариқ қовланиб, биринчи марта сув оқизилганда ариқ ёқаларига

шолғом уруғи сепилган, ундан яхши ҳосил олинган.<sup>1</sup> Шунга нисбат бериб, қадимдан бери уни «Шолғомарик» деб аталади;

4) ўт номлари билан аталган сув объектлари: *Қўғаликўл* (Нам. в. Мингбулоқ т. Қўғаликўл қ.), *Жулавзорсой* (Нам. в. Чуст т. Саримсоқтепа қ.), *Қамишбулоқ* (Нам. в. Поп т. Гулистон қ.), *Қизилқиеқ жилғаси* (Нам. в. Чуст т. Шоён қ.) каби. Чунончи, *қўға* - ичи ғова ва юмшоқ, бардига ўхшаш узун бўлиб ўсадиган кўп йиллик ўсимлик. Қўға одатда бўйинча яшаш, қовун осиб сақлаш учун ишлатилади. *Қўға қовға*, *қўғай* деб ҳам аталади. Мазкур ўсимлик кўпроқ сувликлар бўйида ўсади. Вилоятнинг Мингбулоқ, (собик Задаре) тумани ҳудудида оқова сувлар ҳосил қилган, атрофида ана шундай қўға ўсимлиги кўп ўсадиган кўл *Қўғаликўл* деб аталган. Вақтлар ўтиши билан ономастик конверсия усули асосида кўл номи кишлоқ, маҳалла номига, яъни фитогидроним фитотопонимга айланган.

Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида бурган, колғун таркибли фитогидронимлар кўп учрайди. *Бурганлисой* (Тош. в. Ўрта Чирчиқ т.), *Бургансой* (Нав. в. Хатирчи т.), *Жинғилсой* (Нав. в. Нурота т.), *Юлеунсой* (Сам. в.) каби.

Юқорида келтирилган таҳлиллардан кўриниб турганидек, ўсимлик ва дарахт номлари асосида яратилган гидронимлар - фитогидронимлар ўз мазмун-моҳияти, этимологияси, шаклланиш тарихи билан ўзи мансуб ҳудуднинг табиатини, ўсимликлар дунёсини ўзида акс эттиради. Ўзбек тили фитогидронимлари доирасида мевали, манзарали дарахтлар, ўсимликлар, ўт номлари билан аталган гидронимлар салмоқли ўрин тутади, полиз экинлари, донли ўсимликлар, сабзавот номлари билан аталган гидронимлар эса жуда кам. Бунинг боиси мевали, манзарали дарахтлар, ўсимлик ва ўтлар узоқ вақт яшайди, сабзавот экинлари эса бир йилдаёқ йиғиштириб олинади.

11. Зоогидронимлар. Оламдаги нарсаларнинг ҳаммаси - бутун борлиқ, мавжудот табиат дея аталади. Табиатдаги барча мавжудотлар, унсурлар, воқеа-ҳодисалар бир-бири билан

<sup>1</sup> Ахбороти Ўзбекистон Дехқончилик, оқибатлар

чамбарчас боғлик. Худди шундай боғликлик ҳайвонот ва ўсимликлар, ҳайвонот ва сув объектлари доирасида ҳам мавжуд. Табиатдаги бу боғликлик ва алоқадорлик тилда, номларда, жумладан, атоқли отларда ҳам ўз ифодасини топган. Ўзбек тили зоогидронимлари ҳам табиатдаги ана шундай боғликлик маҳсулидир. Уй, зоологик боғ, цирк, қўриқхоналардаги ҳайвон ва паррандаларга қўйилган махсус лақаб номлар зоонимлар ҳисобланади. Шунингдек, айрим тадқиқотларда ҳайвон, парранда, жонзотларнинг умумий номини ифодаловчи апеллатив лексик сатҳга мансуб сўзларни ҳам зоонимлар термини остида таҳлил қилиш қузатилади.<sup>1</sup> Атоқли отлар сирасига ва апеллатив лексикага мансуб зоонимлар Д.Абдурахмонов, Д.Бозорова, Ф.Исҳоқов, А.Ишаев, С.Қораев, Б.Чориев, Б.Зариповлар томонидан ўрганилган.<sup>2</sup>

Биз ана шу тадқиқотларга асосланган ҳолда ҳайвон номлари билан аталган сув объектлари номларини зоогидронимлар термини остида таҳлил қилдик. Гидронимларнинг бу турининг шаклланишига уй ҳайвонлари, ёввойи ҳайвонлар, жониворлар, куш ва паррандаларнинг номларини ифодаловчи апеллатив сўзлар асос бўлади: *Бойўелисой* (Нам. в. Янгиқўрғон т.), *Балиқкўл* // *Балиқликкўл* (Нам. в. Чортоқ т.), *Қундузбулоқ*, *Чўчкабулоқ*, *Балиққудуқ* (Нам. в. Чуст т.), *Самансой*, *Қашқалдоқ* (Нам. в. Уйчи т.), *Қашқалдоқкўл*, *Чавоқликкўл* (Фар. в. Бувайда т.) каби.

Фарғона водийси зоогидронимларининг номланиш асосига кўра ўз ичида қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

<sup>1</sup> Юлдашева Д.М. Ўзбек балалар фольклори тилида зоонимлар. Фил. фанлари номтод дис. автореф. Тошкент, 2007. 23 б.

<sup>2</sup> Абдурахмонов Д. Ит номлари. Ўзбек тилишуослиги ва адабиётшуослигига оид тадқиқотлар. 4-китоб. Тошкент: Фан, 1963. Б 464-470. Биларова Д.Х. История формирования и развития зоологической терминологии узбекского языка. Тошкент: Фан, 1973. - 224 с. Искоков Ф. «Зарблмасалидаги кўл» номларига доир. Ўзбек тили ва адабиёти, 1973. №1. Б 48-50. Ишвев А. Дулдўл отлар таърифи. Фан ва турмуш, 1973. №5. Б 30-31. Қораев С. Ҳайвонларнинг кадимий номлари. Фан ва турмуш, 1974. - №2. 28 б. Чориев Ъ. Ўзбек зоонимлари. Олимпиада УЎбекистана Тетисы Республикаской конференция. Ташкент, 1989. Б 182-183. Уша мўаллиф "Муродхон" достонига ишлатилган зоонимлар. Ўзбек олимпиадаси III Республика илмий виаллий конференцияси тезислари. Хивв, 1991. - №1. Б.23. Зарипов Ъ. Зоонимларнинг бадий санъат турларини ҳосил қилишдаги иштироки (Алишер Навоий асарлари асосида). Фил. фанлари номтод дис. автореф. Тошкент, 2002. 21 б.

1) ёввойи ҳайвон номлари билан аталган сув объектлари: *Чўчқабулоқ* (Нам. в. Чуст т.), *Чўчқасой* (Тош. в. Оҳангарон т.), *Тўнғизкўл* (Нам. в. Мингбулоқ т.) каби.

*Чўчқабулоқ* Чуст туманининг Қалъақўрғон (ҳозирги Қорақўрғон) қишлоғида жойлашган. Қадимда булоқ атрофида ёввойи чўчқалар кўп бўлиб, улар булоқ атрофидаги сувликларда ҳам юрар экан. Шунга нисбат бериб, булоқ ҳозирга қадар *Чўчқабулоқ* деб аталади.

Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари гидронимиясида ҳам бундай зоогидронимлар учрайди: *Тўнғизўлди*, *Бўриётоқ* (Қорақум саҳросидаги кўллар), *Хирсхансой* (Сам. в. Ургут т.), *Бўриётоқ / Бўритоғ кўл* (Хоразм в. Хива т.) каби;

2) уй ҳайвонлари номи билан аталган сув объектлари: *Откудук* (Қашқа. в. Нишон т.), *Тулпоркўл* (Тош. в. Оҳангарон т.) каби;

3) қуш ва парранда номлари билан аталган сув объектлари: *Қарчиғай* (Нам. в. Уйчи т.), *Қарғаликўл* (Нам. в. Норин т.), *Қашқалдоқ* (Нам. в. Уйчи т.), *Зарғалдоқкўл* (Нам. в. Поп т.), *Чумчуқорол* (Нам. т. Қорасув қ.), *Майнабулоқ* (Нам. в. Косонсой т.) каби.

*Қарғаликўл* - Наманган вилояти Норин туманининг Тўда қишлоғидаги ариқ номи. Атрофида патлари тимқора кўчманчи қуш - қарға (қора қарға) кўп бўлганлигига нисбат бериб, ариқ шундай аталган. Гидроним таркибидаги кўл сўзи - «*кенг чуқурликда йиғилиб қолган сув, табиий сув*» маъносини англатади. Ариқ саёзлигидан бўйларида, у ер бу ерда, сувлар тўпланиб, кўлчалар ҳосил қилинганлигига кўра гидроним таркибида кўл термини ҳам қўлланган.

*Қарчиғай* - Наманган вилояти Уйчи туманининг Уйчи жамоа хўжалиги ҳудудидаги ариқ ва коллектор номи. *Қарчиғай*-калта қайрилма тумшукли, тирноқлари узун ва ўткир, йиртқич қуш.<sup>1</sup> Қарачиғайни одамлар тутиб, қўлга ўргатиб овга ҳам соладилар. У кўлпроқ урмонда ва шунга ўхшаш жойларда яшайди.

<sup>1</sup> Ҳаётининг вилояти дугати - Москва Рус тили, 1981. II т.-Б 557.

Лекин қарчиғай жуда эҳтиёткор қуш, шунинг учун уни кўриш қийин. Аҳен - аҳенда унинг қаттиқ қичқирган овозини эшитиб қолиш мумкин. Маҳаллий аҳолининг маълумотига кўра, қадимда мазкур ариқ ва коллекторлар атрофида баъзан қарчиғайлар кўринганлигига, баъзан уларнинг қаттиқ ва хунук қичқириви эшитилиб турганлигига кўра мазкур сув объектлари Қарчиғай деб аталган ва ҳозирда ҳам шундай аталади.

Қашқалдоқ - Наманган вилояти Уйчи туманининг Файзиобод қишлоғи, Беруний жамоа хўжалигидаги ариқ номи.

Қашқалдоқ - сувмашаклар туркумининг қамишзор кўлларида яшайдиган, бошида қашқаси бор бир тури; ўрдакдан йирикроқ ёввойи қуш.<sup>1</sup> Аввалари ариқ бўйларида ана шундай қушлар бўлганлигига кўра Қашқалдоқ деб аталган;

4) сувда яшовчи жониворлар номи билан аталган сув объектлари: *Балиқкўл* (Нам. в. Чортоқ т.), *Балиққовуз* (Нам. в. Тўрақўрғон т.), *Балиққудуқ* (Нам. в. Чуст т.) каби;

5) сувда ва қуруқликда яшайдиган жонзотлар номи билан аталган сув объектлари: *Қундузбулоқ* (Нам. в. Чуст т.) каби.

Қундузбулоқ Чуст туманининг Қорақўрғон қишлоғида жойлашган. Маҳаллий аҳолининг айтишича, авваллари булоқда ва унинг атрофида кечалари баъзи одамлар қуруқликда ҳамда сувда яшагга мослашган, қимматбаҳо мўйнали йиртқич сутэмизувчи ҳайвон - қундузларни кўришган. Бу фикрлар анча асосли. Танаси ингичка ва букилувчан, узунлиги 70 сантиметр келадиган қундуз ҳаёти сув билан боғлиқ. У қуруқликда қовушмайроқ юради, сувда эса жуда яхши сузади. Шунингдек, қундузлар қундузи уясида яширишиб ётади, овга асосан тунда чиқади. Булоқ ва унинг атрофида қундузлар бўлганлиги боис, у Қундузлибулоқ деб аталган. Даврлар ўтиши билан ном таркибидаги *-ли* аффикси тушиб қолган, сўз бирикмаси сўзга - номга айланган: қундуз + ли + булоқ > қундуз булоқ > Қундузбулоқ.

---

<sup>1</sup> Ушбег исми ва ишчи дустури - Москва Рус тили, 1981 II т. - б. 556

Таҳлиллардан кўринадикки топонимларнинг лисоний гадакики улар мансуб бўлган ҳудуд табиатини, ҳайвонот дунесини урганишида муҳим аҳамиятга эга.

### Тарихий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа омиллар асосида номланган сув объекти номлари

Этногидронимлар. Ўзбек тили гидронимик тизимида этногидронимлар ҳам салмоқли ўрин тутати. Этногидронимлар-уруғ, қабила, халқ, миллат номлари-этноним (<грек. ethnos-этнос-уруғ, қабила, халқ- опута-ном) лар асосида яратилган сув объектларининг атоқли номларидир.<sup>1</sup> Этногидронимлар тилдаги энг қадимги топонимик қатламлардан саналади. Этногидронимлар сув объектларининг маълум этник гуруҳга тегишли эканлигини, мансублигини, уларга алоқадорлигини билдиради.

Бошқа туркий халқлар каби ўзбек халқи ҳам маълум уруғ-қабилалардан таркиб топган. Уруғлар ўзаро яқинлиги, бир-бирига муносабатлари жиҳатидан бирлашиб, қабилани ташкил этган. Қабила таркибида бир неча уруғлар бўлган.

Мансхур турколог Маҳмуд Кошғарий турк табақалари ва қабилаларнинг баёни ҳақида фикр юритиб, қуйидагиларни қайд этган: «Турклар аслида йигирма қабиладир. Улар ҳаммаси Нуҳ пайғамбар ўғли Ёфас, Ёфас ўғли Туркка бориб тақаладилар.

Булар Рум авлодининг Иброҳим пайғамбар ўғли Ису Румга бориб тақалишига ўхшайди. Ҳар бир қабиланинг саноқсиз алақанча уруғлари бор».

Қадимий аждодларимизнинг ўзаро муносабатлари туфайли пайдо бўлган уруғчилик 40 минг йиллар оша бугунга қадар етиб келган.

<sup>1</sup> Одунов Н. Топонимлар ва тарихий номларнинг аҳамияти тарихи. Тошкент: Фан, 1989. Ы. 57  
Кошғарий, Маҳмуд. Девонх устони турк. Тошкент: Фан, 1960. Ы. Ы.64

Машҳур тарихчи Рашидиддин-Фазлуллоҳ Қазвиний (Ҳамадоний) ўзининг «Жомеъ-ат-таворих» асарида 24 уруф ҳақида фикр юритган.

Тарихий манбаларда ёзилишича, ўзбек халқининг шажараси 92 қабиладан ташкил топган. Худойберди Дониёров ўзбек уруғлари 300 дан ортиқлигини аниқлаган.<sup>1</sup>

Николай Хаников «Бухоро хонлигининг тавсифи» («Описание Бухарского ханства»-1843) асарида «Насабномаи узбакия» китобига асослаган ҳолда, ўзбек қабила ва уруғларининг 97 тасини рўйхатини келтирган. Бу далиллар ўзбек миллати жуда кўп уруф ва қабилалар мажмуидан иборатлигини кўрсатади. Ўзбек этнонимларининг лисоний хусусиятлари: шаклланиш тамойиллари, луғавий-маъновий ва ясаиш хусусиятлари К.Марқаев томонидан тадқиқ этилган. Унинг тадқиқотлари ўзбек этнонимикасини этнослар ҳақидаги янги илмий-назарий қарашлар, хулосалар билан бойитди.<sup>2</sup>

Ўзбекистон, Фарғона водийси, жумладан, Наманган вилояти ҳудуди энг қадимги аҳоли жойлашган ва яшаган манзиллардан бири ҳисобланади. Аҳолининг ўтроқ ҳаёт кечирishi ва дастлабки суғорма деҳқончилик эраמידан олдинги VI-IV асрларга бориб тақалади. Бу вақтларда Фарғона водийси, жумладан, Шимолий Фарғона ҳудуди сиёсий-маъмурий жиҳатдан шаҳар-давлатлар иттифоқидан иборат бўлган.

Фарғона водийсининг бугунги маъмурий чегараларида жуда қадим замонлардан асосан ерли халқ ўзбеклар, тожиклар ва қирғизлар ёнма-ён яшаб келганлар. Шунингдек ҳудудда *сарой, тўда, найман, яшиқ, қўғай, қўғайўмас, элатон, ғалча, ўлмас, қипчоқ, ялонғоч, арғин, бағиш, арбағиш, чўнғбағиш, олчин, қизилой, баймоқ, пучиғой, қозоқ, қирғиз, уйғур, қорақалмоқ, татар* каби уруф ва миллат вакиллари истиқомат қиладилар. Ҳудуднинг этник таркиби топонимларда, жумладан, гидронимларда ҳам ўз ифодасини топган.

<sup>1</sup> Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. Тошкент: Фан, 1968.

<sup>2</sup> Марқаев К.Ш. Ўзбек тили этнонимларининг лисоний тадқиқи (Жанубий Ўзбекистон ҳудуди материаллари асосида) Филол фанлари номзоди дис. автореф. Тошкент, 2007. -26 б.



Этнонимлар билан номланган сув объектлари, асосан, ўзбек халқи уруғлари, уларнинг тарихи, миграцияси билан боғлиқ.

Сув объектларининг номланишини кузатиш шуни кўрсатадики, ҳар қандай сув объектига ном беришда унга хос характерли бирор белги-хусусият, жиҳатга асосланилади. Ўзбек тили гидронимлари туркумига мансуб этногидронимлар мазкур сув объектлари атрофида яшаган, ундан фойдаланган ёки ўша объектнинг пайдо бўлишида бевосита иштирок этган халқ, миллат, қабила, уруғ билан алоқадор бўлиб, уларни номлашда ана шу этник гуруҳ номлари - этнонимлар мотивациясига асосланилган. Фарғона водийси гидронимиясига мансуб *Қозоқариқ* (Нам. в. Нам. т.), *Қалмоқариқ* (Нам. в. Чортоқ т. Сарой қ.; Косонсой т.), *Қипчоқариқ* (Нам. в. Норин, Чуст т.), *Уйғур ариқ*, *Уйғурсой селхонаси* (Нам. в. Поп т. Уйғур қ.), *Жуйитуркон* (Нам. в. Чуст т. Варзик қ.), *Ўзбекариқ* (Нам. в. Учқўрғон т. Яшиқ қ.), *Ўрисариқ* (Нам. в. Учқўрғон т. Қайқи қ.), *Қирғизбулоқ* (Нам. в. Янгиқўрғон т.), *Қўғайариқ* (Нам. в. Учқўрғон т. Қўғайўлмас қ.), *Хитой* (Нам. в. Учқўрғон т. Қайқи қ.), *Тўдаариқ* (Нам. в. Учқўрғон т. Яшиқ қ.), *Наймансой* (Фар. в. Ўзбекистон, Данғара т.), *Урганжи* (ариқ-Фар. в. Данғара т.) каби этногидронимлар фикримиз далилидир. Мазкур гидронимларнинг ҳар бири ўзига хос тарихга ва лисоний хусусиятларга эга.

Тарихий маълумотларга қараганда, қирғизлар бундан 3000 йил чамаси олдин Фарғона водийси ерларига келиб ўрнашганлар<sup>1</sup>. Наманган вилоятидаги қирғизлар Чотқолдан келган<sup>1</sup>. Ҳозирда қирғизлар Наманган вилоятининг Наманган, Чортоқ, Норин, Янгиқўрғон, Учқўрғон туманлари ҳудудларида маҳаллий аҳоли ўзбеклар билан бирга истиқомат қиладилар. Қирғизларнинг вилоятга кўчиб келиши, шу ерда яшаётганлиги боис мазкур миллат номи билан боғлиқ қуйидаги этнотопонимлар шаклланди: *Қирғизқўрғон* (Наманган, Янгиқўрғон туманлари), *Қирғизовул* (Нам. в. Норин т.),

<sup>1</sup> Қаранг Народы Средней Азии и Казахстана - Москва, 1963. - С. 163

*Қирғизмаҳалла* (Нам. в. Наманган, Учқўрғон, Уйчи, Чортоқ туманлари) каби. Шунингдек, Наманган вилоятида *Қирғизариқ* (Нам. в. Тўрақўрғон т.), *Қирғизбулоқ* (Нам. в. Янгиқўрғон т.) каби этногидронимлар ҳам кузатилади.

Тилшунос В.А.Никонов фикрича, асосида этноним ётувчи жой номлари, агар улар ўша ҳудудда яшамайдиган кишилар томонидан берилмаса, этник келиб чиқишида умумийлик бўлган бир халқ яшовчи жойларда юзага келиши мумкин эмас. Одатда, этнонимлар аҳолининг этник мансубиятини фарқ этувчи лисоний белги вазифасини бажарадиган жойлардагина этнопонимга айланади.<sup>2</sup> Бу фикрлар этногидронимларга ҳам тааллуқли. Чунончи, *Жўйитуркон* - Наманган вилояти Чуст туманининг Варзик қишлоғидан Каркидон қишлоғига оқиб ўтувчи ариқ номи. Мазкур ном «ариқ», яъни «*кичик оқин сув йўли*», дарё, сой, канал ва бошқалардан инсон кучи билан чиқарилган сув шахобчаси<sup>3</sup> маъноларини англатувчи форс - тожикча «жўй» сўзига форсий изофа кўрсаткичи воситасида ўзбек этнонимининг муқобили бўлган «турк» атамасини ва унга форс - тожикча - *он* кўплик қўшимчасининг қўшулуvidан (жўй+и+турк+он) ясалган бўлиб, «Ўзбеклар ариғи» демақдир. Ариқ тожиклар яшайдиган Варзик қишлоғидан, асосан, ўзбеклар истиқомат қиладиган Каркидон қишлоғига оқиб ўтганлигига кўра шундай номланган.

Фарғона водийси этногидронимлари этник тарихий тараққиёт маҳсулидир. Уларнинг ҳар бири ўз мазмун-моҳияти, шаклланиш асоси билан ҳудуд тарихи, этнографияси, этник шаклланиши, географияси ҳақида бий маълумотлар беради. Масалан, Қорақалпоқ коллектори - Наманган вилояти Мингбулоқ ва Поп туманлари ҳудудидаги сув объекти номи.

Тарихий манбалардан маълум бўлишича, XVIII асрнинг 20-йиллари бошларида қозоқлар ва қорақалпоқлар жунгорлар томонидан қилинажак кучли ҳужум ҳафви остида қолади.

Қаранг: Аубаева С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX - начале XX в. - Ташкент, 1983 - С.63

Қаранг: Никонов В.А. Топонимия историко-географической этнографии. Москва, Наука, 1964 - С.3

Қаранг: Персидско-русский словарь. Москва, 1985 - 2-т. - С.447

Жунғорлар 1723 йилда Туркистон ва Сирдарё атрофидаги бошқа шаҳарларни эгаллаб, Сирдарёнинг ўрта қисмидаги ҳудудларни босиб оладилар ҳамда қорақалпоқларни ўзи яшаб турган жойлардан сиқиб чиқарадилар; уларнинг бир қисми Ўрта Осиёнинг ичкарасига ёки шимоли - ғарбига кетишга мажбур бўлади. Жунғорлар ҳужумидан кейин Сирдарёда қолган қорақалпоқлар иккига - «юқоридагилар» ва «пастдагиларга» бўлинадилар.<sup>1</sup> «Юқоридагилар» номи билан аталувчи қорақалпоқларнинг катта қисми турли даврларда Фарғона водийси, жумладан, Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманига келиб ўрнашиб қолганлар. Шунингдек, қорақалпоқларнинг бир гуруҳи XVIII асрнинг биринчи ярмида, асосий қисми эса XVIII асрнинг тўртинчи чорагида Норбўтабий ҳукмронлиги даврида водий ҳудудига кўчиб келганлар.<sup>2</sup> Бундан ташқари, Қўқон хони Олимхон (1799-1810) даврида ҳам бир гуруҳ қорақалпоқлар Тошкент атрофида бўлган жангда маҳаллий халқ билан бирга асир сифатида қўлга олинади ва хонлик ерларига келтирилиб турли жойларга тарқатиб юборилади.

Шарқшунос Хаммер-Пургиталнинг ёзишича, ўз ватанидан қувғин қилиниши сабабли мотам белгиси сифатида улар қора қалпоқ кия бошлаганлар, шундан уларнинг номи «қора бурк» ва «қорақалпоқ» бўлган.<sup>3</sup>

Қорақалпоқларнинг водий ҳудудида жойлашиб қолиши натижасида Фарғона вилоятининг Данғара, Андижон вилоятининг Избоскан, Андижон туманларидаги Қорақалпоқ деб аталадиган қишлоқлар, Бувайда тумани Турк қишлоғидаги Қорақалпоқ каби маҳалла номларини ифодаловчи топонимлар вужудга келди. Жумладан, Қорақалпоқ коллектори (Наманган вилояти Поп туманидан Мингбулоқ туманига оқиб ўтувчи сув объекти) ҳам юзага келди. Демак, Қорақалпоқ коллектори қорақалпоқ уруғига мансуб кишилар яшайдиган ҳудуддан оқиб ўтганлигига кўра шундай ном олган.

<sup>1</sup> Камалов С.К. Қарақалпоқлар в XVIII-XIX в в - Тошкент, 1968. - С.33

<sup>2</sup> Талстова Л.С. Қарақалпоқ Ферғонский долины - Нукус, 1959. - С.20

<sup>3</sup> Айтураев Д. Туркские этнонимы. - Нукус: Қарақалпоқистан, 1986. - С.55

Фарғона водийси этногидронимларининг қандай этноним асосида юзага келганлигига кўра икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1) машҳур ва маълум йирик этнослар номи асосида шаклланган гидронимлар. Бундай этногидронимлар асосини турли халқ ва миллат номлари ташкил этади: *Ўзбекариқ*, *Ўрисариқ* (Нам. в. Учқўрғон т.), *Қозоқариқ* (Нам. в. Наманган т.), *Жуйнтуркон* (Нам. в. Чуст т.), *Қирғизбулоқ* (Нам. в. Янгикўрғон т.), *Қалмоқариқ* // *Қалмиқариқ* (Нам. в. Чортоқ, Косонсой т.) каби;

2) туркий уруф ва қабила номлари асосида шаклланган этногидронимлар: *Элатонариқ*, *Яшиқ*, *Тўдаариқ*, *Қўғайариқ* (Нам. в. Учқўрғон т.), *Қипчоқариқ* (Нам. в. Норин, Чуст т.), *Боғиш* (Нам. в. Чортоқ т.), *Қипчоқариқ* (Фар. в. Қўқон ш.) каби.

Юқорида келтирилган этногидронимлардан кўринадики, водий этногидронимларининг асосий қисми қипчоқ этник гуруҳлари асосида шаклланган. Қипчоқлар турк халқларининг энг йирик ва қадимий қабилаларидан.

Қипчоқлар, тарихий-этнографик асарларда қайд этилганидек, эраמידан аввалги III аср охиридан VI асрнинг ўрталаригача шимоли-ғарбий Олтойда истиқомат қилганлар.<sup>1</sup> Кейинчалик улар Сирдарёнинг ўрта оқимидаги худудда, Хоразмда, Урал ва Волга дарёлари ўртасидаги ерларда, Шимолий Кавказда яшай бошлаганлар. Қипчоқлар X-XVI асрлар давомида Мовароуннаҳр ва Хоразмга кўчиб ўтган ва бу ерларда ўтроқлашиб, ўзбек халқи таркибига қўшилиб кетган.<sup>2</sup> Кўп сонли мазкур қабила ўзбекларнинггина эмас, қозоқ, қорақалпоқ, қирғизларнинг этник таркибига кириб, уларнинг миллат бўлиб ташкил топишида қатнашган. Қипчоқлар Фарғона водийсининг шимоли-шарқий ва шимоли-ғарбий қисмларида, жумладан, Наманган вилоятининг Наманган, Поп, Тўрақўрғон, Чортоқ, Уйчи, Янгикўрғон, Учқўрғон туманларида ўтроқлашиб қолганлар. Этнограф К.Шониезовнинг кўрсатишича, XX асрнинг биринчи

<sup>1</sup> Биргольд В.В. Сочинения. Т V. Москва, 1968 - С 550-551.; Шанизов К. К этнической истории узбекского народа. Ташкент: Фан, 1974. - С 32, 66

<sup>2</sup> Задыкина К.А. Узбеки дельты Амударьи. ТХА 55 Т I Москва 1958 С 341

чорагида республикамиз чегарасида яшовчи қипчоқларнинг умумий сони 127 минг кишини ташкил этган. Шундан 42,4 минг киши Фарғона водийсида яшаган.<sup>1</sup> Худди шунинг маъсули сифатида бир қанча топонимлар қаторида мазкур уруғ номи билан боғлиқ *Қипчоқариқ*, *Қўғайариқ* (Нам. в. Учқўрғон т.), *Яшиқ*, *Элатон ариғи* (Нам. в. Учқўрғон т.) каби этногидронимлар шаклланган.

Яшиқ - қипчоқ уруғларидан бири. Маҳаллий халқ мазкур этнонимнинг этимони русча *яшик*, *яшчик* сўзи деб ҳисоблайди. Яшиқ-йашиқ сўзининг русча *яшчик*, *яшик* сўзларига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Яшиқ сўзи академик В.В.Радлов лугатида «озғин, қийналган, бўшашган, ҳолдан кетган, ишга яроқсиз, қуёш» маъноларини билдириши қайд этилган.<sup>2</sup>

Проф. В.М.Насилов қадимги уйғур тилидаги йашук сўзи «ёруғ, ёруғлик» маъноларини билдирувчи сўз бўлиб, йашу (ярқироқ нурланувчи) шаклидан олинганлигини кўрсатади (<йашу+к).<sup>3</sup>

Яшиқ сўзи дастлаб апедалятив лексик сатҳдан этнонимга ўтган. Кейинчалик яшиқ уруғига мансуб кишилар яшайдиган Яшиқ қишлоғидаги ариқ ҳам ана шу этносга нисбат бериш асосида Яшиқ деб номланиши асосида гидронимга айланган. Аслида Яшиқ гидронимининг этимони «*яшиқларнинг ариғи*» шаклидаги отли бирикмадир. *Яшиқларнинг ариғи* бирикмаси тил тараққиёти: топонимик деривация, номнинг соддалашуви натижасида Яшиқ тарзига келган: *яшиқларнинг ариғи* > *яшиқлар ариғи* > *Яшиқ ариғи* > *Яшиқариқ* > *Яшиқ*.

Антрологидронимлар. Топонимлар, жумладан, гидронимларнинг юзага келиши маълум ҳудуддаги кишиларнинг урф-одати, тили ва уларнинг тараққиёт тарихи, маданий юксалиши, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаёти каби жиҳатлар билан алоқадордир. Аниқроғи, ҳар қандай номнинг асоси (мотив)лари тарихий ва социал маънога эгадир.

<sup>1</sup> Шомиёзов К. Кўрсатилган асар, 110-112-бетлар

<sup>2</sup> Қарачи Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. Т. III, ч. I. - С. 248-249.

<sup>3</sup> Насилов В.М. Древнеуйгурский язык. - Москва, 1963. - С. 23.

Сув объектларининг номланиш тамойиллари ва мотивлари турли хил далилларга асосланади. Мазкур далиллар аниқловчи (атрибут) характерда бўлиб, ўзи ифодалаётган сув объектини бошқа шу хилдаги объектдан фарқлаш эҳтиёжи натижасида вужудга келади.

Сув объектларининг номланишида шу объектнинг жойлашиш ўрни, қандай этник гуруҳга мансублиги, объект атрофидаги ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, уни бунёд этилишига раҳбарлик қилган ҳамда бунёд этган шахс номлари мотив вазифасини бажаради.

Киши номлари: исм, фамилия, ота исми, лақаб ва тахаллуслар - антропонимларнинг<sup>1</sup> жой номларига айланиши кенг тарқалган лисоний ҳодисадир. Кишиларнинг сув объекти билан муносабати: унга эгаллиги, барпо этганлиги каби далиллар асосида мотивланган, аталган сув объектлари антропогидронимлар дейилади. Бундай номларни Э.Дўсимов антропонимик тип термини остида таҳлил қилган.<sup>2</sup> Масалан, *Холжон ариғи* (Нам. в. Янгиқўрғон т.), *Эшмерган ариғи* (Нам. в. Уйчи т.), *Жўрахожа булоғи* (Нам. в. Чуст т. Машҳад қ.), *Уста Ниёз булоғи* (Нам. в. Чуст т. Ғова қ.), *Усмонолиш* (Нам. в. Чуст т. Олмос қ.), *Мусулмонқул ариғи* (Анд. в. Балиқчи т. Сиза қ.), *Бурхон Шайх ариғи* (Анд. в.) каби.

Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам антропогидронимлар кўп: *Абдуллаҳонбади* (Бух. в. Нурота т. Эски Оқчоб қ.), *Қиличбойарна* (Хор. в. Гурлан т.), *Исмоил шоир номли канал* (Сам. в. Нарпай т.), *Меҳтар Қосим кўприғи* (Бухоро в.), *Назархон канали* (Қорақал. Респуб. Нухус т. Қипчоқ қ.), *Сотиболди ариғи* (Сам. в. Пах. т. Хайит Элбеги қ.), *Шоннёзариқ* (Сам. в. Пах.т.), *Жуйи Маҳмуд* (Сам. в. Пах. т.), *Авлиёота* (Жиз. в.), *Ҳазрати Башир* (Қашқа. в.), *Султон Санжар сув омбори* (Хор. в. Ҳазорасп т.) каби.

<sup>1</sup> Хожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. -Тошкент: Уқитувчи, 1985. -Б 17.

<sup>2</sup> Дўсимов Э. Хоразм топонимлари. -Тошкент: Фан, 1985. -Б 94-97.

Антропонимларнинг топонимга айланиши бир қанча экстралингвистик омиллар асосида содир бўлган. Бу, аввало, антропонимлар ҳам худди топонимлар, жумладан, гидронимлар сингари фақатгина объектларни (кенг маънода) индивидуаллаштирадиган, уларни бир-биридан ажратадиган ижтимоий-лисоний (социал-лингвистик) белгигина эмас, айти вақтда улар кишиларнинг этник белгиси, миллий хусусияти, ижтимоий-сиёсий қарашларини ҳам кўрсатувчи белгидир. З.Дўсимов фикрича, шу сабабли ҳам улар орасидаги ўзаро муносабат жуда қадимдан бошланган. Кўплаб киши номларининг жой номига ёки аксинча жой номларининг киши номларига айланиши худди ана шу омил билан изоҳланади.<sup>1</sup> Бизнингча, антропогидронимларнинг шаклланишида, яъни киши номларининг сув объекти номига ўтишида, кўчишида сув объектларининг маълум кишилар томонидан бунёд этилиши, кишилар учун хизмат қилиши ва бевосита инсон ҳаёти билан боғлиқлиги каби омиллар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Антропонимлар гидронимлар тизимига ўтар экан, ўзи номлаётган сув объектининг фарқловчи, бошқа сув объектларидан ажратувчи лисоний аниқловчи - атрибут вазифасини бажаради.<sup>2</sup> Бунда шахс ва объект муносабати муҳим роль ўйнайди.

Антропогидронимлар Фарғона водийси гидронимлари доирасида салмоқли ўрин тутайди. Фарғона водийси антропогидронимларини қандай сув объекти номининг билдиришига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Киши номлари билан аталган ариқ номлари: *Бегматарик* (Нам. в. Учқўрғон т. Ҳамза қ.), *Тошбобо ариғи* (Нам. в. Чуст т. Оғасарой қ.), *Шамсиев ариғи*, *Ўсаров ариғи* (Нам. в. Мингбулоқ т.), *Тошбой ариғи* (Нам. в. Учқўрғон т. Бахт қ.), *Мусулмонқул ариғи* (Анд. в. Сиза қ.) каби.

<sup>1</sup> Дўсимов З. Ушш асар, 95-бет

<sup>2</sup> Қирани Усмонов О., Дюнеров Р. Ушш дугат, 70-бет

2. Киши номлари билан аталган булоқ номлари: *Муридбува булоғи* (Нам. в. Чуст т. Олмос қ.), *Уста Ниёз булоғи* (Нам. в. Чуст т. Гова қ.), *Ражаббува булоғи*, *Миртожибува булоғи*, *Холмат тоға булоғи* (Нам. в. Чуст т. Машҳад қ.) *Қамбарота* (Анд. в. Дўстлик қ.) каби.

3. Киши номлари билан аталган ҳовуз номлари: *Эргашибува ҳовузи* (Нам. в. Поп т. Маданият қ.), *Хўжа Абдурахмон бува ҳовузи* (Нам. в. Чуст т. Машҳад қ.), *Муллабобо ҳовузи* (Нам. в. Чуст т. Балиқчи қ.), *Бегматбува ҳовузи* (Нам. в. Поп т.) каби.

4. Киши номлари билан аталган жилға номлари: *Бешкал жилғаси* (Нам. в. Поп т. Резак қ.), *Назарбува жилғаси* (Нам. в. Чуст т. Дуоба қ.), *Маллавоё жилғаси* (Нам. в. Чуст т. Машҳад қ.) каби.

5. Киши номлари билан аталган сой номлари: *Алихонсой* (Нам. в. Чортоқ т.), *Жабборсой* (Нам. в. Поп т.), каби.

Фарғона водийси антропогидронимларининг аталиши асосига кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1) бевосита шахс номларидан ҳосил бўлган гидронимлар. Самарқанд гидронимларини ўрганган Н.Бегалиев бу тилга кирувчи гидронимлар кўпроқ аристократия вакиллариининг номлари билан боғлиқ деб кўрсатади.<sup>1</sup> Бироқ бу гуруҳдаги гидронимларнинг барчасини шундай деб баҳолаш тўғри эмас. Бу типдаги антропогидроонимларнинг бир гуруҳи сув объектининг бунёд этилишига бошчилик, раҳбарлик қилган, барпо этган турли шахсларнинг номлари билан, иккинчи гуруҳи эса машҳур тарихий шахслар, мироблар, гидротехниклар ва шунга ўхшаш бошқа кишиларнинг номи асосида шаклланган. Масалан, *Бегматарик* (Нам. в. Учқўрғон т.), *Жабборсой* (Нам. в. Поп тумани), *Неъматжон ариғи* (Нам. в. Наманган т.), *Шамсиев ариғи*, *Усаров ариғи* (Нам. в. Мингбулоқ т.) каби.

Чунончи, *Муллаҳошим ариғи* Наманган вилояти Чортоқ туманининг Мучум қишлоғида жойлашган. Ариқнинг номлини тарихи қуйидагича: 1930 йилларда Дмитров (кейинги Алишер

<sup>1</sup> Қаринг Бегалиев Н. Ушв диссертация. 65-б



Навоий) жамоа хўжалигида Муллаҳошим ака бош агроном бўлиб ишлаган. Шу даврларда жамоа хўжалигида 300 гектар ер ўзлаштирилган, бу ерга сув олиб келиш керак эди. Муллаҳошим ака халқни тўплаб, 1931-1933 йилларда 15 км узунликда ариқ қаздириб, шу ерга сув олиб келган. Қазув ишлари техника йўқлиги учун қўлда бажарилган. Бу жараёнда Муллаҳошим ака кўп хизмат қилганлиги боис ариқ шундай номланган.

1962 йилда ариқ реконструкция қилинган, 1980 йилда бу ариқ Мучум каналига айлантирилган, бироқ маҳаллий аҳоли ҳамон уни *Муллаҳошим ариғи* деб атаydi.<sup>1</sup>

2) шахс оти ва лақаби, мансаби, касбини кўрсатувчи луғавий бирликлар асосида ҳосил бўлган антропогидронимлар. Бундай антропогидронимларининг қуйидаги кўринишлари кузатилади:

а) касб, касбга хос сўз ва исмдан иборат гидронимлар: *Уста Нияз булоғи* (Нам. в. Чуст т. Фова қ.), *Уста Қурбон ариғи* (Нам. в. Норин т.), *Уста Ином ариғи* (Нам. в. Нам. т.) каби;

б) исм ва амал, мансаб ифодаловчи сўздан иборат гидронимлар: *Алимбўлис ариғи* (Нам. в. Норин т.);

в) исм ва «ота», «бува», «она» сўзларидан иборат гидронимлар: *Эргаш бува ҳовузи*, *Нишонбой бува ҳовузи* (Нам. в. Поп т. Маданият қ.), *Холматтоға булоғи* (Нам. в. Чуст т. Машҳад қ.) каби;

г) шахснинг унвони, мансаби, табақаси ва номидан иборат гидронимлар: *Хўжа Абдурахмон бува ҳовузи* (Нам. в. Чуст т. Тошқўрғон қ.), *Жўраҳожи булоғи*, *Хўжа Қиёс ариғи* (Нам. в. Чортоқ т. Кўшан қ.) каби ва бошқалар;

д) исм ва лақабдан ёки лақаб ва исмдан иборат гидронимлар: *Уролқора ариғи* (Нам. в. Уйчи т.), *Ниязшалғам* (ариқ-Нам. в. Наманган т.), *Кал Ҳасан* (ариқ-Нам. в. Наманган т.), *Йўлдошқўса ариғи* (Нам. в. Уйчи т.), *Расулқора ариғи* (Нам. в. Уйчи т.) каби.

<sup>1</sup> Ахборотчилар, маҳаллий пенсионерлар: Абдурахим Мадрахимов, Жўрабой Озуннов.

Антрологидронимлар бошқа категориядаги сўزلардан ясалган гидронимларга нисбатан турғун эмас. Шу боис антрологидронимларни тўплаш, лисоний, тарихий, географик жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

**Топогидронимлар.** Сув объектларининг топонимларга нисбат бериш асосида юзага келган атоқли номлари топогидронимлар ҳисобланади.

Фарғона водийси гидронимик тизимида топогидронимларнинг қандай жой номи асосида юзага келганлигига кўра қуйидаги турлари кузатилади:

1) ойконимларга нисбат бериб номланган сув объекти номлари:

а) шаҳарча, шаҳар номи билан аталган сув объектлари: *Намангансой* (Нам. в. Нам. ш.), *Чустсой* (Нам. в. Чуст т.), *Чортоқсой* (Нам. в. Чортоқ т.) *Андижонсой* (Анд. в. Анд. ш.), *Қувасой* (Фар. в. Қува т.), *Марғилонсой* (Фар. в.) каби;

б) қишлоқ номлари - комонимлар билан аталган сув объектлари: *Бўлон* (ариқ - Нам. в. Чортоқ т.), *Бураматут* (Нам. в. Бураматут қ.), *Гулдиоров ариғи* (Нам. в. Гулдиоров қ.), *Кўшанариқ* (Нам. в. Гулдиоров қ.), *Мучумариқ* (Нам. в. Мучум қ.), *Шоҳимардонсой* (Фар. в.), *Чинободсой* (Анд. в. Балиқчи т. Чинобод қ.) каби;

в) маҳалла ва кўча номи билан аталган сув объектлари: *Чорвоқ* (Нам. в. Учқўрғон т.), *Кўкжар* (Нам. в. Янгиқўрғон т.), *«Гулзор»* (Нам. в. Наманган т.) каби.

2) оронимларга нисбат бериб номланган гидронимлар: *Каттатоғлик*, *Кичкинаатоғлик* (жилға - Нам. в. Чуст т. Гова қ.), *Қизилтепа* (зовур - Нам. в. Чуст т.), *Оқтепа ариғи* (Нам. в. Янгиқўрғон т.) каби.

**Агиогидронимлар.** Агиогидронимлар термини грекча агио- «муқаддас, илоҳий» ва гидроним - «сув объекти номи» маъноли қисмларидан таркиб топган. Демак, агиогидронимлар-диний эътиқод ва тушунчалар, халқ урф-одатлари ҳамда маросимлари асосида муқаддас, илоҳий деб қаралган нарса, воқеа-ҳодисалар.

жой билан аталган сув объекти номларидир. Масалан, *Шаҳидмозор* (Нам. в. Норин т. У.Юсупов қ.), *Азизбулоқ* (Нам. в. Янгиқўрғон т. Булоқбоши қ.), *Бувичаона булоғи* (Чуст т. Баймоқ қ.), *Саодатли булоқ* (Нам. в. Чуст т.), *Ғойибберди* (Нам. в. Чуст т. Ғова қ.), *Масжид ҳовузи* (Нам. в. Учқўрғон т. Қайқи қ.) каби.

Мансаб, амал, унвон, табақа номлари асосида шаклланган гидронимлар. Топонимлар, жумладан, гидронимларнинг муҳим хусусиятларидан бири турғунлик, барқарорлик ва яшовчанликдир<sup>1</sup>. Шу боис бир қатор қадимий гидронимлар бизгача етиб келган. Худди ана шундай номлар сирасига мансаб, амал, унвон, табақа номлари асосида шаклланган гидронимлар ҳам киради.

Турли даврлардаги давлат тузилиши, мансаб, унвонлар ва турли тоифа, гуруҳ, табақаларни ифодаловчи хон, амир, қози, ноиб, понсод, баковул, бой, бек, хўжа, шайх каби сўзлар асосида яратилган жой номлари Ўзбекистон гидронимиясида жуда кўп<sup>2</sup>, жумладан, Наманган вилояти гидронимлари доирасида бир қанча шундай номлар кузатилади: *Бекободсой*, *Эшонариқ*, *Халфа ариғи*, *Хўжашўркентсой*, *Хўжашўркент коллектори* (Нам. в. Янгиқўрғон т.) *Хонариқ*, *Хўжаобод ариғи* (Нам. в. Чуст т.) *Халфа тўпи*, *Хўжаариқ*, *Хўжаобод канали* (Нам. в. Учқўрғон т.), *Хатиб* (Нам. в. Тўрақўрғон т.), *Хонариқ* (Нам. в. Нам. т.), *Хўжаободариқ* (Нам. в. Норин т.) каби. Мазкур гидронимларнинг ҳар бири ўз тарихига, луғавий асосига ва гидронимик маъносига эга.

*Хатиб* - Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги қадимий ариқ номи. Хатиб сўзи асли арабча бўлиб, диний термин, «масжидда хутба ўқийдиган, ваъз айтадиган домла, имом; воиз» маъносини англатади.<sup>3</sup> Ариқ хатиб бошчилигида қавланганлигига кўра шундай номланган.

*Хўжаобод ариғи* (Нам. в. Норин т. Тўда, Уйчи т. Қизилравот қ.), *Хўжашўркентсой*, *Хўжашўркент коллектори* (Нам. в.

<sup>1</sup> Каранг Бегматов Э.А. Жой номлари - маънавият кўзгуси. - Тошкент: Маънавият, 1998. - 63

<sup>2</sup> Каранг Қориев С. Топонимика - Тошкент, 1970; Географик номлар маъносини билдириши<sup>1</sup> - Тошкент: Ўзбекистон, 1978; Озмон Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари - Тошкент: Фан, 1989. - Жой номлари тавбири - Тошкент: Ўзбекистон, 1994

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати. - Москва: Рус тили, 1981 - II т. - 6319

Янгиқўрғон т.), *Хўжаарик* (Нам. в. Учқўрғон т. Яшиқ қ.) каби гидронимлар *хўжа* ижтимоий-сиёсий термини асосида шаклланган.

*Хўжа* (ф. - хўжайин, соҳиб) - мусулмон мамлакатларида кенг тарқалган имтиёзли табақа. *Хўжа* тор маънода Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари ўртасидаги сайидлардан кейин турган феодал ижтимоий табақа. *Хўжаларнинг* келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Баъзи маълумотларда *хўжалар* дастлабки тўрт халифа Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алидан (Алининг Фотимадан бошқа хотинларидан) тарқалган авлодлар дейилса, бошқа манбаларда арабларнинг истилочилик юришларида бошчилик қилган саркардаларнинг авлодлари деб кўрсатилади. *Хўжалар* исломда оқсуяклар табақаси сифатида сайидлардан кейин туриб, маълум имтиёزلарга эга бўлганлар.<sup>1</sup> Кейинчалик баъзи ҳудудларда *хўжа* сўзининг ижтимоий-сиёсий маъноси унутилгач, этник атамага айланган, маълум кишилар гуруҳининг номи бўлиб қолган.<sup>2</sup>

Республикамизда бир қанча жой номлари, жумладан, сув объекти номлари *хўжа* сўзи асосида вужудга келган.<sup>3</sup> Мазкур гидронимлар *хўжалар* яшайдиган ҳудудга мансуб ёки улар томонидан бунёд этилган объектларни ифодалайди. *Хўжа* таркибли гидронимлар таҳлилидан кўринадики, *хўжа* термини ўзи номлашда қатнашаётган сув объектини бирор диний шахс, яъни *хўжа* табақасига мансуб киши билан боғлиқлигини кўрсатса, баъзилари сув объектини улар томонидан бунёд этилганлигидан дарак беради.

Эшонариқ Наманган вилояти Янгиқўрғон туманининг Навкент қишлоғида жойлашган. Мазкур ариқ эшонлар ва уларнинг авлод-аждодалари яшайдиган кўчадан оқиб ўтганлигига кўра шундай номланган. Гидроним таркибидаги эшон термини форсча бўлиб, «улар» деган маънони англатади. Манбаларда кўрсатилишича, эшон - суфийлик оқимларида диний

<sup>1</sup> Ислом Справочник - Тошкент, 1987.- Б.179

<sup>2</sup> Каренг. Шафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. -Тошкент, 1988 - Б.197

<sup>3</sup> Каренг. Озулов Н. Жой номлари тавбири -Тошкент: Ўзбекистон, 1994 -Б.56

раҳнамолар унвони. Одатда, эшонлар дарвишлик, суфийлик оқимларининг бирига мансуб бўлган. Исмоилийлар сектаси диндорлар жамоасининг раҳбари ҳам эшон ҳисобланади.<sup>1</sup> Шунингдек, диндорлар орасида маълум обрў қозонган руҳоний дин кишиси ҳам эшон деб аталади.<sup>2</sup> Гидроним таркибидаги эшон термини худди шу маънода қўлланган.

**Мажозий (метафорик) гидронимлар.** Мажозий гидронимлар ном кўчишининг метафора усулида сув объектининг ташқи ва шаклий кўринишининг турли нарса-буюмларга, жонзотларга ўхшатилиши асосида юзага келган сув объекти номларидир. Масалан, *Тутак* (жилға-Нам. в. Чуст т. Ғова қ.), *Эгартоши жилғаси* (Нам. в. Чуст т. Ғова қ.), *Қозонбулоқ* (Нам. в. Янгиқўрғон т. Бекобод қ.), *Ғалвирбулоқ* (Нам. в. Косонсой т. Узунқишлоқ қ.), *Оғзикатта* (селхона - Нам. в. Чуст т. Ғова қ.), *Камар* (закан - Нам. в. Мингбулоқ т. Олтинкўл қ.), *Қопбулоқ* (Нам. в. Чуст т.), *Кўрбулоқ* (Нам. в. Поп т. Маданият қ.) каби.

**Парафразавий гидронимлар.** Парафраза (< грек *paraphrasis*-тавсифий ифода, тасвир) - нарса, воқеа-ҳодисани ўз номи билан эмас, балки уларнинг характерли белги-хусусиятлари асосида тасвирий усул орқали ифодалаш ва шундай усул жараёнида юзага келган бирлик.<sup>3</sup> Илмий адабиётларда парафразанинг муқобили сифатида тасвирий ифода термини ҳам қўлланади. Парафразалар нарса, воқеа-ҳодисаларнинг ўз номи орқали юзага чиқмаган муҳим хусусиятларини тасвирлаб, бўрттириб, изоҳлаб ва тўлдириб кўрсатади, номни таъсирчан ифодалашга хизмат қилади.<sup>4</sup>

Парафразалар апеллятив лексик бирликлар доирасидагина эмас, ономастик сатҳда, жумладан, топонимлар ва унинг бир тури гидронимлар доирасида ҳам кузатилади. Масалан, *Аломалар юрти* - *Ўрта Осиё*, *Икки дарё оралиғи* -

<sup>1</sup> Ислам Справочник - Тошкент, 1987. - Б. 186

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, II т. 458-бет

<sup>3</sup> Каранг Азжанова О.С. Словарь лингвистических терминов - Москва, 1966 - С.312; Хожиев А. Лингвистические терминология и изоҳли луғати - Тошкент: Уқитувчи, 1985 - Б.67.

<sup>4</sup> Каранг Расулов Р., Умиров Н. Ўзбек тили тасвирий ифодаларининг изоҳли луғати - Тошкент: Уқитувчи, 1997. - Б.3.

*Мовароуннахр, Кимёгарлар шаҳри ёки Маъдан шаҳри – Олмалик, Нон шаҳри – Тошкент, Шарқнинг Рими – Самарқанд, Қўриқ воҳа – Қашқадарё, Олтин водий – Фарғона водийси, Тош шаҳар – Тошкент каби.*

Сув объектларини маълум характерли белги-хусусиятлари асосида тасвирий ифодаловчи номлар парафразавий ёки тасвирий гидронимлар дейилади. Рус тилшунослигида парафразавий топонимлар, жумладан, гидронимлар С.Я.Макарова, В.И.Орлова, Т.Н.Семеновалар томонидан алоҳида тадқиқ этилган.<sup>1</sup>

Фарғона водийси гидронимиясида ҳам парафразавий гидронимлар миқдоран кўп эмас, улар қуйидагилар: *Наманган воҳасининг ҳаёт наҳри // Наманганнинг ҳаёт наҳри – Шимолий Фарғона канали; Наманган воҳасининг кумуш камари – Катта Наманган канали; Тоғ орасидаги денгиз – Косонсой сув омбори;*<sup>2</sup> *Фарғона водийсининг олтин камари – Норин ва Сирдарё*<sup>3</sup> каби. Мазкур парафразавий гидронимларнинг қўлланиш доираси чегараланган бўлиб, асосан бадиий, публицистик услубда, баъзан илмий-оммабоп услубда қўлланади. Биз юқорида келтирган гидронимлар илмий-оммабоп услубга хос матнлардан олинди.

Айрим парафразавий гидронимлар маҳаллий халқ жонли нутқида ҳам қўлланади. Чунончи, Шимолий Фарғона ҳудуди гидронимиясига хос «*Тоғ орасидаги денгиз*» (Косонсой сув омбори) парафразавий гидроними маҳаллий сўзлашув нутқида ҳам учрайди.

Тоғ орасидаги денгиз – Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилояти ҳудудида жойлашган Косонсой сув омборининг тасвирий ифодаси. Косонсой сув омбори Фарғона водийсидаги дастлабки сув омборларидан бири бўлиб, водийнинг шимоли-шарқида Косонсой сув режимини тартибга солиш, сел

<sup>1</sup> Қарағи: Макарова С.Я. Приволжские топонимы и их перифрастические заменители // Онимастика Поволжья Саранск. 1976. – С.233-235; Орлова В.И., Семенова Т.Н. О некоторых структурно-семантических особенностях топонимических перифраз // Диалекты и топонимия Поволжья. В 6. – Чебоксары. 1978. – С.41-55; Орлова В.И. О перифразах гидронимях // Диалекты и топонимия Поволжья. В 7. – Чебоксары. 1979. – С.67-74; Кисимов П. Наманган воҳасининг суғориш тарихидан – Тошкент Фан. 1988. – Б.75,96,103.

<sup>2</sup> Абдуллаев О. Наманган вилояти. Наманган, 1993. – Б.22.

сувларини тўплаш мақсадида Косонсой водийсининг Ўрта тўқай ботиғида барпо этилган. Шу боис *Ўрта тўқай сув омбори деб* ҳам аталади. Косонсой сув омбори билан Наманган вилоятининг Чуст, Косонсой, Тўрақўрғон туманлари ва Қирғизистоннинг Жалолобод вилояти Олабуқа тумани экинзорлари суғорилади. Сув объекти географик жиҳатдан Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилояти Олабуқа тумани ҳудудида жойлашган бўлса-да, Наманган вилояти сув хўжалиги бошқармаси томонидан идора қилинади.

Косонсой сув омбори МДХ да, жумладан, Ўзбекистонда тоғ орасида қурилган сув омборларидан биридир. Шу боис унга нисбатан «Тоғ орасидаги денгиз» парафразаси қўлланган.

Фарғона водийсининг олтин камари парафразаси Сирдарёнинг тасвирий ифодаси бўлиб, мазкур дарёларнинг бутун Фарғона водийси ўртасидан оқиб ўтишини, географик жойлашувини камарга, водийнинг географик, табиий, иқтисодий ҳаётидаги моҳиятини, аҳамиятини олтинга қиёслашнинг мажозий ифодаси сифатида шаклланган. Шунингдек, Наманган воҳасининг кумуш камари парафразавий гидронимининг лисоний шаклланишида ҳам шунга ўхшаш ҳолат кузатилади. Бу Катта Наманган каналининг вилоят табиий, иқтисодий ҳаётидаги ўрнини метафорик усулда кумушга (чунки олтин - *Норин, Сирдарё* бор), бутун вилоят, яъни водий ҳудуди бўйлаб оқиб ўтиши ва жойлашув кўринишини мажозий тарзда камарга ўхшатиш маҳсулидир. Ҳақиқатан, Ўзбекистон Республикаси харитасидаги олтин водий - Фарғона водийсининг географик тасвири туширилган нуқталарга эътибор берсангиз, Сирдарё ва Катта Наманган канали водийда жойлашувига кўра камарни эслатади ҳамда ҳудуд табиий ҳаётидаги моҳияти билан олтин ҳамда кумушга тенг.

Шимолий Фарғона канали гидронимини ифодаловчи Наманган воҳасининг ҳаёт наҳри, Наманганнинг ҳаёт наҳри парафразалари ўзбек бадиий нутқида дарё, денгиз, булоқ, канал

каби сув объектларига нисбатан фаол қўлланувчи «ҳаёт наҳри» ибораси асосида шаклланган.

Ўзбек тили ономастик сатҳига хос парафразавий антропонимлар, теонимлар ва топонимларни, жумладан, гидронимларни туплаш, лисоний жihatдан тадқиқ этиш ўзбек номшунослиги олдидаги вазифалардан биридир.



### 3-БОБ. ЎЗБЕК ТИЛИ ГИДРОНИМЛАРИНИНГ ХРОНОЛОГИК ТАСНИФИ ВА ЭТИМОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

---

#### 3.1. ЎЗБЕК ТИЛИ ГИДРОНИМЛАРИНИНГ ХРОНОЛОГИК ТАСНИФИ

Гидронимлар ҳам топонимларнинг бошқа турлари каби узоқ тарих маҳсули. Ҳар бир гидронимда инсоният тарихининг кичик бир қирраси, зарраси ўз аксини топган. Ўзбек тили гидронимлари ўзбек халқи тарихи, этник таркиби ва тараққиёти, ёйилиши, турмуш тарзи, касб-кори, этнографияси ҳамда бошқалар ҳақида маълумот беради. «Авесто»да тилга олинган *Ранха* (Сирдарё бўлиши мумкин), *Ворукаш*,<sup>1</sup> қадимги туркий ёдгорликлардаги *Йинчуўтуз*,<sup>2</sup> «Абдуллонома»даги *Калас суви*, *Чир суви*, *Фарак (Парак) суви*, *Кўҳак*, *Карки кечуви*, *Қарноб*, *Еттиқудук*, *Сайхун*, *Жайхун*, *Фурот*,<sup>3</sup> «Бобурнома»даги *Сайхун* // *Сирдарё*, *Арс суйи*, *Санг суйи*, *Косон суйи*, *Хоқон ариғи*<sup>4</sup> каби юзлаб гидронимлар фикримизнинг ёрқин далилидир. Чунончи, *Абдуллахон банди* - XVI асрнинг 80-йилларида Бухоро ҳукмдори Абдуллахон II қурдирган қадимий сув омбори. Бу сув иншооти қолдиқлари Бухоро вилояти Нурота тумани марказидан 65 км шарқда, Эски Оқчоб қишлоғи яқинидаги Бекларсой дарасида хозиргача сақланган.<sup>5</sup>

Мазкур сув иншоотининг қурилиш ва номланиш тарихи қуйидагича: Бухоро хони Абдуллахон 1582 йилда Шимолий Қозоғистонга қилган ҳарбий юришдан қайтиб келаётганда Нуротага Жўш қишлоғи яқинидаги Оқчоб манзили орқали ўтади. Бу ерда баҳор ойларида жуда кўп сел сувлари тўлланар,

<sup>1</sup> Каринг *Авесто* (Астар Маҳам таржимаси) - Тошкент: Шарқ, 2001.

<sup>2</sup> Тўноққў битигтоши // Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. *Қадимги туркий тил.* - Тошкент: Уюлгуачи, 1982. - Б.77.

<sup>3</sup> Хофиз Тўғиш ал-Бухорий, *Абдуллонома* («Шарифномаи шохий»). - Тошкент: Шарқ, 1999. - 1-к. - 416 б.

<sup>4</sup> Бобур, *Заҳирнамани Муҳаммад Бобурнома.* - Тошкент: Шарқ, 2002. - 336 б. + 32 б. Зарварак.

<sup>5</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000. - 1-ж. - Б.33

аммо бу сувлардан деҳқончиликда фойдаланилмаслигини кўриб тўғон қуришни буюради. Мирза Салимбекнинг «Тарихи Салимий» асаридаги маълумотларга кўра, тўғон тўла қуриб битказилган.<sup>1</sup> Демак, мазкур сув иншооти - банд, яъни тўғон уни қурдирган Абдуллахонга нисбат бериб, *Абдуллахон банди* деб аталган. Гидронимнинг лисоний такомили қуйидагича: *Абдуллахоннинг банди* > *Абдуллахон банди*. Аниқроғи, *Абдуллахон қурдирган тўғон* маъносидаги Абдуллахоннинг банди отли сўз бирикмаси гидронимнинг этимонидир.

Кўринадики, гидронимларнинг тарихий нуқтаи назардан таҳлил қилиш бир неча соҳалар учун маълумотлар беради. Шу боис ўзбек тили гидронимларини хронологик тасниф қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Сув объекти номларининг пайдо бўлиш вақти, даврига кўра муайян гуруҳларга бўлиш гидронимларнинг *хронологик таснифи* ҳисобланади.<sup>2</sup> Топонимларнинг, улар доирасида гидронимларнинг хронологик таснифи Т.Нафасов, Л.Каримова, Ш.Қодирова, З.Дўсимов, Н.Охунов тадқиқотларида кузатилади.

З.Дўсимов хронологик жиҳатдан топонимларни қуйидаги гуруҳларга ажратади:

1. Топоним-архаизмлар.
2. Топоним-историзмлар.
3. Неотопонимлар.

З.Дўсимов топоним - архаизмларга вужудга келиши нуқтаи назаридан энг қадимги номларни киритади. Унинг фикрича, бундай номлар дастлаб апеллятив характерда бўлган, кейинчалик ўзининг илк маъносини йўқотган ва атоқли отга айланган. *Кат, Кент, Ўғуз, Балх, Арал, Кўҳ* типидagi номлар шуидай номлар сирасига киритилган.

Олим топоним - историзмларни халқ турмушининг турли тараққиёт босқичлари маҳсули сифатида вужудга келган номлар,

<sup>1</sup> Бу ҳақида қиронг Муҳаммадҷонов А. Ўзбекистоннинг қадимги гидротехника иншоотлари - Тошкент, 1997 - Б 26-35

<sup>2</sup> Бегматов З., 3 лужок II, Ўзбек ономастикаси терминларининг изоқли лужати - Наманган, 2006 - Б 91

деб изоҳлайди ва уларни ўз ичида қуйидаги икки гуруҳга ажратади:

а) уруғчилик даври билан боғлиқ номлар: *Дўрмон, Найман, Сарғали, Баёт* ва ҳ.к;

б) феодал муносабатлар натижасида пайдо бўлган номлар: *Бойлар, Гадоёлар, Заргарлар, Кемачи, Хонўтган* каби.

Неотопонимларни З.Дўсимов янги номлар, деб изоҳлайди.<sup>1</sup>

Бизнингча, З.Дўсимов қўллаган топоним-архаизм, топоним-историзм терминлари терминологик меъёр нуқтаи назаридан ўйлаб кўришни талаб қилади. Архаизм, историзм лингвистик терминларининг луғавий изоҳи ҳам фикримизни тасдиқлайди.<sup>2</sup> Хронологик таснифда номнинг пайдо бўлиш вақти, даври эътиборга олинар экан, уларни архаизм ва историзмларга ажратиш тўғриси бўлмайди, чунки З.Дўсимов таснифлашда шундай номлар сирасига киритган *Балх, Орол, Дўрмон, Найман, Кемачи, Заргарлар* номлари ҳозирда ҳам фаол қўлланмоқда, топоним сифатида яшайпти.

Бизнингча, топонимларнинг хронологик таснифида уларнинг яратилиш даврини эътиборга олиш, номларни ўз ичида эскирган номлар ва ҳозирда ҳам қўлланувчи номларга ажратиш маъқулроқ. Зеро, З.Дўсимов ўз таснифи якунида тўғриси таъкидлаганидек, юқорида келтирилган топонимик таснифлар ўз тўлалиги ва тугаллиги билан мезон сифатида қабул қилинмаслиги керак. Ҳар қандай топонимик тасниф тўпланган материалдан ва аynи вақтда тадқиқотнинг характери, шунингдек, тадқиқотчининг мақсадидан келиб чиқмоғи лозим.

Н.Охунов эса жой номларини хронологик жиҳатдан қуйидаги икки гуруҳга ажратиб таҳлил қилади:

1) эски номлар; 2) янги номлар.

Н.Охунов эски номларни, вужудга келиши нуқтаи назаридан, шўро даври сиёсатига асосланган ҳолда, Октябрь

<sup>1</sup> Дўсимов З. Топонимлар таснифи масаласига доир // *Ўзбек тили ва адабиёти*. 1978. - №8. - Б 20.

<sup>2</sup> Каранг. Хожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. - Тошкент: Уқитувчи, 1985. - Б 18, 40.

революциясига қадар яратилган топонимлар ҳисоблаб, уларни ўз ичида бир неча гуруҳга ажратади.

У нестопонимларни янги номлар сифатида изоҳлайди.

Биз юқоридаги топонимларнинг хронологик таснифига доир тадқиқотларга ижодий ёндошган ҳолда ўзбек тили гидронимларини хронологик таснифини бердик.

Ўзбек тили гидронимларини пайдо бўлган даврига, яъни хронологик жиҳатдан қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Тарихий гидронимлар.

2. Замонавий гидронимлар.

Тарихий гидронимлар халқ ҳаётининг турли давларида вужудга келган, халқнинг ижтимоий-сиёсий, социал, маданий ҳаёти тарихи, маданияти ва тили ҳақида муайян қимматга эга маълумотларни ифодаловчи қадимий сув объекти номларидир. Масалан, *Сирдарё // Сайхун, Норин*, (Нам. в., Анд. в.), *Косонсой* (Нам. в.), *Қалмоқариқ* (Нам. в. Косонсой т.), *Наймансой* (Фар. в.), *Улуғнор* (Анд. в.), *Хўтан* (Анд. ш.), *Хокан* (Анд. ш.), *Оқбўра* (Анд. в.), *Сиза* (Анд. в.) каби. Шунингдек Ўзбекистоннинг бошқа вилоятлари гидронимиясида ҳам бир қатор тарихий гидронимлар учрайди: *Жайхун, Дарғом* (Сам. в.), *Кўли Малик* (Бух. в.), *Кайковус ариғи* (Тош. в.), *Меҳтар Қосим кўприғи* (Бух. в.), *Нарпай* (Сам. в.), *Обимашад // Обимашҳад* (Сам. в.), *Питнакарна* (Хор. в.), *Ниёзжоби* (Сам. в.), *Хўжабулоқ* (Нав. в.), *Ҳазрати Башир* (булоқ-Қашқ. в.), *Оғалиқ, Шайхбулоқ* (Сам. в.), *Қарноб* (Нав. в.), *Салор* (Тош. в.), *Урганчарна* (Хор. в.), *Хизирли ёп* (Хор. в.), *Хонбанди* (Жиз. в.), *Хоним* (Нав. в.), *Қашқадарё*. (Қашқ. в.) каби.

Ўзбек тили тарихий гидронимлари қуйидаги ўзига хос лисоний хусусиятлар билан характерланади:

1. Тарихий гидронимлар ўзининг номланиш мотиви, тамойили ва гидронимик маъносига кўра ўзбек халқининг этник таркиби, такомили, этнографияси, социал, сиёсий, маданий, иқтисодий ҳаёти, тарихи ҳақида лисоний маълумот беради. Масалан, *Вайсулқаран булоғи* (Нам. в. Чортоқ. т. Балиққўл қ.),

*Қилчоқариқ* (Нам. в. Норин т. Норинкапа қ.), *Қалмоқариқ* (Нам. в. Косонсой т.; Чортоқ т. Сарой қ.), *Урганжи* (Фар. в. Данғара т.), *Уйшин ариғи* (Анд. в. Олтинкўл қ.) каби этногидронимлар ўзи мансуб ҳудуд этник таркиби ва этносларнинг Ўзбекистон бўйлаб ёйилиш ареали ҳақида ёрқин тасаввур беради.

2. Ўзбек тили тарихий гидронимлари вужудга келиш даврининг қадимийлиги боис тарихий, илмий, географик, этнографик асарларда учраши билан характерланади. Чунончи, ўзбек тили тарихий гидронимлари «Авесто», Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома», Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг «Бухоро тарихи», Ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг «Абдуллонома» каби тарихий асарларида кузатилади.

3. Ўзбек тили тарихий гидронимларининг луғавий, морфемик, морфологик таркиби ўзбек тилининг лисоний тараққиёти ва такомил ҳақида бу жараёнда бошқа тилларнинг таъсири, Ўзбекистон ҳудудидаги қадимий тиллар, уларнинг белги-хусусиятлари ҳақида дарак беради, худди шундай масалаларни ўрганишда далил бўлади. Масалан, *Ўкуз*, *Ўкузсой* гидронимларидаги *ўкуз* (дарё, сув маъносида), *Ойқоқ*, *Ойнақоқ* гидронимларидаги *қоқ* (ёғин ёки кўлмак сувлар тўпланган сувлик маъносида), *Сарижўга*, *Қоражўга* гидронимларидаги *жўга* (оқана сувлар оқадиган ариқ) каби қадимий туркий тил элементлари; Хоразм, Қорқалпоғистон гидронимиясига хос *Уйғурёп*, *Чатлиёп*, *Чурчиёп*, *Жумирёп*, *Уйшинёп* номларидаги ёп каби қадимий хоразм тили элементлари; *Шохруд*, *Қалқонруд*, *Рудак*, *Шержон*, *Буржон*, *Можон*, *Сожон*, *Сангардак*, *Ховдак* гидронимларидаги *руд* (дарё), *жон* (ирмоқ, жилга маъносида), *дак*, *даг* (дарё, сой маъносида) каби қадимий суғд тили унсурлари; *Шопурком*, *Жўйбор*, *Жўйтик*, *Хонариқ* гидронимларидаги *ком* (катта ариқ маъносида), *жўй* (арик, катта сув объекти тармоғи маъносида) каби қадимий эрон тили унсурлари<sup>1</sup> фикримиз далилидир.

<sup>1</sup> Бегматов Э. Жой номлари - маънавият кўзгуси - Тошвент: Маънавият. 1998. - Б 8.

4. Тарихий гидронимларнинг морфологик таркиби мураккаб бўлиб, уларнинг морфемик, луғавий асоси, маъноси этимологик таҳлиллар, изланишлар асосида аниқланади. Ҳатто баъзи гидронимларнинг бундай белги-хусусиятларини этимологик изланишлар жараёнида ҳам ёритиш қийин бўлади.

5. Ўзбек тили тарихий гидронимлари бадиий нутқда ўзи мансуб даврга хос тарихий колоритни ифодалаш билан услубий вазифа касб этади. Миркарим Осимнинг «Тўмарис», «Широқ», «Жайхун устида булутлар» каби тарихий қиссаларида *Яксарт*, *Окс*, *Жайхун* гидронимлари худди шундай услубий мақсадда қўлланган.

6. Ўзбек тили тарихий гидронимлари ўзбек имлосининг тарихий тамойилига мувофиқ қадимий, тарихий шаклларда ёзилади: *Гуртепа ариғи*, *Авакиана*, *Бешатмон*, *Жажак*, *Хўжан* (ариқ номлари – Нам. в.), *Алияк* (жилға-Нам. в.), *Ҳадикент* (канал-Нам. в.), *Қорамурт*, *Мучум* (коллектор – Нам. в.), *Елихон* (кўприк-Нам. в.), *Жўлай* (булоқ-Нам. в.) каби.

Тарихий гидронимлар доирасида эски ва эскирган сув объекти номларини фарқлаш лозим. Ҳозирда ҳам ўзбек тилида кенг доирада фаол қўлланувчи *Норин*, *Чирчиқ*, *Қашқадарё*, *Зарафшон*, *Сирдарё*, *Амударё*, *Салор* каби гидронимлар хронологик жиҳатдан эски, қадимий гидронимлар, аммо бу номлар эскирган эмас. Мазкур номлар вужудга келиш даври нуқтаи назаридан эски ном саналса-да, ҳозирга қадар ва ҳозирда фаол қўлланишига кўра эскирган номлар сирасига кирмайди.

Ўзбек тили тарихий гидронимлари тизимида шундай сув объекти номлари ҳам борки, улар ҳозир қўлланмайди, ўзбек тили гидроним ясаш моделларига тушмайди, ҳозирги ўзбек тилида ўзининг дублетига эга. Бундай номлар эскирган номлар (архаизмлар) гуруҳига киради. Масалан, Сирдарёнинг *Яхартес* // *Яксарт*, *Хашарт*, *Дану*, *Инжуўгуз* // *Енчуўгуз*, *Яоша*<sup>1</sup>, Чирчиқнинг

<sup>1</sup> Қаранг. Қорвек С. Географик номлар маъноси, 111-б.

*Парак* каби тарихий номлари ана шундай эскирган гидронимлардир.

Ўзбек тили тарихий гидронимларининг характери, ҳозирги даврда тилда қўлланиш ҳолатини эътиборга олган ҳолда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- 1) қадимий (эски) тарихий гидронимлар;
- 2) эскирган тарихий гидронимлар (архаик гидронимлар).

Қадимий (эски) тарихий гидронимлар ўзбек халқи тарихий тараққиётининг қадимги давларида вужудга келган, ҳозирда ҳам ўзбек тилининг барча услубларида фаол қўлланадиган сув объекти номларидир. Ўзбек тили тарихий гидронимларининг салмоқли қисми шундай номлардир. Масалан, *Баймоқ* (Нам. в. Чуст т.), *Бағиш* (Нам. в. Чортоқ т. Арбағиш қ.), *Вахм* (Нам. в. Нам. т.), *Кўшанариқ* (Нам. в. Чортоқ т.), *Испарон* (Нам. в. Косонсой т. Қорасув қ.), *Навкентсой* (Нам. в. Янгиқўрғон т. Навкент қ.), *Қашқасой* (Тош. в. Оҳангарон т.), *Искандарариқ* (Тош. в.), *Исфара* (Фар. в.) каби.

Эскирган тарихий гидронимлар эса ўзбек халқига оид турли тарихий манбаларда кузатиладиган, ҳозирда ўзбек тилида дублети мавжуд сув объекти номларидир.

Ўзбек тилида, жумладан, Фарғона водийси гидронимиясида эскирган тарихий гидронимлар жуда кам. Масалан, *Рудак* (ҳозирги Салор-Тош. в.), *Политимет*, *Намиқ*, *Руди Насаф*, *Ҳаромком*, *Водий ус-Суғд*, *Наҳр ул-Бухоро*, *Кўҳак* (ҳозирги Зарафшон - Сам. в.), *Парак*, *Оби Турк*, *Оби Фарак* (ҳозирги Чирчиқ - Тош. в.) каби.

Тарихий гидронимлар сирасига қуйидаги номлар киради:

1. Уруғ-қабилачилик даврини акс эттирувчи номлар, яъни этнонимлар асосида юзага келган гидронимлар: *Қалмоқариқ* (Нам. в. Косонсой, Чортоқ т.), *Элатон ариғи*, *Яшиқ ариғи*, *Кўғайариқ* (Нам. в. Учқўрғон т.), *Қурамаариқ* (Нам. в. Нам. т.), *Наймансой* (Фар. в. Данғара т.) каби.

2. Аҳолининг синфий, ижтимоий табақаланишини, ижтимоий мавқеини, насл-насабини ифодаловчи ижтимоий-

сиёсий терминлар асосида шаклланган гидронимлар: *Майдамилат булоғи* (Нам. в. Чуст т. Ғова қ.), *Бекободсой* (Нам. в. Янгикўрғон т.), *Хонариқ* (Нам. в. Чуст, Нам. т.), *Эшонариқ* (Нам. в. Янгикўрғон т.), *Хўжаариқ* (Нам. в. Учқўрғон т.), *Халфатўпи* (Нам. в. Учқўрғон т.), *Хўжабулоқ* (Нам. в.) каби.

3. Диний эътиқод, тушунча тасаввур билан боғлиқ ҳолда вужудга келган сув объектларининг номлари: *Пошоотасой* (Нам. в. Янгикўрғон т.), *Қирққиз кўзёши* (Нам. в. Чортоқ т.), *Чашман Ғоибролло* (Нам. в. Чуст т.), *Ҳазрати Айюб* (булоқ-Фар. в.) каби.

4. Ўтмишдаги хонлар, амирлар, беклар ва шу каби бошқа амалдорлар номи билан аталган сув объектларининг номлари: *Маллахон ариғи* (Нам. в. Уйчи т.), *Маллахон ҳовузи* (Нам. в. Тўрақўрғон т.), *Маллаховуз* (Нам. в. Нам. т.), *Мусулмонқулариқ* (Анд. в. Балиқчи т.) каби. Маллахон антропоними билан боғлиқ сув объектлари Қўқон хони Худоёрхоннинг ўғли Маллахон даврида унинг фармони билан бунёд этилганига кўра шундай аталган.

*Мусулмонқулариқ* (Анд. в. Балиқчи т.) 1842-1852 йилларда Қўқон хони Худоёрхоннинг қайноғаси Мусулмонқул томонидан қаздирилган. Шунинг учун унинг номи билан аталган.

5. Турли хил қадимий воқеа-ҳодисаларни ифодаловчи гидронимлар: *Қирғизўлди булоғи* (Нам. в. Янгикўрғон т.), *Октябрь* (ҳозирги Учқўрғон - Нам. в. Учқўрғон т.).

6. Ўтмишга хос мансаб ва унвонни ифодаловчи сўзлар асосида шаклланган гидронимлар: *Хонариқ* (Нам. в. Косонсой т.), *Хатиб ариғи* (Нам. в. Тўрақўрғон т.), *Хонамак* (Нам. в.) каби.

Номшунос олимлар ўзбек тилидаги топонимларни умумий тарзда икки катта гуруҳга ажратади:

- а) *табийий, яъни халқона топонимлар;*
- б) *сунъий, яъни расмий топонимлар.*

Табийий, яъни халқона топонимлар тилда асрлар давомида табийий ҳолда юзага келган номлар бўлиб, уларнинг ижодкори, яратувчиси халқдир. Халқона топонимлар узоқ даврлар давомида тарих синовларидан ўтган, сайқалланиб, қисқа ва лўнда шаклга келган, миллий тилнинг лисоний талаб ва эҳтиёжларига



мослашган, тил топонимиясига хос типик қурилма (модел)ларни ўзида гавдалантирувчи номлардир.

Ўзбек тили топонимик тизимига мансуб юқорида келтирилган тарихий гидронимларнинг вужудга келиш асосига, моҳиятига кўра халқона номлар сирасига киритиш мумкин.

Халқона гидронимларнинг муҳим хусусиятларидан бири уларнинг моддийлиги, яъни яратилишига кўра моддий (реал) асосларга эгаллигидир.

Ўзбек тили гидронимларининг бир қисми янги, замонавий гидронимлардир. Замонавий гидронимлар сирасига сўнгги йилларда юзага келган сув объекти номлари ва неогидронимлар (янги сув объекти номлари) киради. Ҳозирга қадар айрим топонимист олимлар неопонимлар, жумладан, неогидронимлар сирасига собиқ шўро ҳокимияти йилларида юзага келган К.Маркс, Ф.Энгельс, В.И.Ленин, Клара Цеткина, Роза Люксембург, Георгий Димитров, Я.М.Свердлов, М.И.Калинин, С.М.Киров номлари билан аталган жой номларини, жумладан, сув объеклари номларини киритиб келдилар. Бу, албатта, ўша давр нуқтаи назаридан қараганда тўғри эди. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ва Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви натижасида бундай тасниф ўз моҳиятини йўқотди, авваллари янги номлар сирасига киритилган топонимлар, гидронимлар бугунга келиб архаик номлар, яъни эскирган номлар сирасига ўтди. Бунинг бош сабаби - бу номлар юқорида келтирилган халқона номларга зид ўлароқ расмий, яъни сунъий номлар эди.

Профессор Э.Бегматовнинг кўрсатишича, алоҳида шахснинг хоҳиш-иродаси, махсус қарор ва кўрсатмалар асосида юзага келган жой номлари расмий (сунъий) топонимлардир. Олим талқинича, расмий номларнинг аксарияти, одатда, ўзи англаётган жойнинг, объектнинг табиий хусусиятини ифода қилмайди, балки унга сунъий равишда ёпиштирилган ёрлиққа ўхшайди.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Бегматов Э. Юқорида кўрсатилган асар. 12-бет.

1989 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақидаги қонуни қабул қилинди. Унда ўзбек халқи ва маданияти тарихида биринчи бор «...барча тарихий исмлар ва жойларнинг номлари халқнинг миллий мулки ҳисобланади ва давлат томонидан муҳофаза қилинади» деб таъкидланади.<sup>1</sup>

Ўзбекистондаги мустақиллик ва янгиланишнинг бир самараси сифатида янги истиқлол топонимик сиёсати пайдо бўлди. Натижада Ўзбекистон ҳудудидаги жойларни номлаш, баъзи жойлар номини янгилаш бўйича, ҳеч шубҳасиз, улкан ишлар қилинди. Бу ишларнинг моҳияти, айниқса, қуйидаги уч жараёнда ёрқин кўринади:

1. Эски тузум ва унинг мафкураси билан боғлиқ номлар ўзгартирилди.

2. Кўплаб тарихий ва халқона жой номлари тикланди ва ҳаётга қайтди.

3. Жойларга шахслар номини бериш жараёни тартибга солинди.

Албатта, бу ҳол ўзбек тили гидронимлари тизимида ҳам ёрқин кўзга ташланади.

Ҳозирги янги гидронимлар - неогидронимлар мустақиллик йилларида Ўзбекистон давлатининг топонимик сиёсати асосида вужудга келган сув объектлари номлари ҳисобланади. Масалан, Наманган вилояти, Мингбулоқ туманининг Хоразм жамоа хўжалигидаги «СССР 60 йиллиги» деб аталган ариқ ҳозирда Хоразм ариғи, «Новий Гигант» («Янги Гигант») ариғи Ўсаров ариғи деб аталди.

Неогидронимларнинг аксарият қисми авваллари П-1, П-2 ёки Л-1, Л-2, Р-1 каби шартли белги ва рақамлар билан номланган, миллий номланиш тамойилига зид бўлган сув объектлари номлари ўрнига Ўзбекистон Республикасининг изчил топонимик сиёсати ҳамда узоқ даврлар давомида шаклланган жойларни номлаш анъаналари асосида вужудга келган янги номлардир. Масалан, Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг Давлат тили ҳақида - Тошкент Ўзбекистон, 1989 - Б 10

«Шарқ қолдузи» (аввалги П-6 ариғи), Дўлтабува ариғи (аввалги Л-7 ариғи), «Гулистон-1» (аввалги А-6 ариғи), Терак ариғи (аввалги Ленинград ариғи), Зиябой номли канал (олдинги Машканал), Набижон ариғи (олдинги Л-Новий ариғи) каби.

Мазкур неогидронимлар собиқ шўро ҳукумати сиёсатини ифода этувчи сув объектлари номларини сув хўжалиги соҳасида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган, мазкур сув объектларини бунёд этган шахслар хотирасини абадийлаштириш, сув объекти йўналиши билан боғлиқ топонимларга нисбат бериш тамойиллари асосида юзага келган. Масалан, Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманидаги *Сотқинполвон ариғи* гидроними. Ариқ 1992 йилга қадар П-2 деб юритилган, ҳозирда унга сув хўжалигида узоқ йиллар ишлаган Сотқинполвон Холмирзаев хотираси учун шундай ном берилган. Шунингдек, «*Фунча*», «*Навбаҳор*», «*Орзу*» (Нам. в. Янгиқўрғон т.) каби янги гидронимлар ҳам замонавий гидронимлардир.

Ўзбек тили гидронимлари сирасидаги замонавий гидронимлар аҳолининг бугунги ижтимоий-сиёсий, социал, маданий ҳаётини, қарашларини ва орзу-умидларини ифодаловчи номлардир.

### 3.2. АЙРИМ МИКРОГИДРОНИМ ВА МАКРОГИДРОНИМЛАРНИНГ ЭТИМОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Тилшуносларнинг эътироф эътишича, этимология-тилшунослик фанининг муҳим ва мураккаб соҳаси. Этимология сўзи асли юнонча *etimon* ва *logos* сўзларидан таркиб топган бўлиб, *etimon* сўзи «чин, асл моҳият», *logos* сўзи эса «таълим» маъносини англатади. Демак, этимология – тилшуносликнинг сўз ва морфемаларининг келиб чиқиши ҳамда тарихини ўрганувчи бўлими.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Қаранг: Раҳматуллаев Ш, Ўзбек тилининг этимологик лугати (туркий сўзлар) –Тошкент: Университет. 2000 - 57

Тилшунослиқдаги этимологияга оид илмий манбаларда этимологик тадқиқ, этимологик талқин, этимологик таҳлил терминлари қайд этилади. Этимологик тадқиқ - сўзларнинг келиб чиқиши ва уларнинг этимонларини кўрсатиб берадиган илмий тадқиқот. Этимологик тадқиқотлар махсули сифатида этимологик талқин ва этимологик таҳлиллар юзага келади. Этимологик таҳлил лисоний таҳлилнинг бир тури бўлиб, сўзларнинг келиб чиқиши ҳамда этимонларини кўрсатиб берадиган таҳлилдир.<sup>1</sup>

Тил бирлиги бўлган сўзлар қатори топонимларни, жумладан, гидронимларни этимологик тадқиқ этиш уларнинг келиб чиқишини, тарихий шакл ва вариантларини, этимологик манбаларини, этимонини, яъни чин, асл шаклини ҳамда маъносини ўрганишда, аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Европа ва рус тилшунослигида гидронимларнинг этимологияси топонимик тадқиқотлар доирасида ўрганилибгина қолмасдан, айрим ҳудудий гидронимларнинг этимологик талқини ва таҳлилига доир бир қатор илмий изланишлар яратилган.<sup>2</sup>

Туркологияда ҳам айрим гидронимларнинг этимологиясига доир изланишлар топонимияга оид илмий тадқиқотлар - номзодлик диссертациялари доирасида ва у ёки бу гидронимларнинг лисоний тадқиқига оид мақолаларда кузатилади. Ф.Г.Гарипова, А.Г.Гулиева, Э.М.Мурзаев, К.О.Алиев, А.Анналуоров, С.Г.Кляшторнийларнинг тадқиқотлари фикримизни тасдиқлайди.<sup>3</sup> Айниқса, туркий топонимлар, жумладан,

<sup>1</sup> Қаранг Эназаров Т. Ўзбекистондаги баъзи топонимларнинг этимологик талқини. - Тошкент: Университет, 2004. - Б 9

<sup>2</sup> Брейдык А.Б. Прибалтийско-финские названия рек в Латгалии. - Изв. Ан. Латв. 1973. - №2. - С.97-102; Долгачев П.Г. Названия рек Волгоградской области. - В кн.: Диалектная и лит. разговорная речь - Волгоград. 1974. - С. 191-195; Железняк И.М. Доэпиграф гидронимы в Суба/Субот. - Мовознавство. Киев. 1973. - №1. - С. 77-82; История лимонисного Мужитурь. - Мовознавство. Киев. 1974. - №3. - С. 61-65; Карпенко Ю.А. Что значить имя Днестр? - Земля и люди. 1973. - Москва. 1973. - С.215-217; Кизанова А.М. Арлянка-Веси Белорус. У. Сер. IV. 1974. №3. - С.64; - Гидронимия бассейна Западной Двины на территории Белоруссии. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Минск. 1975. - 24 с.; Матвеев А.К. Волга. - РР. 1971. - №2. - С.140-142; - Омска Пиннега. - РР. 1971. - №5. - С. 99-105; - Отин Е.С. Гидронимия Юго-Восточной Украины. Автореф. дис. доктор. филол. наук. - Киев. 1974. - 44 с.; Из этимологических исследований донской гидронимии. - В кн. Этимология, 1970. - Москва. 1972. - С.230-241

<sup>3</sup> Гарипова Ф.Г. Гидронимия Закавказья Татарской АССР (бассейны рек Ашит, Казанки, Менши, Шошмы). АКД. - Казань. 1975. - 36 с.; Гулиева Л.Г. О некоторых закономерностях в топонимии Кубани - Уз Азерб. ПИ рус яз. и лит. - Баку. 1971. - №1. - С.45-50; Мурзаев Э.М., Умузтаев С.У. Гидронимы Иссык-Куль и Байкал. - Изв. АН

гидронимларнинг этимологик жиҳатдан тадқиқ этишда А.Абдурахмоновнинг хизматлари катта.<sup>1</sup>

Ўзбек тилшунослигида гидронимларнинг этимологик таҳлили ва талқини топонимияга оид С.Қораев, З.Дўсимов, Б.Ўринбоев, Т.Нафасов, Ш.Қодирова, Л.Каримова, Н.Охунов, С.Найимов, Д.Абдурахмонов, Ё.Хўжамбердиев, А.Отажоноваларнинг монографик тадқиқотлари: номзодик ва докторлик диссертацияларида, монография, илмий рисола, топонимик луғатларида ҳамда айрим илмий мақолаларида кузатилади.<sup>2</sup>

Топонимияга оид тадқиқотларда топоним ва унинг турларини этимологик тамойил жиҳатдан қуйидаги уч гуруҳга бўлиб ўрганиш кузатилади:

1. Ифодалаган маъноси аниқ топонимлар.

2. Маъносини қисман йўқотган ёки компонентларининг маънолари унча аниқ бўлмаган номлар.

---

... Сер. Геогр.-1974.-№6.-С 92-94. Алиев К.О. О названиях реки Куры.-Докл.АН АЗ ССР, 1959, Т 15.-№4.-С.361-364. Амирашуров А. Узбой солянин гелип чыкышы хавымда.-Изв. АН Туркм ССР, 1961 Сер.обществен. наук. 1961.-№1.-С 73-76; Клышторный С.Г. Яксарт-Сыр-дарья.-СЭ, 1953.-№3.-С 189-190.

<sup>1</sup> Абдурахмонов А. Топонимика және этимология.-Алматы.-цлмн, 1975.-С 208; - Актуальный проблемы тюркской топонимики // ОУ.-Ташкент, 1989.-С 15-16; -Этимологическое исследование некоторых этнонимов общих для узбекского и казахского народов // Материалы конференции по ономастике Узбекистана.-Джиззах, 1985.-С 20-21. К вопросу методов этимологического исследования топонимов Казахстана // Тюркская ономастика.-Алма-Ата: Наука, 1984.-С 120-130

<sup>2</sup> Қараев С.К. Этимологии слов «Шибирь» и «Сибирь» // Общественные науки в Узбекистане, 1966.-№7.-С.72-75.-Топонимия Узбекистана.-Ташкент: Фан, 1991.-130 с. Яна уша муаллиф. Географик номлар маъноси.-Тошкент: Узбекистон, 1978.-204 б. Ўринбоев Б. Жиззах вилояти топонимлари.-Жиззах, 1992.-53 б.; Самарқанд вилояти топонимларининг изохи.-Самарқанд, 1997.-202 б.; Абдурахмонов Д. Бешкент район топонимикаси // Ўзбек шевалари лексикаси.-Тошкент: Фан, 1966.-Б 383-400; Атажанова А.Ж. Хоразм этнонимлари ва уларнинг луғавий асослари Филол.фанлари номзоди ... дис.автореф.-Тошкент, 1996.-27 б.; Дуеминов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати.-Тошкент: Ўқитувчи, 1977, 174 б.; Дўсимов З., Тиллаева М. Жой номларининг сари.-Хива: Хоразм Мазмун Академияси, 2001.-52 б. Мухаммадджонов А. «Калобод», «Калковуш», «Калос», «Мийёколя» гидронимлари ва «кала», «кали», «колоти» субстратлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2004, №5.-Б.43-47; Найимов С.Н. Бухоро области топонимикаси.-Тошкент, 1984, 24 б.; Бухоро вилояти жой номларининг қисқача изоҳли луғати.-Бухоро, 1997, 63 б.; Нафасов Т. Узбекистон топонимларининг изоҳли луғати.-Тошкент: Ўқитувчи, 1988.-288 б.; - Жили компонентли гидронимлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1988, №5.-Б.43-45; Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номлаш хусусиятлари.-Тошкент: Фан, 1989.-56 б.; -Жой номлари таъбири.-Тошкент: Ўзбекистон, 1994. - 86 б.; Қодирова Ш. Тошкент микропонимикасининг этимологик характеристикаси // Ўзбек тили ва адабиёти.-Тошкент, 1969, №3.-Б.56-59; Хўжамбердиев Я. Историко-этимологическое исследование топонимии Сурхандарьинской области Узбекской. Автореф. дис. канд. филол. наук.-Тошкент, 1973, 25 с.; Уткин Х. Фарғона, Водил, Қувасой сўзларининг этимологияси ҳақида // Адабиётшунослик ва тилшуносликка оид тадқиқотлар.-Тошкент, 1965.-Б.138-146.; Қаримова А. Баъзи топонимларнинг этимологиясига доир // Научные труды ТашГУ.-Тошкент, 1976, №501.-Б.117-120

3. Маъносини аниқлаш қийин бўлган ёки структураси ҳам, тарихи ҳам, маъноси ҳам ноаниқ топонимлар.<sup>1</sup>

А.В.Суперанская: «Бу хилдаги гуруҳлаш топонимлар таснифига катта зарар келтириши ўз-ўзидан кўриниб турибди», - деб бу масала юзасидан ўринли фикр билдирган эди.<sup>2</sup>

З.Дўсимов тўғри таъкидлаганидек, бундай тасниф асосида топонимларни текшириш муваффақиятли чиқмайди, чунки бундай тасниф бутунлай индивидуал характерга эга бўлиб, тадқиқотчининг тажрибаси ва савияси билан боғлиқдир. Ҳар бир тадқиқотчи ўз савиясига кўра «маънолари ноаниқ бўлган номлар» гуруҳининг кўпайтириши ёки камайитириши мумкин. Шунингдек, номларни бу хилда ажратиш умуман топонимик тадқиқотнинг мақсадига зид келади. Тадқиқотчининг мақсади асосан ана шу ноаниқ гуруҳни текширишдан иборат бўлмоғи керак.<sup>3</sup> Албатта, З.Дўсимовнинг бу фикрлари илмий ва амалий жиҳатдан асосли. Бизнингча, ўзбек тили гидронимларини этимологик жиҳатдан қуйидагича гуруҳлаш маъқулроқ:

1. Этимологик таҳлил талаб қилмайдиган гидронимик маъноси ёрқин, аниқ, гидронимлар: *Булоқсой* (Нам. в. Косонсой т.), *Жийдасой* (Нам. в. Поп т.), *Анҳорариқ* (Нам. в. Чуст т.), *Дамариқ* (Нам. в. Уйчи т.), *Заканариқ* (Нам. в. Учқўрғон т.), *Тақирариқ* (Нам. в. Мингбулоқ т.), *Уйғурариқ* (Нам. в. Поп т.), *Сарбулоқ* (Нам. в. Поп т.), *Ширинбулоқ* (Фар. в. Аввал қ.), *Туронғиқул* (Фар. в.), *Олтиариқсой* (Фар. в.), *Учбулоқ* (Анд. в. Балиқчи т.) каби.

Бундай гидронимлар ўзбек тили гидронимиясида салмоқли ўрин тутади. Мазкур турга мансуб гидронимларнинг номланиш мотиви маълум, номнинг ўзидан сув объектининг номланишига асос бўлган белги-хусусиятлар англашилиб туради. Кишидаги ҳаётий билим, малака ва кўникмалар гидроним номаётган сув объектига хос характерли қиррани, белги-хусусиятни англаш, шу асосда сув объектининг номланиш асосини тушуниш, идрок

<sup>1</sup> Каренг. Дўсимов З. Топонимлар таснифи масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1978. - №1 -Б. 18

<sup>2</sup> Суперанская А.В. Общие теории имени собственного - Москва: Наука, 1973. -С.159

<sup>3</sup> Дўсимов З. Ушв мақола, 19-б.

этиш имконини беради. Шу боис бундай гидронимлар сираси маълум содда изоҳларни талаб этса-да, этимологик таҳлилсиз ҳам тушунарли.

2. Этимологик таҳлилсиз гидронимик маъносини англаш қийин бўлган гидронимлар: *Сирдарё*, *Норин* (Нам. в.), *Бешатмон* (Нам. в.), *Боғишариқ* (Нам. в. Чортоқ т.), *Миёна* (Нам. в. Чуст т.), *Резаксой* (Нам. в. Чуст т.), *Тутак* (Нам. в. Чуст т.), *Хонамак* (Нам. в. Янгиқўрғон т.), *Хўтан*, *Оқбура* (Анд. в.), *Улуғнор* (Анд. в.) каби.

Бундай гидронимлар қадимийлиги ва тарихийлиги билан характерланади. Уларнинг луғавий асоси, гидронимик маъноси, морфемик таркиби, ясалиш хусусиятлари этимологик таҳлил асосидагина ойдинлашади.

Илмий манбаларда этимологиянинг уч тури қайд этилади:

- 1) халқ этимологияси;
- 2) сохта этимология;
- 3) илмий этимология.<sup>1</sup>

Халқ этимологияси - тил бирликларини, жумладан, атоқли отларни ном билан турдош лексема орасидаги шаклий ва маъновий ўхшашлигига ёки афсона ҳамда ривоятлардаги маълумотларга асосланиб талқин қилиш.<sup>2</sup> Аниқроғи, халқ этимологияси муайян сўз ёки номнинг маъносини аниқ далилларга асосланмаган ҳолда, фақат товуш томонининг тасодифий ўхшашлигига қараб, шунингдек, афсона ва ривоятларга таяниб изоҳлашдан иборат.<sup>3</sup>

Тил бирликларининг, жумладан, номларнинг фонетик ва грамматик тузилишини, маъноси ва ясалиш асосини нотўғри талқин қилиш натижасида чиқарилган асоссиз фикр, хулоса сохта этимология ҳисобланади. Кўпинча халқ этимологиясига асосланилган талқинлар ҳам сохта этимология саналади, бироқ бунга қўшилиб бўлмайди. Топонимлар, жумладан, гидронимлар тадқиқида илмий этимология қатори халқ этимологияси ҳам

<sup>1</sup> Мавжидов Н. Этимология // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Тошкент, 2005. –10-ж.-Б 281

<sup>2</sup> Бегматов Э., Улудов И. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли дустури. –Наманган, 2006. Б 70

<sup>3</sup> Мавжидов Н. Ҷша мақола. 21-б.

муҳим аҳамиятга эга. Халқона этимология кўпинча илмий этимология учун манба, асос ва туртки бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек тили гидронимларининг халқ этимологиясига оид талқинлари гидронимик афсона ва ривоятларда кузатилади.

Улуғбек Сатторов таснифига кўра, ўзбек халқ топонимик афсоналарини қуйидаги турлари бор: 1) мифотопонимик афсоналар; 2) этнотопонимик афсоналар; 3) антропонимик афсоналар; 4) гидронимик афсоналар; 5) оронимик афсоналар; 6) ойконимик афсоналар; 7) фитотопонимик афсоналар; 8) зоотопонимик афсоналар; 9) некронимик афсоналар.<sup>1</sup> Бизнингча, топонимик афсоналарнинг мазкур таснифи мукамал ва изчил эмас, таснифлашда топонимларнинг турлари (ойконим, ороним, гидронимлар) ҳам, аталиш асоси (мотиви)га кўра турлари (этнотопонимлар, фитотопонимлар, зоотопонимлар) ҳам эътиборга олинган ва нимагадир топонимик афсоналар сирасига антропонимик (киши номлари ҳақидаги-Н.У.) афсоналар ҳам киритилган. Топонимик афсоналарни топонимларнинг турига кўра, аталиш асосига кўра таснифларини алоҳида-алоҳида бериш мақсадга мувофиқ.

Топонимик афсоналарнинг бир тури гидронимик афсоналардир. Гидронимик афсоналар маълум сув объектлари ҳақидаги халқ оғзаки ижоди намунасидир. Гидронимик афсоналар конкрет объект - ҳудуд, яъни сув объекти билан боғлиқ бўлади, локал хусусият касб этади. Демак, гидронимик афсоналар сюжетига асос бўлган воқеа-ҳодиса, жой хаёлий-эпик маконда эмас, балки географик нуқтаи назардан конкрет жойда, аниқ маконда локаллаштирилади.<sup>2</sup>

Гидронимик афсоналарда сув объектларининг бунёд этилиш тарихи, номланиш тарихи, у билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар баён этилади, Қайсидир маънода гидронимик афсоналарда маълум сув объекти билан боғлиқ халқ этимологияси ҳам берилади.

<sup>1</sup> Сатторов У. Топонимик афсоналар таснифи хусусида айрим мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1999 - №3 - Б.50-53.

<sup>2</sup> Каримг Сатторов У. Топонимик ривоятларнинг узига хос хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2000. - №6 - Б.36-39.



Ҳозирга қадар ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигида гидронимик афсоналар, ривоятлар махсус тўпланмаган, монографик планда тадқиқ этилмаган бўлса-да, топонимик афсоналар доирасида ўрганилган, айримлари нашр этилган. Жумладан, Ипак йўли афсоналари туркумида "Амударё қаердан бошланади?", "Амударё - бўйсунмас дарё", "Жайҳун", "Намангансой", "Шўрҳасан кўли", "Обшир ота", "Обираҳмат", "Чашмаи Аюб", "Чилла ҳовуз", "Томдибулоқ", "Жабборқудук" каби ўнлаб гидронимик афсоналар берилган.<sup>1</sup>

Биз ҳам Наманган гидронимиясига мансуб қуйидаги бир қанча афсона ва ривоятларни тўпладик.

Қизариқ - Наманган вилояти . Косонсой туманининг Исфарон, Янгиқўрғон туманининг *Равот* қишлоғидаги ариқлар номи. Мазкур икки ариқнинг номланиши ҳақида алоҳида афсоналар бор:

1. Айтишларича, Исфарон қишлоғи аҳли қадимда сувсизликдан жуда қийналиб яшаган. Шунда бир қиз оху фиғон чекиб, Аллоҳга нола қилади-да, шу атрофдаги қамишзорга боради. У ердан озгина шўр сув чиқади. Қиз ўзи яшаб турган жойгача кичкина ариқча ковлаб, ана шу сувни олиб келади. Кейинчалик шу ариқ ўрнида ҳозирги катта ариқ қазилган эмиш. Ариқ уни қиз бола кавлаганлигига нисбат бериб Қизариқ деб аталар эмиш.

2. Ривоят қилишларича, Равот қишлоғида етти ака-ука қишлоқларига сув чиқариш учун тошлоқ жойдан қудуқ қазийдилар, лекин сув чиқмай қийнайди. Уларнинг якка-ю ягона сингиллари бўлиб, у акаларига тушлиқда овқат олиб келади. У акалари овқатланаётганларида худога нола қилади-да, акаларининг кетмонидан бирини олиб тошга уради, тош бирдан тешилади ва сув чиқади. Қиз эса ғойиб бўлади. Кейинчалик ана шу сув чиққан жойдан ҳозирги ариқ қазилган. Ариқ мазкур воқеага нисбатан бериб Қизариқ деб аталади.

<sup>1</sup> Қаранг: Ипак йўли афсоналари (Жой номлари билан боғлиқ афсоналар) - Тошкент: Фан, 1993 - 128 б.

Таркибида қиз сўзи бўлган Қизарик гидронимиға ўхшаш номларнинг яратилиш тарихи ҳақида бир неча афсона, эртак ва ривоятлар яратилган. Қиз таркибли номлар этимологик талқини ва таҳлили топонимияға оид тадқиқотларда кўп кузатилади.<sup>1</sup>

Республикамизда қиз сўзи асосида ясалган қишлоқ, қўрғон, тепа, тоғ, ариқ, булоқ, адир номлари - ойконимлар, оронимлар, агроонимлар ва гидронимлар анчагина. Қиз сўзи бир қатор номларнинг бошида келади: *Қизбулоқ, Қизарик, Қизқўрғон, Қизтепа, Қизмозор, Қизтоғ, Қизтош, Қизқудуқ, Қизқалъа* каби. Т.Нафасов таъкидлаб кўрсатганидек, сув объектлари (арик, булоқ, қудуқ), рельеф турлари (тоғ, тепа, орт), аҳоли масканлари (қишлоқ, қўрғон, қалъа) номларида бу сўз номнинг асосий таркибий қисми бўлиб келади, грамматик жиҳатдан қўшма сўзда аниқловчилик вазифасини бажаради, яъни у номланган объектнинг табиий белгисини билдиради.<sup>2</sup> Қизарик гидронимида ҳам қиз сўзи шундай характерға эға.

Қиз сўзи асосан *арик, булоқ* гидронимик аниқлагичлари билан синтактик муносабатға кириб, бирикмадан конверсия усулида ясалган қўшма гидронимлар таркибида учрайди: *Қизарик* (Нам. в.), *Қизбулоқ, Қизбанди, Қизқудуқ* каби.

Т.Нафасов илмий манбаларға асосланган ҳолда, *қиз* сўзининг тилимизда ва бошқа тилларда *қуз-қыз-ғыз-хиз-гуз* шакларида учрашини кўрсатиб, қуйидаги ўхшаш маъноларини келтиради:

- 1) *қуз* шаклида: *юксак тоғ*;
- 2) *қиз* // *ғуз* шаклида баланд тоғнинг терскай томонидаги ҳажми кичик тизма ё баландлик;
- 3) *қиз* (қозоқ тилида) «қоя, чўққи, баландлик» маъносида;
- 4) турк тилида: «*қуёш нури тушмайдиган ён томон, соябет*» маъносида;
- 5) озарбайжон тилида *ғыз* шаклида «*тош*» маъносида: *Гизгала* (Қизқалъа);

<sup>1</sup> Қаранг Нафасов Т. Қишлоқнингиз неға шундай аталган?–Тошкент: Фан, 1989 –Б.23-28.; Эмизирова Т. Ўзбекистондаги баъзи топонимларнинг этимологик талқини.–Тошкент: Университет, 2004 –Б.81-82

<sup>2</sup> Қаранг Нафасов Т. Кўрсатилган асар, 24-бет.

б) қирғиз тилининг чу шевасида қуз шаклида «*тоғ ён бағирларидаги баландлик атрофидаги жарлик, чуқур дара*» маъносида.

У қиз сўзи ҳақида: «...ўзбекча жой номларида қадимги туркий шаклига анча яқин, фақат суз ўзагида у>ы товушига ўтиши юз берган: *қуз>қиз* », - деган хулосага келади ва *Қизариқ* гидронимининг «тоғнинг соя бетидаги ёналик бўйлаб қазилган ариқ» деб изоҳлайди.<sup>1</sup> Демак, гидронимнинг шаклланиши қуйидагича: *қуз + ариқ > қуз ариқ > қузариқ > қизариқ > Қизариқ*.

*Қизариқ* гидронимини этимологик таҳлил қилган Т.Эрназаров «Қизариқ томоними таркибидаги қиз сўзи асли қизил шаклида бўлган. Улар ўзаро бирикиб, олдин сўз бирикмасини, сўнгра қўшма 263 сўзни ташкил қилган. Мана шу жараёнлар даврида тарихан қаралганда ясама сўз бўлган *қизил* сўзининг иккинчи бўғини тушиб қолган, яъни товуш тушиш ҳодисаси рўй берган: *қизил + ариқ>қизил ариқ>қизилариқ>қизариқ*. Ҳосил бўлган қўшма сўз ономастик конверсия жараёнида топонимга айланган: *қизариқ>Қизариқ*» деган қарашни илгари суради ҳамда ариқ ўтган жойнинг тупроғи *қизғиш* рангдалигини ўз фикрлари учун далил сифатида келтиради.<sup>2</sup>

Дастлаб гидроним яратилган ва у кейинчалик ички ономастик конверсия асосида ойконимга ўтган: *Қизариқ > Қизариқ*.

Қалмоқариқ - Наманган вилояти Косонсой туманидаги ариқ номи. Мазкур ариқ ҳақида қуйидагича афсона бор:

Қалмоқлар Косон (ҳозирги Косонсой - Н.У.)ни босиб олганда косонликлардан хотинликка қиз сўраган, аммо косонликлар қиз беришмаган. Бундан ғазабланган қалмоқ подшоси Косон халқини Каппон деган жойдаги, яъни дон бозоридаги казармага қамаган экан. Қалмоқда одамлар очлик ва

<sup>1</sup> Шафиев Т. Курсатилган асарлар, 26-бет

<sup>2</sup> Каренг Эрназаров Т. Ушба асар, 82-бет

сувсизликдан жуда қийналишган экан. Одамларни бундай азобдан қутқариш мақсадида бир косонлик ўз қизини подшога хотинликка беради. Шундан сўнг қалмоқ подшосининг амри билан ҳозирги ариқ қазилган. Ариқ қалмоқ подшосига нисбат бериб Қалмоқариқ деб номланган эмиш.

Мешон ариғи Наманган вилояти Янгиқўрғон туманининг Мешон қишлоғида жойлашган.

Мазкур гидроним ва у жойлашган қишлоқ номи - ойконим ҳақида икки хил ривоят бор:

1. Айтишларича, ҳозирги қишлоқ ўрнида Миша исми рус кишиси яшаган. Унинг ташаббуси билан қишлоқдан ариқ ўтказилган ва қишлоқ сувдан обод бўлган. Шундан бери ариқ ва қишлоқ номлари Миша исми билан боғланиб, Миша ариғи, Миша қишлоғи деб аталган. Кейинчалик бу сўз фонетик ўзгаришга учраб, Мешон ариғи, Мешон қишлоғи номини олган. Мазкур қишлоқ Пастки Мешон, Юқори Мешон, Сутбулоқ маҳаллаларини ўз ичига олади.<sup>1</sup>

Бу ҳолатни лисоний жиҳатдан изоҳлайдиган бўлсак, антропоним фонетик ўзгаришга учраган ва бирикма шаклида ойконимга, бирикма кўринишидаги ойконим гидронимга ўтган: *Миша > Мешон > Мешоннинг қишлоғи > Мешон қишлоғи > Мешон қишлоғининг ариғи > Мешон ариғи.*

2. Ривоятларга қараганда, қадимда ҳозирги қишлоқ ўрнида бир эшон яшаган экан, ҳамма ер-жойлар унга қарар экан. У ўлгандан кейин бу жойларни одамлар Эшон жойи, кейинроқ (бу сўзни фонетик ўзгартирган ҳолда) Мешон қишлоғи деб атай бошлаганлар.<sup>2</sup> Бу ҳолатни лисоний жиҳатдан куйидагича ифодалаш мумкин: *эшон > Эшоннинг қишлоғи > Эшон қишлоғи > Мешон қишлоғи.* Демак, ривоят мазмунига кўра *эшон* ижтимоий-сиёсий термини *қишлоқ* сўзи билан мослашув усулида бирикма ҳосил қилиб, ойконимга ўтган, кейинчалик

<sup>1</sup> Турдалиев Б., Нуъмонов Т., Халляров А. Наманган вилояти топонимларидан материаллар - Наманган, 1995. 1-китоб - Б.37

<sup>2</sup> Турдалиев Б. ва бошқалар. Уша китоб. 37-бет.

мазкур ойконим олдидан *м* сонор ундоши орттирилган ва ном ҳозирги шаклни олган.

Намангансой ҳақида ҳам шунга ўхшаш афсона бор. Айтишларича, Наманган шаҳри пайдо бўлмасидан аввал унинг ўрнида учта жар бўлган экан. Ана шу жарликларнинг ичида ўн қаландар яшаган экан. Уларнинг энг каттаси *Ҳасти Лангар*, ундан кейингиси *Ҳасти Хизр* бўлган экан. Шу атрофдаги аҳоли сув танқислигидан қийналиб қолади. Шунда *Ҳасти Лангар* бобонинг маслаҳати билан *Ҳасти Хизр* кўлидаги ҳассасини минган ҳолда Навкент тарафга кетиб қолган. Худонинг амри билан *Ҳасти Хизр*нинг ҳассаси чизган чизиқ ўридан ариқ пайдо бўлиб, одамлар сувдан баҳраманд бўлганлар. Намангансой ана шундай пайдо бўлган экан.

Мазкур афсона «Ипак йўли афсоналари» туркумида нашр этилган.<sup>1</sup>

*Халфабува* ариғи – Наманган вилояти Янгиқўрғон туманининг *Равот* қишлоғидаги ариқ номи. Ривоятларга қараганда, она зоти пайғамбарлардан бўлган Мулла Ҳасан Халфабува Почота (Подшоота) тепалигидан бошлаб, ҳозирги ариқ ўридан ҳассаларини судраб ўтган эканлар. Ана шу ҳасса изидан ҳозирги ариқ пайдо бўлган эмиш. Шу боис ариқ у кишининг номига нисбат бериб, *Халфабува* ариғи деб аталган эмиш.

Келтирилган гидронимик афсоналардан кўринадики, халқ этимологияси илмий этимология учун туртки, маълум маънода асос бўлса-да, ном ҳақидаги мукамал, аниқ этимологик талқинни бера олмайди.

Гидронимларнинг этимологик тадқиқида илмий этимология муҳим аҳамиятга эга. Н.Маҳкамов изоҳлашича, илмий этимологик таҳлил тил тарихига, лаҳжа ва шеваларга мурожаат қилиш, фактларни турли йўллар билан қиёслаш орқали юзага келади.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Намангансой - Ипак йўли афсоналари (жой номлари билан боғлиқ афсоналар) - Тошкент: Фан, 1993 - Б 68  
<sup>2</sup> Маҳкамов Н. Ушв мақола, 281-6

Гидронимларнинг илмий этимологик таҳлилда гидронимнинг этимонини аниқлаш асосий масала. Этимон (юнонча etumon-ҳақиқат) кенг маънода ҳозирги тилда мавжуд муайян сўз ёки морфеманинг келиб чиқишига асос бўлган сўз, морфема ёки сўз бирикмаси; сўзнинг дастлабки маъноси ва шакли.<sup>1</sup> Демак, гидронимик этимон - сув объекти атоқли номининг этимологик тадқиқ асосида аниқланган ва тикланган ҳамда тўғри, ҳақиқий деб ҳисобланадиган асл шакли ва маъноси.<sup>2</sup>

Ўзбек тили тарихий гидронимларининг этимони тил тараққиёти ва турли омилар таъсирида ўзгариб кетган. Бу уларнинг этимонини, асл шаклини, маъносини аниқлашни қийинлаштиради. Шу боис гидронимлар этимонини аниқлашда номнинг қайси жиҳатига эътибор қаратиш муҳим?–деган савол туғилиши табиий. В.Пизани сўз этимонини аниқлаш ва тиклашда семасиологик тамойилнинг асосий тамойиллигини қайд этади.<sup>3</sup> Б.Бафоев сўзнинг этимони семантик, морфологик ва тарихийлик тамойиллари асосида текширилишини кўрсатади.<sup>4</sup> Албатта, бу фикрлар асосли.

Гидронимларнинг этимонини аниқлашда, этимологик таҳлилда қуйидаги тамойилларга асосланиш лозим:

- 1) морфологик тамойил;
- 2) деривацион тамойил;
- 3) семантик тамойил;
- 4) тарихийлик тамойили;
- 5) диалектологик тамойил.

Ҳар қандай гидроним сўзлар каби шакл ва маъно уйғунлигидан таркиб топган. Гидронимнинг морфологик тузилишини; номлар деривация маҳсули эканлигига кўра, деривацион хусусиятларини; ясалиш асоси, ясовчи восита, ясалиш усулини ҳамда бу жараёндаги фонетик ўзгаришларни;

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005 –10-ж.-Б.281

<sup>2</sup> Бегматов Э., Э.Лукан П. Уна дугат, 94-б

<sup>3</sup> Пизани В. Этимология (история-проблема-метод) Перевод с итальянского Д.З.Розенталя. -Москва, 1956 -С 148-149

<sup>4</sup> Бафоев Ё. Қўхил сўзлар тарихи.-Тошкент: Фан, 1991 -Б 9.

ном билан боғлиқ диалектологик хусусиятларни аниқлаш асосида гидронимик маъноси аниқланади. Биз ана шу тамойилларга асосланган ҳолда бир неча узбек тили гидронимларининг этимологик таҳлил қилиш асосида уларнинг этимонларини аниқлашга ҳаракат қилдик.

Бешатмон - Наманган вилояти Янгикўрғон туманининг Нанай қишлоғидан кўшни Қирғизистоннинг Каравон шаҳрига оқиб ўтувчи ариқ номи. Бешатмон гидроними «беш ботмон» сўз бирикмасининг фонетик ўзгаришга учраган шакли бўлиб, бирикма таркибидаги иккинчи сўзнинг биринчи бўғинидаги *б* ундоши даврлар давомида тушиб қолган, кейинчалик сўз бирикмаси, яъни отли бирикма, юзаки қараганда этимологик талқини мураккаб туюладиган, сув объекти номига айланган: *беш ботмонли* > *беш ботмон* > *беш* + *атман* > *Бешатмон*. Аниқроғи, ер ўлчови тушунчасини ифодаловчи бирикма ономастик конверсия усули асосида атоқли отга, гидроним (арик номи)га ўтган.

*Ботмон* сўзи асли форс-тожикча бўлиб, оғирлик ўлчов бирлиги. Манбаларда *манн* шаклида ҳам қўлланади. Ботмон сўзи Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари: Арабистон, Миср, Сурия, Ироқ, Эрон, Туркия, Ҳиндистонда, шунингдек, Ўрта Осиёда қўлланиб келинган. Шариатга кўра, ботмон (манни шаръий) асосан 0,832 кгни ташкил қилган, лекин турли мамлакатларда ва турли давлатларда унинг мезони ҳар хил бўлган. Ўрта Осиёда ҳам ботмоннинг вазни ўзгариб турган. Жумладан, Фарғона водийсида ботмон 8-10 пуд (131,044-163,805 кг)га тенг бўлган. Бу ўлчов пахта ва меваларни ўлчашда ҳам қўлланилган. Ўрта Осиёнинг кўп жойларида эса ботмон ер сатҳини ўлчаш бирлиги сифатида қўлланилиб, 1 ботмон ер деганда, 1 ботмон дон ёки пахта экиладиган майдон тушунилган.<sup>2</sup> Ҳозирги ўзбек тилида ботмон тахминан бир гектарга тенг сатҳ, ер ўлчов бирлигини

<sup>1</sup> Хини В. Мусулманские меры и веса с переводом в метрическую систему - Москва, 1970

<sup>2</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси - Тошкент, 2001 - Б 171.

ҳам англатади.<sup>1</sup> *Мавлон аканинг меърос маҳрига тушган икки ботмон ери бор.* (Ҳ.Фулом «Машъал»)

Биз юқорида тилга олган ариқнинг номланиш тарихи ботмон ҳисоб сўзининг ана шу сўнгги маъноси билан боғлиқ. Нанай қишлоғи ҳудудидаги мазкур ариқ дастлаб беш ботмон-беш гектар ерни суғоришга хизмат қилганлигига кўра *«Беш ботмонли ер ариғи»* деб аталган. Вақтлар ўтиши билан бирикма таркибидаги *арик* сўзи тушиб қолган, беш ботмон бирикмаси халқ жонли нутқида ҳозиргидек *Бешатмон* шаклига келиб қолган. Демак, бешатмон гидронимининг этимони «беш ботмонли ер ариғи» отли бирикмасидир. Гидроним тарихан уч маъноли қисмдан таркиб топган: *беш, ботмон, -ли > беш ботмонли*. Кейинчалик тил тараққиёти ва топонимик деривация натижасида сўз бирикмаси фонетик ўзгаришлар билан гидронимга айланган: *беш ботмонли ер ариғи > беш ботмонли > > беш ботмон > бешатман > Бешатмон*.

**Боғишариқ** - Наманган вилояти Чортоқ туманининг Арбағиш қишлоғидаги ариқ номи. Мазкур гидроним этногидронимлар гуруҳига мансуб.

Маълумки, Фарғона водийсининг туб жойли халқларидан бири қирғизлардир. В.Наливкиннинг кўрсатишича, XVI асрдан бошлаб, айниқса, XVII аср охирларида Фарғона водийсига, шу тоғ ва тоғ олди туманларига кўчманчи чорвадор қирғизлар келиб ўрнашадилар.<sup>2</sup> Олим таъбири билан айтганда, ана шу «кўчманчи ўзбеклар»-Олой томонлардан кўчиб келган қирғизлар, асосан, Наманган билан Пешкўрғон ҳамда Намангансой ораликларига келиб ўтроқлашганлар.

Шимолий Фарғонага Олой томонлардан келган мазкур қирғизларнинг бир қисми деҳқончилик билан шуғулланган. Улар асосан сой сувларидан фойдаланганлар. Шунингдек, ўтроқлашган аҳолининг ҳар бир уруғи ўз имконига қараб суғориш тармоқлари барпо этишга, қазишга ҳаракат қилган. Ана

<sup>1</sup> Узбек тилининг изоҳли лугати - Москва. Рус тили. 1981.-1-т.-б.135.

<sup>2</sup> Қаранг. Жалилов С. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихи -Тошкент Фан, 1977; Миддендорф А.Очерки Ферганской долины. СПб. 1982 -С 195



шу ҳаракатлар маҳсули сифатида юзага келган ҳар бир ариқ айнан шу жамоанинг, уруғнинг эҳтиёжинигина қоплаган ва мазкур уруғ номи билан аталган. Наманган вилояти ҳудудидаги *Қурамаарик, Мамайарик, Қипчоқарик, Қирғизбулоқ* каби этногидронимлар фикримизнинг далилидир. Жумладан, *Боғишарик* ҳам ана шундай этногидронимлардан биридир.

Боғиш-бағиш сўзининг фонетик варианты. Бағиш-Олой томонлардан кўчиб келган қирғизлар уруғининг номи, этноним. Манбаларда изоҳланишича, бағиш этнонимининг маъноси: «лось»-қадимги туркий тилда булан // пулан деб аталган «*буғисимон сершоҳ йирик ҳайвон*».<sup>1</sup>

Кўчманчи бағишлар Наманган вилоятининг Чортоқ тумани Пешқўрғон қишлоғи атрофига келиб ўрнашганлар ва ҳозирда ҳам шу ҳудудда яшайптилар. Улар яшаётган манзиллар Чўмбағиш (асли Чўнгбағиш) ва Арбағиш деб аталади. Ана шу Арбағиш қишлоғидаги бағишлар томонидан қазилган, уларга хизмат қилувчи ариқ *Бағишарик* деб аталган. Демак, *бағишлар ариғи* қаратқичли бирикмаси даврлар давомида сайқалланиб, Бағишарик гидронимига айланган ва гидронимнинг биринчи бўғинидаги а унлисининг о тарзида талаффуз қилиниши натижасида *Боғишарик* шаклини олган: *бағишларнинг ариғи* > *бағишлар ариғи* > *бағиш ариғи* > *Бағишарик* > *Боғишарик*.

Миёна-Наманган вилояти Чуст туманининг Варзик қишлоғидаги ариқ номи.

Миёна асли форс-тожикча ўзлашма сўз бўлиб, ҳозирги ўзбек адабий тилидаги нофаол сўзлар сирасига киради, луғавий жиҳатдан ўзбек тилида «*ўртача, ўрта*» деган маъноларни англатади. Масалан, *Фурқат... тўлароқ, қора соқол, миёна қад, Завқий сингари хушчақчақ одам эди.* (Т.Обидов, Юсуфжон қизик). Чунончи, ҳозирги ўзбек адабий тилида «*бирор белги, хусусияти жиҳатидан ўрта вазиятни эгаллайдиган; ўртача*» маъносини англатувчи миёна сўзи ва унинг ўзбекча таржимаси,

<sup>1</sup> Кароғи Қораев С. Географини номлар маъноси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1978. – Б.153.

яъни айнан бир сўзнинг ўзбекча ва форс-тожикча муқобиллари бирикувидан юзага келган «*ўрта миёна*» ибораси ҳам мавжуд.<sup>1</sup>

Варзик қишлоғидаги ариқ ҳажман ўртачалигига, қишлоқ ўртасидан оқиб ўтганлигига кўра Миёна деб аталган. Демак, «*ўрта, ўртача*» маъносигаги форс-тожикча миёна сўзи Миёна гидронимининг этимонидир.

Миёна - «*Ўрта*», «*Ўртача*» ариқ. Аппеллятив лексик сатҳга мансуб белги тушунчасини ифодаловчи миёна сўзи ономастик конверсия (гидронимик конверсия) асосида ариқ номи (гидроним)га ўтган. Гидронимнинг лисоний шаклланиши қуйидагича: *миёна ариқ* > *миёна* > *Миёна*.

Кучаласой - Наманган вилоятининг Поп туманидаги Резаксойнинг юқори оқимидаги сой номи.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида *кучала* сўзи кўп маъноли сўзлардан бири бўлиб, қуйидаги маъноларда қўлланади:

1) *Кучала* - ўт, ўсимлик номи, унинг яна бир номи - чаёнўт. Энциклопедик луғатда *кучала*га «*кучаладошлар оиласига мансуб тугунакли, кўп йиллий заҳарли ўт...*», - деб изоҳ берилади ҳамда Тошкент, Фарғона, Самарқанд вилоятларининг тоғ ўрмонларидаги заҳ ерларда ўсиши кўрсатилади.<sup>2</sup>

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да эса, янада аниқроқ тарзда, қуйидагича изоҳланади: «*Гули сариқ, кўк, сафсар ўтсимон ўсимлик ҳамда унинг медицинада ишлатилган заҳарли тугмасимон меваси*».<sup>3</sup>

2) *Кучала-терак, тол каби дарахтларнинг тўпгули*.

Кучаласой гидроними *кучала* сўзининг биринчи маъноси асосида шаклланган. Сои оқимининг бошланишида *кучала* ўти кўп ўсишига нисбат берилиб, у *Кучаласой* деб номланган. Аслида мазкур қўшма сўз шаклидаги гидроним *кучалали сой* отли сўз бирикмасининг гидронимик деривация натижасида *кучаласой* тарзидаги қўшма сўзга айланиши маҳсулидир: *кучалали сой* > *кучала сой* > *кучаласой* > *Кучаласой*. Демак,

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1 т. 463-б

<sup>2</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент, 2003. 5-ж. Б 154

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати -Москва. Рус тили. 1981. 1 т. -Б 409

Кучаласой фитогидронимининг этимони *"атрофида гули сарик, кўк, сафсар, ўтсимон кучаладошлар оиласига мансуб тугунакли, кўп йиллик, захарли ўт-кучала ўсадиган сой"* тушунчасини ифодаловчи *кучалали сой* сўз бирикмасидир.

Кўксараксой-Наманган вилояти Чуст туманидаги сой. Чотқол тизмасининг жануби-шарқий ён бағридан Кўлдамбассой номи билан бошланади.

Кўксараксой гидроними таркиби уч қисмдан иборат: *кўк, сарак, сой*.

Кўп маъноли кўк сўзининг луғавий маъноларидан бири- *«тиник, мовий зангори»*. Гидроним таркибидаги кўк сўзи объектнинг умумий кўринишни, яъни унда оқаётган сув мовий, тиник, зангори тусда эканлигини ифодалайди.

Сарак сўзи эса *сарак-сарак* такрорий сўзига хос *«у ён, бу ён чайқалмоқ»* маъносида қўлланган.<sup>1</sup> Демак Кўксараксой гидроними *«суви мовий, зангори тусли, у ён бу ён чайқалиб оқувчи сой»* деган маънога эга.

Резаксой-Наманган вилояти Чуст туманининг Шоён Баймоқ қишлоқ фуқаролар йиғинидаги сой номи.

Резаксой гидроними уч маъноли қисмдан таркиб топган: *реза, -к, сой*. Мазкур гидроним *Резак* ойконими асосида юзага келган бўлиб, ойконим морфемик жиҳатдан *реза-асос ва -к* аффиксидан иборат. *Реза* сўзи асли форс-тожикча бўлиб, эски ўзбек тилида қуйидаги маъноларда қўлланган:

1) *майда, ушоқ; 2) бебаҳо; 3) ёш бола.*<sup>2</sup>

Ҳозирги ўзбек тилида эса қуйидаги маъноларда қўлланади:

1) *унча катта бўлмаган; майда, кичик; 2) майда нарса.*<sup>3</sup>

Резак топоними учун *реза* сўзининг биринчи, «майда, кичик» маъноси этимон ҳисобланади. Демак, *реза* асосига кичрайтириш маъносини ифодаловчи-*(а)* к аффикси қўшилиувидан ясалган *реза*к ясама сифати «кичкина» деган маънога эга.

<sup>1</sup> Қўранг. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II т. 21-б

<sup>2</sup> Раҳмонов В. Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат. -Тошкент: Уқитувчи, 1983. -б. 127.

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I т. 621-б.

Резак кичкина демақдир. Топонимнинг лисоний шаклланиши қуйидагича: *реза + к > резак > Резак*. Аппелятив лексик сатҳга мансуб сўз ономастик конверсия асосида топонимга, аниқроғи, ойконимга-қишлоқ номига ўтган. Кейинчалик Резак топоними негизида яна бир ном-Резаксой гидроними ҳосил бўлган. *Резакнинг сойи* отли бирикмаси лисоний тараққиёт ва топонимик деравация натижасида қўшма сўз шаклидаги гидронимга айланган: *резакнинг сойи > Резак сойи > Резак сой > Резаксой*. Резаксой гидроними учун «*кичкина жойдаги сой*» маъносини ифодаловчи *Резакнинг сойи* отли бирикмаси этимон ҳисобланади. Соё Резак қишлоғидан бошланганлигига кўра шундай номланган.

Селгисой – Наманган вилояти Поп туманининг Фурумсарой қишлоғидаги соё номи.

Маҳаллий аҳоли нутқида гидронимнинг Селгасой фонетик варианты ҳам кузатилади. Кишилар гидронимнинг мана шу вариантыга асосланиб, яъни гидроним таркибидаги-га жўналиш келишиги аффиксига асосий эътибор қаратган ҳолда, унинг маъносини «*сел учун сой*», «*сел келгандагина сув оқадиган сой*» деб изоҳлайдилар: *сел + га + сой > Селгасой*. Бироқ бундай изоҳ анчайин содда ва тил меъёрларига тушмайдиган, ном таркибида пелоназм ҳодисаси мавжуд: жўналиш келишиги аффикси ортиқча. Маълумки, номлаш жараёнининг асосий тамойилларидан бири - содаллик. Шундай экан халқ соёни Селгасой (сел учун сой) тарзида эмас, балки содда ва аниқ тарзда Селсой деб номланган бўларди. Демак, Селгасой - Селгисой гидронимининг орфоэпик жиҳатдан бузилган варианты.

Селгисой гидроними уч маъноли қисмдан таркиб топган: *сел, -ги, сой*. «*Ёмғирдан, жаладан ёки қор эришидан ҳосил бўладиган кучли сув оқими*» маъносигаги арабча *сел*<sup>1</sup> сўзидан -ги аффикси воситасидаги «*суви, нами қочиб бир қадар қуруқ*»,

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Москва: Рус тили, 1981 -11 т.-Б.3 Б.

маъносидаги *селги* сўзи ясалган.<sup>1</sup> Унда сув сел келгандагина бўлиши, қолган пайтларда қуриб қолиши каби омилларни асос қилиб олиш асосида сой *Селги // Селгисой* деб аталган. Натижада апеллятив селги сўзига умумтуркий сой гидронимик терминининг кўшулуви асосида *Селгисой* гидроними шаклланган: *сел + ги > селги + сой > Селгисой*. Бу ҳолатни қуйидаги модел тарзида ифодалаш мумкин: апеллятив сўз > кўшма сўз > гидроним. Демак, *Селгисой // Селгасой* гидроними «*куруқ сой*», «*сув келгандагина сув оқадиган сой*» деган маъноларни англатади.

**Тутак** - Наманган вилояти Чуст туманининг Гова қишлоғидаги жилға номи. Наманган вилояти топонимиясига оид манбаларда мазкур гидронимга изоҳ берилмаган.<sup>2</sup>

Республикаимизнинг Жиззах вилоятининг Зомин, Фориш, Самарқанд вилоятининг Нурота туманларида Тутак деб аталувчи қишлоқлар ҳам бор.

Мазкур сўз этимологияси ҳақида бир неча қарашлар мавжуд:

1. С.Қораев кўрсатишича, тутак сўзи ўтмишда «чойнакнинг тумшуғи», «тоғ касали» деган маъноларни англатган.<sup>3</sup>

2. С.Қораев суғдийча тутк сўзи мазкур топонимлар маъносини очиб берадиган «калит» бўлиб хизмат қилади, деб кўрсатади ҳамда суғд ёзма манбаларига асосланган ҳолда, VIII асрда Фарғонада олий ҳоким, яъни ихшиддан кейинги вазир тутк деб аталганини, тутк катта ҳокимиятга эга бўлганлигини келтиради.<sup>4</sup> Н. Раҳмонов, Б. Матбобоев кўрсатишича, бу унвон номи «*тутуқ*» бўлиб, «*ҳарбий маъмурият бошлиғи*» маъносини ифодалаган.<sup>5</sup>

3. С.Қораев яна тутк этноним бўлиб чиқиши ҳам мумкин деган фикрга ҳам келади.

<sup>1</sup> Ўша китоб. 35-б.

<sup>2</sup> Қаранг Турдалиев Б., Нуъмонов Т., Ҳалдаров А. Наманган вилояти топонимларидан материаллар - Наманган, 1995 - 1-к - Б 67.

<sup>3</sup> Қораев С. Географик номлар маъноси - Тошкент: Ўзбекистон, 1978 - Б 128

<sup>4</sup> Қаранг. Қораев С. Яна Ўша асар. 128 б. Согдийские документы с горы Муг. - Москва, 1962 - С 85.

<sup>5</sup> Раҳмонов Н. Матбобоев Б. Ўзбекистоннинг кўҳна туркий - рун ёзувлари - Тошкент Фан, 2006 - Б 62.

Аммо Наманган вилояти гидронимик тизимига оид Тутак гидронимининг мазкур терминларга алоқаси йўқ.

Ўзбек тилида форс-тожик тилидан ўзлашган тутак сўзи бўлиб, у «пахтадан ип йигиришда ишлатиладиган қовоқ найча» маъносини англатади.<sup>1</sup> Шунингдек ўзбек тилида «пахтадан ип йигириш учун тайёрланган пилта» маъносида форс-тожикча тутак сўзи ҳам мавжуд. Демак, Тутак гидроними икки маъноли қисмдан ташкил топган: *тут-ак*. Ип йигириш асбоби номини ифодаловчи мазкур сўз сув объектининг номлашда уни ана шу асбобга қиёслаш, ўхшатиш каби нолисоний омиллар асосида гидронимга айланган: *тут + ак > тутак > Тутак*. Аниқроғи, жилғанинг шаклий кўриниши тутакка, пахтадан ип йигиришда ишлатиладиган қовоқ найчага ўхшашлигига кўра Тутак деб номланган. Демак, сув объекти ўхшатиш, қиёслаш омили асосида номланган бўлиб, унинг этимони асбоб тушунчасини ифодаловчи *тутак* сўзидир.

Тўдаарик - Наманган вилояти Учқўрғон туманининг Яшиқ, Бахт қишлоқ фуқаролар йиғинидаги ариқлар номи.

Асли «*бир ерга тўплаб ёки уйиб қўйилган нарса: уюм, тўп, тўплам; бир ерга тўпланган кишилар гуруҳи*»<sup>2</sup> ва бошқа маъноларни ифодаловчи форс-тожикча тўда сўзи этноним-ўзбек уруғларидан бирининг номи.<sup>3</sup> Фарғона вилоятининг Риштон, Бувайда, Наманган вилоятининг Поп, Норин, Андижон вилоятининг Балиқчи, гуманларидаги *Тўда, Тўдакўча, Тўда маҳалла* каби топонимлар ҳам *тўда* этноними асосида шакланган.<sup>4</sup> Бу номлар аввало тўда уруғига мансуб кишилар яшайдиган ҳудудларнинг кенглигидан ва мазкур уруғ вакиллари республиканинг бир қанча ҳудудларига тарқалганлигидан далолат беради.

Тўдаарик гидроними ҳам тўда этноними асосида юзага келган. Ариқ тўдалар яшайдиган Норин туманининг Тўда

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати - Москва: Рус тили, 1981 - II т - Б.231

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати, II т - Б.242

<sup>3</sup> Каранг С. Қорғаш. Географик номлар маъноси. - Тошкент: Ўзбекистон, 1978 - Б. 129

<sup>4</sup> Каранг Одумов Ш. Жой номлари таъбири - Тошкент: Ўзбекистон, 1994 - Б. 52-53.

қишлоғи томон оқиб ўтишига нисбат бериб, Тўдаарик деб номланган. Демак, Тўдаарик - гидронимининг этимони *тўдаларнинг ариғи* қаратқичли сўз бирикмасидир. Тўдаларнинг ариғи сўз бирикмаси тил тараққиёти натижасида қўшма сўз шаклидаги гидронимга айланган: *тўдаларнинг ариғи* > *тўдалар ариғи* > *тўда ариқ* > *тўдаарик* > *Тўдаарик*.

Хонамак – Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Ровут қишлоғидаги ариқ. Гидроним ҳақида бир неча қарашлар бор: 1. Наманган вилояти топонимларини ўрганган Т.Нуъмонов, Б.Турдалиев, А.Ҳайдаровлар Хонамак гидроними этимологик жиҳатдан Наманган полисоними билан алоқадор бўлса керак деган фикрни билдиришади ва: «Ариқ тепаликлар орасидан чиқади. Эҳтимол, у ердан қадимда туз (намак) олинган. Тожикча изофавий бирикма *Кон намак* бирикмаси товуш жиҳатдан ўзгариб, Хонамак тарзига келиб қолган бўлиши мумкин»,-деган хулосага келишади.<sup>1</sup> Уларнинг талқинича, Хонамак гидронимининг этимони «туз кони» маъносидаги «*кон намак*» форсий изофали бирикмаси бўлиб, гидронимнинг шаклланиш жараёни қуйидагича: *кони намак* > *кон намак* > *Коннамак* > *Хоннамак* > *Хонамак*.

Бизнингча, ариқ жойлашган ҳудудда туз кони бўлмаган. Шунингдек, маҳаллий аҳоли ўзбеклар. Ариқ номини тожикча луғавий бирликлар, айниқса, форсча изофавий бирикма асосида шаклланган деган хулосага келиш ўринсизроқ.

2. Айрим маҳаллий аҳолининг фикрича, Хонамак гидроними икки маъноли қисмдан ташкил топган: *хон* ва *амак*. *Амак* сўзи ҳозирги ўзбек адабий тилидаги *амаки* сўзининг қилчоқ лаҳжасидаги фонетик варианты. Ариқ Қўқон хонлиги даврида қавланганлигига кўра шундай Хонамак деб номланган. Демак, *хон амаки* бирикмаси гидронимнинг этимони ҳисобланади. Отли бирикма ономастик конверсия усулида гидронимга ўтган: *хон амаки* > *хон амак* > *хонамак* > *Хонамак*.

<sup>1</sup> Қаранг Турдалиев Б., Нуъмонов Т., Ҳайдаров А. Наманган вилояти топонимларидан материаллар - Наманган, 1995.-Б 75.

Бизнингча, Хонамак гидроними *хон ва амак* морфемаларидан иборат бўлиб, унда *хон* сўзи ўз маъносида, *амак* сўзи «ариқча» маъносида қўлланган. *Амак* гидронимик аниқлагичи изоҳли лугатда қайд этилмаган, бироқ ўзбек шеваларида *учамак, бешамак* сўзлари таркибида айнан ариқча маъносини англатади. Жумладан, «Ўзбек тили изоҳли лугати»да *бешамак* сўзи берилган ва: «*Уқариқдан сув олиб беш-ўн эгатга бирдан сув таратиб суғориш усули ва шундай ариқча*» деб изоҳланган<sup>1</sup>. Демак, *хон қаздирган амак* отли бирикмаси *Хонамак* гидронимининг этимонидир. Гидронимнинг лисоний шаклланиши қуйидагича: *хон қаздирган амак* > *хон амак* > *хонамак* > *Хонамак*.

**Қазноқкўл** - Наманган вилоятининг Поп туманидаги кўл номи.

Қазноқкўл гидроними морфемик жиҳатдан тўрт қисмдан иборат: *қаз, -н, -оқ, кўл*.

Қазноқ сўзи туркий «*ерни чуқур ҳосил қилиш мақсадида ўй, кавла*» маъносини англатувчи қази феъл асосига *-н* ва *-оқ* аффиксларини қўшилуvidан ясалган: *қазин* + *ақ* > *қаз-нақ* > *қазнақ*. Кейинчалик сўзнинг иккинчи бўғинидаги *а* унлиси *о* га ўзгарган: *қазнақ* > *қазноқ*.<sup>2</sup> Лугатларда қазноқ (қазноқча) сўзи «*омбор вазифасини ўтовчи кичикроқ хона, хужра, ертўла*», «*омбор*», деб изоҳланади. С.Қораев мазкур сўз қадимги туркий тилда «*ҳазина*», ўзбек шеваларида «*омбор*», «*кандик*» каби маъноларни англатишини кўрсатади.<sup>3</sup> Қазноқ сўзи Наманган ҳудудий шеваларида, жумладан, Поп тумани шеваларида «*омбор*», «*ертўла*» маъносида қўлланади.

Қазноқкўл таркиби ана шу «*омбор*» маъносидаги «*қазноқ*» сўзи ва умумтуркий *кўл* гидронимик аниқлагичидан иборат бўлиб, *қазноқ кўл* отли бирикмасининг қўшма сўзга ўтиши асосида ҳосил бўлган: *қазноқ кўл* > *қазноқкўл* > *Қазноқкўл*.

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006 - й. - 1-ж. - Б. 245

<sup>2</sup> Радматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимология лугати -Тошкент: Унвасерситет, 2000 -Б. 564

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати -Москва: Рус тили, 1981 - II т. - Б. 536.



Гидронимнинг этимони «омбор, ертўла шаклидаги кўл» маъносини англатувчи қазноқ кўл отли сўз бирикмасидир. Сув объектнинг тузилиши омбор, ертўлага ўхшашлиги, яъни тўрт бурчак чуқур шаклида сув тўплайдиган омбор эканлиги боис шундай ном олган. Шу боис Қазноқкўл шакл тузилишига кўра номланган сув объектлари сирасига киради. Шунингдек, Сурхондарё вилоятидаги сой, Тожикистон республикасининг Гарм туманидаги қишлоқ, Помир тоғининг чўққиларидан бири Қазноқ деб аталади.<sup>1</sup>

**Кўғайариқ** - Наманган вилоятининг Учқўрғон туманининг Кўғайўлмас қишлоғидаги ариқлардан бирининг номи.

Гидронимнинг бир неча этимологик талқини кузатилади. Гидронимнинг шаклланиш асоси ва тарихи Кўғай топоними билан боғлиқ. Илмий манбаларда *Кўғай* топоними икки маъноли қисмдан, яъни топоасос ва топоформантдан иборат: *кўға, -й*, деб кўрсатадилар.<sup>2</sup> Бу лисоний жиҳатдан тўғри, бироқ Кўғай топонимининг этимони, лисоний шаклланиш босқичлари изоҳида юзакилик кузатилади. Т.Эназаров фикрича, Кўғай топонимининг этимони ўсимлик номини англатувчи кўға сўзига *-й* кўшимчасининг қўшиш билан ҳосил бўлган *кўғай* ясама сўзи.<sup>3</sup>

Т.Нафасов кўғай сўзини қуйидагича изоҳлайди: *Кўға-ичи ғовак бўлиб, юмшоқ, ҳўл ва қуруқлигида ҳам синмайдиган, эгилувчан, поясининг қирралари кесимта шаклида бўлган кўп йиллик ўсимлик. Ундан бўйинча, тўқим, арқон, ип ва хуржунсимон асбоблар ясалган.*<sup>4</sup>

Луғатларда ҳам кўғай, «*бўйинча яшаш, қонун осиб сақлаш учун ишлатиладиган ичи ғовак ва юмшоқ, бардига ўхшаш бўлиб ўсадиган кўп йиллик ўсимлик*» деб изоҳланади. Кўғай қовға деб ҳам юритилади.<sup>5</sup> Т.Эназаров фикрича, шундай ўсимлик ўсадиган жойнинг номи кўға сўзининг охирида й ундошини қўшиш билан

<sup>1</sup> Каринг Корвев С. Географик номлар маъноси. 164-б

<sup>2</sup> Каринг Эназаров Т. Ўзбекистондаги башка топонимларнинг талқини -Тошкент, 2004 -Б 98

<sup>3</sup> Эназаров Т. Ўша асар. 98-б

<sup>4</sup> Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати -Тошкент: Ўқитувчи, 1988.-Б 265.

<sup>5</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II т. -Б.592, 646

ҳосил бўлган ясама сўздан ономастик конверсия асосида мазкур топоним шаклланган: *қўға+қўғай>Қўғай*.<sup>1</sup>

Қўғай сўзи этноним ҳам ҳисобланади. Ўзбек златининг энг катта ва асосий қабилаларидан бири қипчоқлар ҳисобланади. Қипчоқлар Ўзбекистоннинг Самарқанд ва Каттақўрғон уртасидаги туманларида, Амударёнинг ўнг соҳилида, Фарғона водийсининг шимоли-шарқий ва шимоли-ғарбий қисмларида ўтгроқланиб қолганлар. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Фарғона водийсида қипчоқлар 70 минг кишини ташкил этган. Қипчоқлар *қўғай буғач, кумушой, ўлмас, яшиқ, жайдақ, пучуғой, элатон, буғаз, офим, тоз, сирмоқ, еттиқашқа, қутлуғ седа, черик, кўкбўйин, тўрайғир, товулди, чанғароқчи, чиял, қулон, оқбўйра, қарабовур, бошқирд, тикан, қоратикан, сариқипчоқ, қорабўйин каби уруғларга бўлинар эди*.<sup>2</sup> Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятидаги Қорабўйин, Товул, Тўрайғир, Яшиқ, Қўғай, Пучуғой, Элатан, Қоратикан каби этнопонимлар кўқорида келтирилган қипчоқ этнонимлари асосида шаклланган.<sup>3</sup> Ҳозирда мазкур қипчоқ уруғларининг номлари улар яшаган ҳудудларининг номи сифатида сақланиб қолган.<sup>4</sup>

Ариқ қипчоқ қабиласига мансуб аҳоли яшайдиган Қўғай ва Қўғайўлмас қишлоғи ҳудудидан оқиб ўтганлигига ҳамда қўғайлар юмонидан қазилганлигига кўра шундай номланган. Демак, Қўғайариқ гидронимининг этимони *қўғайлар ариғи* отли бирикмасидир. Буни лисоний жиҳатдан қуйидагича ифодалаш мумкин: *қўғайлар ариғи > қўғай ариқ > Қўғай ариқ > Қўғайариқ. Демак, Қўғайариқ-этногидроним.*

Каппон - Наманган шаҳридаги Янгиариқ қаналидан сув олиб, Наманган туманига оқувчи ариқ номи.

Каппон сўзи форс-тожикча бўлиб, «дон, ғалла, бозори» деган маъноларни англатади.<sup>5</sup> Аслида каппон сўзи «*оғир*

<sup>1</sup> Карим Шайхитов А. Ушмо асар, 98-б

<sup>2</sup> Карим Шайхитов К.Ш. Этноческой истории узбекского народа -Тошкент, 1974.-С' 109-110,116

<sup>3</sup> Карим Окунов Н. Топонимлар ва уларнинг номлашиш хусусиятлари -Тошкент-Фан, 1989.-б. 10.

<sup>4</sup> Карим Кариев С. География номлар маълумоти -Тошкент-Ўзбекистон, 1978.-б. 186. Окунов Н. Жой номлари деганди -Тошкент-Ўзбекистон, 1994.-б. 73

<sup>5</sup> Ўзбек тилининг илмий дугаги -Москва-Рус тили, 1981.-1-т.-б. 368

*нарсалар тортиладиган бир паллали улкан тарози*»ни англатган. Каппон ғалла бозорига ўрнатилиб, унда 1-2 қоп ғалла тортиш мумкин бўлган. Кейинчалик шундай тарози ўрнатилган, усти тим дон бозори, ғалла, билан савдо қилинадиган раста ҳам каппон деб аталган. Ҳозир бозорда, умуман, ғалла сотиладиган жой каппон дейилади.<sup>1</sup>

Демак, «бир паллали улкан тарози» маъносини англатувчи каппон сўзи тил тараққиёти давомида метонимия усулида ном кўчиши асосида «дон бозори» тушунчасини англатадиган бўлган.

Гидронимга ана шу каппон сўзи асос бўлган. Ариқ Наманган шаҳридаги каппон, яъни дон бозори ҳудудидан оқиб ўтганлигига кўра шундай номланган. Англашиладики, ариқ ўзи оқиб ўтган ҳудуддаги характерли жиҳатга, яъни каппон бозорига нисбат бериш асосида номланган.

Хала - Наманган туманидаги ариқ номи.

Хала сўзи асли форс-тожикча бўлиб, ўзбек тилида қуйидаги маъноларда қўлланади:

1) эшак, туя каби ҳайвонларни ниқтаб тезроқ юргизиш учун ишлатиладиган учли таёқча, яъни халчўл;

2) санчиқ, қаттиқ оғрик;

3) кўчма. Бирор ишни амалга оширишда лозим бўладиган туртки; тезлатувчи омил. Масалан, *Шўрвага йиқилнинг, домла, иззатталаб бўлиб, ўзи чақиритишни кутиб юрсангиз, евоқонсираб ўласиз. Хала керак, хала.* (А.Қодирий. «Обид кетмон»).<sup>2</sup> Шунингдек, ўзбек тилида *«доимо хала, ниқташ билан юрадиган (эшак, от ҳақида)»* маъносида халакаш (ф-т.) сўзи ҳам мавжуд.<sup>3</sup>

Ариқ номи хала сўзининг юқорида келтирилган, кўчма маъноси асосида вужудга келган. Ариқда сув доимо кимнингдир турткиси, тезлатиши ҳисобига оқиши боис Хала деб аталган. Демак, *«хала билан оқадиган ариқ»* маъносидаги хала ариқ отли бирикмаси гидронимнинг этимонидир: *хала ариқ > халаариқ > Халаариқ > Хала.*

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002 -4-1 -4, 447

<sup>2</sup> Қаринг Ўзбек тилининг лексикологияси Москва: Рус тили, 1981 -11-1 -Б.312-313

<sup>3</sup> Уша дугут, 313-6

Шишаки - Наманган туманининг Шишаки қишлоғидан оқиб ўгуячи ариқ номи.

Шишаки гидронимининг этимологияси ҳақида бир неча қарашлар бор:

1. Маҳаллий қарашларга кўра, Шишаки номининг этимологияси форс-тожикча «шишак» сўзи билан боғлиқ.

«Шишак (ф-т)-бир ёки икки ёшли қўй»<sup>1</sup> Айтишларича, ўтмишда чорва ичидан бир ёки икки ёшли қўйлارни ажратиб олиб, наслини яхшилаш мақсадида, ҳозирги Шишаки қишлоғи ўрнида боқилган эмиш. Шунга кўра қишлоқ Шишаки деб аталган экан.<sup>2</sup> Демак, Шишаки ойконимининг этимони шишаки сўзи бўлиб, ойконим «шишак қўйлар боқиладиган жой» деган маънога эга. Ана шу ҳудуддаги ариқ ҳам қишлоқ номига нисбат бериш асосида Шишаки деб аталган.

2. Бир гуруҳ қишлоқ кексаларининг изоҳларича, қишлоқ шаклланаётган пайтларда бу ерда узумзорлар барпо қилиниб, узумнинг махсус нави яратилган ва у «Шишак» деб аталган. Бундай узум бошқа жойда етиштирилмаслиги ва шу навга нисбатан қишлоқ Шишаки деб аталган. Бу қарашга кўра Шишаки ойконимининг этимони узум навини ифодаловчи Шишаки фитоними бўлиб, ном «Шишаки узум нави етиштириладиган жой» деган маънога эга. Кейинчалик ана шу Шишаки ойконимига нисбат бериш асосида ариқ ҳам шундай аталган.

3. Айрим манбаларда келтирилишича, илгари бу ерларда сув бўлмаган. Маҳаллий аҳоли қувур ариқ билан Тўрақўрғондаги сойдан сув олиб келиб шишақлаб тақсимлаган. Шишак ҳисоб сув бўлиб, бир шишак ҳозирги, 18 литрга тенг. Шунга нисбат бериб, ариқ Шишаки деб аталган.<sup>3</sup> Кейинчалик гидроним асосида ойконим юзга келган. Демак, бу қарашга кўра Шишаки гидронимининг этимони шишак ҳисоб сўзи бўлиб, ном

<sup>1</sup> Ушбеқ тили шифоқидумати. Москва, Россия, 1981. 11-с. 4-119.

<sup>2</sup> Жамоа Наманган туманининг ушбеқ тили шифоқидумати. Тошкент Университети, 1990-й. 55.

<sup>3</sup> Қарам. Ғарзизода Б., Нусратов Т., Ахитаров А. Наманган вилояти топоним қарилан маълумоти. Наманган 1995. 1-китоб. 5-58.

«шишаклаб сув тақсимланадиган сув объекти» деган маънога эга. Мазкур гидроним асосида юзага келган Шишаки ойкўнимини эса «шишаклаб сув тақсимланадиган ариқ жойлашган жой» маъносини англатади.

Бизнингча, гидроним ҳақидаги мана шу этимологик талқин асосли.

Улуғнор - Андижон вилояти Улуғнор туманидаги канал. С.Жалилов кўрсатишича, каналнинг асл номи Улуғнаҳр.<sup>1</sup>

П.Иванов мазкур сув объекти ҳақида: «Фарғонанинг энг йирик каналларидан бири», -деб ёзади.<sup>2</sup> Худоёрхон даврида Қўқонда яшаган шоир ва ҳаттот мулла Нияз Муҳаммад канал ҳақида қуйидаги тарихни ёзган:

لطافت براه شه نازبع اداسين  
فدلب سجدى ابيزدين درو گوهر  
صبر ابه اريدن بويله مكشوب  
بوليب نازبعى ديدى «الع نهر»

الع نهر сўзи абжад ҳисобига кўра ҳижрий 1286 (милодий 1869-1970) йилни, яъни канал қазилган йилни англатади. Олимнинг таъкидлашича, кейинги даврда *Улуғнаҳр* сўзи талаффузи бузилиб, Улуғнор - тарзда айтиладиган бўлган.

Н.П.Остроумов ҳам «Худоёрхон ҳақида қўшиқ» номи мақоласида гидронимни Улуғнор тарзда берган.<sup>3</sup> Бу ҳақида А.Миддендорф «Улуғнаҳр» деб аталишини қаттиқ гуриб талаб қилишади, -деб ёзади. С.Жалилов фикрича, канал ҳажман катталигига кўра Улуғнаҳр деб номланган. «Улуғ дарё, катта дарё» маъносидаги *улуғ наҳр* отли бирикмаси гидронимнинг этимонидир: *улуғ наҳр* > *улуғнаҳр* > *Улуғнаҳр* > *Улуғнар* > *Улуғнор*.

<sup>1</sup> Жалилов С. Фарғона vodiёсининг суворисини тарихидан. Тошкент: Фан, 1977. -б. 42

<sup>2</sup> Иванов П. Очерки по истории Средней Азии. Москва, 1958. -с. 128

<sup>3</sup> Бу маълумотлар С.Жалиловнинг «Олимнинг олдиди Ўзбекистон» китобида келган. Миддендорф А. Очерки Ферганской долины СПб. 1882. -с. 70. Мулла Олим Торихи Туркистон. Тошкент, 1915 (Литография) -б. 26 (Шарҳунос. ош. инсти. -ли фонд. инв. №5751). Остроумов Н.П. Песни в Художестве. Записки Вост. Отд. Имп. Арх. общ. 1887. -т. II. -С. 191

Худди шундай узбек тилида арабча наҳр сўзида х товушининг тушиб қолиши *Нарпай* (Сам. в. Пахтачи т.) гидронимида ҳам кузатилади: *Наҳрпай* > *Нарпай*.

Узбек тили гидронимиясининг бир қисмини Сирдарё, Қашқадарё, Норин, Чирчиқ, Оқбура, Косонсой, Сурхондарё, Зарафшон каби йирик сув объекти номлари макрогидронимлар ташкил этади. Мазкур макрогидронимлар қадимийлиги, тарихийлиги, турли вариант ва шаклларга, синонимларга эгаллиги билан характерланади. Биз қуйида ана шундай айрим гидронимларнинг этимологик таҳлилини беришга ҳаракат қилдик.

Сирдарё Туркистондаги энг узун дарё бўлиб, сувининг кўплиги жиҳатидан Амударёдан сўнг иккинчи ўринда туради. Сирдарё Марказий Тяншанда жойлашган Оқшироқ тоғидаги Петров музлигидан бошланувчи Қорасой ҳамда Тарағай дарёларининг қўшилишидан вужудга келган Норин билан Фарғона тизмасидан сув йиғувчи Қорадарёнинг Фарғона водийси шарқий чеккасида бирлашишидан вужудга келади.<sup>1</sup>

Сирдарё Ўзбекистоннинг Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Сирдарё вилояти, Тожикистоннинг Суғд вилояти ва Қозоғистоннинг Жанубий Қозоғистон ҳамда Қизилўрда вилоятлари бўйлаб аввал ғарб, жануби-ғарб томон, сўнгра эса шимоли-ғарбга оқиб бориб, Орол денгизига қуйилади.

Сирдарё - қадимий ва тарихий дарё. Сирдарё гидронимининг турлича номлар билан қадимги тарихий, географик, бадий асарларда учраши, ўз навбатида, мазкур номларнинг қадимийлиги ҳам фикримизнинг ерқин далилидир.

Сирдарё гидроними дастлаб Рим тарихчиси Плиний асарида (милоднинг 1-асри) «*Силис*» шаклида учрайди.<sup>1</sup> Э.Сафоева ва И.Шоймардоновларнинг кўрсатишича, Силис «сармат», «сар», «сир» сўзлари билан асосдош (ўзақдош) бўлиб, ҳаммаси шу дарё бўйларида истиқомат қилган сарт номли қабилага алоқадор. *Сир* ва *Силис* номлари бир-бирига монанддир. *Сир* - Сирдарёнинг

<sup>1</sup>Биратов И. Ўзбекистон табиий географияси. Тошкент Уқиғувчи, 1996 - й. 85

қадимий сак тилидаги номи. Бундай фикр П.Баратов ишларида ҳам кузатилади. У: «Силис» ёки «Сир» сўзлари дарё қирғоқларида яшаган қабила номидан олинган бўлса керак деган тахминлар бор», - деб ёзади.<sup>2</sup> В.В.Бартольд, С.Г.Кляшторний, Ҳ.Ҳасановлар ҳам Силис, Сир айнан бир суз деб биладилар. Демак, Силис, Сир бир сўзнинг фонетик вариантларидир.

XIII-XIV асрларда Сирдарё этагида Жанд шаҳри яқинида Жўжихоннинг ўғиллари ва набираларининг ўрдаси *Сирўрда* деб аталган. Қадимги туркий ёдгорликларда *Сир* этноними учрайди: «Қапган хоқон Турк сир халқи ерида уруғ ҳам, халқ ҳам, киши ҳам [ерга] эга ҳам бўлмас эди».<sup>3</sup> Бу далиллар Сир этноним эканлигини, асрлар давомида дарё номига айланганлигини ва ҳозирга қадар етиб келганлигини кўрсатади.

XVI асрда Муҳаммад Солиҳ ёзган «Шайбонийнома» асарининг ўнлаб ўринларида ҳам дарё номининг Сир варианты кузатилади:

*Бу ариқ бирла етишти лашкар,  
Сир бўйин айладилар тунла мақар.  
Совуқ айлаб эрди Сирга таъсир,  
Тўнғуб эрди, топо олмай тадбир...<sup>4</sup>*

Айрим тарихчи олимлар фикрича, «Авесто»да тилга олинган кенг серсув дарё - *Ранха* ҳозирги Сирдарёнинг қадимий номи бўлиши мумкин.<sup>5</sup> Бироқ «Авесто»нинг янги нашрида *Ранха* гидроними Амударё деб изоҳланган.

«Авесто»да қуйидаги парча кузатилади:

*Ўлдирди данулик Варашавани  
Ва ёвузлик тарқатувчи Питаснани.*

Мазкур парчадаги кичик ҳарфлар билан берилган *дану* сўзига китобнинг лугат қисмида қуйидагича изоҳ берилган: «Дану - турлар қабиласининг номи. Эҳтимол, ана шу қабила

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси - Тошкент, 2004 - 7-ж - Ё 640

<sup>2</sup> Сафаров Э., Шоншмарилов Н. Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитишда улканлик касим материалларидан фойдаланиш - Тошкент: Укитувчи, 1993 - Ё 24

<sup>3</sup> Тушқуқ бегимтози Абдурахмонов Г., Рустамов А. Қадимги туркий тил - Тошкент: Укитувчи 1982 - Ё 79

<sup>4</sup> Салих Муҳаммад. Шайбонийнома - Тошкент: Азбўёқ ва савият нашриети, 1989 - Ё 128

<sup>5</sup> Қаранг Сигдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ерми маълумларида - Тошкент: Укитувчи, 1996 - Ё 22

соҳилда истиқомат қилган дарёнинг номи ҳам бўлиши мумкин (Дон, Сирдарё)». Демак, асар таржимони фикрича, асардаги Дану Дон ёки Сирдарёнинг қадимий номи.<sup>1</sup>

Сирдарё гидроними қадимги юнон тарихшунослари асарларида, Ғарбий Европа манбаларида *Яхартес* (*Яксарт*), баъзан *Танаис* тарзида кузатилади. Плинийнинг маълумотига кўра, дарёни бақтрияликлар *Лаксат*, скифлар *Сияс* деб аташган. Лаксат айнан Яксарт номининг вариантыдир. *Танаис* асли антик шаҳар (мил. ав. 3-а.-мил. 5-а.), Дон дарёсининг қуйи оқими бўйида жойлашган. Юнон муаррихлари Дон ва Сирдарёни шундай атаганлар.<sup>2</sup> Англашиладики, Танаис асли полисоним - шаҳар номи, кейинчалик дарё номига-гидронимга айланган, яъни гидрополисонимдир, бироқ бу ном манбаларда кам учрайди. Клавдий Птолемейнинг «Географиядан қўлланма» асарида ёзишича, Яксарт дарёси соҳиллари яқинида яксартлар деган катта қабила яшаган.<sup>3</sup> Шунингдек, Ахоманий ҳукмдорларининг Биҳистун китобларида Сирдарё ортидаги қабилалар сақлар деб аталган. Гередот «Тарих» асарида «*Форслар барча скифларни сақлар деб атайдилар*», - деб ёзади.<sup>4</sup> Бизнингча, яксартлар ана шу сақларнинг бир уруғи. Демак, Яксарт номи яксарт этнонимининг ономастик конверсия асосида гидронимга (дарё номига) ўтиши асосида шаклланган: яксарт > Яксарт.

Яксарт гидроними паҳлавийчада *Йахшарт* шаклида учрайди. Шарқшунос И.Маркварт Йахшарт гидронимини *Йахша*, арта каби маъноли қисмлар (морфемалар)га ажратиб, унинг этимонини «*ҳақиқий, тоза гавҳар*», -деб изоҳлайди. Йахша - гавҳар сўзи дарёнинг хитойча ва туркийча номлари таркибида ҳам мавжуд.

Қадимги туркий ёдгорликларда Сирдарё гидронимининг Йинчуўгуз, яъни Инжуўгуз шакли кузатилади: «*Инжуўгузни*

<sup>1</sup> Карини Авесто (Асар Мақам таржимаси). - Тошкент: Шарқ, 2001 - Б.350.

<sup>2</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. - Тошкент, 2005 - 8-ж - Б.252

<sup>3</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. - Тошкент, 2005 - 10-ж - Б.365

<sup>4</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. - Тошкент, 2005 - 7-ж - Б.437



*кечиб Тинси ўгли ётадиган Банглигак тоғини...*<sup>1</sup> С.Г.Кляшторний Йинчуўгуз Сирдарёнинг ўрта оқими, луғавий маъноси: Инжу (марварид) дарё, деб кўрсатади.<sup>2</sup> Йинчу ҳозирги ўзбек адабий тилидаги инжу сўзининг тарихий фонетик варианты бўлиб, «марварид, гавҳар» маъноларида қўлланади. Ўгуз сўзи туркийча бўлиб, «дарё» маъносини англатади.

С.Г. Кляшторнийнинг кўрсатишича, дарёнинг хитойча номи «Чженчуже» ҳам айнан ана шу Йинчу ўгузнинг таржимаси. Сўғдчаси Яхшарт, Яксарт > Йахша арта (асл марварид)дир.<sup>3</sup>

Яксартнинг хитойча транскрипцияси - *Яоша, Яуша* ёхуд *Йоша*. Исломият давридаги араб ва форс манбаларида Берунийнинг «Масъуд қонуни», муаллифи номаълум «Ҳудуд ул-олам» асарларида гидроним *Хашарт* шаклида учрайди. Бизнингча, Хашарт ҳам Яксарт номининг фонетик варианты бўлиб, *Яксарт, Йахшарт, Чинчухе, Йинчу, Хашарт* каби дарёнинг тарихий номлари айнан бир маънога эга. Шунингдек, дарё Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида ва Ҳамидуллоҳ ибн Абу Бакр Муставфий Қазвинийнинг «Нузҳат ул-қулуб» («Қалблар роҳати») асарида *Гулзарриюн* тарзида тилга олинади. Мазкур ном ҳам дарёнинг юқоридаги номларига монанд. Дарёнинг бу бадий номи Гулзарриюн форс-тожикча «гул» ва «зар» сўзларидан таркиб топган бўлиб, «гулга монанд зар, олтин» деган маънони англатади. Бадий гидроним *Гулзарриюн* бизнингча, Яксарт - «асл марварид» маъносидаги яксарт этноними асосида шаклланган дарёнинг қадимий номи. Йохшарт, Хашарт эса мазкур номнинг фонетик вариантлари. Йинчу (фонетик варианты Инжу) гидронимнинг туркий, Чженчуже эса хитойча муқобилидир. *Йахшарт, Чженчуже, Йинчу* номлари дарёнинг моҳиятан гавҳарга қиёслаш асосида шаклланган.

<sup>1</sup>Тўлоққубитигтоши Абдурахмонов Г., Русиямов А. Қадимги туркий тил - Тошкент: Уқитиғчи 1982 -б 77  
<sup>2</sup>Кляшторний С.Г. Тўлоққуб-Ақил Юшмачи Геологический сборник. К шестидесятилетию  
А.И.Коллонтай. Москва Наука. 1966 -С.75  
<sup>3</sup>Кляшторний С.Г. Ушга асар. 75-бет

Араблар эса дарёни *Сайхун* деб атаганлар. Жумладан, Алишер Навоий *Сайхун суйи*, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам Сайхун гидронимини қўллаган:

*Оқиб ҳадди шарқийда Сайхун суйи,  
Бориб ҳадди ғарбийда Жайхун суйи*<sup>1</sup>.

Ёки: «*Етти пора қасабаси бор; беши Сайхун суйининг жануб тарафида, икки шимоли жанубида*».<sup>2</sup> Шунингдек, XVI аср охирларида, аниқроғи, 1596 йилларда яратилган Ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг «Абдуллонома» асаида Сайхун варианты кузатилади: «*(Чингизхоннинг) иккинчи ўғли Чигатойхондирки, (у) Қошғар чегарасидан ва Сайхундан (тортиб) то Жайхун лабигача (бўлган ерларга) унинг муборак ҳукми жорий эди*».<sup>3</sup> Исҳоқхон Ибрат тарихий асаида Сайхун, Сирдарё номларини тенг қўллайди: «*Хўқанд хонлиғига Қошғар ва Помир, яъни Шугнон ҳудудидигача Ўрол қўлига муттасил ўлуб, бутун Сайхун дарёсини комилаи шомул ўлуб...*»

Ёки: «*Фарғона губернаси шимоли-шарқий тарафидан Самарқин, яъни Еттисув шимоли-ғарбий тарафидан Сирдарёга нафси Туркистон ғарби-жанубий тарафидан Бухоро хонлиқи маҳкуми то Помир, яъни Шугнон ҳукумати мустақиласига муттасилдур*».<sup>4</sup>

Айрим манбаларда таъкидланишича, Жайхун (Амударё) номи билан Сирдарёнинг Сайхун номи «Ғарбий Осиёдаги Жайхон ва Сайхон (асли Жайхон, Сайхон-Н.У.)га нисбат қилиб қўйилган» деган изоҳ ҳам кузатилади.<sup>5</sup> Сийхон ёки Сайхон - Кичик Осиёнинг жануби-шарқий қисмидаги дарё. У Қайсариядан бошланади ва Тарсусга яқин жойга сувини қуяди.

<sup>1</sup> Навоий, Алишер, Саҳди Искандарий Намев. Тошкент: Адабиёт ва санъат нашрияти, 1986 - Б.328

<sup>2</sup> Бобур, Заҳириддин Муҳаммад, Бобурнома, 34-б.

<sup>3</sup> Хофиз Таниш ал-Бухорий, Абдуллонома («Шарафномаи шаҳид») биринчи китоби, Форз тилиши (С. Мирзиёев тарж. Султони ва вилоят муаллифи Б. Аҳмедов - Тошкент: Шарқ, 1999 - Б.50)

<sup>4</sup> Ибрат, Фарғона тарихи. Тошкент: Камалак, 1991. - б.282-284 («Мерос» туркуми Мисқул муҳаррир, су. боши муаллифи Нуррид. Даврон)

<sup>5</sup> Карин, Су. Мулкии санъат. Амударё - Тил ва адабиёт галлими, 1996 - Б.89

Умавийлар ва византияликлар ҳукмронлиги даврида асирларни айирбошлаш шу ерда амалга оширилган.<sup>1</sup>

Сирдарёнинг араблар келганидан кейин Сайхун деб атала бошланганлигини эътиборга олинса, бу фикрда анча асос бор. Топонимияда бир жой номининг иккинчи жой номига кўчиши - қадимий анъана.

Ўзбекистон топонимиясида Сайхун гидроними асосида шакланган бир неча жой номлари кузатилади. Жумладан, *Сайхунобод* - Сирдарё вилоятидаги туман номи, яъни гидроойконим (сув объекти номи билан аталган туман), Сайхун Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги шаҳарча номи, яъни гидроойконим (сув объекти номи билан аталган шаҳарча (аввалги посёлка) номи) ва бошқалар.<sup>2</sup>

Манбаларда Сайхун гидронимининг имлоси турлича берилади. Жумладан, Бобурнинг «Бобурнома» асарида *Сайхун*, Ибратнинг «Таърихи Фарғона» асарида *Сайхун*, арабча «Ал-Мунжид», форс-тожикча «Ғиёс ул-луғат» каби луғатларда *Сайхун*, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да ва бошқа айрим манбаларда эса *Сайхун* каби. Бизнингча, Сайхун сўзи арабча бўлиб, араб ёзувида Сайхун ( ) тарзида ёзилган экан, ўзбек имлосининг шаклий тамойили (график-этимологик принципи) га асосан *Сайхун* тарзида ёзилиши лозим.

Сир вариантыга доир турлича талқинлар кузатилади. Жумладан, С.Қораев китобида кўрсатилишича, бу номнинг вариантлари бир нечта бўлиб уларни қуйидагича изоҳлайдилар: «*Сирли дарё*», «*сир*», яъни «*ранг*», «*бўёқ*» сўздан; *Сирдарё-тоғ ораларидан*, *сиргларида*н оқиб келувчи дарё; *Саридарё «сарик дарё*», яъни *лойқа сув*; *Сероб- «кўп сувли»*.<sup>3</sup> А.Худоёров фикрича, бу вариантлардан фақат биттаси-«*Сирдарё*» сал асослироқ.<sup>4</sup> Бизнингча, гидронимнинг Сирли дарё, Сирдарё, Саридарё, Сероб каби вариантлари илмий манбаларда

<sup>1</sup> Қираи Ал-Мунжид - Байрут Катедик, 1906.-276

<sup>2</sup> Қираи Ўзбекистон миллий энциклопедияси - Тошкент Ўзбекистон миллий энциклопедияси 2004 - 7-ж - б.435

<sup>3</sup> Қораев С. Географик номлар маъноси - Тошкент Ўзбекистон, 1978 -Б 112

<sup>4</sup> Худоёров А. Дарёларнинг қува номи - «Маърифат» газетаси, 2007, 20 январь, 14-бет

кузатилмайди ва *Сир* номининг «ранг», «бўёқ» сўзидан олинган деб изоҳлаш жуда жўн ҳамда содда талқин. Шунингдек, бу фикрлар асоссизлигини Х.Ҳасанов, С.Қораевлар ҳам таъкидлаганлар.

Осетиялик шарқшунос Б.Албаров дарё номи ҳақида қизиқ мулоҳаза юритади: «Сармаст-сарт-силис-сир сўзларининг ўзаги битта: булар ҳаммаси шу дарё бўйларида истиқомат қилган сар исми қабилага алоқадор: дарё номи ҳинд-европача сал (туз) сўзидан олинган-дарё ўзанидан туз йиғилиб, этакларда юзаси оқариб туради, яъни «тузли дарё» демақдир». Демак, Б.Албаров фикрича, сар ва сал айнан бир сўз.<sup>1</sup> Бу талқин ҳам анча асоссиз.

Сирдарё қайси ердан оқиб ўтишига қараб, *Оби Фарғона* (ёки Фарғона дарёси), *Ўзган дарёси*, *Оби Хўжанд* (Хўжанд суви), *Наҳр аш-Шош* (Шош дарёси), *Банокат дарёси* деб ҳам аталган.<sup>1</sup>

Таҳлиллардан англашиладики, дарё тарихда ўнлаб номлар билан аталган. Жумладан, юқори ва ўрта оқимларида Яксарт, қуйи оқимида Сир (Силис), араблар томонидан Сайхун каби. Ҳозирда бу номлардан Сирдарё варианты фаол қўлланади. Сирдарё гидроними морфемик жиҳатдан *сир* ва *дарё* маъноли қисмларидан таркиб топган бўлиб, сир этноними асосида шаклланган. Сир сўзининг этноним деб қарайдиган бўлсак, гидронимнинг этимони «*сирлар дарёси*» отли бирикмаси. Бирикма даврлар давомида сайқалланиб, қўшма сўзга, ундан қўшма таркибли номга, яъни гидронимга айланган: *Сирларнинг дарёси* > *Сирлар дарёси* > *Сир дарё* > *Сирдарё*.

Шунингдек, ҳозирда ҳам ўзбек шеърий нутқида гидронимнинг *Сир* ёки *Санхун* шакллари ҳам кузатилади:

*Аму билан Сирдан сув ичган,*

*Зарафшонни лойлатиб кечган*

*Чавандозлар бордир бу элда.*

{Х.Олимжон «Ўзбекистон»}

Номнинг Сайхун шакли тарихий, бадний асарлардагина қўлланади.

<sup>1</sup> Хулётров А. Ўша мақола. 14-бет

Сирдарё гидроними ва унинг вариант ҳамда муқобиллари таҳлили номлар халқ тарихи, тили ҳақида ёрқин маълумот берувчи лисоний хазиналигидан далолат беради.

Норин - Ўзбекистон ва Қирғизистондаги дарё номи. Норин дарёси Марказий Тяньшандан бошланади. Узунлиги 807 км, ҳавзасининг майдони 59,9 миң км<sup>2</sup>. Норин дарёси Қарғизистон бўйлаб унинг йирик шаҳарлари Талас, Норин, Қоракўл, Тошкўмирдан, Ўзбекистонда эса Учқўрғон шаҳридан оқиб ўтади. Норин дарёси Қирғизистондаги Норин шаҳридан 44 км шарқда Катта Норин ва Кичик Норин дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Дарё Норин шаҳридан 21 км оқиб ўтгач, унга ўнг томондан Ўнарча дарёси, сўнгра Сўнкўлдан чиқиб келадиган Кўк жерти дарёси қўйилади. Шундан сўнг, энг йирик чап ирмоқларидан Отбоши дарёси, ундан нарироқда Олабуға дарёси келиб қўйилади. Норин дарёсига чап томондан яна анча йирик Кўкийрим дарёси, 32 км оқиб боргач, Кўкмуран дарёси қўйилади. Узунаҳмат (бизнингча Узунаҳмад) ва Қорасув дарёлари қўшилгач, дарё Фарғона водийсига чиқади. Балиқчи қишлоғида Қорадарё билан қўшилиб, Сирдарёни ҳосил қилади.<sup>2</sup> Шу билан Норин Шимолий Фарғона ҳудуди гидронимиясига мансуб йирик сув объектлари-макрогидронимлар сирасига киради. Норин тўйиниш хусусиятига кўра қор-музлик сувларидан тўйинадиган дарёлар гуруҳига киради.<sup>1</sup>

Норин гидронимининг лисоний шаклланиши ҳақида бир неча қарашлар бор:

1. Маҳаллий аҳоли фикрича, дарё Кичик Норин ва Катта Норин дарёларининг қўшилишидан юзага келганлигига кўра Норин деб аталган.

2. Бир гуруҳ кишилар дарё номи Норин шаҳри номидан олинган, яъни дарё Қирғизистондаги Норин шаҳри агрофида ҳосил бўлганлигига кўра, унга нисбат бериш асосида Норин аталган деб ҳисоблайдилар.

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси - Тошкент, 2004 - 7-ж. - б. 641

<sup>2</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси - Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003 - 4-ж. - б. 393

<sup>3</sup> Бариқтов П. Ўзбекистон табиий географияси - Тошкент, Уқитувчи, 1996

Бироқ юқоридаги ҳар икки талқин халқона бўлиб, Норин гидронимининг аталиш мотивини, луғавий асосини тўла ифодамай олмайди.

3. Маҳаллий аҳолининг катта қисми, дарё ўзанининг ингичкалигига кўра Норин деб аталганлигини кўрсатадилар ва гидронимнинг луғавий асосини норин сўзи билан боғлайдилар.

Норин ўзбек тилидаги энциклопедик ва изоҳли луғатларда «пиширилган хамир ва от, қўй, мол гўштини (кўпинча қазини) майда тўрғаб аралаштириб тайёрланадиган миллий таом» деб изоҳланади<sup>1</sup> Норин қирғиз тилида ҳам таом номини англатади.

Ҳозирги мўғул тилида нарийн сўзи бўлиб, омоним сифатида «нозик, ингичка, тор, сиқик, юпқа, танг, лазиз, гўзал, латиф, яхши» каби маъноларни англатади.<sup>2</sup> Сўз қадимги мўғул тили ёзма манбаларида норын шаклида, айнан, ҳозирги шаклига монанд тарзда кузатилади. Шунингдек, тунгус-манжур тилларига оид эвенк тилида фольклор манбаларида норын шаклида «сойлик (чуқур дара, ўзан)» маъносида кузатилади<sup>3</sup>. Норин сўзи бошқа бир қатор тилларда турли шакл ва маъноларда қўлланади: калмиқ тилида - нарн-«тор»; халха-мўғул тилида - нарийн-«ингичка», «тор»; ёкут тилида - нарын-«ингичка», «нозик» каби. Э.М.Мурзаев нарын сўзини халқ географик терминлари сирасига киритади ҳамда уни Қозоғистон ва Каспий бўйидаги чўзилган қумликлар ва қумли массивлар, деб изоҳлайди.<sup>4</sup> А.Г.Гаель эса мазкур терминга «водийлараро чўзилган наст-балаид қум барханлари» деб изоҳ беради.<sup>5</sup>

Қирғиз тилида норин «тор, камбар» деган маъноларда қўлланилади. С.Қораев кўрсатишича, норин этноним ҳам: норин деган ўзбекларнинг лақай, юз қабилалари, шунингдек, Фарғона қипчоқлари уруғи<sup>6</sup> қайд қилинган.<sup>6</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси - Тошкент, 2003 - 6-ж - Ь 510. Ўзбек тилининг ички луғати. Ы 510-ч

<sup>2</sup> Кинжалов Е.К. Географические названия монгольского происхождения на территории Казахстана // Известия АН Казахской ССР Серия филология и искусствоведения. Вып 111 1959.-С 233

<sup>3</sup> Сравнительный словарь тунгусо-маньчжурских языков.-Л.-1975 Г1-С 585-586

<sup>4</sup> Мурзаев Э.М. Словарь народных географических терминов.-Москва, Мысль, 1984.-С.391

<sup>5</sup> Гаель А.Г. Песчаные пустыни Северной Приаралья.-Алма-Ата, 1986

<sup>6</sup> Қирғиз С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари -Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi: 2005 - Ь 97

Э.А.Бегматов норин сўзини мўгулча, Норин атропонимининг маъносини «*норин уруғига мансуб бола ёки қутли, бахтли бола*» деб изоҳлайди.<sup>1</sup> Ўзбек антропонимиясида *Норин, Норингул, Норинбой, Нориной, Норинхон* каби исмлар кам кузатилади.

Далиллардан кўринадики, норин қардош ва нақардош тилларда *нарн, нарийн, нарън, нарын, нархун* шаклларида учрайди, асосан «*тор, ингичка, сиқиқ нафис, гўзал*» маъноларини англатади. Т.Нафасов фикрича, турли тилларда *норин* қандай шакл ва вариантда бўлмасин айнан бир сўз. Умуман, предметнинг белгисини билдирувчи сўз. Шунга кўра, бирикма ва қўшма сўзларнинг аниқловчиси сифатида кўп қўлланган, турли маънолари билан таом номининг, атоқли номларнинг шаклланишига асос бўлган.<sup>2</sup>

Бизнингча, тайёрланиш усулига кўра номланган таом номига сўзнинг «*ингичка, нафис*», исмларга «*гўзал*», сув объектининг номланишига «*ингичка, тор, сиқиқ*» семалари асос бўлган.

Норин номланиш асоси ва тамойилига кўра табиий-географик гидронимлар сирасига киради, чунки ўзан, дарё оқим йўлини тузилишини эътиборга олиш асосида номланган. Аниқроғи, Норин Чўнгкендук дарёсининг қўшилиш жойидан Ахала дарёсининг қуйилиш жойига қадар бўлган масофа давомида чуқур ва тор водийда жуда тез оқади. Норин шаҳридан бошлаб водийсида икки ёқлама қайир ҳосил бўлган. Узунаҳмақ дарёси қуйилиш жойига яқин жойда дарё водийси тобора тарайиб, қояли дарага айланади ва Учқўрғон шаҳридан ўтган кенгайиб конуссимон ёйилмадан оқа бошлайди.<sup>3</sup> Демак, дарё ўзани, водийсининг бир қисми торлиги ингичкалигига кўра Норин деб аталган. Кейинчалик бу дарё ўзанининг бир қисмига хос хусусиятни ифодаловчи норин сўзи бутун дарё номига айланган. Норин гидронимининг лисоний шаклланиши ҳақида

Бегматов Э.А. Ўзбек исмилари – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998 – Б 296  
Нафасов Т. Қин юнги ил негә шуксий аталан? Тошкент: Фан, 1989 – Б 64-65  
Ўзбекистон миллий энциклопедияси – Тошкент, 2003 – 6-ж – Б 393

Т.Нафасов ҳам худди шундай фикр билдиради.<sup>1</sup> Гидроним учун норин сўзининг «тор, ингичка» маънолари асос бўлган. «*норин дарё*» отли бирикмаси гидронимга этимон бўлган, даврлар ўтиши билан бирикма таркибидаги *дарё* гидронимик аниқлагичи тушиб қолган: *нарын дарё* > *Нарын дарё* > *Нарын* > *Норин*.

Г.Конкашпаев ҳозирги мўғул тилида *нарын*, *нарыйн* сўзлари мавжудлигини эътиборга олиб, Норин номини мўғулча деб кўрсатади.<sup>2</sup> Т.Нафасов бу ҳақида: «Бу мулоҳаза бирёқлама. Қирғиз, ўзбек ва бошқа туркий халқлар яшайдиган катта ҳудудда учрайдиган Норин гидронимини мўғуллар яратган ёки мўғул тилидан ўзлашган сўз асосида пайдо бўлган дейиш илмий, ижтимоий ва социо-психологик асосга эга эмас»,-деб ёзади ҳамда норин туркий сўз деган хулосага келади. Бизнингча ҳам, норин туркий сўз. Унинг бир қанча туркий тилларда турли маъноларда қўллангани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Номлардан номлар туғилади. Бунини Норин номи мисолида ҳам кўриш мумкин. Наманган вилоятидаги Норин (туман номи), Норинкапа (қишлоқ номи) гидротопонимлари Норин гидроними асосида шаклланган.

Номлар халқ ва юрт тарихидан дарак берувчи лисоний тилсимлардир. Тилдаги номлар: киши номлари, шаҳар, туман, қишлоқ, овул, маҳалла, кўча ва бошқа жой номлари шаклланишида қизиқ бир лисоний ҳодиса кузатилади. Номлардан номлар туғилади ва яратилади. Биз ана шундай лисоний ҳодиса маҳсули бўлган Косонсой топоними ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Тарихда Косон дея аталган Косонсой Ўзбекистон ҳудудидаги қадимий шаҳарлардан бири. Шаҳарга милoddан аввалги IV-III асрларда асос солинган. Милoddан аввал I асрда Кушонлар салтанатининг пойтахти бўлган. Шаҳар икки қатор бўлани девор билан ўралган. Унинг ичида ҳукмдор арки, аёнларнинг уйлари ҳамда улар атрофида аҳоли хонадонлари

<sup>1</sup> Нафасов Т. Қишлоқнинг неси қандай аталган? Тошкент: Фан, 1989. - б. 65

<sup>2</sup> Конкашпаев Г.К. Географические названия монгольского происхождения на территории Казахстана // Известия АН Казахской ССР Серия филология и искусствоведения. В. III 1959. - с. 64



жойлашган. Қалъа деворида учта дарвоза бўлган. Шаҳардан бир оз шимолроқда жойлашган Муғ қалъаси шимолдан келадиган кўчманчилар ҳужумидан муҳофаза этган. Ҳозирга қадар қалъа деворларининг бир қисми сақланиб қолган.

Косон Кушон салтанати барҳам топганидан кейин ҳам бир неча аср давомида Фарғона водийсининг йирик шаҳарларидан бири бўлиб турган. V-VII асрларга келиб, Буюк ипак йўли тармоғини Фарғонадан ўтиши билан шаҳарда савдо ва ҳунармандчилик яна равнақ топди. Косон Фарғона ихшидлиги (подшолиги)нинг пойтахтига айланди.

Косон шаҳри тарихига оид илк маълумотлар қадимги хитой сайёҳи Чжан Цянь (милоддан аввалги 128 йил), Сюань Цзан (630 йил), араб тарихшуносларидан Яъқубийнинг «Китоб ул - буддон», Муқаддасийнинг «Ахсан ут-тақосим» асарларида учрайди. Яъқубийнинг мазкур асарида Косон пойтахт сифатида тилга олинган.<sup>1</sup>

В.В.Бартольд фикрича, хитой манбаларида Кэсай деб аталган Косон турк хоқонлиги даврида турк хоқонларининг резиденцияси (қароргоҳи, макони) бўлган. 658 йилда буюк турк хоқонлиги ҳалокатга учрагач, Косон бутун Фарғона водийсининг маркази бўлиб қолган.<sup>2</sup>

Косон Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарида ҳам тилга олинган. Бобур Фарғона водийси шаҳарлари қаторида Косонни қуйидагича таърифлайди: «Яна бири Косондур, Ахсининг шимолида тушубтур. Кичикроқ қасабадур. Нечукким Андижон суйи Ўшдин келур, Ахси суйи Косондин келур. Яхши ҳаволиқ ердур. Сафолиқ боғчалари бор. Вале сафолиқ боғчалари тамом сой ёқасида воқий бўлгон учун, «пўстини пеш берра» (мақтаб айтилган сўз: «Олдига қоракўл тери тутилган пўстин») дебтурлар. Сафо ва ҳавода Ўш била Косон элининг таассуби бор».<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон миқдлий энциклопедияси. Тошкент, 2003. 6-ж. 62-63 бетлар

<sup>2</sup> Бартольд В.В. Сочинения в трех томах. - Москва, 1965. т. III, с. 211, 529

<sup>3</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома, 36-б.

Бобур даврида Косон Фарғона водийсидаги 8 та шаҳардан бири бўлган. Шаҳар номи қадимги хитой манбаларида Кэсай, Гессей шаклида қайд этилган. Топонимист олимларнинг курсатишича, Косон топоними Кушон подшолиги номи билан боғлиқ.<sup>1</sup> Тарихчи олим А.Муҳаммаджонов фикрича, Косон номи кос (кот) - «қишлоқ», «шаҳар» сўзидан олинган бўлиши ҳам мумкин.<sup>2</sup>

Исҳоқхон Жунайдулло хўжа ўғли Ибрат мазкур шаҳарнинг номланиш тарихи ҳақида қуйидаги фикрларни билдиради: «Косоннинг важҳи тасмияси Косонга мўғул замонида бўлгон бинолар алҳолда мавжуд, аммоки, Косон демак шул эканки, араблар тарафидан маданияти арабни маҳкам қилмоқ учун Бағдод шаҳридан ўн икки султон лақаблик кишилар келиб, дийни Муҳаммадияни интишор қилмоқда илм ўргатмоқда бўлуб Косонда турган эканлар. Косонийлар аларни ҳурмат қилиб, ўзлари форсий суғд тили илан султонлар зикр қилган касон деб зикр қилур эканлар. Касон демак кишилар демак. Форсийда бу алфоз кўб айтилуб исми Касон бўлиб кетган экан. Чунончи, ўшал султонлар бирлари султон Жалолиддин Сомоний, яъни Ғўзапоя мозордаги гунбазда ётган кишидурлар. Иккинчилари Қалмоқ ариғи бўйида чунбазда ётган султон Муҳаммад қози деган киши. Бўлаклари атрофи Косондадурлар». Бошқа бир ўринда: «Бу Намангонни ҳокимиға ва қарашли тўрт қасабот бўлуб, Тўрақўрғон, Чуст, Чаҳортоғ, Косон деган ерлар бўлуб, ҳар бири бир беклик ер эди», - деб ёзади.<sup>3</sup> Демак, Ибрат фикрича, Косон топоними кишилар маъносидаги «касон» сўзи асосида шакланган, кейинчалик сўзнинг биринчи бўғинидаги а унли товуши о га айланган: *кас - «киши» + он - лар > касон > Касон > Косон* каби. Бизнингча, бу анча содда талқин. Шаҳарнинг тарихи ва у ердаги тарихий археологик ёдгорликлар Косонсой номи Кушон сўзининг лисоний тараққиёти маҳсули деган хулосага келиш имконини беради.

<sup>1</sup> Қорвеш С. Географик номлар маъноси - Тошкент: Ўзбекистон, 1978.-Б 68.

<sup>2</sup> Муҳаммаджонов А. Қуйи Зарафшон водийсининг сугорилиш тарихи. - Тошкент, 1972.

<sup>3</sup> Ибрат. Фарғона тарихи Мерос -Тошкент: Камалак. 1991.-Б 282, 327.

Юқорида келтирилган далиллардан англашиладики, Косонсой жуда қадимий шаҳар бўлиб ўтмишда Косон деб аталган. Ибратнинг асари 1925 йилда ёзиб тугатилганлигини эътиборга оладиган бўлсак, шаҳар ана шу даврга қадар ҳам Косон деб аталган.

Косонсой топонимининг шаклланиш тарихи қизик. Дастлаб шаҳар Косон деб аталган. Шаҳар ўртасидан Чотқол тоғ тизмасидан Чилқудуҳсой номи билан бошланган сой оқиб ўтади. Мазкур сой илмий манбаларда дарё деб ҳам аталади. Жумладан, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да сой ҳам, дарё ҳам деб аталган.<sup>1</sup>

Косон шаҳридан оқиб ўтган сой ўрнига нисбат бериб, Косонсой деб аталган. Аниқроғи, Косоннинг сойи бирикмаси тил тараққиёти жараёнида Косон сой шаклига, ундан Косонсой тарзидаги морфемик тузилишига кўра қўшма таркибли гидронимга айланган. Кейинроқ сой номи ўзининг шаклланиши учун асос бўлган шаҳар номи (полисоним)га ўтди, яъни Косон шаҳри Косонсой деб аталадиган бўлди. 1926 йил 29 сентябрида маркази Косонсой шаҳри бўлган туман ташкил этилгач, у ҳам шу ном билан атала бошлади. Албатта, туманни номлашда айнан 1926 йил 29 сентябрда Қашқадарё, Наманган вилоятларида ташкил этилган туманларни ўзаро фарқлаш тамойили ҳам асос бўлган. Шу боис Қашқадарё вилоятидаги туман ва шаҳар Косон, Наманган вилоятидаги туман ва унинг маркази Косонсой деб аталган. Ҳозирда ҳам мазкур номлар амалда, бироқ Наманган вилояти маҳаллий шеваларида кексалар нутқида Косон топоними ҳам фаол қўлланади. Шунингдек, шаҳардаги санатория, сув омбори ҳам Косонсой деб аталган. Юқоридагилардан англашиладики, дастлаб шаҳар номи сойнинг номланиши учун, кейин сой номи шаҳар ва туманнинг номланиши учун асос бўлган.

---

<sup>1</sup> Қаранг Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-т., 62-бет.

Чирчиқ - Сирдарёнинг энг катта ва энг серсув ўнг ирмоғи, Тошкент вилоятидаги дарё.<sup>1</sup> Дастлаб дарё «Худуд ул-олам», сўнгра араб географлари Истахрий, Муқаддасий асарларида *Парак*, *Наҳри турк*, *Наҳри Туркистон* номлари билан тилга олинган.<sup>2</sup>

Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» асарида дарёни *Чир суйи* номи билан қайд этади: «*Султон Аҳмад Мирзоким, Тошқандга мўғул устига черик тортиб, Чир ёуйиниким, Тошқандтин икки шаърий йўл бўлғай, бу сувнинг еқасидаким шикаст топди...*».<sup>3</sup> Ҳофиз Таниш Ал-Бухорийнинг «Абдуллонома» сида ҳам гидроним *Чир суви* деб берилган: «*Чаҳоршайба куни кечаси мамлакатни қўлга олувчи сипоҳ Чир суви бўйига (аскаргоҳ) қурди*».<sup>4</sup>

С.Қораев фикрича, Чирчиқни Сирчиқ, яъни «Кичик сир» деб изоҳлаш тўғридир.<sup>5</sup>

Қирғиз халқининг «Манас» номи қаҳрамонлик достонида *Чийирчиқ* гидроними кузатилади. Айрим олимларнинг фикрича, ана шу Чийирчиқ айнан Чирчиқ. Демак, *Чирчиқ Сирчиқнинг* тил тараққиёти давомида юзага келган фонетик варианты. *Сир* (Сирдарё) фонетик ўзгариш билан *Чир*га ўтган. Кейинчалик кичик маъносини ифодаловчи - чиқ аффиксини олган. «*Кичик сир*» маъносидаги *Сирчиқ* сўзи гидронимнинг этимонидир. Гидронимнинг лисоний тақомили қуйидагича: *Сир>Чир>Чир+чиқ>Чирчиқ*.

Оқбура - Фарғона водийсининг жануби - шарқидаги дарё. Кичик Олой тизмасининг сувайирғич қисмидан бошланади. Узунлиги 70 км. Ҳавзасининг майдони 2676 км<sup>2</sup>.

Оқбура гидроними Бобурнинг «Бобурнома» асарида Анджон руди деб берилган ва қуйидагича таърифланган: «*Анджон руди Ушнинг мақоматиининг ичи била ўтиб,*

<sup>1</sup> Бартоло Н. Уш асар. В-б-б

<sup>2</sup> Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. 119 бет

<sup>3</sup> Бобур. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнома. Тошкент. Шарҳ. 2002. -б. 38

<sup>4</sup> Ҳофиз Таниш Ал-Бухорий. Абдуллонома. Тошкент. Шарҳ. 1999. -б. 329

<sup>5</sup> Қораев С. Географик номлар маъноси. Тошкент. Ўзбекистон, 1978. -б. 148

<sup>6</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. -б. ж. -б. 618

Андижонга борур. Бу руднинг ҳар икки жониби боғот тушубтур, тамом боғлари рудқа мушруфтур, бинафшаси бисёр латиф бўлур».<sup>1</sup> С.Жалилов фикрича ҳам, Андижон руди айнан Оқбура.<sup>2</sup> Манбаларда гидроним *Оқбура*, *Оқбўра*, *Оқбўйра* шаклларида учрайди.<sup>3</sup> Бизнингча, гидронимнинг асл шакли-Оқбура, барча ўринларда ана шу шаклини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Оқбура гидронимининг бир неча этимологик талқинлари кузатилади:

1. Оқбўра гидроними таркибан *оқ* ва *бўра* сўзларидан иборат бўлиб, *бўра* «икки ўрқачли туя» маъносидаги *буғро* / *буғри* сўзининг фонетик варианты. Сув объекти сувининг туя, яъни буғро юришига нисбатлаш асосида номланган. Кейинчалик маҳаллий нутқда *буғро* таркибидаги *ғ* ундоши тушиб қолган, у унлиси *ў* га алмашган: *оқ буғро* > *оқ бура* > *оқбўра* > *Оқбўра*. Бу, бизнингча, номнинг халқона этимологияга асосланган талқини.

2. Республикамизда бир неча Оқбўра номли қишлоқлар бор. Мазкур ойконимлар оқбўйра этноними асосида вужудга келган. Этноним *оқбўйра*, *оқбувра*, *оқбура* каби фонетик вариантларга эга.<sup>4</sup> Оқбура гидроними ана шу этнонимнинг фонетик варианты асосида юзага келган. Демак, Оқбура-этногидроним.

Бизнингча, Оқбура гидроними *оқ*, *бура* морфемаларидан таркиб топган. Оқ-сувнинг хусусиятини ифодаловчи сўз. *Бура* бир неча тилларга мансуб *муран* тарихий гидронимик аниқлагичининг фонетик варианты. Қадимги туркий тил лексикасига доир луғатларда *муран* (mürān) мўғулча дарё (река) деб изоҳланади ва «*Ўғузнома*», «*Муҳаббатнома*»да ўғуз сўзи билан синоним сифатида дарё маъносида қўланганлиги қайд этилади.<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Ёбуур, Яқир, дини Муҳаммад, Ёбуурома - Тошкент: Шарқ, 2002 - Б.35

<sup>2</sup> Карим Жалилов С. Фаронга қодийкининг сўтрикини тарихидан - Тошкент: Фан, 1977 - Ў. 24

<sup>3</sup> Карим Жалилов С. Ушшаслар. Ёйтраков В.С. Хариактерисче черты сельского хозяйства Ферганской долины в период Коканского ханства. Труды САГУ. Новая серия. 1955. Вып. 62. С. 115

<sup>4</sup> Карим Древеторский словарь - Ленинград: Наука, 1969 - С.354

<sup>5</sup> Карим Древеторский словарь - Ленинград: Наука, 1969 - С.354

Абулғозихон эса муран сўзини қуйидагича изоҳлайди: «*Оқиб боратурған улуғ сувни туркий тилинда сой дер. Тожик кечкинруд ва улуқин рудхона дер ва араб водий дер Мўғул муран дер*». У фикрини давом эттириб, мўғул юрти гидронимлари ҳақидаги фикр юртиб, муран таркибли қуйидаги гидронимларни келтиради: «*Мўғул юртининг кун туғишида саккиз сув бўлур. Ани саккиз муран дерлар. Шул сувларнинг ораларида ўлтурурлар эрди. Анинг барчаси келиб Айқирамуранға қўшилур. Ул саккиз сувнинг отлари мунар турур: Кўкмуран, Ўнмуран, Қораусин, Санбикун, Ақримуран, Ўрмуран, Жиганмуран, Жочамуран*».<sup>1</sup> Демак, тарихда муран ўнлаб гидронимлар таркибида гидронимик аниқлагич сифатида сой маъносида қўлланган.

Ном таркибидаги муран тил тараққиёти давомида бура шаклига келиб қолган. Туркий тилларда м-б ундош фонемалари мослиги, яъни м ундошининг б га ўтиш ёки бунинг акси кўп кузатилади: *мен - бен, мурун - бурун, муни - буни, муңдай - бундай* каби. Худди шу ҳодиса муран сўзида ҳам кузатилади: муран > буран. Шунингдек, сўз охиридаги н сонор ундоши ҳам тушиб қолган. Демак, гидронимнинг лисоний шаклланиши қуйидагича: *оқ муран > оқ мура > оқмура > оқбура > Оқбура*.

Оқбура сувнинг белги-хусусияти асосида номланган гидронимлар сирасига мансуб бўлиб, «*оқ сувли дарё*» маъносидаги *оқ муран* отли бирикмаси унинг этимонидир.

Оқбура гидроними ҳақидаги этимологик қарашларимизни ҳудудда мазкур сув объектига нисбатлаш, аниқроғи, объектлардаги сув хусусиятларини қиёслаш (оппозиция) асосида номланган *Қорадарё* гидронимининг мавжудлиги ҳам тасдиқлайди. Шунингдек, Андижон шаҳрида *Оқбура, Қорабура* номли ариқлар ҳам мавжуд. Бу гидронимлар *бура*, яъни *муран* гидронимик аниқлагичининг маъно кўлами кенгайганлигини, у дарёгина эмас, ариқ маъносида ҳам қўлланганлигини кўрсатади.

<sup>1</sup> Абулғозий. Шажарайи турк. Тошкент: Чулпон, 1992. - Б. 35.

## 4-БОБ. ЎЗБЕК ТИЛИ ГИДРОНИМЛАРИНИНГ ЯСАЛИШИ ВА ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

### 4.1. ЎЗБЕК ТИЛИ ГИДРОНИМЛАРИНИНГ ЯСАЛИШИ

Топонимлар, жумладан, гидронимлар ясалиш тамойили жиҳатидан оддий сўзлар ясалишидан фарқ қилмайди. Тилдаги сўз ясаш усуллари ва сўз ясаш воситалари топоним ясашда ҳам иштирок этади. Аммо жой номларини, шунингдек, сув объекти ва иншооти номларини сўз ясалиши жиҳатидан текширганда атоқли отларнинг ўзига хос семантик ва грамматик хусусиятларини эътиборга олиш лозим. А.А.Реформатский топонимларнинг ўзига хос томонлари мавжудлиги ҳақида фикр юритиб, уларнинг маълум қўлланиш доирасига эга эканлигини, қўлланиш жиҳатидан махсусланганлигини кўрсатган.<sup>1</sup>

А.В.Суперанская эса тилнинг луғат таркибини икки қисмга махсус ва умумий қисмларга ажратган эди.<sup>2</sup> Ҳақиқатан, лексема ва топонимни, жумладан, гидронимни бир қаторга қўйиш мумкин эмас. Луғат таркибининг умумий қисми кишилар алоқасининг барча турлари учун қўллангани ҳолда, унинг топонимларни, гидронимларни ҳам ўз ичига олган махсусланган қисми ўзининг қўлланиш доираси ва лисоний вазифаси жиҳатидан чекланган. Шу боис гидронимларнинг ясалиши текширилганда, уларнинг сув объекти ва иншооти номига айлангунга қадар бўлган маъноси ва гидронимик маъноларини фарқлаш керак бўлади.

Илмий адабиётларда кўрсатилишича, атоқли ва турдош отлар маъноси, аташ вазифаси билангина эмас, морфологик, ясалиш хусусиятлари билан ҳам фарқланади. Ана шундай фарқли лисоний белги-хусусиятлардан бири-турдош отларнинг

<sup>1</sup> Реформатский А.А. Топонимистика как лингвистический факт // Топонимистика и транскрипция. - Москва, 1964. - С.9-37.

<sup>2</sup> Суперанская А.В. Апельдытв-онима // Имя нарицательное и собственное. - Москва: Наука, 1978. - С.5-6.

ўз лисоний материалга эгалиги, атоқли отларнинг эса мана шундай материалга эга эмаслиги. Бу фарқли лисоний белги кўпгина ономастикага доир илмий адабиётларда таъкидланади. Жумладан, Т.А.Серебренников: «Топонимик ва антропонимик номлар ҳамиша тил базасида яратилади. Уларни ясашда тилнинг кундалик турмушда кўп қўлланувчи сўз ясаш моделларидан, кўшма сўзлардан, сўз бирикмаларидан ва ҳатто бутун бир гаплардан фойдаланилади», -деб ёзади.<sup>1</sup> В.А.Никонов эса буни янада ёрқинроқ таъкидлайди: «Топонимика ўзининг шахсий воситаларини ижод қилмайди, балки оз даражада бўлса-да, тилдаги мавжуд имкониятлардан фойдаланади».<sup>2</sup>

Лексема атоқли отга, гидронимга айлангач, маълум сув объекти билан боғланади ва уни ифодалаш учун лексемаларни гидронимга айлангунга қадар бўлган маъноси иккинчи ўринга тушади. Лексема гидронимга айлангач, унинг асосий вазифаси маълум сув объектини, худди шундай бошқа объектдан фарқлашдан иборат бўлади. Натижада, бу ҳолатлар билан боғлиқ ҳолда номнинг формал-морфологик хусусияти ҳам ўзгаради.<sup>3</sup>

Юқоридаги фикрлардан атоқли отларга доир қуйидаги хусусиятлар англашилади:

- 1) атоқли отлар ўз мустақил лисоний материалга эга эмас;
- 2) атоқли отлар тилда мавжуд бўлган лисоний материалдан ясалади;
- 3) атоқли отларни ясашда тил материалининг маълум қисмидангина фойдаланилади.

Демак, тилшуносларнинг «Атоқли отларнинг кўпчилиги турдош отлар, маълум қисми бошқа туркумга оид сўзлар асосида пайдо бўлади»,<sup>4</sup>-деган фикрлари асосли.

Атоқли отлар тизими, жумладан, топонимлар асосида ётувчи лексемаларни фақат турдош отлардангина иборат эмаслиги боис ономастикага доир тадқиқотларда атоқли отларга

<sup>1</sup> Серебренников Т.А. ( ) методов изучения топонимических названий // Вопросы языкознания, 1959.-№6.-С.36

<sup>2</sup> Никонов В.А. Введение в топонимику.-М. Наука, 1965.-С.66

<sup>3</sup> Каранн Дусимов К. Хоразм топонимлари. -Тошкент: Фан, 1985.-Б.40-41

<sup>4</sup> Хотири и ўзбек адабий тили - Тошкент: Экитувчи, 1980.-Б.215.



асос бўлувчи лисоний материал луғавий асос, апеллятив, апеллятив лексика, топонимик лексика, антропонимик асос, топонимик асос деб юритилмоқда.

Таҳдидлардан англашиладики, ономастик деривация оддий сўз ясалишидан бир қатор фарқли хусусиятларга эга. Э.Бегматов тўғри таъкидлаганидек, ўзбек ономастикасида атоқли отларнинг ясалиши ҳақида гап борганда қуйидаги икки ҳодисани:

1) ўзбек ономастик сатҳига тегишли ясамаларни ўзга тилларга мансуб ясалмалардан фарқлаш;

2) ономастик сатҳнинг ўз оргинал ясалмаларини тилдаги аввалдан мавжуд ясама тузилмани апеллятивларнинг ономастик конверсия усулида атоқли от вазифасига ўтишидан фарқлаш ниҳоятда муҳимдир.<sup>1</sup>

Топонимлар, жумладан, гидронимларнинг сўз ясалиши жиҳатидан таҳлилга оид илмий изланишлар рус тилшунослигида Э.Ф.Молина, Р.А.Агеева, К.И.Юргин И.М.Железняк, туркологияда К.Абдимурадов, С.Атанязов, Р.М.Юзбашев, Б.А.Будагов, К.Конкобаев, Ф.Г.Гарипова, К.Ф.Гриценко, А.А.Камолов, Р.З.Шакуров, О.Т.Молчанова, А.А.Бонюхов, Ф.Ф.Сатторов<sup>2</sup>, жумладан, ўзбек тилшунослигида Д.Абдурахмонов, С.Қораев, Т.Нафасов, З.Дўсимов, Л.Г.Каримова, Т.Раҳматов, Ё.Хўжамбердиев, Н.Охунов, Т.Эрназаров, Н.Бегалиевлар тадқиқотларида кузатилади.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Бегматов Э. Ўзбек ономастикасининг галдиз вазифалари ва илмий муаммолари // Ўзбек филологиясининг долзарб масалалари. Республика илмий - назарий аниқлаш материаллари. Павлодар, 2006. - Б.216

<sup>2</sup> Каранн Молина Э.Ф. Очерки по индоевропейскому словообразованию Ч.1 Названия гидронимий -Томск. 1973.-193 с.; Агеева Р.А. Антропонимические основы в постболтославянской гидронимии Псковских и Новгородских земель. Историческая ономастика. Москва Наука. 1977. С.209-216; Гидронимия болтйского происхождения на территории Псковских и Новгородских земель. Этимологические и лингвистические аспекты этнической истории балтских народов. Рига. 1980.-С.147-152 Юргин К.И. Сужение значений формантов в древнерусских топонимах -Ямп. 1976 - вып 2.-С.220-224 Железняк И.М. Об одном случае бинаризма в гидронимии Украины - Обществ.лингвист. Материалы и исследования 1978 - Москва. 1979. С.250-261.

<sup>3</sup> Абдимурадов К. Топонимика Каракалпакии. Автореф дис. канд. филол. наук. Нукус, 1966. Атанязов С. Топонимика Юга-Востоного Туркменистана. Автореф. дис. канд. филол. наук. Ашхабад. 1966. - Туркменистанин география отларининг дүшүндүрүшү ва согуши. Ашхабад Илим. 1980. - 264 с.; Юзбашев Р.М., Будагов Б.А. Проблемы топонимии Азербайджана. Научная конференция (Баку, 30-31 мая 1974 г.) Сб. 1974. №5.-С.109-111.; Конкобаев К. О киргизских топонимах с компонентом Беш-Тегисиз. Докладов конф. аспирантов и молодых сотрудников ин-та востоковедения. - Москва. 1975.-С.117-119. - Топонимии Южной Киргизии - Фрунзе. Илим. 1980.-172 с. Каранн Гарипова Ф.Г. Названия больших и малых озер Татарии. - Ономастика Поволжья.-Саранск. 1976.-С.216-220. Гриценко К.Ф. Глагольные гидронимии в якутском

Юқорида келтирилган тадқиқотлар таҳлили гидронимлар доирасидаги сўз ясалиши ҳодисаси асосан топонимлар негизида тадқиқ этилганлигини, Н.Бегалиев тадқиқотини эътиборга олмаганда, гидронимларнинг ясалиши алоҳида ва махсус монографик тарзда ўрганилмаганлигини кўрсатади. Буни ўз навбатида гидронимлар ҳам тил бирлиги эканлигидан уларнинг ясалиш хусусиятлари топоним ва унинг турлари ясалиш қонуниятлари билан умумийликка эгалиги билан изоҳланади.

Биз қуйида юқорида келтирилган тадқиқотларга таянган ва тўпланган далиллар асосида ўзбек тили гидронимларининг ясалиш хусусиятларини ёритишга ҳаракат қилдик.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида қуйидаги сўз ҳосил қилиш усуллари мавжуд:

1) семантик усул; 2) фонетик усул; 3) синтактик-лексик усул; 4) аффиксация усули; 5) композиция усули; 6) аббревация усули.<sup>1</sup>

Мазкур сўз яшаш усуллариининг айримларигина гидронимлар яшашда иштирок этади. Бизнингча, оддий сўз яшашдан ономастик деривация фарқланишига кўра, ўзбек ономастикасининг барча соҳаларидаги каби гидронимлар яшашда қуйидаги усуллар қўлланади:

1) аффиксация усули;

2) синтактик усул;

3) конверсия усули (лексик-семантик усул).

Аффиксация усули билан гидронимлар ясалиши. Туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида апеллятив сатҳда сўз яшашда аффиксация фаол ва маҳсулдор усул, бироқ топонимияда нофаол усул ҳисобланади. С.Қораев таъкидлаганидек, туркий

---

ятыке -Яят. 1976. Вып 2 -С 208-213.; Гуляева Л.Г. Тюркские гидронимия Кубани - СТ, 1976 -№2 -С 50-56. Камалов А. О топонимии Башкирии - СТ, 1980 -№2 -С 39-46.; Шамуров Р.З. Башкирские топонимы бассейна реки Большой Иргиз. Ономастика Поволжья.-Саранск, 1976.-С 209-212. Малчанова О.Т. Структурно-словообразовательные классификации географических имен - Питания сучасно ономастики - Киев: Наука думка, 1976 -С 49-57. Бонюков А.А. Семантические отношения компонентов производных топонимов (на материале шорских топонимов) - Присоединение оборигенов Сибири и их языков. Материалы Всесоюз конф (3 июня 1976 г.) - Томск, 1976 -С 147-151. Саттаров И.Ф. Этнонимы в топонимии и антропонимии Татарии // Исслед.по татар.яз.-Казань. 1977 -С 20-63.

<sup>1</sup> Дожнев А. Узбек тили сўз ясалиши.-Тошкент Фаи 1989 -Б 29.

тиллarda, жумладан, узбек тилида аффиксли топонимлар, яъни аффиксация усули билан ясалган топонимлар кўп эмас. Масалан, 1989 йилги аҳоли рўйхати маълумотларига кўра Д ҳарфи бўйича 400 чамаси шаҳар-қишлоқ номларидан 50 га яқини аффиксли ойконимлардир. Бу эса 12%ни ташкил этади.<sup>1</sup>

Шундай бўлса-да, ўзбек тилининг топонимик сатҳида, жумладан, гидронимияда аффиксация усулининг ўз ўрни бор. Аффиксация усулида аффикслар воситасида турли сўз туркумларига мансуб луғавий асослардан содда ясама гидронимлар ҳосил қилинади.

Ўзбек тилида сўз ясовчи аффиксларнинг миқдори кўп, бироқ уларнинг айримларигина гидроним ясашда қўлланади. Зеро А.В.Суперанская айтганидек, топонимлар ясашда тилдаги барча сўз ясовчи воситалар иштирок эта олмайди.<sup>2</sup> Гидронимлар ясашда қўлланадиган аффиксларни айрим тадқиқотчилар *гидронимик аффикслар* деб атайдилар.

Ўзбек тили гидронимиясида қуйидаги аффикслар воситасида гидронимлар ясалиши кузатилади:

1. -ли аффикси. Бу аффикс серунум аффикс бўлиб, ўзбек тилида от, сифатдош, ҳаракат номидан эгалик, мавжудлик, ортиқлик маъносидаги сифатлар ясайди.

Г.И.Донидзенинг кўрсатишича, -ли аффикси атоқди ва турдош отлардан ҳосил бўлган географик номлар таркибида учрайди.<sup>3</sup> Мазкур аффикс -ли, -лы каби фонетик вариантларда қозоқ, қорақалпоқ, татар, туркман тиллари топонимиясида ҳам кузатилади.

-ли аффикси содда ясама гидронимларда асосан эгалик, мавжудлик маъноларида қўлланади. Бу аффикс воситасида кўпроқ фитогидронимлар, зоогидронимлар ва сув объектининг рельеф хусусиятини ифодаловчи гидронимлар ясалади. Шу боис бу типдаги гидронимларда гидроасос ўсимлик, гиёҳ, дарахт, қуш,

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Кориев С. Ўзбек ойконимларида сўз ясаллиши // Ўзбек тили ва адабиети. 1995 - №5-6 - Б.42.

<sup>2</sup> Суперанская А.В. Структура имени собственного. Фонология и морфология. - Москва: Наука, 1969 - С.36

<sup>3</sup> Донидзе Г.И. Об аффиксальной словообразовании в тюркской топонимии -Ономастика Востока -Москва: Наука, 1980 -С.93.

парранда, ҳайвон номларини ифодаловчи апеллатив сўзлар - турдош отлар бўлади. Демак, *-ли* аффикси воситасида ясалган гидронимларнинг морфологик модели қуйидагича бўлади: *гидроасос + гидронимик аффикс*, яъни *от + -ли аффикси*: *Теракли* (Нам. в. Поп т. Гулистон қ.-булоқ), *Жийдали* (Нам. в. Чуст т. Баймоқ қ.-ариқ), *Анжирли* (Сам. в. Нурота т.-сой), *Аламли* (Сам. в. Пайариқ т.-сой), *Живали* (Тош. в. Бекобод т.), *Илонли* (Тош. в. Бекобод т.) каби. Айрим ҳолларда *-ли* воситасида қўшма сўзлардан ҳам гидроним ясалади: *Чилғозли* (Фар. в. Ўзбекистон т.-Аччиқсув ирмоғи).

*-ли* аффикси содда ясама гидронимлардагина эмас, қўшма таркибли гидронимларда ҳам учрайди. Бундай гидронимларнинг морфологик тузилиш модели *ясама сифат + от* кўринишларида бўлади: а) *Жийдали ариқ* (Нам. в. Уйчи т.), *Лангарли ариқ* (Нам. в. Норин т.), *Мойли ариқ* (Нам. в. Уйчи т.), *Саодатли булоқ* (Нам. в. Чуст т.), *Сутлибулоқ* (Нам. в. Янгикўрғон т.), *Мойлисой* (Анд. в. Избоскан т.) каби.

З.Дўсимов Шимолий Хоразм топонимиясининг ясалиши таҳлилида бу типдаги номларга *Чортанликўл* (Чўртанликўл), *Чағалиойдин* (Чағалиойдин), *Лақалийап* (Лақалиёп) гидронимларини мисол сифатида келтиради.<sup>1</sup>

2. *-ма* аффикси ўзбек тилида қўлланиши даражасига кўра фаол бўлиб, феъл асосидан шахс ва нарсанинг ҳаракат-ҳолат билан боғлиқ турли белгисини англатувчи сифат ясайди.<sup>2</sup> Мазкур аффикс феъл асослардан сув объекти ва ундаги сувнинг турли белги-хусусиятини ифодаловчи гидронимлар ясашда қўлланади.

Демак, *-ма* аффикси воситасида ясалган гидронимларнинг тузилиш модели *феъл+-ма-сифат* кўринишида бўлади: *Шалдирама* (Нам. в. Чуст т. Олмос қ.), *Қайтарма* (Нам. в. Чуст т. Бештол қ.), *Қайрилма* (Нам. в. Учкўрғон т.), *Қайирма* (Нам. в. Чортоқ т.), *Ёшилма* (Жиз. в. Жиззах ш.), *Ташлма* (Анд. в.) каби.

<sup>1</sup> Дўсимов З. Шимолий Хоразм топонимларининг ясалиши. Ўзбек тили ва адабиёти. 1969 - №5 - б. 79

Н.Бегалиев гидронимларнинг бу типига Самарқанд вилоятидаги *Тэшлама* (канал-Пастдарғом т.), *Кўтарма* (Булунғур т.), *Ақмэ* (Иштихон т.) гидронимларини киритган.<sup>1</sup>

Ўзбек тили гидронимиясида *-ма* аффикси, *-ли* аффикси каби, қўшма ва мураккаб таркибли гидронимларда ҳам учрайди: *Кўтарма насос станцияси* (Анд. в. Анд. т.), *Кўтармаарик* (Нам. в. Уйчи т. Чуст т.), *Қайнамабулоқ* (Нам. в. Поп т. Санг қ.), *Чўкмабулоқ* (Нам. в. Янгиқўрғон т. Булоқбоши қ.) *Қайнамаарик* (Нам. в. Чуст т. Ғова қ.), *Ташламаарик* (Нам. в. Янгиқўрғон т. Навкент қ.) каби.

Композиция усули билан гидронимлар ясалиши. Ҳозирги ўзбек адабий тилида сўз ясашда, жумладан, гидронимлар ясашда кенг ва фаол қўлланадиган усуллардан бири композиция усулидир. Композиция {лот. composition-тузиш, бирлаштириш} усули-икки ва ундан ортиқ сўзнинг қўшилиши орқали янги сўз ясаш. Демак, композиция сўз ясашнинг композиталар - қўшма сўзлар яратиш усулидир.<sup>2</sup> Мазкур усул илмий манбаларда *синтактик-лексик усул*, *синтактик усул*, *лексикализация усули* терминлари билан талқин этилади.<sup>3</sup>

Бир жиҳатдан қараганда, композиция усули билан сўз ясалиши сўз бирикмасининг сўзга айланиши демақдир. Қузатишлар шуни кўрсатадики, қўшма сўзлар тарихан сўз бирикмаларидан ўсиб чиққан. Тил тараққиёти жараёнида сўз бирикмаси қисмларининг маъно ва грамматик жиҳатдан яхлит маъно касб этиб, қисмлари орасидаги синтактик муносабатнинг йўқолиши билан синтактик бирликдан лугавий бирликка айланади - қўшма сўз юзага келади.<sup>4</sup>

Композиция усули билан гидроним ясаш дейилганида, икки ва ундан ортиқ асосни қўшиш асосида қўшма таркибли сув объекти ва иншооти номлари ясалиши тушунилади. Масалан, *Анҳорарик* (Нам. в. Чуст т.), *Баландарик* (Нам. в. Уйчи т.),

Каранн. Бегалиев Н. Ушш диссертация, 66-бет

Каранн. Доғиев А. Ўзбек тилида сўз ясалиши. Тошкент: Фан, 1989 -б. 30

Ўзбек тили грамматикаси. Тошкент: Фан, 1976 -Т 1 -б. 32

Турецкое Э. в. (милкалар). Ушш китоб, 203-б

*Дамариқ* (Нам. в. Уйчи, Янгикўрғон т.), *Дачаариқ* (Нам. в. Чуст т.), *Насосариқ* (Нам. в. Чортоқ т.), *Мусоариқ* (Нам. в. Косонсой т.), *Овчибулоқ* (Нам. в. Уйчи т.), *Куракбулоқ* (Нам. в. Поп т.), *Майнабулоқ* (Нам. в. Косонсой т.), *Сарбулоқ*, *Сассиқбулоқ*, *Совуқбулоқ* (Нам. в. Поп т.), *Шоҳимардонсой*, *Олтиариқсой* (Фар. в.), *Шаҳрихонсой*, *Андижонсой* (Анд. в.), *Аёзкўл* (Қорақал. Рес. Тўрткўл ва Эллиққалъа т.), *Алдаразсой* (Сам. в. Иштихон т. Алдараз қ.), *Аччисой* (Нам. в. Хатирчи т.), *Кандирсой* (Тош. в. Оҳангарон т.), *Наймансой* (Фар. в. Ўзбекистон т., Данғара т.) каби.

Ўзбек тили гидронимларининг салмоқли қисми қўшма таркибли гидронимлардир. Бу гидроним яшашда композиция энг фаол усулгидан далолат беради. Фикримизнинг далили сифатида яна шуни айтиш мумкинки, Шимолий Фарғона ҳудуди бўйича тўпланган 1000 дан зиёд гидронимларнинг 500 таси композиция усулида ясалган қўшма таркибли гидронимлардир.

Композиция усулида тилнинг апеллатив сатҳидаги каби гидронимик сатҳда ҳам сўз бирикмаларининг қўшма таркибли сўзга ўтиши, айланиши кузатилади. Масалан, *Сассиқсой*-Наманган вилояти Уйчи туманининг Қизилравот қишлоғидаги сув объекти номи. Сойда таркибида минерал ўғитлар ва кимёвий дорилар бор, экин майдонларидан чиққан лойқа, оқава сувлар оқишига кўра шундай номланган. Дастлаб гидроним *Сассиқ сой* (сифат+от) тарзидаги отли бирикма шаклида бўлган, кейинчалик тил тараққиёти, гидронимик деривация таъсирида *Сассиқсой* шаклидаги қўшма сўз - қўшма таркибли гидроним ҳолатига келиб қолган: *сассиқ сой* (сифат + от) > *сассиқсой* > *Сассиқсой* каби. Жумладан, *Сассиқбулоқ*, *Совуқбулоқ* (Нам. в. Поп т.), *Чуқурбулоқ* (Нам. в. Чортоқ т.), *Ширинбулоқ* (Нам. в. Тўрақўрғон т.), *Қизилбулоқ* (Нам. в. Поп т.), *Ташламаариқ* (Нам. в. Янгикўрғон т.), *Кўтармаариқ* (Нам. в. Уйчи т.), *Сариқсув* (ариқ - Фар. в. Рапқон қ.), *Узункўл* (Хор. в. Ҳазорасп т.), *Шўркўл* (Хор. в. Хива ш.), *Янгикўл* (Тош. в. Бекобод т.) каби қўшма таркибли ўзбек тили гидронимларида ҳам шундай жараён кузатилади.

Ўзбек тили гидронимиясида қуйидаги тузилиш типдаги сўз бирикмаларидан композиция усулида қўшма таркибли гидронимлар ясаши кузатилади:

1. Сифатловчи (ёки битишув муносабатидаги) сўз бирикмаларидан юзага келган қўшма таркибли гидронимлар: *Сариқсув* (Нам. в. Мингбулоқ т.), *Баландариқ* (Нам. в. Уйчи т. Жийдакапа қ.), *Қораканал* (Нам. в. Чуст т. Олмос қ.), *Қўғаликўл* (Нам. в. Мингбулоқ т.), *Жиннидарё* (Қашқа. в. Китоб т.), *Заҳариқ* (Тош. в. Зангиота т.), *Зўғотасой* (Қашқа. в. Китоб т.), *Ёйилмасой* (Жиз. в. Жиззах ш.) каби.

Сифатловчи бирикмалардаги, яъни сифатловчи + сифатланмиш алоқасидаги бирикмалардан композиция усулида ясалган қўшма таркибли гидронимлар морфологик жиҳатдан қуйидаги моделларда бўлади:

а) сифат+от: *Ўртаариқ* (Нам. в. Янгиқўрғон т.), *Каттариқ* (Нам. в. Чортоқ т.), *Қизилбулоқ* (Нам. в. Поп т.), *Ширинбулоқ* (Фар. в.), *Қизилсой* (дарё – Сурхон. в.), *Қорадарё* (Сурхон. в.), *Қорасув* (Сурхон. в. Музрабод т.), *Қорабулоқ* (Қашқа. в. Ҳазрати Башир қ.) каби;

б) от+от: *Қизариқ* (Нам. в. Нам. т.), *Қизбулоқ*, *Қизариқ*, *Қозонбулоқ* (Нам. в. Янгиқўрғон т.), *Ғалвирбулоқ* (Нам. в. Косонсой т.), *Андижонсой*, *Шаҳрихонсой* (Анд. в.), *Дорисой* (Нав. в. Навоий т.), *Айғиркўл* (Ҳисор тоғидаги кўл), *Тошсоқа* (Қорақал. Респ.), *Боғёп*, *Олтинёп*, *Тошёп* (Қорақал. Респ. Амударё т.) каби;

в) сон+от: *Учқулоқ*, *Ўнбулоқ* (Нам. в. Косонсой т.), *Учбулоқ* (Андижон в. Балиқчи т.), *Учқовуз* (Нам. в. Норин т. Тошлоқ қ.) каби;

г) сифатдош+от: *Қайнарбулоқ* (Нам. в. Янгиқўрғон т.), *Қазғонбулоқ* (Нам. в. Чортоқ т. Гуддиров қ.) каби.

Ўзбек тили гидронимиясида композиция усули асосида ясалган сув объекти номлари доирасида *сифат+от*, *от+от* таркибли сифатловчи бирикмалардан ясалган қўшма таркибли гидронимлар кўп учрайди.

2. Қаратқичли (ёки мослашув муносабатидаги) сўз бирикмаларидан композиция усулида ясалган қўшма таркибли гидронимлар: *Бегматарик* (Нам. в. Учқўрғон т. Ҳамза қ.), *Дачаарик* (Нам. в. Чуст т. Фова қ.), *Мозорарик* (Нам. в. Нам. т.), *Мучумарик* (Нам. в. Чортоқ т. Мучум қ.), *Уйғурарик* (Нам. в. Поп т. Уйғурсой қ.), *Эшонарик* (Нам. в. Янгиқўрғон т. Навкент қ.), *Сулаймонбулоқ* (Нам. в. Чортоқ т. Гулдилов қ.), *Чустсой* (Нам. в. Чуст т. Чуст ш.), *Резаксой* (Нам. в. Поп т. Резак қ.) каби. Бундай гидронимлар қаратқичли сўз бирикмаларининг соддалашуви маҳсулидир. Бу типдаги қўшма таркибли гидронимлар лисоний такомилда номга асос бўлган қаратқичли бирикма таркибидаги синтактик шакл ясовчи: қаратқич келишиги ва эгалик аффикслари тушиб қолади: *Овчининг булоғи* > *Овчибулоқ* (Нам. в. Уйчи т.), *Работнинг сойи* > *Работсой* (Нам. в. Уйчи т.) каби. Шунингдек, бундай типдаги гидронимларга асос бўлган қаратқичли бирикманинг тобе қисми (қаратқич) таркибидаги сон категорияси аффиксининг қаратқич келишиги, эгалик аффикси каби, тушиб қолиши ҳам кузатилади: *Уйғурларнинг ариғи* > *Уйғурарик* (Нам. в. Поп т.), *Найманларнинг сойи* > *Наймансой* (Нам. в. Поп т.) каби.

Композиция усулида қаратқичлик бирикмалардан ясалган қўшма таркибли гидронимлар қисмлари морфологик жиҳатдан *атоқли от + турдош от* моделида бўлади: *Жабборсой* (Нам. в. Поп т.), *Гарашасой* (Жиззах в. Фориш т. Гараша қ.), *Гулдарасой* (Қашқа. в. Қамаш т. Гулдара қ.), *Ургутсой* (Сам. в. Ургут қ.), *Чимёнсой* (Тош. в. Бўстонлиқ т.), *Шоҳимардонсой* (Фар. в.), *Шерободдарё* (Сурхон. в. Шеробод ш.) каби.

Композиция усулида гидроним ясашда турдош отлардан - гидронимик аниқлагичлардан кўп фойдаланилади. *Дарё, сой, канал, ариқ, булоқ* каби гидронимик аниқлагичлар бу усулда ясалган қўшма таркибли гидронимларнинг иккинчи компоненти сифатида қўлланади ва ўзи номлашда қатнашаётган сув объектининг турининг ифодалайди. Қуйидаги гидронимлар бу фикримизнинг ёрқин далилидир: *Тўдаҳовуз* (Нам. в. Поп т. Тўда



қ.), *Хулвазорсой* (Нам. в. Чуст т. Саримсоқтепа қ.), *Фовасой* (Нам. в. Чуст т. Фова қ.), *Сумсарсой* (Нам. в. Чуст т.), *Қуруқсой* (Чуст т.), *Каттазакан* (Нам. в. Мингбулоқ т.), *Ҳакимбулоқ* (Нам. в. Гуддиров қ.), *Қўрғонариқ* (Нам. в. Чортоқ т.), *Фалчаариқ* (Нам. в. Нам. т.), *Қўғайариқ* (Нам. в. Учқўрғон т.) каби.

3. Конверсия усули билан гидроним ясалиши. Топонимлар, жумладан, гидронимларнинг ясалишида тилдаги оддий сўз ясалишидан фарқли бир усул мавжуд. Бу усул илмий адабиётларда ономастик конверсия деб изоҳланади. Мазкур термин биринчи марта А.В.Суперанская томонидан таклиф этилган.<sup>1</sup> Айрим адабиётларда конверсия термини ўрнида трансонимизация,<sup>2</sup> транспозиция<sup>3</sup> терминлари қўлланган.

Конверсия усули моҳиятан сўз яшанинг лексик-семантик усулига тўғри келади. Номшуносликка оид сўнгги илмий манбаларда лексик-семантик усул ономастик конверсия деб юритилмоқда.

Конверсия термини лингвистик терминлар лугатида куйидагича изоҳланади: «Конверсия (лот. *conversio*-айланиш, ўзгариш). Бирор туркум лексемасини бошқа туркумга хос форма яшаш парадигмасига ўтказиш йўли билан янги сўз ҳосил қилиш».<sup>4</sup> Конверсия айрим илмий тадқиқотларда сўзларнинг туркумдан туркумга ўтиши деб талқин этилади. Конверсия термини билан ифодаланган тушунча тилшуносликда *сўз ясалишининг морфологик-синтактик усули* (В.В.Виноградов), *транспозиция* (Ш.Балли, Ҳ.Неъматов, О.Ким), *имплицт сўз яшаш* (В.Флейнер), *транслация* (Л.Теньер), *нуль морфемали деривация* (Г.Морчанд), *нохусусий (несобственная) деривация* (Н.А.Арутюнова), *трансформация* (В.Г.Мигрин) терминлари билан турли хил номланади.<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Суперанская А.В. Структура имени собственного. Фонология и морфология. – Москва: Наука, 1969. – С 92-93.

<sup>2</sup> Каринг Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. – Москва: Наука, 1978. – С.152.

<sup>3</sup> Каринг Ким О.М. Транспозиция на уровне частей речи и явления омонимия в современном русском языке – Ташкент: Фан, 1976. – С 3-69.

<sup>4</sup> Дожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли лугати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – Б.45.

<sup>5</sup> Бу ҳақда қараг. Туранбеков Т.Х. Узбек тилида ёрдамчи сўзлар конверсияси: Филол. фанлари номзоди дис. афтореф. – Тошкент, 1996. – Б.11

Тилда сўзларнинг бир туркумдан бошқа туркумга ўтиши тўхтовсиз бўлади, чунки сўз туркумларининг ўзи қатъий чегара билан ажралиб турувчи ҳодиса эмас, тилнинг доимий ҳаракати натижасида сўзлар бир лексик-грамматик категориядан бошқа лексик-грамматик категория томон силжиб, уларнинг вазифасини бажаришга мойиллаша боради.<sup>1</sup> Тил тараққиёти деривация, трансформация, транспозиция, конверсия сингари ҳодисалар орқали юзага чиқади. Ш.Балл транспозиция термини остида лингвистик белгини бир категориядан иккинчисига кўчиришни тушунади ва тилнинг воқеаланиш жараёнида унинг катта роль ўйнашини таъкидлайди. Унинг кўрсатишича, чегараланган лингвистик белгилар транспозиция орқали нутқнинг чексиз талабларини қондира олади, категорияларо алмашиниш орқали ифодаловчи бойийди ва турли мазмуний оттенкага эга бўлади.<sup>2</sup> О.М.Ким кўрсатишича, конверсия, бу кенг маънода бир категорияга хос ишора размнинг бошқа категорияга ўтишидир.<sup>3</sup>

Кўп илмий манбаларда конверсия ва транспозиция айнан бир ҳодиса деб қаралади. Жумладан, Е.С.Кубрякова конверсияни транспозициянинг бир тури деб қарайди. Унинг фикрича, сўз ясаиш хусусиятидаги морфологик транспозиция конверсия ҳисобланади.

Тилдаги ана шу оддий конверсиядан ономастик конверсияни фарқлаш лозим. Ономастик конверсия усулига кўра апеллятив ҳеч қандай грамматик ўзгаришсиз атоқли отга айланади. А.В.Суперанская изоҳлашича, ономастик конверсия тилдаги мавжуд лексемаларнинг ҳеч қандай ўзгаришсиз ёки сезиларсиз ҳолдаги ўзгаришлар билан атоқли от вазифасига кўчишидир.<sup>4</sup> Т.А.Ганиев фикрича, конверсия бирор луғавий асосни сўз ҳосил қилишнинг бошқа парадигмасига ўтказиб янги сўз ясашидир.<sup>5</sup> Илмий манбаларда ономастик конверсиянинг бир

<sup>1</sup> Каранг. Грамматика русского языка –Москва, 1953.-С.20.

<sup>2</sup> Ким О.М. Кўрсатилган асар, 4-5-бетлар.

<sup>3</sup> Кубрякова Е. Деривация, транспозиция, конверсия // ВЯ, 1974 -№5.-С.64

<sup>4</sup> Каранг. Суперанская А.В. Ўша асар, 93-б.

<sup>5</sup> Ганиев Т.А. Конверсия в татарском языке.-Казань, 1985.-С.6.

тури сифатида топонимик конверсия ҳам қайд этилади. Топонимик конверсия топонимизациялашув деб ҳам юритилади.<sup>1</sup> Топонимик конверсия масаласи рус тилшунослигида анчайин чуқур ўрганилган.<sup>2</sup> Демак, ономастик конверсиянинг қандай номлар доирасида юзага келишига кўра топонимик конверсия, гидронимик конверсия каби турларга ажратиш мумкин. Ясалганликнинг белгилашнинг умумий қондаси ономастик конверсияда, жумладан, гидронимик конверсияда ҳам сақланади. Бунда ҳам сўз ясалишидаги сингари яшашга асос бўлган унсур (ясовчи) ва ясалиш натижасида ҳосил бўлган бирлик (ясалма) муносабати мавжуддир.<sup>3</sup> Масалан, *қалмоқ* (уруғ номи-этноним)-ясовчи>*Қалмоқ* (ариқ-Нам. в. Косонсой т.)-ясалма; *хатиб* (ижтимоий-сиёсий термин)-ясовчи>*Хатиб* (ариқ-Нам. в. Тўрақўрғон т. Бураматут қ.)-ясалма.

Худди шунингдек, *Хоним* (канал - Нав. в. Кармана т.), *Қизилча* (сой - Қашқа. в. Дехқонобод т.), *Авлиё* (булоқ - Жиз. в.), *Вахим* (ариқ - Нам. в. Нам. т.), *Боғиш* (Нам. в. Чортоқ т. Арбағиш), *Ингичка* (ариқ - Нам. в. Нам. т. Неъматжон қ.), *Хала* (ариқ - Нам. в. Нам. т.) каби гидронимларда ясовчи ва ясалма муносабати мавжуд. Далиллардан кўринадики, ҳар қандай гидронимик ясалма иккиламчидир. Шу боис ономастик конверсияда биринчи ва иккинчи унсуларни ажратиш мумкин. Бирламчи унсур-ясовчи, иккинчи унсур-ясалма. Ономастик конверсиянинг бир тури - гидронимик конверсия усули билан гидроним ясалганда ясовчи-бирламчи унсурунинг ўзи тузилишига кўра ясама ва туб бўлиши мумкин. Ясовчи асоснинг морфемик таркибига кўра гидронимик конверсия усули асосида ясалган гидронимларнинг икки турини ажратиш мумкин:

1. Туб асосдан ясалган гидронимлар: *тутак* (наrsa-буюм номи) - *Тутак* (жилға - Нам. в. Чуст т. Фова қ.), *чўмич* (наrsa) - *Чўмич* (ариқ - Нам. в. Тўрақўрғон т. Холматов қ.) каби.

<sup>1</sup> Қаринг. Дўсимов Э. Хоразм топонимлари. Тошкент: Фан, 1985.-Б.41.

<sup>2</sup> Қаринг. Несина Г.Н. Метафора и метонимия в топонимических названиях. -Научные труды.-Курск, 1977.-175 - С 108-110

<sup>3</sup> Хожиев А. Ўша лугат, 115-бет

Жумладан, *Шийпон* (Нам. в. Учқўрғон т.), *Ингичка* (канал - Нам. в. Учқўрғон т. Қайқи қ.), *Камар* (закан - Нам. в. Мингбулоқ т. Олтинкўл т.), *Мискин* (ариқ - Нам. в. Нам. т.), *Дам* (ариқ - Нам. в. Учқўрғон т.), *Чашма* (Сам. в. Омонқўрғон қ.) каби гидронимлар ҳам шу турга мансубдир.

2. Ясама асосдан ясалган гидронимлар. Бу турга мансуб гидронимларни ўз ичида икки турга яна ажратиш мумкин:

а) ясама содда таркибли сўзлардан ясалган гидронимлар: *«Гулзор»* (ариқ-Нам. в. Неъматжон қ.), *Шалдирама* (Нам. в. Чуст т. Олмос қ.), *Оқтерақ* (ариқ - Нам. в. Чортоқ т. Пешқўрғон қ.), *Оқсув* (Нам. в. Чортоқ т. Пешқўрғон қ.), *Бирлик* (закан - Нам. в. Чуст т.), *Дўмса* (закан - Нам. в. Мингбулоқ т. Гуртепа қ.), *Қазноқ* (кўл - Нам. в. Поп т. Қазноқ қ.) каби;

б) қўшма таркибли сўзлардан ясалган гидронимлар: *Эгартоши* (жилға - Нам. в. Чуст т. Ғова қ.), *Новсия* (жилғалар - Нам. в. Чуст т. Ғова қ.), *Чоргумбаз* (ариқ - Нам. в. Косонсой т.) каби.

3. Дўсимов таъкидлаб кўрсатганидек, ономастик конверсия усулида топоним, гидроним ясалганда, лексема ўз вазифасини, синтактик қуршовини ўзгартириш билан бирга ўз парадигмасини ҳам ўзгартиради. Топонимларнинг, жумладан, гидронимларнинг ясалганлигини белгилашда ушбу жиҳатларни эътиборга олиш, айти пайтда уларнинг морфологик тузилишини белгилашда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Топонимия, жумладан, гидронимиядаги конверсия усулидаги ясалиш билан аффиксация усулидаги ясалишни аралаштириш кўп ҳолларда топонимларнинг мотивларини нотўғри талқин қилишга олиб келади. Бу ҳолатни туркологиядаги, жумладан, ўзбек тилшунослигидаги топонимлар тадқиқига оид ишларда ҳам кузатиш мумкин.<sup>1</sup> Чунончи, Қорақалпоғистон топонимларини текширган Қ. Абдимуратов -*ли // -ль* қўшимчаси орқали ясалган топонимлар сифатида *Ашмайли, Балғали, Казаяқлы, Чўмичли* кабиларни,

<sup>1</sup> Карені. Дўсимов 3. Ушбу асар. 42-бет

Туркменистон топонимларини ўрганган С.Атаниязов эса *-чи, -ли* кўшимчаси орқали ясалган номлар қаторида *Арабачи, Авчи, Йиланли, Саятли* топонимларини келтиради. З.Дўсимов тўғри таъкидлаганидек, мазкур топонимларда *болға, чўмич, казаяк, араба, йилан* сўзлари мотивловчи эмас, балки топонимларнинг мотивлари *болғали, казаяқли, чўмичли, йилонли* этнонимларидир.<sup>1</sup> Демак, мазкур топонимлар ономастик конверсия маҳсулидир.

Ономастик конверсия, жумладан, гидронимик конверсия усулида номлар ясалганда тилдаги маълум бир сўзларгина иштирок этиши кузатилади. Бундай луғавий бирликлар сирасига кўпроқ топонимлар, антропонимлар, этнонимлар, гидронимик аниқлагичлар, ўсимлик, дарахт номлари киради. Ўзбек тили гидронимиясида конверсия усулида ясалган гидронимларнинг ясалиш асосига кўра қуйидаги турлари кузатилади:

1. Топонимлар асосида ясалган гидронимлар: *Олахамак* (ариқ-Нам. в. Нам. т. Олахамак қ.), *Бураматут* (ариқ-Нам. в. Тўрақўрғон т. Бураматут қ.), *Варзик* (ариқ-Нам. в. Учқўрғон т.), *Гулдиоров* (ариқ-Нам. в. Нам. т. Гулдиоров қ.), *Ҳадикент* (канал-Нам. в. Янгиқўрғон т.) каби.

2. *Антропонимлар* (кишиларнинг исми, фамилияси, ота исми, лақаби) асосида ясалган гидронимлар: *Неъматжон* (ариқ-Нам. в. Нам. т.), *Маллахон* (ариқ-Нам. в. Уйчи т. Қизилравот қ.), *Тошбой* (ариқ-Нам. в. Учқўрғон т. Бахт қ.), *Кал Ҳасан* (ариқ-Нам. в. Нам. т.), *Ниёзшалғам* (Нам. в. Нам. т.), *Розенбах* (ариқ-Нам. в. Тўрақўрғон т. Шаханд қ.) каби.

3. *Этнонимлар* (миллат, уруф, қабила номлари) асосида ясалган гидронимлар: *Хитой* (ариқ-Нам. в. Учқўрғон т. Қайқи қ.), *Элатан, Яшиқ* (ариқ-Нам. в. Учқўрғон т. Яшиқ қ.), *Боғиш* (ариқ-Нам. в. Чортоқ т.), *Баймоқ* (ариқ-Нам. в. Чуст т.) каби.

4. *Гидронимик аниқлагичлар* асосида ясалган гидронимлар: *Дамба* (ариқ-Нам. в. Учқўрғон т. Янгиер қ.), *Закан* (ариқ-Нам. в.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Дўсимов З. Ўша асар. 43-бет.

Учқўрғон т. Қўғай қ.), *Анҳор* (Тош. в. Тош. ш.), *Чашма* (Сам. в. Омонқўтон қ.) каби.

Ономастик конверсия, жумладан, гидронимик конверсия объектнинг номланиш мотивацияси, яъни уни номлашда қандай белги-хусусиятларни, нарса ва воқеа-ҳодисаларни асос қилиб олиниши билан боғлиқ ҳолда шаклланади.

Гидронимик конверсияни қандай манба доирасида юзага келишига кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Ташқи гидронимик конверсия.
2. Ички гидронимик конверсия.

Ташқи гидронимик конверсияда ономастик сатҳга мансуб бўлмаган луғавий birlikлар, яъни апеллатив сўзлардан гидроним ясалади: *Ингичка*, *Дам*, *Шийпон* // *Шипон* (ариқлар-Нам. в. Учқўрғон т.), *Жийда* (ариқ-Нам. в. Чортоқ т. Айқирон қ.), *Донур* (булоқ-Нам. в. Чуст т. Варзик қ.), *Хўжан* (ариқ-Нам. в. Чортоқ т. Қорабоғ қ.), *Ингиз* (ариқ-Нам. в. Чортоқ т. Короскон қ.) каби.

Ички гидронимик конверсияда тил луғат таркибининг ономастик сатҳи birlikларидан, яъни атоқли отлардан сув объекти номлари ясалади. Бунда антропоним, этноним, фитоним, зоонимлар ҳамда топонимнинг бошқа турлари: ойконим, ороним, некроним ва бошқа атоқли номлардан гидронимлар ясалади. Демак, бунда бир атоқли отдан бошқа яна бир атоқли от ясалади. Ўзбек тили гидронимиясида конверсиянинг бу тури асосида ясалган сув объекти номлари анчагина.

Ономастик конверсиянинг худди шу тури, атоқли отдан атоқли от ясалиши, ономастик терминологияга оид луғатларда трансонимизация деб кўрсатилади. Трансонимизация «Номнинг бир турдан бошқа тур номга ўтиши» деб изоҳланади ҳамда шаҳар номининг фамилияга (*Самара* > *Самара*), астронимнинг киши номига (*Венера* > *Венера*) ўтиши мисол қилиб келтирилади. Шунингдек, трансонимизациянинг турлари сифатида трансантропонимизация, транстопонимизация турлари ҳам келтирилган. Трансантропонимизация - антропонимларнинг бир турдан

иккинчи турга, яъни исмнинг фамилияга, фамилиянинг ота исмига ўтиши, транстопонимизация эса топонимларнинг бир турдан иккинчи бирга ўтиши деб изоҳланади.<sup>1</sup>

Таҳлиллардан кўринадики, айнан бир тил ҳодисасига нисбатан икки хил термин қўланади. Бизнингча, турдош отлардан ҳеч қандай ўзгаришсиз атоқли отлар: топонимлар, гидронимлар, ойконимлар, антропонимлар, зоонимлар, фитоонимлар ясалишига нисбатан ономастик конверсия, ономастик сатҳ доирасидаги бундай ясалишларга, яъни антропонимдан топоним, ойконимдан гидроним ясалишига нисбатан трансонимизация терминини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Ўзбек ономастикасида айнан трансонимизация асосида юзага келган номлар жуда кўп. Улар антропонимика, топонимика доирасида қисман ўрганилган бўлса-да, монографик планда тадқиқ этилмаган, рус тилшунослигида ойконимиядаги трансонимизация юзасидан номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган.<sup>2</sup> Келгусида ўзбек тили ономастик сатҳи, жумладан, топонимик сатҳида трансонимизация масаласини монографик планда ўрганиш ўзбек номшунослигидаги долзарб вазифалардан биридир.

Ўзбек топонимиясида транстопонимизация асосида топонимларнинг турларидан сув объекти номлари ясалгани каби гидронимлардан бошқа жой номлари ясалиши ҳам кузатилади. Шу ўринда биз бу масалани ҳам алоҳида ёритишни лозим топдик.

<sup>1</sup> Караш. Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии.-Москва. Наука, 1978.-С.152-153.

<sup>2</sup> Горбаневский М.В. Лексико-семантический и словообразовательный анализ русской ойконимии // (Междуречья Оки, Москвы, Нары): Автореф. дис. канд. филол. наук. – Москва, 1980. – 19 с.

## 4.2. ТРАНСГИДРОНИМИЗАЦИЯ

Тилнинг топонимик тизими доирасида ономастик конверсия (ном кўчиш)нинг ўзига хос тамойили шаклланган. Бунга кўра топонимик тизимдаги мавжуд бир жой номи иккинчи жой номига айланади: сув объекти номи-*ГИДРОНИМ* қишлоқ ёки шаҳар номига - *ОЙКОНИМГА*, аксинча, шаҳар, қишлоқ номи сув объекти номи (гидроним)га ўтиши каби. Ном кўчиши, номлардан номларнинг туғилиш жараёни лисоний ва нолисоний омиллар маҳсулидир. Гидротопонимларнинг юзага келишида ҳам бу ҳол яққол сезилади.

Гидронимлар асосида юзага келган топонимлар гидротопонимлар (<грек. hydro - «сув» + topos - «жой» + олуға - ном) дейилади. Кўплаб тиллар топонимик тизимида гидротопонимлар салмоқли ўрин тутати. Шу боис рус ва туркий номшуносликда гидротопонимлар таҳлилига бағишланган айрим кичик тадқиқотлар ҳам кузатилади,<sup>1</sup> бироқ гидротопонимлар масаласи ҳозирга қадар рус тилшунослигида ва туркологияда, жумладан, ўзбек тилшунослигида алоҳида, кенг тадқиқ этилмаган.

Одатда гидротопонимларнинг юзага келишининг бир қатор лисоний ва нолисоний сабаблари бор:

1. Номланаётган жойда дастлаб пайдо бўлган ёки бунёд этилган сув объекти номининг кейинчалик ўша ерда шаклланган, бунёд этилган бошқа объектлар номига ўтиши.

2. Жойларни номлашда шу ҳудуднинг табиий жиҳатдан характерловчи сув объекти номининг мотив қилиб олинганлиги.

Гидротопонимларнинг шаклланишининг яна бир жиҳати шундаки, бунда янги ном - топоним истеъмолда бўлган бошқа ном асосида яратилади. Бу албатта, янги ном яратишдан кўра

---

Майраев М.У. О гидротопонимических терминах и изменении топонимии Калмыкии // Этногр. сб. - Элиста, 1976 - №1 - С 148-152; Кадыраджиев К.С. К этимологии некоторых кумыкских топонимов // Ономастика Кавказа - Орджоникидзе. 1980 - С 122-125; Егорова А.С. О происхождении топонима Толкай в Куйбышевской области // Ономастика Поволжья - Саранск. 1976 - С.241-243.



осон ва енгилроқ. Демак, гидротопонимлар номлар асосида яратилган номлардир.

Ўзбекистон топонимиясида гидротопонимлар салмоқли ўрин тутди. Биз диалектологик экспедициялар, мустақил изланишлар жараёнида биргина Фарғона водийси бўйича 100 дан зиёд гидротопонимларни тўплдик. Ўзбек тили гидротопонимларини қандай жой номи эканлигига кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- 1) гидрохоронимлар;
- 2) гидроастионимлар;
- 3) гидроурбонимлар;
- 4) гидрокомонимлар;
- 5) гидроэклазионимлар;
- 6) гидронекронимлар ва бошқалар.

Гидрохоронимлар. Хороним (<грек. *choros* - чегара) - топонимларнинг алоҳида бир гуруҳи. Хоронимларга барча маъмурий-ҳудудий бирликлар - давлат, республика, ўлка, вилоят, туман, массив, даҳа, боғ, парк, хиёбонларнинг атоқли отлари киради.<sup>1</sup> Демак, гидрохороним - сув объектлари номи билан аталган маъмурий-ҳудудий бирликларнинг атоқли номи.

Илмий манбалардаги таснифларга асосланган гидрохоронимларни ўз ичида қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- 1) маъмурий гидрохоронимлар;
- 2) шаҳарга хос гидрохоронимлар.

Маъмурий гидрохоронимларга сув объекти номи билан аталган давлат, республика, ўлка, вилоят, туман номлари киради.

Ўзбек тилида маъмурий гидрохоронимларнинг қуйидаги турлари кузатилади:

- а) вилоят номлари: *Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё* каби;
- б) туман номлари: *Улуғнор* (Анд. в.), *Норин, Косонсой* (Нам. в.) каби. Шунингдек республикамизда *Арнасой* (Жиз. в.), *Учқудуқ* (Нав. в.), *Булунғур, Нарпай, Оқдарё* (Сам. в.), *Сирдарё,*

---

<sup>1</sup> Подольская И.В. Словарь русской ономастической терминологии.-Москва: Наука. 1978 -С 160

*Сайхунобод* (Сирдарё в.), *Янгиариқ* (Хоразм в.), *Амударё*, (Қорақал. Респуб.) каби гидронимлар асосида пайдо бўлган хоронимлар ҳам бор. Мазкур гидрохоронимлар туркумига мансуб вилоят номлари дарё номларидан, туман номлари эса дарё, ариқ, сой номларидан ясалган.

Шаҳар ҳудудига оид гидрохоронимлар - сув объектларига нисбат бериб номланган шаҳар ҳудуди қисмларининг, жумладан, боғ, парк, квартал, даҳа номлари. Шаҳарга оид гидрохоронимлар урбанонимларнинг бир туридир. Масалан, *Сардоба даҳаси* (Нам. ш.), *Фишткўприк*, *Тахтакўприк* (майдон номлари - Нам. ш.) каби.

Гидроастионимлар. Астионимлар (грек. *astyaios*-шаҳарга оид)-шаҳарларнинг атоқли номлари, ойконимларнинг бир тури. Гидроастионимлар-сув объекти номи билан аталган шаҳар номларидир. Масалан, *Косонсой* (Нам. в.), *Қорасув* (Анд. в.), *Маржонбулоқ* (Жиз. в.), *Зарафшон* (Нав. в.), *Булунғур*, *Пайариқ* (Сам. в.), *Сирдарё* (Сир. в.), *Чирчиқ* (Тош. в.) каби.

Гидроурбанонимлар. Урбаноним (лотинча *urbanus*-шаҳарга хос + *опота* - атоқли от) - топонимларнинг бир тури, шаҳар ичидаги майдон, кўча, маҳалла, бозор ва бошқа объект номи. Демак, гидроурбаноним сув объекти номларига нисбат бериш асосида номланган шаҳардаги майдон, куча, маҳалла, бозор ва бошқа объектларнинг атоқли номлари.

Ўзбек тили топонимиясида бир қанча гидроурбанонимлар мавжуд. Уларни қандай объект номи эканлигига кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1) кўча номлари: *Ойдинкўл*, *Қозонбулоқ*, *Булоқсой*, *Фирвонсой*, *Янгиариқ*, *Зирабулоқ*, *Намангансой*, *Шаршара* // *Шалдирама* (Нам. ш.), *Оқсой* (Тош. ш.) каби.

2) маҳалла номлари: *Сардоба* (Нам. ш.), *Тахтакўприк* (Нам. ш.), *Шаршара* (Нам. ш.), *Қизилкўприк* (Нам. ш.), *Фишткўприк* (Нам. ш.) каби;

3) бозор номлари: *Сардоба* (Нам. ш.) каби.

Гидрокомонимлар. Комоним (грек. *комо* - қишлоқ + *опота* - атоқли от) - ойконимларининг бир тури, ҳар қандай қишлоқ,

овул, шаҳарчаларнинг атоқли номи.<sup>1</sup> Демак, гидрокомонимлар сув объекти номлар билан аталган қишлоқ, овул, шаҳарча номларидир.

Ўзбекистондаги, жумладан, Фарғона водийсидаги айрим гидрокомонимлар ойконимлар доирасида С.Қораев, Н.Охунов, З.Дўсимов, Т.Нафасовларнинг ишларида таҳлил қилинган.

Ўзбек тили гидротопонимларининг салмоқли қисмини гидрокомонимлар ташкил этади. Масалан, биргина Фарғона водийси гидрокомонимлари 50 дан зиёд. *Қорасув, Булоқ, Каранкўл* (Нам. в. Косонсой т.), *Катта Тошбулоқ, Кичик Тошбулоқ, Оқбулоқ, Шербулоқ, Қоракўл, Қорасув* (Нам. в. Нам. т.), *Полвонкўл* (Нам. в. Норин т.), *Тикариқ, Жаборсой* (Нам. в. Поп т.), *Бекбулоқ, Сутбулоқ // Суттибулоқ* (Нам. в. Янгиқўрғон т.) каби.

Ўзбек тилидаги гидрокомонимларни қандай сув объекти номи асосида юзага келганлигига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

а) булоқ номларига нисбат берилган қишлоқ номлари: *Оқбулоқ, Шербулоқ* (Нам. в. Нам. т.), *Бекбулоқ, Сутбулоқ // Суттибулоқ* (Нам. в. Янгиқўрғон т.), *Обишир* (Сурхон. в. Шўрчи т.), *Обираҳмат* (Тош. в. Бўстонлиқ т.), *Музбулоқ* (Жиз. в. Ғаллаорол т.) каби;

б) ариқ номларига нисбат берилган қишлоқ номлари: *Шўрариқ* (Нам. в. Норин т.), *Тикариқ* (Нам. в. Поп т.), *Баландариқ, Шалдирама* (Нам. в. Уйчи т.), *Ораариқ* (Нам. в. Чортоқ т.), *Дуоба* (Нам. в. Чуст т.), *Қизариқ* (овул-Нам. в. Янгиқўрғон т.), *Жўйдаам* (Фар. в. Фар. т.) каби;

в) кўл номларига нисбат берилган қишлоқ номлари: *Дамкўл* (Нам. в. Мингбулоқ т.), *Қаранкўл* (Нам. в. Косонсой т.), *Балиқликкўл // Балиқкўл* (Нам. в. Чортоқ т.), *Аччиқкўл* (Фар. в. Ўзбекистон т.) каби;

<sup>1</sup> Қодиев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари -Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003 -240 б.; Охунов Н. Жой номлари таъбири -Тошкент: Ўзбекистон, 1994 -86 б.; Дўсимов З. Хоразм топонимлари. - Тошкент: Фан, 1985 -104 б.; Нафасов Т. Қишлоғингиз нега шундай аталди? -Тошкент: Фан, 1989 -100 б.

г) сой номларига нисбат берилган қишлоқ номлари: *Жабборсой* (Нам. в. Поп т.), *Резаксой* (Нам. в. Чуст т.), *Гумсой* (Жиз. в. Фаллаорол т.), *Уйғурсой* (Нам. в. Поп т.) каби;

д) дарё номига нисбат берилган қишлоқ номлари: *Норинкала* (Нам. в. Норин т.) каби.

е) дарё номига нисбат берилган шаҳарча номлари: *Қашқадарё* (Қашқа. в.), *Сайхун* (Сир. в.) каби.

**Гидроэкклезионимлар.** Экклезионим (<грек. *eklektikos*-йигилиш жойи, *черков+опома-ном*) - масжид, ибодатхона, зиёратгоҳ ва муқаддас жойларнинг атоқли номи. *Экклезионимлар* ҳам топонимларнинг бир тури.<sup>1</sup>

Сув объектларига нисбат бериб номланган масжид, ибодатхона ва бошқа муқаддас жойларнинг номлари гидроэкклезионимлар деб юритилади. Ўзбек тили гидронимиясида *Аллаариқ* (Нам. в. Уйчи т., Уйчи ш.), *Балиққўл масжиди* ва *Балиққўл зиёратгоҳи* (Чортоқ т. Балиққўл қ.), *Тошқовуз* (масжид - Нам. в. Учқўрғон т.), *Жўйнав* (масжид - Бух. в. Шофиркон т.) каби гидроэкклезионимлар мавжуд.

*Аллаариқ* асли Наманган вилоятининг Уйчи тумани Уйчи шаҳарчасидаги ариқ номи. Масжид ана шу ариқ бўйида жойлашганлиги нисбат бериб, *Аллаариқ масжиди* деб аталган.

Балиққўл асли Наманган вилоятининг Чортоқ тумани *Балиққўл* қишлоғидаги қўл номи. *Бандикушод*, *Оқтерак* ариқларига сув берувчи, булоқ сувларидан ҳосил бўлган, қўл балиқлар билан тўлалигига нисбат бериб *Балиққўл* деб аталган. Гидроним *Балиқликўл* шаклида ҳам қўлланади. Кейинчалик қишлоқ, қўл, атрофидаги зиёратгоҳ ҳам *Балиққўл* деб аталган.

**Гидронекронимлар.** Некроним (<грек. *Nekro* - «мерос», «қабристон» + *опома* - ном) - қабристон ва мазор номи. *Гидронекронимлар* - сув объектларига нисбат бериш асосида номланган, қабристон, мазор номларидир. Ўзбек номшунослигида некронимлар, жумладан, гидронекронимлар

<sup>1</sup> Подольская И.В. Кўрсатилган зугат. 235-б.

тўпланмаган ва айрим тадқиқотларни ҳисобга олмаганда деярли ўрганилмаган.<sup>1</sup>

Ўзбек тили топонимиясида гидронекронимлар ҳам мавжуд. Масалан, *Дамкўл* (Нам. в. Мингбулоқ т.), *Қизилбулоқ* (Нам. в. Уйчи т. Ёркатай қ.), *Тошбулоқ* (Нам. в. Чуст т. Шоён-Баймоқ қ.), *Қизилбулоқ* (Нам. в. Янгиқўрғон т.) каби.

### 4.3. ЎЗБЕК ТИЛИ ГИДРОНИМЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

Топонимларнинг, жумладан, гидронимларнинг тузилишига кўра турлари, топонимик, гидронимик модель типлари топонимик тадқиқотлар доирасида Т.А.Бегжанов, К.Абдимуратов, О.Т.Молчанова, Э.М.Мурзаев, О.Бозоров, Н.Охунов, З.Дўсимов, Т.Нафасов, А.Г.Каримоваларнинг ишларида тадқиқ этилган.<sup>2</sup> Мазкур тадқиқотларда топонимлар, жумладан, гидронимларнинг морфологик тузилишига кўра турлари талқини борасида бир неча хил қарашлар кузатилади.

Туркий тилларга оид топонимларнинг грамматик хусусиятлари, хусусан, тузилишига кўра тил ва турлари биринчи марта Г.Е.Карнилов, Г.И.Донидзелар томонидан ўрганилган. Г.Е.Карнилов агглютинатив тилларга, жумладан, туркий тилларга хос топонимларнинг таркиби ва тузилишига кўра қуйидаги уч типга бўлади:

<sup>1</sup> Асқонов А. Шофиркон некронимлари // *Ўзбек тили ва адабиёти*. 1999 - №4 - Б 63-65

<sup>2</sup> Карягд Бегжанов Т.А., Абдимуратов К. Структура карякалпакских топонимов // С.Т., 1971 - №6 - С 85-88  
Медведева О.Т. О компоненте «сай», «лей» в географических наименованиях // Проблемы теории и метод. яз.-Ярославль. 1976. - С 100-108. -Элемент «тэй» в топонимии Средней Азии и смежных территорий // Ономастика Средней Азии.-Москва. 1978 - С 81-85. Мурзаев Э.М. Аппеллятивы в топонимах Средней Азии // Ономастика Средней Азии - Фрунзе: Илим. 1980.-С 198-211. Бозоров О., Охунов Н. Сложные ойконимы Ферганской области // Ономастика Узбекистана - Ташкент: Укитувчи. 1987.-С 20-21; Охунов Н. Қўқон гурулпа районлари топонимиясининг бэъти грамматик хусусиятлари // *Ўзбек тили ва адабиёти масалалари* - Ташкент Фан, 1971 -С 118-122.; Қўшма топонимлар // *Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари* - Тошкент, 1975 - С. 212-218. Дўсимов З. Хорват топонимлари - Тошкент Фан. 1985.-Б. 43-59. Нафасов Т. Сон+от конструкцияли топонимлар // Карши Давлат педагогика институти профессор-уқитувчилари илмий конференциясининг тезислари - Карши. 1967.-С.65-66; Каримова Г.Г. Топонимларнинг морфологик тузилиши (Шимолий ўзбек шевалари материали воссиди) // *Ўзбек тили ва адабиёти*. 1969 - №5 - С. 80-81.

- 1) фақат географик терминлардан иборат топонимлар;
- 2) атрибутив синтагмадан иборат топонимлар;
- 3) эллипс номлар.<sup>1</sup>

Г.И.Донидзе барча туркий топонимларни тузилишига кўра бир сўзли ва кўп сўзли топонимларга ажратади: бир сўзли номларни эса аффиксли ва аффиксиз номлар каби гуруҳларга бўлади.<sup>2</sup>

Т.Нафасов Қашқадарё топонимлари тадқиқига бағишланган номзодлик диссертациясида жой номларини содда ва мураккаб топонимларга бўлади.<sup>3</sup> Кейинчалик олим топонимларни грамматик тузилишига кўра уч типга бўлади:

- 1) географик терминлардан иборат топонимлар;
- 2) бир компоненти белги билдирувчи сўзлардан, бошқа компоненти географик терминлардан иборат топонимлар;
- 3) барча компонентлари географик терминлардан иборат топонимлар.<sup>4</sup>

Т.Нафасовнинг бу таснифи ҳақида С.Қораев фикр юритиб: «Т.Нафасов таснифининг биринчи бандини биргина географик терминдан «эмас», «биргина сўздан иборат топонимлар» деб ўзгартирилса тўғри бўларди, чунки бундай топонимлар киши исмидан, лақабидан, ўсимлик, ҳайвон номидан иборат бўлиши ҳам мумкин», -деб кўрсатади.<sup>5</sup>

А.А.Камолов морфологик тузилишига кўра гидронимларнинг уч типини кўрсатади ва ўз навбатида уларнинг ҳар бирини бир неча гуруҳга ажратади:

1. Географик терминдан ташкил топган гидронимлар: *Изел (дарё), Каран* (дарёнинг музламайдиган жойи), *Айир* (дарё тармоғи, дарё) ва бошқалар.

<sup>1</sup> Керимов Г.Е. О типах топонимов в агглютинативных языках // Вопросы языкознания, 1967 -С. 121-128.

<sup>2</sup> Донидзе Г.И. О грамматической характеристике тюркских топонимов - Ономастика Поволжья -Горький, 1971.-С.122-126.

<sup>3</sup> Нафасов Т. Топонимы Кашкадарьинской области: Автореф дис . канд.филол.наук. (АН Уз ССР, Инст. яз. и лит.) -Ташкент, 1968.-С.9.

<sup>4</sup> Нафасов Т. Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолингвистик анализ. -Тошкент: ТДПИ нашр., 1985 -Б.19

<sup>5</sup> Қораев С. Ўзбек ойконимларида сўз яслиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 1995 -№ 5-6 -Б.41

2. Атрибутив бирикма тарзидаги гидронимлар. Бундай гидронимларнинг аниқданмиш қисми географик термин, аниқловчи қисми сифат, от, сон, феъл ва бошқа сўз туржумлари билан ифодаланиши кўрсатилган.

3. Эллиптик гидронимлар - объектни кўрсатувчи терминга тўғри келмайдиган номлар: *Ақтау йылгалы-Оқтов дарёси* каби.

А.А.Камолов эллиптик гидронимларнинг морфологик таркибига кўра содда ва қўшма номларга бўлади.<sup>1</sup> Кўринадики, у топонимларнинг тузилишига кўра таснифлашда Г.Е.Карнилов аниқталарига мувофиқ иш тутати.

Р.З.Шакуров географик номларнинг морфологик таркибига кўра икки турга:

1) содда (бир сўздан ташкил топган) ва 2) мураккаб (икки ёки ундан ортиқ сўздан ташкил топган) номларга бўлади.<sup>2</sup>

Қорақалпоғистон ва Жанубий Қирғизистон топонимларининг тузилишини ўрганган К.Абдимуратов, К.Конкобаевлар географик номларни содда ва қўшма топонимлар каби икки гуруҳга ажратадилар.<sup>3</sup> Б.Х.Мусукаев эса бу таснифга учинчи гуруҳ - таркибли (составли) номларни киритади.<sup>4</sup>

З.Дўсимов топонимларнинг тузилишига кўра таснифини структурал-типологик тасниф, деб атайди ва бу жиҳатдан топонимларни қуйидагича гуруҳлайди:

1. Аффиксиз топонимлар ва туб номлар: *Қалъа Алан, Бўз, Жам, Адақ* каби.

2. Аффиксал топонимлар ёки ясама номлар: *Туячи, Кўсалар, Тошлоқ, Тангзор*.

3. Префиксал топонимлар: *Пойариқ, Беватан, Сардаҳа*.

<sup>1</sup> Камолов А.А. Данные гидронимии к проблеме этногенеза башкир // Археология и этнография Башкирии - Уфа, 1971. -Т.4. -С. 287-290

<sup>2</sup> Шакуров Р.З. Структура башкирских топонимов (на материале географических названий бассейна р. Демы) - Неолит вопр.левс и грам. творск. язмы -Москва, 1973 -С.57-70

<sup>3</sup> Карни Г. Абдимуратов К., Бегжанов Т.А. Структура каравалпакских топонимов // СТ, 1971, №6 -С.85-88, Абдимуратов К. Топонимика Каракалпакии. Автореф. дис. канд. филол. наук -Фрунзе, 1966 -С. 7. Конкобаев К. Структура киргизских географических названий // Ономастика Средней Азии. Вып.2 -Фрунзе: Илим, 1980 -С.246-261.; Топонимы Южной Киргизии -Фрунзе: Илим, 1980 -172 с

<sup>4</sup> Карни Г. Мусукаев Б.Х. Топонимы Бансанского и Чегемского ущелий Кабардино-Балкарской АССР (Лингвистический анализ): Автореф. дис. ... канд. филол. наук -Алма-Ата, 1980. - 29 с.

4. Индикаторли топонимлар ёки топоним-комползитлар. Муаллиф изоҳича, бундай номлар ўзига объект ёки унинг бирор хусусиятини кўрсатувчи топонимик индикаторлар (аниқлагичлар)ни бирлаштирган ҳолда келади: *Бекобод*, *Узункўл*, *Ўрта Чирчиқ* каби. Унингча, бу гуруҳга тожикча изофали номларни ҳам киритиш мумкин: *Шаҳрисабз*, *Денов*, *(Деҳинав)*, *Китоб (Кифти об)* каби.

5. Бирикмали топонимлар.

3.Дўсимов кўрсатишича, бундай номлар бутун туркий тилларга хос бўлиб, объект ҳақида бирор ҳодисани ёки унинг хусусиятини ифодалайди: *Қўйқирилган қалъа*, *Одам ўлган кўл*, *Қизкетган (канал)* ва ҳ.к.<sup>1</sup>

Мазкур таснифда гуруҳларнинг номланишида грамматик анъаналарга мувофиқлик бузилган, «Индикаторли топонимлар» гуруҳида топоформат ва индикатор аралаштириб юборилган, гуруҳларга берилган изоҳга кўра, «Бирикмали топонимлар» гуруҳига кириши лозим бўлган *Ўрта Чирчиқ* топоними индикаторли топонимлар гуруҳига киритилган. Бизнингча, префикс ҳам аффикслигига кўра 2-, 3-гуруҳларни бирлаштириб «Аффиксли топонимлар» деб номланса, мақсадга мувофиқ бўларди. Шунингдек, *Пойариқ* топонимидаги *пой* префикс эмас. Тожикча изофали номларни ҳам бирикмали топонимлар сирасига киритилса тўғрироқ бўларди.

3.Дўсимов, бошқа бир ўринда, Хоразм топонимларини морфологик структурасига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратади:

1. Аpellятив номлар. 2. Формантли номлар. 3. Индикаторли номлар.<sup>2</sup>

Бу тасниф аввалгисидан анча мукамалроқ.

Х.Холмўминов Бойсун микротопонимияси асосида топонимларни тузилишига кўра уч турга ажратади:

1) содда номлар; 2) қўшма топонимлар; 3) мураккаб номлар.

<sup>1</sup> Дўсимов 3. Топонимлар таснифи масаласига доир // *Ўзбек тили ва адабиети*. 1978 -№1. -Б 19-20  
<sup>2</sup> Дўсимов 3. Хоразм топонимлари. - Тошкент: Фан, 1985. -Б 37-53.



Х.Холмўминов, аввалги тадқиқотлардан фарқли тарзда, қўшма топонимларга композиция усули билан ясалган қўшма ҳамда жуфт номлар киришини кўрсатади ва мисол сифатида *Дортош, Фотимабулоқ, Кулқамиш, Бибиширин, Калламосор, Арабқишлоқ, Арабтепа, Кўктепа, Узункудуқ, Шўроб, Навбоғ, Қизилҳовуз* номларини келтиради, бироқ бу номлар ичида жуфт номлар йўқ. Ўзбекистон топонимиясида жуфт таркибли номлар жуда кам кузатилади.

Тадқиқотчи мураккаб номлар терминини ҳозирги тилда содда кўринишга эга бўлса ҳам, келиб чиқишига кўра қўшма компонентли ва маъноси қоронғилашган номлар, деб изоҳлайди. Далил сифатида Бойсун топонимиясига оид *Кангни, Паданг, Тангмуш, Гургил, Чагсул, Чагат, Саримас, Етмон, Кофрун, Хўжадияк* номларини келтиради.<sup>1</sup>

Бизнингча, Х.Холмўминов содда номлар, қўшма топонимлар, мураккаб номлар терминлари ўрнида содда таркибли топонимлар, қўшма таркибли топонимлар, мураккаб таркибли топонимлар терминларини қўллаши мақсадга мувофиқ бўларди.

Н.Бегалиев эса содда гидронимларни «туб ва ясама сўзлар (аффикслар ёрдамида ҳосил бўлган сўзлар) дан ҳосил бўлган гидронимлар» деб таърифлайди-да, содда гидронимларнинг қуйидаги икки турга бўлинишини кўрсатади:

- 1) содда маҳсулсиз (ёки туб) гидронимлар;
- 2) содда маҳсулдор ёки аффиксал гидронимлар.<sup>2</sup>

Бизнингча, бу ўринда содда гидронимларга тўғри таъриф берилгани ҳолда, гидронимларни маҳсулсиз ёки маҳсулдор турларга ажратилиши асоссизроқ, одатда сўз ясовчи аффиксларгина маҳсулдор (унумли-Н.У.) ва маҳсулсиз (унумсиз-Н.У.) аффиксларга ажратилади. Гидронимлар маҳсулсиз ва маҳсулдор бўлмайди.

<sup>1</sup> Қаранг. Холмўминов Х. Бойсун район микротопонимикаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1989-№6 -Б 60-61

<sup>2</sup> Бегалиев Н. Ушв диссертация, 62-64-бетлар

Юқори а келтирилган, топонимларнинг морфологик тузилишига оид таснифлар таҳлиладан кўринадики, бу таснифлар ёндашув асосининг ва тасниф натижасида юзага келган гуруҳларнинг турличалиги билан характерланади. Қисқаси, тасниф хусусиятини, асосини белгилашда ҳам, топонимларни гуруҳлашда ҳам умумийлик йўқ.

Бизнингча, ўзбек топонимикасидаги топонимларнинг морфологик тузилишига доир таснифларнинг ёндашув асоси ва характерига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Ясаиш усули ва моделига асосланган таснифлар.

2. Ясовчи воситаларга ва таркибий тузилишига асосланган таснифлар.

3. Таркиби ва таркибидаги луғавий birlikларга асосланган таснифлар.

Топонимлар, жумладан, гидронимлар - тил бирлиги. Шундай экан, топонимларнинг тузилишига кўра таснифи ҳам сўзларнинг тузилишига кўра таснифидан фарқланмаслиги лозим.

Топонимнинг тузилиши деганда унинг морфологик таркиби тушунилади. Топонимнинг морфологик тузилиши - номнинг морфемалардан: луғавий асос ва ясовчи аффикс; луғавий асос ва топонимик аниқлагич ёки луғавий асос ва топоформантдан иборат таркиби.<sup>1</sup> Шундай экан, топонимларнинг тузилишига кўра таснифида унинг таркибидаги морфемаларга, яъни луғавий асос, ясовчи аффикс, топоформант ва топонимик аниқлагичларни асосга олиш лозим. Юқоридаги таснифларга ижодий ёндашган ҳолда, ўзбек тили гидронимларнинг таркибий тузилишига кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Содда таркибли гидронимлар.

2. Қўшма таркибли гидронимлар.

3. Мураккаб таркибли гидронимлар.

Таркиби биргина луғавий асосдан иборат сув объекти номи содда таркибли гидронимдир. Масалан, ариқ номлари: *Дамба* (Нам. в. Учқўрғон т.), *Дўмор* (Нам. в. Норин т.), *Ингичка* (Нам. в.

---

1. Бегмаев Э., Улуков Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг ислоҳи дугати. - Наманган, 2006 - Б 82-83

Учқўрғон т.), *Каппон* (Нам. в. Нам. т.), *Чўмич* (Нам. в. Тўрақўрғон т.), *Мискин* (Нам. в. Чуст т.), *Фрат* (Нам. в. Чуст т.), дарё номлари: *Сўх* (Фар. в.), *Норин* (Нам. в.) каби.

Содда таркибли гидронимлар аффиксация ва конверсия усулида ясалади.

Бу типдаги гидронимларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) содда туб гидронимлар;
- 2) содда ясама гидронимлар.

Содда туб гидронимлар асосан апеллятивларнинг ономастик конверсия усули асосида гидронимга кўчишдан ҳосил бўлади. Содда туб гидронимларнинг луғавий асоси маъновий ва морфологик жиҳатдан турлича.

Ўзбек тили содда туб таркибли гидронимларини морфологик жиҳатдан қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1) от асосли содда туб гидронимлар: *Хоним* (Нав. в. Кармана т.), *«Орзу»* (Нам. в. Янги. I.), *Қўрғон* (Нам. в. Чуст т.), *Баймоқ* (Нам. в. Чуст т.), *Элатон* (Нам. в. Учқўрғон т.), *«Умид»* (Нам. в. Янгиқўрғон т.), *Камар* (Нам. в. Мингбулоқ т.), *Дўмса* (Нам. в. Мингбулоқ т., Гуртепа қ.), *Дўлана* (Нам. в. Чуст т.), *Дехқон*, *Жўрабой* (Анд. в.-каналлар);

2) сифат асосли содда туб гидронимлар: *Нишоб* (Нам. в. Учқўрғон т.), *Ўрта* (Нам. в. Чуст т.), *Миёна* (Нам. в. Чуст т.), *Ингичка* (Нам. в. Учқўрғон т.), *Ясси* (Анд. в.) каби;

3) феъл асосли содда туб гидронимлар: *Қайнар* (Нам. в. Янгиқўрғон т.) каби.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, ўзбек тилидаги содда туб гидронимларнинг асосий қисмини морфологик жиҳатдан от асосли номлар ташкил этади, феъл асосли содда туб гидронимлар эса жуда кам.

Содда ясама гидронимлар. Ўзбек тили гидронимиясида содда таркибли ясама номлар ҳам учрайди. Уларнинг таркиби луғавий асос ва ясовчи аффиксдан иборат бўлади. Масалан, *Қайирма* (Нам. в. Чортоқ т., Бештол қ.-арик), *Қайтарма* (Нам. в. Чуст т., Фова қ.-арик), *Ёйилма* (Жиз. в. Жиз. ш. - сой) каби.

Содда ясама гидронимлар аффиксация усули билан турли сўз туркумларига мансуб сўзлардан ясалади, бироқ ўзбек тили гидронимиясида уларнинг миқдори камроқ. Тадқиқотимизнинг аввалги қисмларида келтирилганидек, ўзбек тили гидронимиясида асосан *-ма*, *-лоқ*, *-ли*, *-лиқ*, *-ак* аффикслари воситада ясалаган содда ясама гидронимлар кузатилади.

Қўшма таркибли гидронимлар. Таркиби бирдан ортиқ луғавий асосдан иборат сув объекти номи қўшма гидронимлардир. Қўшма таркибли гидронимлар, композиция усули билан ясалади.

Қўшма таркибли гидронимларнинг ясалишида *кўл*, *сой*, *ариқ*, *дарё*, *булоқ*, *жўй*, *қудуқ*, *арна*, *ёп* каби апеллятив гидронимик аниқлагичлар фаол қўлланади. Улар қўшма, шунингдек, мураккаб топонимларнинг маъно томонини аниқловчи қисмлардир. Бу, айниқса, қуйидаги гидронимларда яққол кўринади: *Чортоқсой*, *Косонсой*, *Кучаласой*, *Дамариқ*, *Қўтирбулоқ* (Нам. в.) каби.

Ўзбек тили гидронимик тизимида қўшма таркибли гидронимлар миқдоран кўп. Масалан, биз Наманган вилояти ҳудудидан тўплаган 1000 дан зиёд гидронимларининг 500 дан кўпроғи қўшма гидронимлардир. Бу гидронимлар яшашда, яратишда аниқлик ва мантиқийликка интилиш маҳсулидир. Қўшма таркибли гидронимларнинг морфологик таркибида иккинчи компонент сифатида асосан гидронимик аниқлагичлар қўлланади. *Тошариқ*, *Чортоқсой*, *Косонсой*, *Сўталбулоқ*, *Иссиқзакан*, *Қорадарё* каби.

Ўзбек тили қўшма таркибли гидронимларининг морфологик асоси ва шаклланиш моделига кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

I. от + от:

1) антропоним + гидронимик аниқлагич: *Жабборсой* (Нам. в. Поп т.), *Усмонариқ* (Нам. в. Чуст т. Олмос қ.), *Алихонсой* (Нам. в. Чортоқ т.), *Мусулмонқул ариғи* (Анд. в. Сиза, *Чинобод* қ.) каби;

2) топоним + гидронимик аниқлагич: *Наманганс ой* (Нам. в. Нам. ш.), *Чортоқсой* (Нам. в. Чортоқ т.), *Косонсой* (Нам. в. Косонсой т.), *Навкентсой* (Нам. в. Янгикўрғон т.), *Фовасой* (Нам. в. Чуст т.), *Олмоссой* (Нам. в. Чуст т. Олмос қ.), *Ахчасой* (Нам. в. Чуст т.), *Бекободсой* (Нам. в. Янгикўрғон т.), *Чустсой* (Нам. в. Чуст т.), *Шаҳрихонсой* (Нам. в., Анди. в.), *Исфара дарёси* (Фар. в.), *Лағон канали* (Фар. в. Бешариқ т.) каби;

3) этноним + гидронимик аниқлагич: *Ўзбекирик* (Нам. в. Учкўрғон т. Қайқи қ.), *Қозоқарик* (Нам. в. Норин т., Пахта қ.), *Қалмоқарик* (Нам. в. Косонсой т.), *Хитойсой* (Нам. в. Косонсой т.), *Наймансой* (Фар. в. Данғара т.), *Уйшинёп*, *Қорақалпоқёп* (Қорақал. Рес. Амударё т.), *Қипчоқарна*, *Манғитарна* (Қорақал. Рес. Амударё т.) каби.

II. Сифат + от (сифат-гидронимик аниқлагич): *Эгрнарик* (Нам. в. Косонсой т., У.Юсупов қ.), *Ингичкаарик* (Нам. в. Нори т., Пахтақишлоқ қ.), *Яйдоқарик* (Нам. в. Норин т., У.Юсупов қ.), *Совуқбулоқ* (Нам. в. Чуст т., Ахча қ.), *Жилжирбулоқ* (Нам. в. Чуст т.), *Пастарик* (Нам. в. Чуст т. Ахча қ.), *Балаңдарик* (Нам. в. Уйчи т.), *Гумбазарик* (Нам. в. Уйчи т., Ёркатай қ.), *Илонли ҳовуз* (Нам. в. Поп т., Кечит қ.), *Ойдинбулоқ* (Нам. в. Чуст т., Каркидон қ.), *Саодатли булоқ* (Нам. в. Чуст т., Фова қ.), *Сассиқбулоқ* (Нам. в. Уйчи т.), *Мойлисой* (Анд. в.), *Илонликўл* (Тош. в. Бекобод т., Янгихаёт қ.), *Ингичкасой* (Сам. в. Нуробод т.), *Каттасой* (Сам. в. Қўшрабат т.), *Новалисой* (Тош. в. Бўстонлиқ т.) каби.

III. Сон + от: *Мингбулоқ* (Нам. в. Янгикўрғон т.), *Сежўя* (Нам. в. Чуст т., Варзик қ.), *Ўнбулоқ* (Нам. в. Косонсой т., Узунқишлоқ қ.) каби.

IV. Равиш+от: *Камарик* (Нам. в. Чуст. Т., Ахча қ.); от + равиш + от: *Сувозарик* (Нам. в. Чуст. т., Ахча қ.) каби.

Шунингдек, қўшма таркибли гидронимлар сирасига изофали бирикмадан ясалган номлар ҳам киради.

Изофа термини арабча бўлиб, «қўшиш ва боғлаш» деган лугавий маъноларни англатади. Аниқданмиш билан аниқловчи,

қаралмиш ва қаратқич муносабатларини ифодаловчи тушунча изофа деб аталади.<sup>1</sup>

Изофа кўшиш, кўпайтириш демакдир. Ҳозирги тожик тилида, умуман, эрон гуруҳи тилларида ҳам сўзларнинг аниқловчили алоқага киришуви изофа таркиби (таркиби изофа) деб аталади. Шунингдек, изофа таркибини ташкил қилган қисмларнинг ўзаро боғланишини таъминловчи *-и*, *-йи* кўрсаткичлари ҳам изофа дейилади.<sup>2</sup>

Тожик адабий тилида сўзларнинг атрибутив-адъектив боғланиши изофали тузилмани юзага келтиради. Ҳозирги ўзбек адабий тилида, жонли сўзлашувда ва турли шева, лаҳжаларда, ўзбек бадиий адабиётида изофали бирикмалар кўп учрайди. Масалан, *моҳи чехра, тахти равон, рўйи жаҳон, онайн зор, таржимаи ҳол, гултожихўроз, суҳбати чор* каби.

Форс - тожик тили таъсирида юзага келган мазкур синтактик ҳодиса ҳозирги ўзбек адабий тилининг оддий лексик сатҳидагина эмас, ономастик сатҳида ҳам кузатилади. Форсий изофа асосида яратилган номлар ўзбек тили гидронимиясида ҳам учрайди. Масалан, *Жўйитик, Чашмаи донур, Чашмаи арабҳо, Жўйиносиё, Жўйитуркон* (Нам. в.) каби. Ўзбекистон Республикаси топонимиясида онд *Жўйилангар* (Сир. в. Янгиер т.-қишлоқ), *Жўйбор* (Бух. ш.-мавзе), *Жўйи кўрчи* (Сам. в. Каттақўрғон т.-қишлоқ), *Обишир* (Сурхон. в. Шўрчи т.), *Лабируд* (Бухоро в.), *Рўйибозор* (Бухоро в. Когон т.) каби топонимлар ҳам форсий изофа асосида яратилган.

Мураккаб таркибли гидронимлар. Ўзбек тили гидронимларининг бир қисмини мураккаб таркибли гидронимлар ташкил этади. Н.Бегалиев бундай гидронимларни *составли* (таркибли) гидронимлар деб атайди. У бундай номларнинг асосий қисмини икки компонентли номлар, баъзида уч ва ундан ортиқ компонентли номлар ташкил этишини кўрсатади.

<sup>1</sup> Ҳ. Ҳ. Жуманиев Р. *Осиё уzbek тили*. -Тошкент: Укитувчи, 1989-Б 129; Ўзбекистон миллий тили тарихи. Тошкент 2002. 4-ж. -Б 100  
<sup>2</sup> *Ўзбек тили грамматикаси*. Тошкент. Фан. 1976. II-т. -Б 39.

Предикатив муносабатдан ясалган бундай номларнинг биринчи компоненти ҳаракат субъектини, иккинчи компоненти ҳаракатнинг ўзини билдиради. Топонимикада бундай турдаги номлар ифодаланиш материалига кўра феъл гидронимлар деб юритилади.<sup>1</sup>

Н.Бегалиевнинг бу таснифига ва изоҳига тўла қўшилиб бўлмайди. Аввало, мазкур гуруҳни «Составли (таркибли) гидронимлар» деб номланиши мулоҳаза талаб. Состав (таркиб) термини кўпроқ морфемаларга, асос морфемаларга нисбатан қўлланади. Муаллиф изоҳланганидек, асосан икки компонентли сув объекти номлари составли гидронимлар сирасига кирар экан, қўшма гидронимларнинг деярли барчаси икки компонентдан таркиб топганлигига кўра составли гидронимлар гуруҳига кириши лозим. Кўринадики, у қўллаган қўшма гидронимлар ва составли гидронимлар терминларида ўзаро изчиллик, термин остидаги изоҳларни эътиборга олмаганда фарқланиш йўқ. Шунингдек, составли гидронимлар сирасига киритиладиган гидронимларнинг доираси кенгроқ.

Яна бир мулоҳаза: Н.Бегалиев келтирганидек, топонимикада бундай сув объекти номларини феъл гидронимлар деб аталишига ҳам қўшилиб бўлмайди.

Феъл туркумидан ясалган жой номлари, сув объекти номлари феъл топоним, феъл гидроним ҳисобланади.<sup>2</sup> Мураккаб таркибли гидронимлар фақат феъл туркумига мансуб сўздан ясалмаган, улар гап ёки бирикма шаклида бўлади. Шундай экан, уларни феъл гидронимлар деб аталиши ҳам мантиқан тўғри эмас.

Бизнингча, мураккаб таркибли топонимлар содда ва қўшма типдаги топонимлардан фарқ қилиб, бирикмага, айрим ҳолларда гапга тенг бўлади.

Сўз бирикмаси ва гап шаклидаги сув объекти номлари мураккаб таркибли гидронимлар ҳисобланади. Масалан,

<sup>1</sup> Бегалиев Э. Ушш диссертация. 73-б

<sup>2</sup> Бегалиев Э. Улуков Н. Ушш дугат. 82-бет

*Бозоруст* кўприги (Нам. в. Учқўрғон ш.), *Бозорбоши* кўприги (Нам. в. Чортоқ ш.), «*Навбахор*» насос станцияси (Нам. в. Косонсой т., Қўқимбой қ.), «*Туркистон*» насос станцияси (Нам. в. Нам. т.), *Шимолий Фарғона канали* (Нам. в.), *Аму-Бухоро машина канали* (Бухоро в.), *Аму-Занг канали* (Сурхон в.), *Жанубий Сурхон сув омбори* (Сурхон в.) каби.

Ўзбек тили мураккаб таркибли гидронимларини шаклий тузилишига кўра ўз ичида қуйидаги типларга ажратиш мумкин:

1. **Бирикма шаклидаги гидронимлар:** *Жонкўзи ариғи* (Нам. в. Уйчи т.), *Катта Ўлмас ариғи* (Нам. в. Норин т.), *Кўлқармоқ ариғи* (Нам. в. Янгиқўрғон т.), *Навкентсой селхонаси* (Нам. в. Янгиқўрғон т.), *Эски Зарбоб коллектори* (Нам. в. Уйчи т.), *Катта Фарғона канали* (Нам. в., Фар. в., Анд. в.), *Тошотарбува булоғи* (Нам. в. Чуст т.), *Юқори маҳалла булоғи* (Нам. в. Чуст т. Гова қ.) каби.

Ўзбекистон гидронимиясида ҳам бирикма шаклидаги гидронимлар салмоқли ўрин тутди. Масалан, *Сангардак шаршараси* (Сур. в.), *Султон Санжар сув омбори* (Хор. в.), *Сувёрган кўли* (Қорақал. Рес. Тўрткўл т.), *Сартқўрғон тўғони* (Фар. в.), *Тахиатош гидроузели* (Қорақал. Рес.), *Тўпаланг сув омбори* (Сур. в. Узун т.), *Чордара сув омбори* (Жиз. в.), *Чимқўрғон сув омбори* (Қашқа. в.) каби.

Ўзбек тилида бирикма шаклидаги мураккаб таркибли гидронимлар аниқловчи-аниқланмиш характерига эга бўлиб, морфологик жиҳатдан қуйидаги таркибий тузилишига эга:

а) атоқли от (антропоним, топоним) + турдош от (гидронимик аниқлагич): *Тўдамайиз булоғи* (Нам. в. Чортоқ т. Гулдиров қ.), *Ражаббува булоғи* (Нам. в. Чуст т. Машхад қ.), *Қоратой жилғаси* (Нам. в. Янгиқўрғон т. Навкент қ.), *Бештол селхонаси* (Нам. в. Чортоқ т. Бештол қ.), *Тўриқ селхонаси* (Нам. в. Чортоқ т. Тўриқ қ.), *Эскиер сув омбори* (Нам. в. Янгиқўрғон т.), *Қайроққум сув омбори* (Фар. в.), *Мусулмонқул ариғи* (Анд. в.) каби;



б) атоқли от + атоқли от + турдош от (гидронимик аниқлагич): *Қорабоғ - Мучум коллатори* (Нам. в. Чортоқ т.), *Ҳисорак-Шўркент зовури* (Нам. в. Чуст т.), *Сўх-Исфара коллатори* (Фар. в.) каби.

Бундай гидронимларда сув объектнинг ўрнини: бошланиши, тугаши ва йўналишини ифодаловчи атоқли отлар жуфт ҳолда қўлланади.

в) сифат + атоқли от + турдош от (гидронимик аниқлагич): *Жанубий Фарғона канали* (Фар. в.), *Шимолий Фарғона канали* (Нам. в.), *Катта Наманган канали* (Нам. в. Нам. ш.), *Катта Фарғона канали* (Нам. в., Анд. в., Фар. в.), *Катта Андижон канали* (Анд. в.) каби.

Бу типдаги гидронимлар кўпроқ йирик сув объектларини ифодалайди. Уларнинг таркибида асосан *жанубий, шимолий, ғарбий, шарқий, катта, эски* каби сифатлар қўлланади ва сув объектнинг ўрнини, оқим йўналишини, ҳажмини ифодалайди. Масалан, *Жанубий Сурхон сув омбори* (Сурхон. в.), *Чап қирғоқ Қорасув канали* (Тош. в.), *Жанубий Мирзачўл коллатори* (Сир. в., Жиз. в.) каби.

2. Гап шаклидаги мураккаб таркибли гидронимлар: *Қирғизўлди* (Нам. в. Янгиқўрғон т.), *Тангитопди* (Нам. в. Чортоқ т. Тўриқ қ.), *Мурўлди* (Нам. в. Поп т.), *Борсакемас* (Қорақал. Рес.-ярим орол) каби.

Гидронимларнинг қисқартма шакллари. Гидронимияда гидронимларнинг қисқартма шаклларда қўлланиши ҳам кузатилади. Одатда қисқартма қўшма сўзлар (аббревиатуралар) аббревация усули билан ҳосил қилинади, бироқ аббревация сўз ясалиши эмас. Ҳозирги ўзбек адабий тилига рус тилидан 1920 йилларда қабул қилинган аббревация усули апеллятив сатҳдагина эмас, ономастик сатҳда ҳам кузатилади. Масалан, *БАМ – Байкал-Амур магистрали, АҚШ - Америка қўшма штатлари, НамДУ - Наманган давлат университети, БМТ - Бирлашган Миллатлар Ташкилоти* каби.

Қисқартма шаклидаги ўзбек тили гидронимлари асосан харфий қисқартмалар шаклида учрайди: *ШФК-Шимолий Фарғона канали, КНҚ-Катта Наманган канали, КАК-Катта Андижон канали, КФК-Катта Фарғона канали, ММЗ-Марказий Мирзачўл зовури, ЖФК-Жанубий Фарғона канали* каби. Қисқартма шаклидаги ўзбек тили гидронимлари мураккаб таркибли сув объекти номларининг рус тилидаги СФК, БНҚ, БАК, БФК каби муқобилларига тақлидан яратилган. 1990 йилга қадар юқорида келтирилган сув объектлари оқим йўналишларида, уларга қурилган кўприкларда гидронимларнинг ана шу русча қисқартма шакллари осиқ турарди. 1989 йил 21 октябрида ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши натижасида мазкур гидронимларнинг қисқартма шакллари ҳам ўзбекчалаштирилди.

Далиллардан кўринадики, ўзбек тили гидронимиясида қисқартмалар асосан йирик сув объекти номларига, аниқроғи, канал, коллектор номларига хос бўлиб, уларнинг миқдори жуда оз. Чунончи, С.Қораевнинг Ўзбекистон сув иншоотларига доир имло луғатида 13 та гидронимнинг қисқартма шакли берилган,<sup>1</sup> Фарғона водийси гидронимияси да эса 5 та гидронимнинг, яъни канал номларининг қисқартма шакли кузатилади.<sup>2</sup>

Ўзбек тили гидронимларининг қисқартма шакллари ўзи ифодалаётган сув объектини кўрсатувчи белги сифатида йўлларда, туман сув хўжалиги хариталарида, маъмурий хариталарда, яъни асосан расмий муомалада қўлланади. Уларнинг миқдоран камлигини шу билан изоҳлаш мумкин.

Гидронимларнинг қисқартма шаклларида уларнинг қисқарган шакларини ва айрим сув объектларига хос шартли қисқартмаларни фарқлаш лозим. Ўзбек тилидаги йирик сув объектларининг номлари тарихий манбаларда ва бадий асарларда қисқарган шаклда қўлланиши ҳам кузатилади: *Сир-Сирдарё, Чир-Чирчиқ, Сурхон-Сурхондарё, Аму-Амударё* каби.

<sup>1</sup> Қораев С. Ўзбекистон Республикаси гидротехника иншоотлари номлари давлат тилида кирилл ва латин ёзувларида. ТХКЙНҚ 13-051-02.-Тошкент: Ўлгеодезадастр, 2001.-Б 15

<sup>2</sup> Қараев С. Улуков И. Наманган вилоятидаги сув объекти номларининг имло луғати. Наманган, 2008.-Б 48

Бадий нутқда гидронимларнинг бундай қисқарган шакллари услубий мақсадларда қўланади.

Авваллари, аниқроғи, 1989 йил 21 октябрига, ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилгунга, қадар айрим сув объектлари шартли қисқартмалар-маълум ҳарфлар ва рақамлар билан ҳам ифодаланган: *Р-1, Р-2, П-1, П-2, Л-1, Л-2* каби.

Вилоят, туман сув хўжалиги муассаси хариталарида, ҳужжатларида гидронимларни ифодаловчи бундай шартли қисқартмалар фаол қўлланган, сув объектини кесиб ўтувчи йўларда ҳам кузатилган ва айрим жойларда ҳатто маҳаллий нутқда атоқли отга айланиб кетган. Масалан, Наманган вилояти гидронимиясида *Р-1, М-1* шартли қисқартмаларида шундай ҳолат кузатилади.

Эрадин - Наманган вилояти Мингбулоқ туманининг Гуртепа қишлоғидаги канал номи. 1930-40-йилларда янги ўлаштирилаётган Задарё (ҳозирги Мингбулоқ) тумани ҳудудида янги бунёд этилган сув объектлари кўплигидан уларни *Л-1, Л-2, П-6* каби шартли равишда ҳарф ва рақамлар билан белгиланган. Жумладан, Гуртепа қишлоғидаги каналга *Р-1* белгиси қўйилган. Маҳаллий аҳоли уни «эр адин» деб ўқиган ва талаффуз қилган. Натижада шартли белги атоқли номга айланиб, канал «Эрадин» деб аталадиган бўлди. Ҳозирда қишлоқнинг айрим кишиларидан мазкур ном ҳақида сўрасангиз тўла маълумотга эга эмас.

1992 йилда жой номларини, жумладан, сувликларнинг номларини қайта кўриб чиқиш жараёнида каналга узоқ йиллар Мингбулоқ туманида мироб бўлиб ишлаган Қосимов Осимбой хотираси учун Осимбой номи берилди. Ҳозирда ҳам канал туман сув хўжалиги бошқармаси ҳужжатларида, расмий муомалада Осимбой канали деб юритилса-да, маҳаллий аҳоли уни *Эрадин* деб атайд.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Ўзбек тили гидронимларини тарихий-лисоний тадқиқ этиш жараёнида қуйидаги умумий хулосаларга келдик:

1. Бизни қуршаб турган объектив олам ўзаро узвий боғланган бир қанча микрооламларнинг муносабатидан ташкил топган бутунликдир. Бу бутунлик инсон онгида акс этади ва тил орқали ифодаланиб, оламнинг лисоний манзарасини ташкил этади.

2. Оламнинг лисоний манзарасида топонимлар алоҳида лексик-семантик гуруҳ сифатида ажралиб туради ва у ҳам, ўз навбатида, ички бўлинувчанлик хусусиятига эга бўлган система сифатида кичик гуруҳларга бўлинади. Бу эса лисоний манзаранинг ва тилнинг ички тузилишининг кўпбосқичли шажаравий тузилишидан дарак беради.

3. Топонимлар системасида гидронимлар ва гидротопонимлар унинг таркибий қисми сифатида алоҳида ажралиб туради.

4. Гидронимлар ўзбек халқининг узоқ, қадимий тарихи, ҳаётий тажрибаси, синчков кузатишлари, ижодий тафаккури маҳсулидир.

Гидронимлар қадимийлиги, турғунлиги, яшовчанлиги билан характерланади ҳамда ўзбек халқининг тили, тарихи, этник тақомили, урф-одатлари, анъаналари, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муносабатлари ҳамда Ўзбекистоннинг табиати, географияси, қадимий, замонавий гидротехникаси ва бошқалар ҳақида мукамал, ёрқин, қимматбаҳо, тарихий маълумот берувчи лисоний хазинадир. Шу боис ўзбек тилидаги гидронимларни илмий тадқиқ қилиш нафақат тилшунослик, балки табиатшунослик, тарих, этнография, археология, география, зоология каби фанлар учун ҳам қимматлидир.

5. Гидронимика - ономастиканинг илмий-назарий ва амалий соҳаси. Гидронимика илмий-назарий жиҳатдаги гидронимларнинг яратилиши билан боғлиқ лисоний ва нолисоний омилларни, халқона ва илмий анъаналарни, луғавий -

маъновий, морфемик, ясалиш ва морфологик ҳамда ҳудуднинг лаҳжавий хусусиятларини, имлосини, лисоний вариантларини; тилнинг апеллятив сатҳи билан гидронимик сатҳи, гидронимларнинг топонимларнинг бошқа турлари билан муносабатларини ўрганиши ҳамда амалий жиҳатдан гидронимларни тўплаш, тартибга солиш, гидронимларнинг имло, изоҳли, этимологик луғатларини яратиш билан шуғуланиши лозим.

6. Ўзбек тилида сув объектларини номлашда сув ва сув объектига хос табиий, географик, ўзбек халқига хос тарихий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий хусусиятлар ва бошқа омиллар мотивга олинган. Ўзбек тилида сув объекти ва иншоотлари топонимлар каби нисбийлик, негативлик ҳамда позитивлик тамойиллари асосида номланган бўлиб, бунда позитивлик тамойили фаол қўлланганлиги кузатилади. Бу сув объектларини номлашда кўпроқ сувга хос табиий, кимёвий ва сув объектига хос кенг маънодаги табиий-географик хусусиятлар мотив вазифасини бажарганлигини кўрсатади.

7. Ўзбек тили гидронимларининг лисоний шаклланишида гидронимик аниқлагичлар муҳим ўрин тутаяди. Гидронимик аниқлагичлар турли мустақил сўз туркумларига оид сўзларга қўшилиб, уларни сув объекти ва иншоотларининг атоқли номини ифодалашга хослайди, қўшма ва мураккаб таркибли гидронимларнинг вужудга келишига асос бўлади ҳамда сув объектининг турини ифодалайди.

Ўзбек тили гидронимик аниқлагичлари тарихий-этимологик жиҳатдан, асосан, умумтуркий, форс-тожикча, қисман, арабча ва русча луғавий қатламга мансубдир.

8. Ўзбек тили гидронимларининг этимологик тадқиқи ўзбек тили тарихини, шева ва лаҳжаларини, тарихий такомилени ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. *Сирдарё, Норин, Косонсой, Чирчиқ, Оқбура, Хонамак, Улуғнор* каби гидронимларнинг этимологик таҳлили ўзида суғд, мўғул, форс-тожик, туркий тил элементларини сақлаганлиги билан характерланади ҳамда ўзбек

тили гидронимлари фақат ўзбек тили негизида яратилмаганлигини, гидронимларни яратишда, ясашда тилнинг ўзидаги бирлик ҳамда воситалардан ташқари тилга ўзлашган бошқа хорижий тил бирликларидан ҳам лисоний материал сифатида фойдаланилганлигини кўрсатади.

9. Ўзбек тили гидронимлари хронологик жиҳатдан тарихий (*Сирдарё, Қашқадарё, Чирчиқ, Норин, Оқбура, Косонсой, Абдулаҳон банди каби*) ва замонавий (*«Орзу», «Умид», «Мустақиллик», «Баҳор», «Гулзор»* каби) гидронимларга бўлинади. Тарихий гидронимлар сирасига мансуб этногидронимлар ўзбек халқининг этногенезиси, этник таркиби ҳақида ёрқин тарихий-лисоний маълумот беради. Ўзбек тили гидронимиясидаги сак, кушон, қарлуқ, турк, найман, сарой, қўғай, баймоқ, бағиш, қиёт, яшиқ, тўда каби этник гуруҳлар билан боғлиқ номлар фикримизнинг ёрқин далилидир.

10. Гидронимлар ясалишида тилнинг апеллятив сатҳига хос луғавий бирликлар иштирок этади. Ўзбек тилида гидронимлар ясашда аффиксация, композиция ва конверсия усулларидан фойдаланилади. Гидроним ясашда аффиксация нофаол, композиция ва конверсия фаол усуллар ҳисобланади.

11. Ўзбек тили гидронимлари тузилишига кўра содда таркибли, қўшма таркибли ва мураккаб таркибли гидронимларга бўлинади, миқдоран қўшма таркибли гидронимлар салмоқли ўрин тутаяди. Бу ҳам гидронимлар ясалишида конверсия усулининг фаол қўлланиши маҳсули бўлиб, гидронимлар ясалишининг ўзига хос хусусиятидир.

12. Ўзбекистоннинг барча вилоятлари бўйича гидронимларни тўллаш, ареал, қиёсий, тарихий жиҳатдан монографик планда лисоний тадқиқ этиш, «Ўзбек тили гидронимлари картотекаси»ни тузиш, «Ўзбек тили гидронимларининг изоҳли луғати», «Ўзбек тили гидронимларининг имло луғати» каби луғатлар яратиш ўзбек гидронимикасининг келгусидаги долзарб ва муҳим вазифаларидир.

# МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
<b>1-боб. Гидронимлар ва уларнинг тадқиқи</b>	
1.1. Гидронимлар ва гидронимика тушунчалари ҳақида.....	5
1.2. Рус тилшунослиги ва туркологияда гидронимия тадқиқи.....	19
<b>2-боб. Ўзбек тили гидронимларининг луғавий–маъновий хусусиятлари</b>	
2.1. Гидронимларнинг номланиш тамойиллари ва луғавий–маъновий таснифига доир тадқиқотлар таҳлили.....	44
2.1.1. Гидронимларнинг номланиш тамойиллари ва уларда оппозиция....	44
2.1.2. Гидронимларнинг луғавий – маъновий таснифига доир.....	56
2.2. Фарғона водийси гидронимларининг луғавий-маъновий таснифи..	81
<b>3-боб. Ўзбек тили гидронимларининг хронологик таснифи ва этимологик таҳлили</b>	
3.1. Ўзбек тили гидронимларининг хронологик таснифи.....	97
3.2. Айрим микрогидроним ва макрогидронимларнинг этимологик таҳлили.....	107
<b>4-боб. Ўзбек тили гидронимларининг ясалиши ва таркибий тузилиши</b>	
4.1. Ўзбек тили гидронимларининг ясалиши.....	151
4.2. Трансгидронимизация .....	168
4.3. Ўзбек тили гидронимларининг таркибий тузилиши.....	173
Умумий хулосалар.....	188

## Шартли қисқартмалар

а. – араб тили	Анд. – Андижон
в. – вилояти	Бух. – Бухоро
т. – тумани	Жиз. – Жиззах
ш. – шаҳар	Нав. – Навоий
ф-т. – форс-тожик тили	Нам. – Наманган
қ. – қишлоқ	Сам. – Самарқанд
	Сир. – Сирдарё
	Сурхон. – Сурхондарё
	Тош. – Тошкент
	Фар. – Фарғона
	Хор. – Хоразм
	Қашқ. – Қашқадарё
	Қорақал. Респуб. – Қорақалпоғистон Республикаси

---

Муҳаррир:

М. Содиқова

Нашриёт рақами: з-133. 05.06.2008 йилда теришга берилди.  
Босишга 18.06.2008 йилда рухсат этилди. Қоғоз бичими 60x84.  
Офсет усули. Оқ қоғоз. Ҳажми 12 босма табоқ. Адади 600 нусха.  
Келишилган нарҳда. Буюртма № 1099.

ЎзРФА «Фан» нашриёти: 100170, Тошкент, И. Мўминов  
кўчаси, 9.

---

«Ибрат номли босмахона» ОАЖ (Наманган шаҳри, Навоий  
кўчаси, 36-уй)да чоп этилди.